R 440

Шарқ юлдузи

- NASR
- NAZM
- DRAMATURGIYA
- MUMTOZ ADABIYOT
- YOSHLAR DAFTARI
- JAHON ADABIYOTI
- ESTETIKA
- SAN`AT FALSAFASI
- ADABIYOTSHUNOSLIK
- SAN`ATSHUNOSLIK

2




Sharq yulduzi

ISSN 0131 – 1832

5 / 2018

Унутилмас лаҳзалар



Ўзбекистон халқ ёзувчиси,
Давлат мукофоти лауреати
Пиримқул ҚОДИРОВ
(1928 – 2010)

Муқова-3

Alisher Navoiy
nomidagi
O'zbekiston MK

Шарқ юлдузи

Адабий-бадиий, илмий, ижтимоий-сиёсий журнал

1931 йилдан чиқа бошлаган

Экз
№ 2

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ

Сирожиддин Саййид
Муҳаммад Али
Кенгесбой Каримов
Энахон Сиддикова
Иқбол Мирзо
Қаҳрамон Қуронбоев
Минҳожиддин Мирзо
Жумақул Қурбонов
Фармон Тошев
Ислом Ёқубов
Хайриддин Султонов
Маҳмуд Тоир
Меҳрибон Абдураҳмонова
Йўлдош Солижонов
Тоштемир Турдиев
Шуҳрат Маткаримов
Адҳамбек Алимбеков
Умарали Норматов
Жамолиддин Муслим

Бош муҳаррир — Сирожиддин Рауф
Бош муҳаррир ўринбосари — Азиз Саид
Назм бўлими мудири — Икром Отамурод
Наср бўлими мудири — Саид Анвар
Адабиётшунослик бўлими мудири — Ориф Ҳожи

5
2018

УШБУ СОНДА:

НАЗМ

Саъдулла ҲАКИМ



ҲАЁТ МАКТУБИНИ БИТЛАР ШИВИРЛАБ

Шеърлар

Бу кун юрагимда шодумон шукуҳ,
Сизни куйламоққа ўзни чоғлайман.
Порлоқ толеимда сиз борсиз, шукр,
Мавзу изламайман ўзга тоғлардан.

НАСР

Хуршид ДЎСТМУҲАММАД



ЁЛҒИЗ

Қисса

Қизиқ, Абдулла энг аянч аҳволга тушган ҳолатида ҳам ижодни, бошига ёғилган кўргиликни қай тарика қоғозда баён этиш эпини излар эди. Бундан гоҳ ажабланса, гоҳ уни ғоятда табиий ҳол деб ҳисоблар, манинг қисматим – халққа қарата очиқ сўз айтмоқ, мурод-мақсадим ҳам шул, дея ишга киришаверарди. Ўн кеча-кундуз ёлғиз қолдирилиши аввалига оғир ботди, жазонинг шу турини раво кўришибди-да, дея истеҳзоли кулиб қўйди.

ТАДҚИҚОТ

Ҳалим САИДОВ



ЯНГИ АДАБИЁТИМИЗГА ХАЙРЛИ ЁДГОРЛИК

Фикримизча, ўзбек ҳикоячилиги йўналишини белгилашда ҳам Маҳмудхўжа Беҳбудий илк машқи билан ёш адибларга намуна бўлгани, уларга мурожаат қилгани юқорида келтирилган иқтибосдаги ҳикоят изоҳи каби иккинчи планда қолиб кетганига тарих гувоҳлик бермоқда. Беҳбудийнинг мазкур ҳикояси “Оқ елпоғичли чинли хотун” деб номланади. Адиб унга “Тасодиф” деган кириш сўзи ва сўнгсўз ўрнида “Интиҳо” деб номланган изоҳ ёзган.

Минҳожиддин МИРЗО *НАЗМ*

ҚЎЁШ ЮРАГИМГА СОЧДИ ТАФТИНИ



Шеърлар

Кўнгил дафтаримни тинмай варақлаб,
Нечун ўз ҳолимга қўймайсан сира?
Қочонгача юргинг юрагим боғлаб,
Қайга яширинай сендан, хотира?

Элбек ШОЙИМ *НАСР*

ҚАРҒИШ



Ҳикоя

Қиш кунларининг бирида Ойбек иккаламиз Қоратепага йўл олдик. Ғира-шира қоронғи тушиши билан қарғалар галасининг кўпи дарахт шохларига, айримлари жарлик ичига келиб қўнди. Биз қўлимиздаги узун таёқлар билан қарғаларга яқинлашганимиз сари улар бир-бирининг пинжига беркинишга ҳаракат қилар эди, аммо учиб кетмасди.

Марҳабо ҚЎЧҚОРОВА *ИЖОДИЙ КЕНГАШЛАРДА*

ЯНГИ АДАБИЁТ НАЗАРИЯСИ ЗАРУР



Кузатишларимиз натижасида, ўзбек навоийшунослигини *"анъанавий навоийшунослик"* ва *"янги ўзбек навоийшунослиги"*га ажратиш мумкинлигини ҳис этдик. Навоий ҳаёти ва ижодига ёндашувда ўзбек адабиётшунослигининг янги авлоди шаклланди. Хусусан, янги навоийшунослар сифатида Сувон Мелиев, Узоқ Жўрақулов каби олимларнинг мақола ва монографияларини кўрсатиш мумкин.

Қул УБАЙДИЙ
(1486–1546)

...Ул париваш васлини қилғил хаёл

* * *

Гул сори қилмон назар зебо жамолинг борида,
Кўзга олмон сарвни нозик ниҳолинг борида.

Қилмади ҳусн аҳлиға ҳаргиз вафо ҳусну жамол,
Қил вафо, эй бевафо, ҳусну жамолинг борида.

Истамон ҳайвон суйин, босмон, доғи ичмон ани,
Дамбадам жон бергучи ширин зилолинг борида.

Ҳар сори қилса азимат, борғил ул дилдор ила,
Қолма зинҳор, эй кўнгул, андин мажолинг борида.

Эй Убайдий, ул париваш васлини қилғил хаёл,
Қилмағил ўзга хаёл ушбу хаёлинг борида.

* * *

Ўртанур ҳажр ўтиға жисми фигорим сенсиз,
Куядурмен, нетай, эй лола узорим сенсиз.

Равнақи боғу баҳорим эдинг, эй сарви сеҳи,
Топмади нашъу намо боғу баҳорим сенсиз.

Ҳар неча кўкдин ўтуб бузди малойик кўнглун,
Оҳу афғоним ила нолаи зорим сенсиз.

Туфроғим соврулубон чиқти қуюндек, эй сарв,
Сарсари ҳажр ила гардунға ғуборим сенсиз.

Сабр этиб қилмас эдим нола Убайдий ёнглиғ,
Йўқтурур, вах, нетайин сабру қарорим сенсиз?

* * *

Кўрар кўзимсан, эй жону жаҳоним,
Севар ёрим, азизам, меҳрибоним.

Тараҳҳум қилки, бўлди хоки роҳинг
Тани фарсуда, жисми нотавоним.

Кўнгул уйин бузар сели сиришким,
Ҳам ўтлуғ нолаю оҳу фиғоним.

Сенинг ишқингда Мажнун қиссасидек,
Эл ичра топди шуҳрат достоним.

Убайдийга топилмас олам ичра
Сенингдек мушфиқ, эй ороми жоним.

* * *

Шамъ эрур парвонанинг ҳолиға гирён ҳар кеча,
Йиғларам они сўруб мен ҳам фаровон ҳар кеча.

Аҳду паймонни танимас тонгға будур турфаким,
Жону кўнглум бирла айлар аҳду паймон ҳар кеча.

Кўргали ҳусн авжи узра моҳи тобоним анинг,
Уялиб юз ёшурур хуршеди тобон ҳар кеча.

Тортамен уммед ила ҳар кун фироқи дардини,
Васлидин қилғайму деб, дардимға дармон ҳар кеча.

Айларам бир гул ғамидин нотавон булбул каби,
Тинмайин ҳар лаҳза тонг отқунча афғон ҳар кеча.

Ҳолима раҳм айламай кўнглум қушин парвонадек,
Эй Убайдий, ўртар ул шамъи шабистон ҳар кеча.

* * *

Фурқат туни айёми висолингни тилармен,
Ҳижрон кечаси шамъи жамолингни тилармен.

Ҳайвон суйини Хизр кўзум қошида қўйса,
Найлай ани, кўзумга зулолингни тилармен.

Гар жону кўнгул қилса талаб холу хатингни,
Мен жоду кўзинг бирла ҳилолингни тилармен.

Тўби қадини кўрмака фирдавс аро кирсам,
Тўбидин ўтуб тоза ниҳолингни тилармен.

Зулфунгға Убайдий каби кўнглумни беribмен,
Жоним қушидек донаи холингни тилармен.

* * *

Эшитиб рақам кўйи садосин,
Тилармен ул чаман обу ҳавосин.

Балойи ҳажрида бўлдум гирифтор,
Халос этмас балодин мубталосин.

Ўзига ёр этиб бегоналарни,
Қилур бегона ўздин ошносин.

Ўзумдин кеттиму бордим, эшиттим,
Такаллум вақтида нозук адосин.

Убайдий мотами доғида куйди,
Ҳануз олмай дурур доғи қаросин.

* * *

Жон чекиб васлиға, эй жон, етгай эрдим кошки,
Бир нафас ширин сўзин эшитгай эрдим кошки.

Истабон еттинг висоли давлатиға, эй кўнгул,
Истай-истай они мен ҳам, кетгай эрдим кошки.

Новакинг пайкони кўнглумдин ўтмасдин бурун,
Шуълалиғ оҳим била эритгай эрдим кошки.

Монеъим ағёр эмиш, эй дўстлар, бор итлари;
Барчасин ўзума ёр этгай эрдим кошки.

Эй Убайдий, нотавон кўнглум қушининг сайдини,
Ёрнинг фитрокига беркитгай эрдим кошки.

* * *

Эй фалак, туштум айру жонимдин,
Кечалар моҳи меҳрибонимдин.

Дер эдим, солма(ғай) мени даврон
Ойириб умри жовидонимдин.

Етмадим бот висолиға охир,
Кечмайин жони нотавонимдин.

Мени бир дам ойирма, эй гардун,
Фитнаи охирул – замонимдин.

Эй Убайдий, не ранж кўрмаймен
Ойру ул шўхи дилистонимдин.

* * *

Неча ғам ўти билан кўйгай кўнгул ҳижрон аро,
Жон доғи ҳайрон бўлуб бу водийи хирмон аро.

Новаки мижгонидин кўнглум фигор ўлмай нетар,
Найласун бир норавоне юз туман пайкон аро.

Ҳусн боғи ичра йўқтур сен киби гулчеҳрае,
Булбули ошуфта ҳоле мен киби бўстон аро.

Суратин жонима қилдиму кўнгул лавҳида нақш,
Тушкали акси жамоли дийдайи гирён аро.

Эй Убайдий, шаҳсуворинг зулфи чавгони била,
Ҳар тараф чопса кўнгул гўйин урар майдон аро.

* * *

Даво фироқинга, жоно, висол эмиш, билдим,
Вале, восолинга етмак маҳол эмиш, билдим.

Малол жонға кўнгулдин, кўнгулга жондин ҳам,
Манга доғи бу иковдин малол эмиш, билдим.

Каманд зулфинг айлаб, кўнгулни сайд этган –
Кўзи қаро, ўзи турфа ғизол эмиш, билдим.

Вафо жафо(ға) эваз кўнглума қилиб дедиким,
Жафо шикастаға қилмоқ вубол эмиш, билдим.

Ҳамиша ишқ тариқин сўрунг Убайдийдин,
Ки, ишқ фаннида соҳибкамол эмиш, билдим.



Хуршид
ДЎСТМУҲАММАД

ЁЛҒИЗ

Қисса

Абдулла Қодирий таваллудининг
125 йиллигига бағишланади.

Абдулла Қодирий ҳаётидан йирикроқ асар ёзиш ниятим бор эди кўп йиллардан буён. Ниҳоят, ушбу қисса қоғозга тушди. Уни қиёмига етказишда қимматли маслаҳатларини аямаган, буюк адибимиз ҳаёти ва ижодининг билимдонлари – Умарали Норматов, Наим Каримов, Сирожиддин Аҳмад, Баҳодир Карим ва Хондамир Қодирийга миннатдорлигимни изҳор этаман.

Муаллиф

– Отқа қоққан тақадек, сувдан чиққан бақадек, бир мирилик чақадек – маъориф шўросига сало-о-ом!

Маҳсидўзлик кўчаси қиялик эмасми, кунчиқардан кунботар томон – тепадан пастга – бозор майдонига тушаётган илдамқадамлар орасида ҳам, кунботардан кунчиқар томон – пастдан тепага – бозор майдонидан юқорилаётган оғиркарвонлар орасида ҳам текин томошаталаблар ҳамиша ҳозиру нозир – уларнинг аксарияти йўлдан қолиб овоза келган томонга қайрилиб қарадилар. Кўчанинг бозор майдонидан чиқаверишда сўл томондаги олди очиқ чойхона ёнида тик турган икки кишининг бири, шубҳасиз, аёл бўлса керак, бошига паранжи ёпинган, унинг ёнидаги шериги бақалоқ эркак калтабақай қўли билан паранжили аёлнинг эгилиб таъзим айлашига кўмаклашаётган ё бўлмаса уни шу ишга мажбурлаётган одамдек қад ростлаб турар, тобора овозига зўр бераётганди:

– Ўзи четка буқинуб, шахсиятка тўқинуб, аллакимга чўқинуб – ўғри ушлаганга сало-о-ом!

Шу дамда бу икков аслида учов эканликлари маълум бўлди. Пича нарида турган учинчи шерик бақалоқ эркакнинг товушига ҳамоҳанг жар солди:

– Эшитганлар дармонда! Эшитмаганлар армонда-а!

Бақалоқ эркакнинг овози дадиллашди:

ХУРШИД ДЎСТМУҲАММАД – 1951 йилда туғилган. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУ) журналистика факультетини тамомлаган. Ёзувчининг "Ҳовли этагидаги уй", "Жажман" каби ҳикоялар тўпламлари чоп этилган. У "Паноҳ", "Ҳижроним мингдир менинг", "Оромкурси", "Чаёнгул" каби қиссалар, "Бозор", "Донишманд Сизиф" романлари муаллифи.

– Кўрунган ер оқ салла, оқ бўлса ҳам бўш калла, оку қора ҳам малла – Туркистон уламоларига сало-о-ом!

– Ҳа-а, отангга балли! Шу оломонники бари-и!

– Бошлариға соч қўйған, отларини ёш қўйған, фаҳш деганни фош қилған, яна отини ёш қўйған – думсизларимизга сало-о-ом!

– Ҳа-ҳа-ҳо-ҳо-ой, кучингдан ҳо-о, кучингда-а-ан-н!

– Ҳаҳ-ҳа-ҳо-о! Ваҳ-ҳа-ҳо-о!

Ғала-ғовур, қийқириқ авжига минди. Учинчи шерик баралла қарсак чалиб шовқин-суронга пишанг беравурди. Томошаталаблар орасидан ҳайқириқларга аввалига як-кам-дуккам, сўнгра кўплашиб олқишлашлар қўшилди. Паранжили аёл миннатдорлик маъносида икки букилиб олқишловчиларга жавоб таъзимини бажо айлади. Йўловчи томошабинларнинг бир қисми бу саҳнани янги чиққан тиланчиликка йўйди, бир қисми кулиб-илжайиб-ажабсиниб томоша қилишда давом этди, яна бир улуши эса гап нимада эканини тузук-қуруқ англамай анграйиб тураверди. Бақалоқ эркакнинг бирдан қовоғи тундлашди, боядан бери кулгига мойил товуши жиддийлашди:

– Масков бориб келибон, минглаб фойда қилибон, ҳафтада гап ейибон, томга карнай қўйибон; – йиғламсираш оҳангида: халқ қайғусин емайин, мактаб очай демайин; – ғазаб-ла: эллик-олтмиш қўй берган, саккиз кунлаб тўй берган – Туркистон савдогарларига сало-о-ом!..

Учинчисининг, яъни қарсакчисининг ота-бобоси тирикчиликни гўяндалик ортидан топган шекилли, товуши ўткир экан, янаям ўтиб тушди:

– Амма-холаси ҳаводор, аҳ-ҳа-ҳе-ей, кучингда-ан-н!!

Чойхона сўрисининг қирғоғида чордана қуриб ўтирган чол кемшик оғзини кўвачадай ланг очиб, яйраб кулди.

– Уҳ қизиталоқ, гап бағда экан-да-а!?

Чол ҳайратини бирор банда қўллаб-қувватлармикан деган илинжда ёнгинасида чой ичиб ўтирган йигитга умидвор мўлтиради, бироқ қорамағиздан келган, юзи думалоққа мойил, норғул йигит бир бурда нон бўктирилган пиёласидаги чойдан кўз узмади. Йигит чолнинг гапини ё эшитмади, ё эшитгиси келмади. Чол унинг найзанинг учидек ўткир нигоҳини пайқади-ю, юраги орқасига тортиб кетди. Келгинди мусофирмикан, ўзбекчага тушунмасмикан деган тахмин кечди кўнглидан.

– Топиб айтди, – деди учов томоша қўювчининг биқинида тўхтаган деҳқонбашара қария.

– Боплади! – деб уни қўллаб-қувватлади бошқаси. – Ошиб-тошиб ётган дунёсига мактаб очиш эсига келармиди!

– Унинг ўрнига бачавозлик қилади!..

– Давлатингга ўт тушсин!..

– Лутдан баттар кирилсин!..

Томошабинлар тўдаси беҳад зичлаша бораётган бир маҳал учов қизиқчи тўсатдан саросимага тушди. Учови уч томонга сочилиб, издиҳом орасига сингиб кетишга улгурган ҳам эдиларки, осмондан тушдими-ердан чиқдими, кўзлари аланг-жаланг икки нафар норғул эркак беданаюриш қилиб ўтган-кетаётганга, ҳозиргина томошабин бўлиб турган йўловчилар афт-ангорига кимнидир излагандек бирма-бир разм солиб чиқди. Улар истаган кимсалар топилмади чоғи, қандай пайдо бўлишган эса, ўша алфозда гумдон бўлдилар.

Одатда бозорнинг кўча ва майдонларини тўлдириб бораётган йўловчилар қайнаб тошади, оқими тўхтовсиз ўзгаради, бироқ бу сафар ҳозиргина тўпланган издиҳом мавжи янгиланиб улгурмади ҳам – қаердандир пайдо бўлган оломон орасида ипга

тизилгандек ёнма-ён саф тортган, оқ яктаги устидан гулдор белбоғ боғлаб олган тўрт чапани йигит карнай-сурнай базмини бошлаб юборса денг:

– Ға-а-а-а-ат, ға-а-а-а-ту-у-у-уға-а-а-ат! Ғарт-ғарт-ғарт!

– Ға-а-а-а-ат, ға-а-а-а-ту-у-у-уға-а-а-ат! Ғарт-ғарт-ғарт!

Тош ётқизилган нишаб кўча нақд тўйхонага айланди. Қуруқ оғизда "чалинаётган" карнай "ғата-ғути"нинг чорловига чор тарафдан қизиқувчилар тўдалаша бошлади. Ўртага тушиб қилпангловчилар ҳам топила қолди. Бу пайтда чойга бўктирган нонини еб битирган йигит овоз чиқармай қилган қисқа дуодан сўнг чойхонадан чиққан, эндигина йўловчилар орасига сингиб кетишга шайланган эди, бехосдан тўхтади. Беихтиёр "ғат-ғат"чилар томошасига чалғиди. Термилиб жойида турганича, карнай-сурнайнинг минг йиллик қулоқни қоматга келтирувчи нағмаларидан ўзгача маънолар топаётгандек "ғат-ғут"чилар томондан нигоҳларини узолмади. Ичида қўпган аллақандай ғалаён тўфонини бетига кўчирмади. "Бозорга кимлар кемайди дейсиз, – деган мулоҳаза кечди кўнглидан, – бозор – мисоли ажойибхона!"

У йўловчилар оқимидан ўзини беҳроқ тутишга ҳаракат қилганича девор ёқалаб майдон томон юрди. Мошранг бахмал дўпписи остидан кўриниб турган калта қайчиланган сочи, кенг манглайи, ўзига ярашиб тушган ихчам мўйлабчаси тим қора, зулукдек қора кўзлари бир неча одим мобайнида узоқ-узоққа тикилиб борар, икки-уч одим ташлаш асносида эса оёғининг остига тикилганича оҳиста қадам босар, шу қиёфаси-сийратининг ўзиёқ унинг теварак-атрофидан ўтиб бораётган сонсиз-саноқсиз оломондан анчайин фарқли инсон эканлигини англатиб турарди.

"Ғат-ғат"чилар унинг ёнидан ўта бошлашди. Йигит шунда ҳам шовқин кўтараётганларга қайрилиб қарамади, қарамадию ич-ичидан қуюндай гулдираб келаётган истеҳзони аранг босди. "Бозор-да, – деди ўзича, – ҳар ким топганини кўтариб келади, билган ҳунарини кўрсатади, қўлидан келганича тирикчилик қилади. Истаса кулади-ўйнайди, истаса – йиғлайди, истаса ҳайқиради-қичқиради, истаса – дамини ичига ютади. Биз эса кўрганимизни, эшитганимизни пича ошириб-пича кичрайтириб ёзамиз, холос".

Шу пайт боягина кўздан йўқолган икки норғул пайдо бўлдию икки томондан "ғат-ғут"чиларни қисиб кела бошлашди.

– Тўхтат! – деди бирови карнайчининг қулоғига.

– Бас қил! – деди бошқаси бошқасига.

– Бор-йўғи "ғат-ғат"-ку, акў, – деди ўзини овсарликка солган учинчи карнайчи. – Сўз йўқ-гап йўқ, ўйин-ўйин ўйнаяпмиз, холос.

– Яхшиликча, аравангни торт, кўса! – деб дўқлади пакана норғул.

– Уйингга бориб ўйна, хунаса! – деди найнов норғул. – Бу ерга одам тўплама!

– Биз тўплаганимиз йўқ, ана, ҳамма ўз йўлида кетиб боряпти. Биз ҳам...

– Кўп "биз"лайверма дедим. Ҳозир полис келса кунингни кўрасан! Яхшиликча, иссиғида!..

Норғулларнинг авзойи, важоҳати ёмон эди – зумда гавжум Махсидўзлик кўчасига ўлик чиққан уйдек сукунат чўкди-қолди. Йўловчилар оқими юқоридан бозормайдон томон югургилаб-зипиллаб, бозормайдондан юқори томон имиллаб-сургалиб чиқиб-тушишда давом этди.

Оғир хаёлга толган йигит қадимий сергумбаз ҳаммом ёнидан ўтгач, ўнг ёқдан бетига салқин шабада урганидан чорбурчак тим ёнига етганини сезди. Баланд гумбазнинг тўрт биқинидан ёш бола эгилиб ўтса бўладиган кенгликда дарча очилган, аввало гумбаз, қолаверса ўша дарчалар шарофати ила ҳаво дим эканига қарамай тимнинг остида сарин шабада ҳосил бўлган, шабада ғувуллаб ўтиб тургани боис айниқса,

ҳаво дамқисди кезлари тим ости нафас ростлашга роҳатижон эди. Йигит аввалдан камбағалнинг ҳовлисидай чоққина шу масканни ёктирар, оёғи тортди дегунча тимнинг остига келиб, у томондан, бу томонга икки-уч, баъзида ундан-да ортиқроқ ўтиб-қайтар – сайр қилар, сайр асносида муздай қатиғу яхдай айрон, қалампир қўшилган шўртанг қуруту эрмак писта, обакидандону носвой сотувчиларини томоша қилишни ёқтирар, тимнинг бир бурчидаги икки киши сиғар-сиғмас дўкончада доривор гиёҳлар билан савдо қилувчи оқ-сариқдан келган мўйсафиднинг ҳамиша бир киши билан берилиб суҳбат қуриб ўтирганини кўриб, ҳавасланар экан, пайти келиб ўзи ҳам ана шу мулланамо табиб отахон суҳбатига ноил бўлиш орзусини дилига тугиб қўярди.

Тимнинг нариги томони дўппи бозори, эркаклардан кўра аёл сотувчилар кўпчилик, бошига рўмолча ёки нимча ёпинган дўппифуруш аёллар харидорга илҳақ, улар бир жуфт, икки-уч жуфтлаб қўлларида кўтариб турган дўппиларининг бахмалию шойи ипаклари эрта кўклам офтобида кўзни қамаштирар даражада товланар эди.

– Муборак бошингизга манави дўппи хўп ярашади-да, укажон, – деб такаллуф қилди ёши ўтинқираган опоқи.

Йигит бош ирғаб, товуши чиқар-чиқмас миннатдорлик билдирди-да, йўлида давом этди. Унинг қадам олишидан, атрофга кўпда қаранмаётганидан, балки ўзигагина аён муроқабага[1] берилганлигидан ҳам бирор тайинли харид юзасидан бозор ораламаётгани сезилиб турар, буни пайқаган зийрак бозорчилар тезда эътиборларини ундан узишарди.

Йигит чит матолар сотиладиган раста қаторига етганида қадам олишлари янаям сустлашди. Раста қатори нисбатан бирмунча қисқа, номи ҳам ўзига яраша – "Калта раста" эди.

– Ия-ия, ҳа, Абдивой! Қўмсабдилар-да, қўмсабдилар-да?!

Йигитнинг хаёли бўлиниб, овоз келган томон ўгирилди. Тенгқур йигитни таниб, бетига енгил, нимясама табассум югурди.

– Ўзинг нима қилиб юрибсан, Тўлаш?

– Сани изингдан пойлоқчилик қилиб юрибман, Абди! – Тўлаган шундай деб қаҳ-қаҳ отиб кулди. Жиддий тортди. – Мен ҳам илгари ишлаган жойларимни қўмсайман, оғайни. Ахир бир замонлар шу жойларда иш ўргандик, озми-кўпми тириклигимиз ўтган...

– Нафақат тириклигимиз...

Тўлаганнинг қувноқлиги тутиб, яна баралла кулди, унинг елкасига дўстона шапатилаб, "Тушундим, тушундим", деб ўзини базўр кулгидан тийди.

– Болаликдан ишни пухта қилгансан, Абди. Кимсан Расулмуҳаммадбойга ишга ёлланган-сан, ҳам унинг уйида яшагансан, ҳам қизига уйланган-сан! Худо суйган бандасига қўшқўллаб бергани шудир-да, а, лаббай, қадрдон?! – Тўлаган шундай деб туриб бирдан лаб-лунжини йиғиштирди, овози маъюслашди: – Бобой кўпни кўрган, зап одам эдилар. Ҳ-ҳозир?..

– Икки йил бўлаёзди, фақир...

– Э, аттанг, эшитгандим. Палаги тоза одамлардан эди қайнотанг раҳматли!

Тўлаган шундай деб юзига фотиҳа тортди ва шу заҳоти бояги қувноқ оҳангга кўчди:

– Болаликдан китобга ўч эдинг, беҳуда кетмабди-да? Катта ёзғувчи бўлибсан деб эшитаман.

Абди ўнғайсизланиб қизаринқиради, мийиғида кулимсиради.

– Унчалик эмас, кичик бир ҳавас, холос...

– Кам бўлма, оғайни, сан билан яқинлигимиззи айтиб, мақтаниб юрайлик, ишқилиб.

Йигит тўзиб кетган хаёлларига тин бериши хийла қийин кечди. Рус-тузем мактабини

[1] Муроқаба – мушоҳада.

битиргач, иш тополмай уйда ўтириб қолганди. Боғ-ҳовли юмушларини демаса, яккаш мутолаа билан банд. Жонсарак бибиси тоқат қилолмаган, ҳаммаҳалла бўлмиш мулла Зайниддин амакига ёрдам сўраб чиққан, амакининг далолати билан мана шу "Калта раста"даги читфуруш Расулмуҳаммадбойга приказчиликка ёлланган, ёш эканига қарамай шу ерда кўп-ўп ҳаётий тажриба орттирган, тақдир экан, пировардида хўжайиннинг тўнғич қизи Раҳбарнисага уйланган... Қанчадан-қанча сувлар оқиб ўтмади ўшандан буён?! Замон ўзгарди, бозор ўзгарди, одамлар ўз... Ўзгардими? Ўзгараяптими?..

Йигит ён-веридан ўтиб бораётган йўловчиларни зимдан разм солиб кузатди. Уларнинг юриш-туришига, энгил-бошларига қаради. Қулоққа чалинаётган гап-сўзларини тинглади. Йўқчилик, ночорлик абгор қилган барчани, бирдан-бир халоскор – бозор. Тўғри, бозор кезган жондорнинг бугун қорни оч қолмаслиги мумкин, лекин эртага-чи, индин-чи?! Бу аҳволга қаноат қилиб умр кечириш охир-оқибат миллатни барбод этади, йўқ қилади, бир ҳовуч хас-хазонга, супуриндига айлантиради, супуриндига!

Мошинавори бир хаёлда бош чайқади, норозиланганидан пешонаси тиришиб, қорамағиз бети янаям тундлашди. Ҳаммом ортидаги дурадгорчилик растаси томон бориш ниятидан айниди-да, боягина келган йўли бўйлаб изига қайтди. Бирдан-бир нажот матбуотда, ягона халоскор – матбуот! Қандай бўлмасин, одамлар газит-журналга жалб этилмоғи даркор. Шу йўлда барча чоралар кўрилмоғи, ҳеч бир машаққатдан чўчимаслик керак!..

Чорбурчак тимга етган жойида, одатдаги таниш манзарани кўргач, оғир ва адоқсиз ўйларидан чалғиди шекилли, икки қоши ўртасидаги тугун ёзилди. Тим ости театр саҳнасини эслатарди унга. Бу сафар ҳам кўз ўнгида ғалати-ажабтовур манзара пайдо бўлди, аста юриб-қулоғини динг қилганича, саҳна томошаси иштирокчисига айланиб кетгандек ҳис этди ўзини. Ана, тўнини қоп-халтасига қўшиб остига курси ясаган айрончилар йўловчиларни нафас ростлашга, тафтбосди ичимликдан нўш уришга, қозоқ эркак-хотинлар мешларини бетиним чайқата-чайқата қимизхўрларни чорлашмоқда, бир чеккада носфуруш, курутфуруш, хуллас, кимса борки, сотиш, сотиш ва яна сотиш билан овора – чақирган-нетган, савдолашган-тортишган, кулишган-ўдағайлашган – исталган манзарани, исталган қиёфаларни кўриш мумкин.

Жанда кийган, тўрвасини асо ўрнидаги қийшиқ таёғига танғиган қаландар имиллаб бора туриб, тўсатдан ғалати оҳангда хиргойи қила бошлади:

– Кетади-кетади, нима қаён кетади?

Минғир овозни биров эшитди-биров эшитмади, қаландарнинг қуюқ соқол-мўйлаби орасидан хириллаган овоз баландлашди:

– Кетади-кетади, нима қаён кетади-и?

Иккинчи такрор битта-ярим бекорчининг эътиборини тортди. Қурутфуруш чолнинг ёнида қоқ ерга узала тушган сарпойчан деҳқон, муздай айрондан тани роҳатланиб, шунчаки қаландарга луқма ташлади:

– Ҳой авлиё, нима қаён кетишини биздан сўраяпсанми?

Қаландар учун шу мурожаат айни муддао эди.

– Биламанки, сўраяпман! Ман билганни – сан билмайсан. Сан билмасанг – ман биламан!

– Билсанг, айт: нима қаён кетади?

Қурутфуруш кария, унга қўшилиб айронфуруш, қимизфуруш, носфурушлар қаландарга пишанг бериб "театр" томошасини қиздириб юборишди:

– Айт! Айт! Айтақол!

– Қаландар, ҳо, айтақол!

– Кўрсат, томошангни!

– Бизга томоша бўлса бас!

– Бас! Бас!.. Ҳаҳ-ҳа-ҳа!

– Ҳаҳ-ҳа-ҳа!

– Воҳ-ҳа-ҳа!..

Қаландар тўрвасини заранг ерга қўйди-да, унга тиззалаб чўк тушди, атрофга икки қур аланглаб олгач, қироат ила, санаш оҳангида хиргойисини давом эттирди:

– Ишчининг топқани хўжайиннинг халтасига кетади.

Сарпойчан деҳқон қитиғи келган одамдек қикирлаб кулиб юборди. Қулоғини янаям динг қилди. Бу ҳол Қаландарни янаям жўшдирди.

– Савдогарнинг топқани ўғул тўйисиға кетади.

– Тўй бўлсин-а, тўй бўлсин! – уни қўллади кимдир баралла. Қаландар унга қош қоқди-қўйди, давом этди:

– Тошканд кўнчиларининг топқани қишлиқ тўкма билан ёзлиқ гапка кетади.

– Яша! – деди тағин бир овоз. Қаландар атрофга аланглади, теграсида бирмунча оломон йиғилиб қолғанини кўриб, илҳоми жўшди:

– Қиморбознинг топқани гарткам билан тўртта ошиққа кетади. Беданабознинг топқани тариққа кетади. Эшоннинг топқани саккизта хотунға кетади!

Бўлди кулги-бўлди кулги. Издиҳом семира-семира, кўпчий-кўпчий тим остидан қайнаб-тошиб чиқди.

– Яна, яна! Нима қаён кетади? – деган савол устма-уст ёғилди. Қаландарнинг муддаоси шул тариқа ушала бошлади. У жунбишга кирди, жазавага тушди. Ўрнидан тура солиб, ҳассаси билан этагини савалай-савалай, "билганлари"ни жар солишда давом этди:

– Эски шаҳар исполқўмининг топқани юқори шефстволарга кетади.

– Ана! Ҳаҳ-ҳа-ҳа! Воҳ-ҳа-ҳа!.. Қайтар, нима дединг?

– Қулоғингни оч, хумса! Эски шаҳар исполқўмининг топқани юқори шефстволарга кетади-и! Отнинг топқани...

Шу ерга етганда оломон қийқириғи тим остидан чиқиб, бозормайдонга таралди. Тимдан ташқарида оломоннинг гуриллаб югургилаган шарпаси чалинди қулоққа. Қаландар гўдак боладек чаққон ирғиб қад ростлади, гўё ҳеч вақодан хабарсиз одамдек, тўрвасини елкасига ташлаганича, ҳассасини дўқиллатиб, йўлга тушди. Лекин одамлар орасини ёриб ўтаётиб ҳам тилини тиймади:

– Отнинг топқани эшакка кетади. Бўрининг топқани тулкига кетади!..

– Эшшак! – деди кимдир.

– Бўри! Бўри! – ваҳима кўтарди бошқаси.

Тим остида тўпланган издиҳом орасини ёриб, икки-уч нафар норғул пайдо бўлди.

– Қани бўри?

– Ана, бўри!

Норғуллар бири олиб, иккинчиси тўнғиллаб, издиҳомни тафтиш қила кетди:

– Ким? Вайсаётган ким?!

– "Эшакка кетади" деган ким?! "Тулкига кетади" деган қани?!

– Ҳеч ким. Ҳеч ким, – деган овозлар эшитилди теварак-атрофдан.

– Тарқалларинг! Тўпланмаларинг!

"Тарқалманглар! Тўпланинглар! Тарқалманглар! Тўпланинглар!" Йигит ичида ҳайқириқ ила такрорлаган даъваткор сўзларини ҳеч ким эшитмади. "Баралла бақирсам-да, дод-фарёд солсам, эшитармикан, бу оломон!" деди ғазабдан кўкариб. Лекин у бир тафовутни – ўзи билан оломон, оломон билан ўзининг ораларидаги ма-

софа жуда-жуда узоқ. Оралиқ бамисоли кўз илғамас дара, тубсиз жарлик, қақраган тубсиз уммон эканлигини ҳисобга олмаётган эди.

Тимнинг ости ҳувуллади-қолди. Норғуллар вазифасини ўтади ҳисоб – тим мудроқ измига қайтди.

Шом намози адо этилгач, маҳалла имоми Карим қори одатича хонақоҳга бир қур кўз югуртирди-да, ён-верида нотаниш намозхонлар қолмаганига иқрор бўлгач, икки-уч одим ортда келаётган ўғли томон ўгирилди.

– Обид қори, қарангчи, ҳовлида деворга газит илинганмикан?

Мўйлаби сабза урган, қадди тик Обид қори сўзсиз итоат билан қиблагоҳининг айтганини адо этмоқ истагида қадамини жадаллатди. Карим қори бир неча намозхонлар қуршовида ҳовлига чиққанида Обидқори қайтиб отасига рўпара келди.

– Дада, газит варағи илинибди. Қизиқувчилар сероб, бирови ўқияпти, қулоқ тутиб тинглаётганлар бир талай.

Карим қори турган жойидан бўйнини чўзиб, газит варағи илинган томонга қаради, яна ўғлига савол қотди:

– Жулқунбой гап ёзибтими? – Саволининг жавобини кутмай енгил кулимсиди: – Зап гапларни топади-да, тушмагур. Ўзи қозоқми дейман?

– Тўғри айтадилар, тақсир. Варақ олдида турганлар аввалбош ўша Жулқун имзосидаги гапларни ўқишади, – деди даврадошлардан бири. – Номи одамларни оғзидан тушмай қолди. "Муштум" жўрналини ҳар сонида босилади мақоласи.

– Ана холос, кулги жўрнали кўпда бизга етиб келмайди.

– Ул ёзғувчи ўзимиззи тошкандлик бола, тақсир, – деди бошқаси вазминлик билан ўзининг бохабарлигига урғу бериб. – Ҳайтовур, Самарқанд дарбоза томонлардан деб эшитганим бор...

– Э, шундай денг, барака топсин... – Имом бир нафас жим қолди-да, ҳурмат ўрнида ўзига жавдираб турган шогирду мухлисларга ров кўз югуртиргач, оқ йўл тилаб, фотиҳа оҳангида деди: – Хўш, хуш кўрдик...

Мулойим ва меҳрибонларча айтилган бу сўз аслида ҳурмати баланд имомнинг "Бўлди, ортиқ тўпланманглар. Шу ердан тарқалинглар" деган маънони англатар, бошқалар ҳам бу тарз тагдор илтифот одат тусига кириб бораётганини тушуниб қолишган, унга сўзсиз итоат этишарди.

Масжиддан пича узоқлашгач, ота-бола ёлғиз қолишгандагина Обид қори отасига очиқ мурожаат қилди:

– Дада, – деди у овозини эҳтиёткорона пасайтириб ва отаси ўзи томон ўгирилгачгина сўзини давом эттирди: – Сизни полис маҳкамасига сўрашганди...

Карим қори тўхташга тўхтамадию қадамини секинлаштирди, ўғли томон бошини бурмай туриб сўради:

– Нима дедилар? Қачонга айтишди?

– Кирар экансиз, ҳозир.

– Ҳозир?

– Маслаҳатлари керак дейишди...

– У ҳолда сен уйга қайтавер, мен кириб ўтаман...

Карим қори шундай деб аслида изига қайтиши, чунки масжид биносини айланиб ўтиб, мелиса идорасига бориш йўлнинг энг яқини эди. Бироқ имом йўли олислашса-да, атайин тўғрига юрди, бир боғча-бир майдончани айланиб ўтиб, идорани қора тортиб юрди.

У "Туркистон" газитига деярли кунда-кунора боради. Ҳар сафар Абдулҳай[2] кучоқ очиб кутиб олади. Салом-аликни ҳам унутиб, янгисидан борми, деб дарҳол қўлига қарайди. Сиз ёзаберасиз, биз босаверамиз, газитхонлар олқишлайверадилар, дейди мамнуният ила. Абдулланинг ёзганларини сув ўгириб ичишга шаймиз, дейишганда, тоймайди, бояқиш муҳаррир.

Кунларнинг бирида гурунг қизиди. Ғози[3] ҳам бор эди. Учов ниманингдир бахсига киришган ҳам эдиларки, Абдулҳай, нима бўлганда ҳам муҳаррир-да, фикри-зеҳни ўзгача – бир кенгашли гап бор, сизларга аталган, деб қолди. Ғози икковимиз қулоқни динг қилдик.

– Бир кулги жўрнали чиқармайсизларми?

– Кулги жўрнали?

– Қандай бўларкин?..

Абдулҳай гапни қисқа қилди:

– "Қандай бўларкин?" деб ўйлаб ўтиргандан кўра ишга киришинглар, қийини – бошлаб олиш, қолгани йўлини топиб кетади!

Абдулҳай айтгани бўлди – Ғози билан ётиб ишладик, ётиб ёздик, "Муштум"ни эл орасида тарқаладиган қилгунча ҳаловат билмадик, мижжа қоқмадик. Жўрналга ёзғувчилар сафини кенгайтириш қанчалар қийин кечган бўлса, оммани "Муштум"га жалб қилиш шунчалар осон кўчмади. Ҳар ойда икки дапқир чоп этиладиган жўрналнинг бор-йўқ адади сотилмай-нетмай қайтган пайтлар бўлди. Одамлар ҳали жўрнал ўқишга мослашмаганлари етмагандек, эшитишича, айрим мулла-имомлар, "Ким "Муштум"ни қўлига тутса гуноҳга ботади, диндан чиқади", деб фатво берибдилар ҳам. Бу қандай бедодлик?! Ўқиса, билса, шу орқали дунёни таниса, англаса, гуноҳми ахир?! Ҳайтовур бу каби жаҳолат унсурлари узоққа чўзилмади, жўрнални бир қўлига тутган киши, унинг навбатдаги сонини интиқ кутадиган, ўқиганларини ёр-биродарлари орасида сўзлаб берадиганлар кўпайди, мухлисга мухлис қўшилиб, жўрнал қўлма-қўл ўқиладиган бўлди.

"Муштум"нинг оммалашув борасидаги юмушлари силжиб турган бир паллада йўқ жойда ғалва туғилди – журналнинг энг ишонган, энг қалами ўткир муаллифлари бўлмиш Жулқунбой билан Ғози ораларида гап қочди...

– Хайрият, жўрналимиз йўлга тушиб олди, мухлислар сўраб келишяпти.

Тошқин ер остидан мажлиснинг икки иштирокчиси – ёзув курсисининг икки томонида қарама-қарши ўтирган Жулқунбой билан Ғози Юнусга зимдан назар ташлади. Жулқунбой хонанинг узоқ бурчагига қаттиқ тикилган кўйи лабларини қимтиб олган, Ғози эса афтидан ўзини бўлаётган гапга бепарводек тутса-да, аслида қулоғи динг эди.

Муҳаррир Тошқинга қаради.

– Афсуски, мақола ёзғувчиларимиз озчилик. Борлари ҳам кўпчиликка маъқул келадиган гап топишда бирмунча нўноқ.

– Нўноқ-қўноқ гапларни лаб-лунжини ростлагунча Ғози икковимизни эсимиз кетмоқда, – деб луқма ташлади Абдулла. Унинг товуши паст, бўғилиб чиқди.

– Товушингни кўтариб айт, Абди, – деди баралла Ғози Юнус қаламкаш заҳматдошининг гапини тасдиқлаб. – Булар билиб қўйсинлар.

У гапини тугалламасидан бурун, муҳаррир масъул котибга мурожаат қилди:

– Навбатдаги сон учун мўлжалланган мақолалар етарлими?

– Пича чўғи оз, – жавоб қилди Тошқин бўшашиб.

[2] Абдулҳай Тожи – "Туркистон" газетаси муҳаррири.

[3] Ғози Юнус.

– Тахаллусингиз Тошқин бўлгани ҳолда бу ёқда мақолалар тўлиб-тошиб ётмаслиги чатоқ-да, ўртоқ!

Муҳаррир аскиянинг ўрни келганидан мамнун, шу баҳонада ўртадаги совуқчиликни шуваб ўтиш қаловини топгандек эди. Бироқ ўз истагига қарши ўлароқ, шу заҳоти жиддийлашди.

– Сизда ҳамиша аҳвол шу – пича чўғи озлик қилади, етмайди. Етган тақдирда ҳам, биласизлар, ўқувчиларимизнинг ишқини қозонадиган, кўпчиликнинг назарига тушадиган мақолага эҳтиёжимиз катта. Шундан келинг, Мўминжон[4].

Мўминжон муҳаррирнинг саволига жавоб учун оғиз жуфтладию беихтиёр кулиб юборди.

– Сиз айтаётганингиздан бор, – деди у ўзини кулгидан тиёлмай. – Абдулла янги мақола келтирди. Рухсат берсангиз, ўқисам?

Абдулҳай Тожи кўзойнаги тепасидан масъул котибга имо қилди.

– "Маслаку мақсаддан шаммаи изҳор". – Масъул котиб мақола номини ўқиб ўтирганларга бирров назар ташлади, сўнг матнни ўқишга киришди: – Бу йўлларни қоралағучининг ота-бобоси ҳазрати Одам Атодан тортиб, гоҳи деҳқон, гоҳи мардикор, гоҳо саржинчи, қисқаси шулки, зодагонлар таъбирича, "Бири бит – бити сирка" бўлмай келган ўнқовсизлар синфидандир.

Тошқин шу ерга етганда Ғози Юнус томоқ қирди.

– Мақола каттагина, илло бир бошлаган одам адоғига қадар ўқимагунича қўймайди, – изоҳ берди масъул котиб.

– Сиз ўқидингизми? – савол қотди муҳаррир Ғозига қараб.

– Ўқидим...

Ғози Юнуснинг совуққина овози кулоққа дағал ботди, афтидан у нимадир демоқчию шунга журъат қилолмаётгандек ёхуд мавридини кутаётгандек туюлди. Абдулҳай Тожи жиддий тортиб, унга қаради.

– Бирор фикрингиз бўлса, очиқ-ойдин айтинг, бу ерда бегона йўқ. Ўйлаганимиз, манфаатимиз бир – "Муштум"ни эл ичига ёйиш. Одамларни жўрналхонликка жалб этиш. Шундайми?

Ҳамон жиддий ўтирган Абдулла бош ирғади.

– Мен шуни айтмоқчи эдим, – деб гап бошлади Ғози Юнус. – Жўрналнинг тили, мақолаларнинг ёзилиш услуби хусусинда кенгашмоқни дилимга тугиб юргандим.

Муҳаррир, масъул котиб ва Жулқунбой диққатларини жамлаб гапирувчи ҳамкасбларининг оғзига қарашди. Ғози Юнус давом этди:

– Мен Абдулланинг қалами ўткирлигини, услубини кўп ҳурмат қиламан. Айниқса теша тегмаган гапларни, ибора ва жумлаларни топиб айтиши чандон маъқул. Фақат...

Абдулла гапнинг шайини қай томон оғаётганини илғаб улгурган, зеро куни кеча айни шу мавзуда дўсти, ҳаммаслаги ва ижоддоши Ғози билан пича мубозарага борган, ҳар ким ўз ижод йўсини маъқуллигини уқдиришга уринган, лекин афтидан икков бир-бирларини ўз йўриғига оғдиришга эришмаган эдилар.

У вазмин авзойини ўзгартирмай, қулоқ тутди. Ғози Юнус давом этди:

– Фақат кулгига ҳаддан зиёд зўр берилаётгани менга маъқул келмаяпти. Кулги, мазах, пичинг меъёрдан ошиб кетаётгандай. Қолаверса, Жулқун, дўстим, оғир олмагину, қаламингни сиёҳга эмас, заҳар-заққумга ботириб ёзасанми, нима бало?! Ёхуд сиёҳдонингга заҳар томизиб қўясанми? Тилинг... Мана, ҳозиргина Мўминжон ўқиди. "Бири бит – бити сирка" деган гапни ёзиш шартми? Ўрнини?..

Ғозининг кутилмаганда дам мулойим, дам зардали овози ҳаммани жим қилиб

[4] Мўминжон Муҳаммаджон ўғли (тахаллуси Тошқин) "Муштум" таҳририятида масъул котиб вазифасида ишлаган.

қўйди. Ҳатто муҳаррир ҳам, олдида турган қоғоздан бош кўтармай, сукут сақлади. Жулқунбой атайин унинг муносабатини кутди. Шу пайт даҳлизда нимадир тарақа-туруқлаб, шовқин кўпди. Тошқин шоша-пиша ташқарилади.

– Ҳов, нима гап? Ким керак сизларга? – сўради у айвон қирғоғига чиқиб олган икки нотаниш кимсадан.

– Жулқунбой деганларини кўрсак бўладими?

– У кишида нима юмушингиз бор? – овози келди Тошқиннинг.

– Маҳалламиздаги муттаҳамлар устидан шикоят келтирдик, шуни берайлик. Бир абжағини чиқариб, ҳажв қилиб берсин.

– Пича кутинглар, машварат тугасин, ўзи чиқади. – Шундай деб бошқа келувчига юзланди: – Сиз қандай юмуш билан турибсиз?

– Жулқунбой ўзбекми? Бетини кўрмоқчи эдим.

Тошқин ҳозиржавоб, қулгига мойил йигит эди.

– Ўзиям, бетиям ўзбек, ишонмасангиз, ҳадемай чиқади – ўз кўзингиз билан кўрасиз!

Тошқин шундай дедию изига – ичкарига қайтди.

– Ҳар куни шу аҳвол – сени сўраб-суриштириб келувчилар ошиб бормоқда, – деди у Абдуллага қарата. – Демак, жўрнал ишқибозлари кўпаймоқда!

Абдулҳай Тожи Абдуллага фахрланиб, мамнун боқиб қўйди, Ғози оёғининг остидан нигоҳини узмади, Жулқунбой пинагини бузмади.

– Қулгисиз гап... – дея машварат тўхтаган жойидан сўзни улади у Ғозига қарата. – У ҳолда сиз айткан нуқул жиддий гапни ўқийдирми, одамлар?

– Мен воқеа ҳаётда қандай бўлса айнан ёзиш тарафдориман.

– Айнан ёзиш тарафдори бўлиш тўғридир, лекин одамлар уни ўқимай қўйсалар жўрналдан не наф? Қолаверса, ман ёзганларим айнан бўлмай, буткул тўқимами? Воқеликка терсми?

Муҳаррир қийин аҳволда қолди, гарчи раҳбар бўлса-да, замонасининг икки атоқли сўз устасининг баҳсига ҳакамлик қилишни ўзига эп билмади. Шундай бўлса-да, баҳсга аралашмасликнинг иложи йўқ эди. Ниҳоят, гап айтишнинг ўнқовини топди.

– Абдулла ўзидан эмас, кўпроқ бозордан – одамларнинг оғзидан топади гапларни, шундайми?

– Секинроқ айтасизми, бозор – гапни кони-да, ахир! – Илова қилди Тошқин.

Шу икки оғиз сўздан орага тушган ўнғайсизлик ниҳоясига етгандек, қолаверса, баҳслашувчилардан кай томон ҳақ эканлиги ойдинлашгандек ҳам эди.

– Топдингиз, – деб унинг гапини маъқуллади Жулқунбой. – Бозорда қулоғингиз динг бўлса бас, ҳар қадамда тўкилиб-сочилиб ётади бундай гаплар. Биз мухбирлар уларга салгина тўн кийгизсак кифоя, қарабсизки, одамлар ўзлари айтган-эшитган гапларни жўрнал саҳифасида ўқисалар, севинчдан дўппиларини осмонга отадилар. "Ман айткан гапни ёзибди" деб юрганлар қанча!

– Ғози, – деди босиқлик билан Абдулҳай, – нўноқ мақолаларни эпақага келтиришдаги меҳнатингизни ҳам, ўзларингиз ёзаётган мавзуларнинг муҳимлигини ҳам жуда яхши биламиз, қадрлаймиз ҳам. Фақат ҳозирча баҳс қўзғамай турсанглар демоқчи эдим. Бу тус мубоҳасанинг мавриди эмас.

Ғози бош ирғади, лекин у қай маънода шундай қилди – йиғилиш иштирокчилари бунда ойдинлик кўрмадилар. Афтидан у ўз фикрида қолган эди.

Чорсу бозоридан чиқиб уйи томон йўл олган Абдулла, дам "Муштум" муҳаррири хонасида бўлган сермубозара машваратни ўйлаб кетар, дам боягина бозорда ўз кўзи-ўз қулоғи билан кўрган-тинглаган ҳангамаларни қай йўсинда қоғозга туши-

риш йўсинини изларди. Халқ билади, айтади – ёзмайди, холос. Биз эса халқнинг билганини, айтганини излаймиз, топамиз, эшитамиз ва уни қоғозга кўчириб халқнинг ўзига ўқитамиз. Мардум ўзи билган ва айтиб юрадиган гапларни ўқигани сайин матбуотга қизиқиши ортади, қўлма-қўл қилиб ўқийди.

Одамларни газит-журналга жалб этишда ҳам мақсад-маслак бўлмоғи даркор. Қуруқ газитхонлик-журналхонлик билан иш битмайди. Басират кўзларини очмоқ лозим уларнинг. Қандоқ ҳаёт кечирмоқдалар, инсон қавми аслида қандоқ яшамоққа лойиқ – биладиларми шуни улар?

Абдулла тўхтади, тўғрида – бир-бирига мингашиб кетган лой томлар, чигал калава ипдек чувалашиб кетган жинкўчалар томондан баҳайбат одамхўр йиртқич чиқиб келадию дуч келган каттаю кичикни, одамлар ҳам гапми, бутун Чорсу бозорини қўшиб ямламай ютадигандек, эҳтиёт чорасини кўрмаса... хавфни бартараф этиш эпини топмаса... "...дунёга нима учун келгонини билмай..." Абдулла хотираси тутқич бермай қолишидан хавотирда кўзларини чимириб, диққатини жамлади. Беҳад олис бир нуқтадан нажот истаб қадалиб тураверди, ҳайтовур хотираси панд бермади – Мунаввар қорининг "Тараққий" газетида босилган мақоласини ёдга олди. Хўп ёзган, топиб ёзган, англаб етармиканлар деган ниятда аччиқ, қиличнинг тиғидек ўткир ёзган – дунёга нима учун келгонини билдирмоқликни кўзламоқ зарур, билсин ахир одамларимиз! Билсин, билсин, кўзлар очилсин! Йўқ, яна бир карра, ўн карра йўққим, "...билмаслар, билмаганларини ҳам билмаслар!"

Абдулланинг кўз олди хиралашди. Издиҳом сароб тўлқинлари янглиғ живирлаб-ғимирлаётган майда жондорларга айланди. Жондорлар дам зичлашар, дам сийраклашар – пировардида бу манзара ўзгармикан деган ўй Абдулланинг кўксида ёқилган алангадек аъзойи баданини куйдираётган эди.

– Билмаслар, билмасликларини ҳам билмаслар!..

Буюк Беҳбудий падар ҳаётини, умрини, жисми жонини гумроҳлар боши узра машъала этиб ёқди – билдиларми? Мунаввар қори, мавлоно Фитрат, Таваллони танийдурларми биз журналхонликка даъват этаётган қавм?!

Абдулла бошини кўтаролмай – оёғининг остидан кўзини узолмай қолди. Бир-бир одим ташлаб, уйига етгунга қадар аниқ бир тўхтамга келишни истади. Нима қилмоқ зарур? Қай йўл-қай чора бирлан уйқудагиларни уйғотиш мумкин? Уйқудан, мудроқликдан, танбалликдан?!

Илму маърифат ҳам ҳунардан қолди маҳрум бизни халқ,
Маърифатсизлик балосига йўлиққон бизни халқ.

Абдулланинг хотираси кучли эди, пухта эди, метиндек мустаҳкам эди. Ҳамзанинг аччиқ мисраларини ичида такрорладию, одатига кўра, жаҳл отига минди дегунча – ким билсин, ботиний ҳимоя воситаси шекилли, жаҳл-ғазаби ёнида кулгилик бир нима қад ростлар эди. Ушбу одати боис, беихтиёр хаёли Таваллога кўчди.

Бошқалар илм изласа, бизлар худойи ош учун,
Эртадан то кечгача бўлдук эшикларда гадо.

Сўнгра:

Бошқа миллат қилди ғайрат, минди мақсад отига,
Маҳрум ўлдук лоф уриб, чойхоналарда куну тун.

Офарин, домулло Тавалло, офарин! Аччиқроқ, чимдиброқ айтаверинг эмди ҳақ сўзни, Усто, аччиқрок! Ғайрат уйи эмас чойхона, ғафлат уйи, уйқу уйи – ҳасратхона!

Неча-неча эр йигитлар умри зое – чойхона! Чойхонага қурбон эл қалбида ўқимоққа муҳаббат уйғотмоқлик учун ҳам кўп, рост ва қизиқ ёзмоқлик шарт. Ана, боягина кўрганим-эшитганларимни бўямай-бежамай айнан ёзсам ҳам, андак-мандак авжлантириб ёзсам ҳам кулиб ўқийди, қизиқиб ўқийди одамлар. "Қорамол эгасига ўхшамаса ҳаром ўлади...", "Эшагига яраша тушови..." Абдулла эшитган-билган бу сингари қочиримларни ўрни келганда қоғозга кўчирган. Лекин "Аватига чавати, миқозонга лой тувоқ"ни, "Ит суяк чайнамаса, тиши қичийдир"ни, "Тошка ёмғур кор қилмайдир"ни, "Оғилхона ахлоқ" сингари тагдор ўхшатма гапларни бозордан топди. Бозордан топмаса, ўғри, қисавур, қиморбоз улфатларнинг ғаштакларидан "ўмарди". Мутолаадан топди. Йиғиб-териб юрган шу тоифа қуйма сўзларини жамласа, ўркач-ўркач пахта хирмонига тенг қир-адир ҳосил бўларов!..

Кўксингдан гулингни олиб ташлама!
Хаёлинг кўкларда учиб юрганда[5].

Абдулла шу дамда ёдида жонланган шеърий мисрадан чеҳраси оловланиб кетди. Уни овози борича шовқин солиб, ён-веридан ўтаётган-кетаётганларни битта-битта тўхтатиб, бети-кўзига тик боқиб жар солиб такрорлагиси келди: "Кўксингдан гулингни олиб ташлама! Хаёлинг кўкларда учиб юрганда..." Барака топ, Абдулҳамид, инжа сўз, инжа ташбеҳ! Илло кўксингдаги гулнинг қадрига еткувчилар танқис, қадрига еткувчилар, Чўлпонбой!..

Абдулла ўзлари яшайдиган Эшонгузар маҳалласи бошланишига келиб қолганини, йўловчилар орасида у билан салом-аликлашаётганлар кўпайганидан пайқади. Одатда у гирдиғумдан келган қоматини тик тутган кўйи тўғрига – кўзларини гоҳ олис-гоҳ яқин оёғининг остига тикиб оҳиста одим ташлар, саломлашганларга жавобан бош ирғаш билан кифояланар, унинг номини айтиб қучоқ очиб қарши оладиганларга рўпара келганида эса, бир кўнгли одамларнинг матбуотга эътибори кучая бораётганидан суюнса, бир кўнгли унинг матбуотда босилган мақоласини тилга олсалар, шунга боғлаб олқишласалар, ўнғайсизликдан ўзини қўярга жой тополмай қолар, шунга биноан бундай хижолатли ҳолатларни четлаб ўтиш ҳадисини олган. Бинобарин, хаёли тўзиб кетишидан ранжиганини сездирмай, чеҳрасига ёруғлик таратиб сўрашишдан ўзга чораси қолмас эди.

Карим қори бўлим мелиса идорасига кириб бораётиб, деразадан ичкарида ўн чоғли одам тўдалашиб ўтирганига кўз қирини ташлади. Салом бериб кирди.

– Сизни кутиб тургандик, – деди юқорида ўтирган ярим кишилик-ярим ҳарбий либосдаги залворли ўрис зобити. – Айтар гапимиз кўп эмас, лекин жиддий.

Карим қори бўш курсилардан бирига чўкди. Ён-веридаги таниш-нотаниш кимсаларга бирров нигоҳ югуртиришда, йиғилганлардан фақат икки кимса маҳаллий "қора кўз"лар вакили эканлигига эътибор берди, ичида пичирлаб, юзига фотиҳа тортди. Афтидан йиғилганлар анча-мунча гапни кенгашиб улгуришган, зобит ҳам зарҳини батамом сочиб, сарфлаб бўлгандек эди.

– Хуллас, такрор айтаман, – деди юқорида ўтирган зобит ҳозиргина айтган гапларини таъкидлаётган оҳангда мижғовланиб-эриниб, – шаҳарда ва айниқса шу бозор ичи ва унинг теварагида тартиб ҳам осойишталикни сақлаш борасида қаттиқ калтак тушди бошимизга.

У ўтирганларни бирма-бир кузатиб, айтган гапи кимга қандай юққан-юқмаганини чамалаган бўлди. Давом этди:

– Энг оддийси – бозорда оломонни тўдалашишига йўл қўймасликни эплолмаяпмиз. Тушуняпсизларми?! Саломлашсин, омонлашсин – рухсат, сотсин, олсин – рух-

[5] Чўлпон мисралари.

сат, истаганича тиланчилик қилсин – ол, мунга ҳам рухсат, йўқ, бу халойиқни нима жин урган – билмадим, сал чалғисанг – тўдалашади, шовқин кўтаради, қўйиб берсанг, тўхтамай бир-бирини хабарлайди! Савдогаридан, лўттибозидан, қаландаридан гадосигача сиёсатдан сўқийди, сиёсатдан! Тўдалашган ва хабардорликни авжига чиқарган оломон аждаҳога, кутурган махлуққа, офатнинг уясига айланишини билисизларми ўзи?! Неча марта такрор айтаман?! Неча қайта огоҳлантираман?!

Барча йиғилиш иштирокчилари ер чизиб ўтиришарди.

– Миршаббоши, сиз эшитяпсизми? – Ва шу заҳоти "сен"лашга ўтди зобит: – Сен бўшанглик қилаётганингни биляпсанми?!

Карим қори шундагина чеккароқда яна бир ерли аҳоли вакили – маҳаллий аҳоли қисми миршаббошиси Эргаш Шофатҳи ўтирганини пайқади. Миршаббоши ўрнидан оғир қўзғалди, гўдакларча жавдираб, сомеларча бош эгди.

– Ҳамиша бедормиз, ўртоқ бошлиқ, – деди у узрнамо оҳангда, – ҳар қадам, ҳар бурчакда ҳушёр норғулларимиз етарли.

– Етарли эканлигини биламиз, лекин узунқулоқларинг хабарни сенга етказиш ўрнига, тўпланувчи оломонни қулоғига шипшип қўймоқда. Бу ёқдан биззи соллат ва зобитлар етиб боргунларича, оғзи ботир жарчилар айтадиганини айтиб-ишни пиширибғойиб бўлмоқда!

Бошлиқ шундай деб миршаббоши томонга бошини буриб, унга синовчан олайди. Миршаббоши турган жойида ҳамма эшитадиган қилиб пишиллади:

– Ҳисобга оламиз...

Бошлиққа бу жавоб ёқмади, у тутақиб ўрнидан ирғиб турди, шу важоҳатда ҳозирнинг ўзида миршаббошининг башарасига тарсаки тортиб юборишга чоғлангандек, алпанг-талпанглаб, унинг тепасига бостириб келди, Эргаш Шофатҳининг енгидан юлқиб тортди.

– Ҳисобга олишинг керак эмас менга, тушундингми?! Узунқулоқ сотқин сартларинг бор-ку, ўшаларни қўлга тушириб берасан! Қўлга туширмасаларинг, ўзим топаман ўшаларни! Кейин кимни жавобгар қилишни мендан кўрасанлар!..

Хонага пашша учса билинадиган даражада сокинлик чўкди. Бошлиқ стол устидаги қоғозларини истар-истамас титкилади. Ўтирганларнинг назарида йиғилиш тугагандек эди. Улар бир-бирлари билан кўз уриштиришаётганида бошлиқ қўлида икки-уч варақни тутиб ўрнидан турди.

– Ҳар иккала қулоқларингга қўрғошиндек қуйиб олларинг! – деди у ва ўқишга тушди: – "Кўчманчи ва ўтроқ аҳоли ўртасида осойишталикни сақлаш мақсадида зарур ва фойдали деб топилган ҳа-ар қандай чораларни кўриш ҳамда сиёсий жиҳатдан зарарли ҳисобланган ҳа-ар қандай шахсни аввал бир, сўнг уч ой турмага ташлаш, сўнгра беш йилгача бадарға қилиш ҳуқуқи берилади".

Йиғилиш аҳли ялписига бошларини хам қилиб, қулоқ солишди. Уларнинг бу тарз мум тишлаб ўтиришларидан ўқиб эшиттирилган янгилик уларга маъқулми ё номаъқулми – билиб бўлмади. Орага жимлик чўкди. Ҳамон ҳеч кимса чурқ этиб сўз қўшмади.

– Кимга бундай ҳуқуқ берилмоқда, деб сўрашга ҳам ярамайсанлар! – деди хуноби тошиб зобит. – Менга, шу ерда ўтирган сенларга берилди бу ҳуқуқ, тушундиларингми?! Ёки қайта бошдан ўқиб берайми?!

Пичадан сўнг хонага чўккан сукунатни курсиларнинг у ён-бу ён сурилгандаги ёқимсиз тарақа-туруқи бузди. Бошқалар қатори Карим қори ўрнидан қўзғалиб эшик томон икки одим ташлаганида бошлиқ уни тўхтатди.

– Имом домла, – деди у боягиндан овозини пича мулойимлаштириб, – намозхонларингиз масжидда тўпланса тўпланаверсин, мунга ижозат берамиз, хоҳлаганича

намозини ўқисин, мунга ҳам рухсат, бироқ мен тушунмайман – намоз тугагач, яна қандай мақсадда тўпланиб, янгитдан ивир-шивирни давом эттирасизлар?

– Намоз тугагач, чиқаверишда тўрт-беш нафар шогирд...

Зобит имомнинг жавобига қулоқ солмади, сўзини зарда билан кучлантириб, давом эттирди:

– Тўртта бўлса ҳам тўпланмасин. Уқдингизми? Уйига борсин, юмушига борсин! Тили узун, оғзи ботирлар масжидда уя қурса, жавобини сиздан сўраймиз!

Карим қори кенг ва дўнг манглайини солинтирди, сўзсиз бош ирғади. Шу пайт бошлиқ асл зобитларга хос ваҳима билан "ҳай-ҳай"лаб ташқарига чиқа бошлаганларни ҳонага қайтиб киришларини талаб қилди. Афтидан у бирор зарур кўрсатмани унутган эди.

Йиғилиш қатнашчилари истар-истамас изларига қайтишди.

– Ўтиринглар! – амр қилди зобит.

Ўтиришди.

– Имом домла, – деди у Карим қорига кўзларини дўлайтириб. – Масжидни ҳовлисига газит илиш кимдан чиқди? Одамларингиз масжидга намоз ўқиш учун келадими, газит ўқишгами?!

Карим қори учун бу кутилмаган савол эди.

– Кимдан чиққани менга қоронғи... – деди у салмоқланиб. – Ҳар қалай, ҳукумат чиқараётган газитти ўқийдиганлар кўпайишида хавотир...

Зобит бировнинг сўзига қулоқ соладиган махлуқ эмасди.

– Хавотир бор-йўқлигини ўзимиз яхши биламиз! Сизга топшириқ – бугундан намозхонани газитхонага айлантиришга чек қўйилсин! Тўдалашма газитхонлик... Нимайди, ану?.. – Зобит шиша синиғидан ясалгандек кўм-кўк кўзини юмиб, тақир бошини қашлади. – Ҳаромни нима дейди мусулмонларингиз? Ҳаромни... М-мак, макруҳ! Топдимми?! Тўдалашма газетхонлик – макруҳ, деб фатво чиқаринг, олам гулистон! Қутуласиз-қўясиз, вах-ха-ха-а!..

Карим қори бошини тиззасига солинтирди. Шу тобда чурқ этиб оғиз очиш ортиқча эди, тилини тишлади. Зобит ўзининг "топқирлиги"дан қувониб кетди чоғи, бу ёғига ҳаддидан ошди:

– Муму кучукчани боқиб олган соқов бор-ку[6], отинг қурсин, ўшанга ўхшаб ўтираверсаларинг имомлик ҳам ўзимга қолиб кетади! Вах-ха-ха!..

Пристав имомнинг бетидаги бирор туки ўзгармай тунд ўтиришини кўриб ҳаддидан ошаётганини сезди чоғи, бирдан ҳушёр тортди. Мақсадга кўчди.

– Хуллас, – деди бояги жиддий оҳангда, пўписа аралаш. – Сиз билан келишдик – масжидда одам тўп-лан-ма-син-н! Тамом, вассалом!

У шундай деб бошқаларга ўгирилди. Овозига янаям таҳдидли тус берди:

– "Турон" кутубхонасига танда қўйганлар, эртадан кечга довур қироатдан бош кўтармайдиганлар билан алоҳида шуғулланурмиз. Лекин кутубхона деворига, яъни кўчага-я, газит-журнал илиш қайси хомкалланинг иши?! Қайси душманни иши?! Қўпорувчилик – бу! Контр-революция!.. Ўз кўзим билан кўрдим, гала-гала, очират дейсан! Биттаси овози борича ўқияпти, қолганлар ха-ха-хо, ха-ха-хо! Саводсиз оломонни йиғиб олиб кимнинг устидан куляпти, кимларни мазах қиляпти улар, шуни ўйлаяпсанларми, эшитяпсанларми, ўзи?!

– Тағин "Муштум" деган жўрнал чиққанини айтмайсизми?! – дея луқма ташлади кимдир хушомад қилиб. – Одамлар орасига тарқаб кетяпти!

– Ана, айтмадимми! Кимга керак ўша "Муштум"?! Сатира жўрнали етмаётувди! Кулги гап ёзиб бутун авомни оғзига қаратадиган матбуотчи қавми – ўн карра

[6] И.Тургеневнинг "Муму" ҳикоясидаги Герасим назарда тутилмоқда.

қўпорувчи деяверинг! Матбуотчи кўпайган жойда душманга ҳожат қолмайди. – Зобит гапдан тўхтаб чайналди, сўнг товушини пастлатиб ғудранди: – Гап шетта қолсину, бугун-эрта "Муштум"ми куни битадиган!..

Карим қори қулоғига узуқ-юлуқ чалинган бу таҳдидли минғирнинг тагмаъносига тушуниб етмади. Кўчага чиққан жойида бир зум тин олди, ён-верида ҳозиргина эшитиб чиққан ваҳима тўла дағдағалар юзасидан ҳасратлашадиган кимса йўқлигидан афсусланиб, тек турган кўйи хуфтон намозига айтилаётган азонни жон қулоғи билан тинглади, ундан қувватланди, бирмунча енгил тортиб, масжид томон йўналди.

Абдулла боғ ҳовлининг якка тавақали эшигини шовқинсиз очдию отаси ётган уй томондан узуқ-юлуқ сурнай саси келаётганини эшитиб қулимсираб, пича туриб қолди. Ток сўриси остида алланима ўйнаб ўтирган Назифа, унинг изидан Ҳабибулла сурнай овозини эшиттилар чоғи, бирдан сергак тортиб, олдинма-кейин қувалашганича уй томон югуришди. Эшикни оча ўзларини ичкарига уришди. Абдулла ҳамон мийиғида кулиб пастак, лойсувоқ томли уй томон юрди. Боратуриб ичкарида бошланган музокарага қулоқ тутди.

– Бобо, сурнайни ким чалди? – сўради ҳовлиқиб Ҳабибулла.

– Қанақа сурнай? Бу уй сурнайхонами санларга? – Отасининг йўғон, ҳазил аралаш дағал товуши эшитилди Абдуллага.

– Менам битта чалай... – дея ёлборди Назифа.

– Қиз бола-я? Нимани чаласан?!

– Суннайни!

– Манда суннай нима қилади! Аданг келса айтаман, ҳаммангга шарра-баррачи лўлидан сурнай оберади. Қани, мани бошимми қотирмай, борларинг, ўйинингни ўйналаринг. Ҳо-озир ҳаммангни қувиб савалайман!

– Ўнниздан туролмайсиз-ку, – деб тегишди Ҳабибулла бобосига.

– Нима? Нима дединг, тирмизак? Ман туролмайманми?! Тўхта, тўхта дедим!

Абдулла томоқ қирди. Буни эшитган опа-ука, "Адам! Адам келдила!" деганча ўзларини ҳовлига отдилар. Абдулла қизи ва ўғлининг кифтига меҳрибонларча қоқиб қўйди-да, улар ёнида ортиқ тўхталмай, остонадан салом бериб, отасининг ҳузурига кирди.

– Дурустмисиз, дода? Невараларингиз безор қилишмаёттими, ишқилиб?

Қодир бобо аразлаган шекилли, ярим терс ўгирилганича, бир муддат ўғли томон қарамади. Киши кексайганида гўдак боладек бўлиб қоларкан-да, деди ўзича Абдулла қулимсираб. Шунда додасининг кафтида нимадир йилт этганига кўзи тушди. Абдулла ҳозиргина хаёлидан кечган ўйга тасдиқ топгандек яйраб қулмоқчи эди, отасининг кўнглига оғир ботиши эҳтимолини ўйлаб, ўзини тийди. Отаси аҳён-аҳёнда ёстиғининг остига яшириб сақлайдиган сурнайчасини олиб, бир-икки қур пуфлаб қўйиш одати бор. Юпқа тунукадан ясалган ўйинчоқ сурнайчадан таралган заиф нағмани тўполончи невaралар ўзлари учун боболари томонидан эълон қилинган чорлов ўрнида қабул қилишар ва боболари ҳузурига отилишиб-қувалашиб кириб келишар, бундан завқланган бобо сурнайчани яшириб, ўзини билмаганга олиб ётаверар, шу гўдакларча эрмакдан ўзича завқ туярди.

– Абди, ке, ўтир, – деди Қодир бобо ўғлига қарамай, ҳамон ўпкаланганнамо ҳузн[7] бир оҳангда. Абдулла сўзсиз отасининг рўпарасига чўк тушиб, қўлларини тиззасига қўйди. Бобо беҳад муҳим юмушдан сўз очаётгандек жиддий оҳангда гап бошлади: – Бир иш қилсанг...

Абдулла қулоғим сизда деган маънода бош эгди, сукут сақлади.

[7] Ҳазин.

– Ҳовуз лабидаги терак бор-а?

– Бор...

– Ўшани ағдар. Акангни тоби йўқ, уканг қарашсин. Додам айтди де.

– Хўп...

– Ҳамманг ўзларинг билан овора. Сан ёзув-чизувдан ортмайсан...

– Хўш...

– Бибинг қариб қолди шекилли... – Қодир бобо шундай деб бир зум тўхтади, афтидан у хўрлиги келгандек, бир чимдим йиғламсираб олди. Сўнг давом этди: – Мани ҳолимдан хабар олмай қўйди.

– Хўп...

– Ўша теракни ағдар-да, кесиб сот.

– Хўп...

– Чорсуда Қулбозор бор. Ўшатта қул-чўри сотилади, ҳалиям борми ўша бозор?

– Бор... – Абдулла отасининг гапини тасдиқладию қул-чўри бозори аллақачонлар йўқолиб кетганини кўнглидан ўтказди.

– Ўшаттан бир ёшроқ чўри хотин сотиб олиб, уйга опке.

– Хўп бўлади...

– Манга хизмат қилиб турар...

– Хўп, дода...

Абдулла отасидан теша тегмаган инжиқликларни кутса-кутардики, бунақа гапни кутмаганди. Лекин у қандай бўлмасин юз ёшдан ўзиб бораётган падарининг раъйини қайтармаслик, пушти паноҳи эҳтироми ҳурмати у кишига "йўқ" сўзини оғзига олмасликка одатланганди. Бироқ шу ўринда унинг қитмирлиги тутди шекилли, ўзи ҳам аниқ англамай-нетмай отасига сўз қотди.

– Дода, – деди у жиддий оҳангда, – теракни учи кўкка етаёзган, танаси қучоққа сиғмайди, сотсам бир дунё пул бўлар.

– Яхши-да...

– Сотган пулим битта эмас, иккита чўрига етиб ортса нима қилай?

Қодир бобо аввалига ўғлининг муддаосини фаҳмламади, бироз ўтгач англади шекилли, тирсаги билан ёстиқни такя қилганича ирғиб турадиган бир жаҳд ила елкалари, қоқсуяк баданини силкиллатиб кулиб юборди. Яйраб, чеҳраси чараклаб кулди. Абдулла отасининг очиқ кўксини қоплаган қуюқ ёлнинг қордек, симобдек оқариб кетганига разм солди. Шу аҳволдаги бобойнинг назарида эса мана ҳозир ўғли Қулбозорга борадию битта эмас, бир жуфт чўри аёлчани етаклаб келадигандек эди.

– Хаҳ, гапинг қурмасин сани! Аллаким айтганди, ўғлиззи тили аччиқ деб, тўғри айтган.

"Тўғри гап аччиқ бўлади-да". Абдулла бу гапни овоз чиқариб айтмади. Балки дилида, дилининг бир чеккасидан ўтказди, холос. Бироқ отаизор кўнгли ила пайқади чоғи ёхуд тасодиф юз бердими, айни шу эътирозига жавоб бўларли насиҳат қилди:

– Ҳақ гап бамисоли мағзи аччиқ бодом, уни қадрига етган одамнинг ўзи қадр топмайди, болам. Ҳаёт азал шундай...

Боғнинг этак томони кета-кетганча бошланиши гулзор, сўнг узумзор, ўрикзор, шафтолизор, ундан нариси қуюқ дўланазор ва теракзор эди. Абдулла одатда кўчадан иссиқлаб келган пайтлари ё узумзор, ё ўрикзор ё дўланазор остидаги бирор соясалқин ерга кигиз ё бўйра ташлайди, устидан кўрпача тўшайди-да, гоҳ чордана қуриб, гоҳ кўксини ёстиққа берган кўйи ёзишга тутинади.

Бу сафар ҳам у одатини канда қилмади. Савр офтобида иссиқ урганми, бошига дам бермак истади шекилли, сояси қуюқроқ пана жой ҳозирлаб, бир зум ёнбошла-

ди. Боғни оғушига олган жимжитликни мусичанинг ҳазин "ку-ку"си бузди. Абдуллага болаликдан мерос – айниқса қоқ пешин чоғлари, атроф-жавониб, дов-дарахту ўт-ўлангача сукунат оғушига ғарқ бўлган дамлар бирдан мусичанинг дам калтакалта, дам чўзи-иб-чўзиб кукулаши жаранглайди:

– Ку-ку-ку-ку-у!.. Ку-ку-ку-ку-у-у!..

Дунё бир томон, олам бир томон, замину само бир томон – мусичанинг мунгли ва жарангдор "ку-ку"лаши бир томон!.. Ёлғизлик нағмасими, бу мунгли садо, беозор жониворнинг? Ҳамроҳ истаяптими, ёлғизлигидан нола чекмоқдами? Унинг ёлғизлигига дов-дарахт, ўт-ўлан, замину осмон, мана шу боғ-роғ, Абдуллага қўшилиб жамики одамизод айбдормикан?! Гўё бу ёруғ оламда парранда зоти қолмагандек, қолган эса-да, бу бахти қаро мусичани тамом ёлғизлатиб қўйишгандек, унинг нолакор "ку-ку"лари абадулабад жавобсиз қоладигандек эди. Қани, қаерда ўзи?.. Абдулла ёнбошини болишдан узиб, атрофга аланглади, бироқ унинг хаёлини тўзғитиб юборган мусичани топмади. Уйга кела-келгунча кўнглидан кечган ўйларини бир бошдан хотирламоққа тутинди, тутинсада, қай мавзуни қоғозга туширмоқни мўлжаллаганини росмана эслолмади. "Вужудимни тўлдирган зардобни тўкиш учун ҳам уйқудан уйғотмоқдаман. Ишчими, деҳқонми, маорифу маданияти, иқтисодию шалтай-балтайи ўзим сингари ғафлат уйқусига банди эканлигидан қуймоқдаман. Маҳалла ишсиз, гузар ишсиз, бозор ишсиз – том тешарга уқув, йўл тўсарга юрак йўқ, уйқудан аламни олмай қаён борсин, бу овсарлар?! Ўчоқбошидакозонбошида эса жой қаҳат, инчунин қаланғи-қасанғи тошини терсин!

Ўлка қай аҳволда-ю, уста Йўлдошнинг куйгани қайси ергача?! Салкам беш минг кишига битта мактаб эмиш! Ола-а, ўқийман деганлари неча ҳовуч. Очган мактабинг неча сиқим, дейдирган жўмард йўқ майдонда".

Йўқ, қаттиқ кетмади Абдулла. Борини ёзди, аламдан ёзди. Ўқиганлар ҳушёр тортсинлар, ғафлат кўзларини очсинлар. Қалбларига тоза насимлар етиб борсин деган ўйда ёзди.

Мавзу танлашда кўп мулоҳазага борарди Абдулла. Мулоҳазага борар экан омманинг қизиқишини ҳисобга олар, лекин бу билан иш битди дегани эмас. Топган-танлаган мавзусини қандай ёзиш янаям, хусусан, матбуотдан бехабар, газит-журнал деса мудроқ босадиган танбал қавмнинг қулоғидан торти-иб ўқишга-мутолаага мажбурлаш учун теша тегмаган ҳолатларни авомнинг ўз тили-ўз лаҳжасида баён этмоқлик ҳам шарт.

Абдулла ёзганлари ҳаётий чиқишига, қўлига илк бор газит-журнал тутган қавмнинг ҳам онг-тафаккурини ишғол этиш қасдида қалам тутарди. "Муштум"нинг янги сонида босилган мақоласининг мавзуси, ёзиш услуби ўз-ўзидан туғилди. Йил бошидан таътилга чиқиб уйда ўтирди. Ўйлаб кўрса, газит-журналда исм-шарифи кўринмаганига бир ярим ойдан зиёдроқ вақт ўтибди.

Гапни шундан бошлади. "Ўқуғучилар билан дардлашмаганимга қарийб бир ярим ой бўлди" деб ёзди. Кулгини камайтир, ғазабингни жиловла – жиддий оҳангда ёз мақолани, деб ақл сўқигани-сўқиган Ғози. Вой, ақлингдан сани, Ғози! Вой, дўстим, деган тилингга жонимни қоқай! Кулгини, таъна-ўпкани тўкмасанг кимга керак бундай мақоланг?! Меҳрингни бер, диққат ила ўқи, оғайни, маним мақолаларим – маним дардларим ахир! Ёзар сиёҳим – дардларим, шу боисдан ҳам заҳар у, заҳар. Бўлак сиёҳдан қўлимга қалам тутмайман, Ғозивой жўра!

Боғнинг салқин эпкини бетини, кўксини сийпаб ўтди. Абдулла енгил тортиб, ортиқ хаёл суришни бас қилди-да, қаламини қитирлатиб ишга киришди.

"Эрта тонг вақти алоҳида бир сезги берадир.

Мусаффо ҳаво, майин ва ёқимли шамол куртакдан эндигина чиқиб баҳорни саломлаган ёш ва тиниқ япроқларни елпиб турадир. Баракали ёмғурлардан ке-

йин яшнаб кеткан барра майса ўтлар ерлар бетини секин-секин ўпиб-ўпиб кеткан тонг шамолида ҳилпираб-ҳилпираб кетиб, ҳазил қилишгандай бир-бирларини қучоқлайдилар. Бутун ер юзи..."

Бир ҳайт дўланазор адоғидаги пастак гувалак девор оша икки-уч қизалоқ чеҳралари лип-лип ўта бошлади. Ўша тарафдан дугоналарнинг эҳтиётқорона қиқирлагани чалинди қулоққа. Бироқ бу шарпалару қиқирлашлар тақир ер устидаги кўрпачада чордана қуриб ўтирган ёзувчининг фикрини чалғитолмади. Ваҳоланки, гувалак девор оша ўғринча уни кузатаётган қора кўз қизлар ўзлари билганларича қўшни Жулқунбойни ғийбат қилаётган эдилар.

– Хат битвотти! – шивирлади қизлардан бири.

– Нималарни битвотганикий, тавба-а-а! – Ҳаяжондан энтикиб илова қилди бошқаси. – Хадич, қўшнингни феъли санга маълумдир ахир? Айт, билсанг!

Дугоналарнинг учинчиси – Хадича узоқ ўйламай вазиятга "аниқ-тиниқ" ойдинлик киритди:

– Ёмон одам бўлса керакки, тинмай ёзади!..

– Астағфируллоҳ, ўзинг асра, бундай одамлардан! Яхшиям ёзишни билмайман!..

– Ўзингга шукр, ман ҳарф ҳам танимайман...

Учала дугона кесак ирғитилиб ҳуркитилган чумчуқ тўдаси янглиғ дув этдию, бехосдан кўча эшикда пайдо бўлган эркак кишининг қораси кўринган замони ҳар учовлари зумда кўздан ғойиб бўлишди.

– Улдурким, ман санга айтсам, ёзғувчилик – асли шайтони лаъинни касми!

Шавқ ила қалам тебратаётган Абдулла чўчиб, тепасига келиб қолган киши томон ўгирилди.

– Э, келсинлар, домла! Қандай шамол учирди десам, дов-дарахт тинч, хас-хазон сукутда, қилт этмай турибди. Фаришталардай сездирмай келасиз-а!

– Фариштага ўхшатишинг бир нави, илло, аканг қарағайни учирадиган шамол ҳали осмондан тушган эмас. Сан ёзғувчи бўлсанг, ман, биласанми, кимман?!

Абдулла ўрнидан қўзғалиб, жуссаси бесўнақайроқ, кўринишидан ўзига қараганда хийла ёши улуғлиги сезилиб турган келувчига ҳурмат бажо айлади. Бироқ меҳмон, афтидан ҳозир берган саволига жавоб олиши ғоятда муҳим бир вазифадек кўрпачага қадам босишга ошиқмади.

– Кимлигимни айт, кейин ўтириш қочмас. Мандек бир олиму уламо одамни бу хумсаларга дурустроқ тушунтириб ёз деб неча чакак қоқдим, айтконларим бу қулоғингдан кириб, наригисидан чиқиб қочаётган кўринадир бачам?! Ман қандоқ айтсам сан шундоқ ёз деб неча тайинладим, Насриддин Афандининг йўрғасидай қайсар экансан ўзинг ҳам! Абдулла: "Кимлигингизни менчалик биладиган банда йўқдур, домла?" деб қўшнисининг забонини ўйиб олмоқчи эди, ниятидан қайтди. Қолаверса, Исоқ домла ким билан юзлашмасин даставвал бўрдоқига боқиб қўйган қовоғарилари ғужғон ўйнаётган ғазабдонини шамоллатиб олиш одати унинг учун янгилик эмас, шу дамда алангаи оташ товасида жазиллаб кирган бўлса, зум ўтмай ҳовуридан тушишини Абдулла яхши билар, у кишимнинг инжиқзада нағмаларига кўникиб кетганди. Уч йилдан ошиб боряпти, аҳвол шу...

Бошлиқ унча-мунча хизматга терговчиларни ҳузурига чақиртиравермасди. Демак, жиддий ва қалтис бир гап борки, шахсан ўзи шуғулланаётган кўринади.

Терговчи шинам хона томон шаҳдам бир қадам ташладию ҳарбийчасига кифтини келтириб салом берди. Белский эса аликни ҳам насия қилиб, томдан тараша ташлаган қабилда муддаога кўчди:

– "Овсар" деганлари ким? Шундай ёзувчини эшитганмисан?

Агидулин довдираб қолди. Бундай саволга жавоб йўқ эди унинг бисотида.

– Сартларнинг текин паловини туя қилишдан бошқага ярамайсанлар! Қўлингга газит оласанми ҳеч?! Газит-журнал ўқийдиган саводинг борми?!

– Бор, ўртоқ начальник! Ҳар куни ўқийман.

Белский ўтирган жойидан туриб, қоп-қора, усти ялтироқ столни айланиб ўтдида, Агидулиннинг кўзига сўррайиб тикилди. Нигоҳи юмшади.

– Кўзингдан сезиляпти. Ҳатто "Муштум" деган журналниям ўқир экансан...

– Ўртоқ бошлиқ, ўзбекчага тишим ўтмай...

– Кўзингдан сезиляпти дедим-ку, саводсизлигинг, ўқимаслигинг. – У бирдан жиддийлашди. – Мен эса ўқийман. Ҳаммасини ўқийман. Ўқимаганинг учун ҳам бурнингни тагида юрган ашаддий жиноятчини пайқамайсан, кўрмайсан!

– Хўп бўлади, ўртоқ начальник!

– Нима хўп, нимага хўп бўлади?! – У ўзи ишонган терговчини ортиқ гапиришга қўймади. Мақсадга кўча бошлади: – Аги! Биласан, мен сени бекорга чақирмайман. Ишонаманки, чақираман. Тушуняпсанми, ишондим!

– Ишончингизни оқлайман, ўртоқ бошлиқ! Мижжа қоқмай ишлайман. Топшириғингизни адо этмагунимча, ошга ҳам бормайман.

Белский кулишини ҳам, кулмаслигини ҳам сездирмади.

– Бошқа ишларингни йиғиштир, мен айтган иш нозик, – у хона шифтига имо қилди. – Назоратда.

Агидулин бир сескандию ўзини ўнглаб олди. У бунақанги назоратдаги ишларнинг кифтини келтириш бобида устаси фаранг бўлиб кетган, ҳали бирон марта қовун туширмаган эди.

– Ҳужжатларни олишга ижозат беринг, ўртоқ...

– Қанақа ҳужжат? Ҳужжатлар тайёр бўлса сенга куним қолмасиди, Аги! Икки кулоғинг билан эшит. Ёзиб ол!

Терговчи учта сўзни бошликнинг оғзидан қандай эшитган бўлса айнан дафтарига ёзди: "Муштум", "Йиғинди гаплар". Овсар.

– Ёздингми? Бу ҳақда фақат мен билан гаплашасан, ҳеч кимга гуллаб юрма, тушундингми?!

– Тушундим, ўртоқ начальник!

– Улдурки, замона охир бўлди, ини-им!..

Маҳаллада мулла Исоқ домлани танимаган ёш-кекса йўқ эди. Бунга ўлақолса домланинг ўзи ҳам йўл қўймас, бирор-ярим ёш-яланг танимайман деб қолса борми, ҳай-ҳай, Исоқ домла ундай бефаҳм бандага кўз очирмас-кун бермас, дунёбехабардан олиб, бесаводга чиқарар, сазойи қилишдан ҳам тоймас, хулласи, сиздан улуғ, сиздан доно, сиздан фузало зот йўқ бу маъвода дея тавба-тазарру қилмагунича кочгани жой тополмасди. Бу етмагандай, домласи тушмагур маҳалла масжиди имомчилигига қўшимча ўлароқ ўзини маҳалла-қўйнинг маънавий падари, маслаҳатгўйи ўрнида кўрар, бу "нодир" қобилиятини ўзгаларга кўз-кўз қилишдан ийманмас, мусулмончилик масала-масоилдариданми ёхуд турмуш юмушларига дохилми, хуллас, қандайин муаммо туғилса ўзини бадастир зукко маслаҳатчи деб билар, қиссаи кўтоҳ, бунинг сабабини билишга қасд қилувчиларга айтиладиган гапнинг индаллоси шулким, ҳазратимизнинг камтарона эътирофларига кўра у кишининг бу ёруғ очунда билмаган-ақллари етмаган нимарса қолмаган, инчунин, ўзларини аллақачонлар комиллик чўққисини ишғол этганлардан ҳисоблар эдилар.

Абдулла Исоқ домланинг довруғини орқаворатдан эшитган, лекин у билан яқин ош-қатиқ бўлган жойи йўқ, қулоғига чалинган узунқулоқ гапларга эса, кўпда эътибор қилавермасди.

У гузар бошидаги маҳалла масжиди биқинига солинган чойхона ёнидан ўтиб келаётиб эди. Одатдаги кунда-шундалардан ҳоли, кимсасиз эди чойхона. Абдулла қадамини жадаллатди. Шу пайт осмондан тушдими, ердан чиқдими, ортидан ўзининг исмини тилга олиб чақирган товушни эшитди-ю, тўхтади.

– Ҳа, намунча, изингдан бирав қувяптими?! Ё, заҳар танг қип қолдими?

Абдулла бу бепарда-беўхшов луқмадан афти бужмайди, саломига яраша алик қабилида жавоб қилмоққа лаб жуфтладию, уни тўхтатган одам маҳалла имоми эканини кўриб, лоп этиб аланга олишга шайланган ҳовуридан тушди. Ҳар қалай довруғи кетган, кимсан Бухорои шариф мадрасасида таҳсил олиб қайтган, қолаверса, ўзидан бирмунча ёши улуғ кимса.

Абдулла совуққина салом берди-ю, танишувнинг давомини кутди.

– Қодирмуҳаммад бобомни ўғлисан-а?

– Шундай, тақсир.

– Дурустмилар, ишқилиб? Кўчага чиқмай қўйдилар дейман?

– Қаричилик, тақсир...

– Шу-ундай файзли инсонни боласи бўлсанг, етти пуштингга ёт иллат қаердан юқа қолди санга, бўтам?

Абдулла томдан ташланган тарашадек беўхшов тарақлаб қулоғига қадалган "шовқин"ни тушунмади – етти пуштига ёт иллат нима? Унга нима юқибди?..

– Ёзғувчилар овсарроқ келади деб эшитканман. Санга ҳам бегона эмас-ов бу иллат? Тагини суриштирсанг, бу ғурбат касми-кор нимаю, шайтонни найранги нима! Муборак китобларда битилган бари.

Абдулла тажанглашди, тутақди, ахир на дунё, на диндан бохабар мана шу тоифа чаласаводларга қолиб кетмоқда миллат тақдири, газет-журналдан қайтараётганлар ҳам шулар. У оғиз жуфтлади, кўнглидан кечган-оғзига келган гапларини айтса борми, қиёмат қойим бўларди-я, буни домла айни вақтида пайқади чоғи муомалани ипаклаштирди:

– Ҳаммасидан бохабарман. Довруғинг чакки эмас кўринадир. Манга қара?

Абдулла тўхтаб, у томон ўгирилди.

– Муштумга ёзади, деб довруғинг кетибди, ҳеч ким йўғида бир билиб қўяй.

– Нимани билиб қўясиз?

Мулла Исоқ домла атрофга олазарак аланглади-да, гўё ўзининг беҳад ақлли саволи суҳбатдошини гангитиб қўйишидан андиша қилгандек сўради:

– Манга бир очиқчасига тушунтир. – У бир қўлини мушт қилиб Абдулла томон чўзди: – Муштум дастурхондек қоғоз эмаски, унга хат битсанг! Уни қаерига ёзасан? Нимада ёзасан? Нимани ёзасан?

Абдулла қулоғигаям, кўзигаям ишонмади. Кулишини ҳам, кулмаслигини ҳам билолмай анграйди. "Ҳозиргина уни овсарга чиқарган алломаи замон нималар деб алжияпти?" Начора, жуда кўпчилик одамлар газета-журнал нима эканини дурустроқ билмайдилар, бунинг гўё барча айб-кароҳати ўзининг зиммасига тушадигандек жиддий тортиб тушунтиришга киришди:

– "Муштум" деган нарса одамнинг мушти эмас, тақсир, кў-ўп варақдан ташкил топган, ойда икки дапқир чоп этиладиган газитти бир тури – уни жўрнал дейдилар, холос.

– Ҳой чатоқ, вой чатоқ! Тоза олдинг-ку, бачам. Ҳиқилдоқдан олдинг-ку!

Исоқ домланинг ранг-кути гезаргандан гезардию ўша заҳоти ҳушёр тортди, бир юмалаб ўзининг олиму уламо эканлиги ёдига тушиб қолди.

– Шу сан айтқан нарсани билмайди деб ўйладингми? Мани-я?! Сан шўронинг файтонига осилиб, ўрисси афсунига лаққа тушдингу бир юмалаб мусанниф-ёзғувчи бўлдинг-қолдинг, биз эса – бесавод, оми, шундайми, бўтам?! Улдурки, ўқимасам ҳам биламан. Аввал йўқ ердаги гапларни топиб-термачлаб ўша "Муштум" отлиқ газитингга ёзасан, майна қиласан-кулунч[8] қиласан, дуппа-дуруст одамларни майнунга ошно қиласанлар-да, сўнг мушт уриб ағдарасанлар! Шуники билмасам, шунгаки ақлим етмаса мен ким Бухорои шарифда таҳсил кўрган, менким мана шу Эшонгузар маҳалласидан тортиб Самарқанд дарбоза депарасида иззат-ҳурмати баланд домла имомлик обрўйим қатта қолади?! Оббо, бачажоним-а, домла билмайдилар деб ўйлабдилар-да?! Э, чатоқ, воқ чатоқ! Илло қулоғингда бўлсун, бачам, улдурки, ёзган-нетганда биззи ҳам унутма, маслаҳатлаш, кам бўмайсан, уқдингму?

Абдулла бош ирғади, оғзи бепаровоз-бепарҳез мулла маҳзумдан тезроқ узоқлашиш пайига тушди. У бир неча одим нари борганида, домла турган жойидан жилмай бошини сарак-сарак қилганича, изидан қараб турганини сезди. Домланинг: "Ҳа, бўтам, улдурки, кенгашли тўй тарқамас, камина ҳамиша – беминнат", деганини аниқ-тиниқ эшитди.

Кўчада иттифоқо юз берган воқеани Абдулла кула-кула бибиси билан акасига ҳикоя қилиб берганди.

– Бўлса-бўлмаса, "улдурки" деяверіб энсамни қотирди, – деди у.

– Домланинг ғалатлигини энди билдингми? – деб укасининг устидан кулди Раҳимберди акаси.

– Исоқ шўрлик домла эмас, имому аллома ҳам эмас, Калвак – у, Калвак!

Бибисининг гапига Абдулла акаси билан қўшилишиб кулишди-ю, ака-укадан ҳеч бири "Калвак" сўзининг нима маънони англатишини билишмади. Кейин маълум бўлдики, уларгина эмас, беихтиёр бу сўзни кашф этган Жосият бибининг ўзи ҳам билмас экан.

– Қайдан билай, болам, – деди биби кенг енгининг учи билан пешона терларини арта-арта. Абдулла қўярда-қўймай суриштиравергач, пича ўйланиб туриб, – маъносини билмадиму лекин шу сўз Исоқ домлани феъл-атворига тоза тушади-да!

Икки-уч кунгача Абдулла бибисидан эшитган янги лақабни ичида пичирлаб такрорлаб юрди. Ўзи танлаган "Улдурки"дан воз кечиб, бибисининг ҳурмати, "Калвак"ни маъқул кўрди. Шу сўзни ҳар такрорлаганида кўз олдида мулла Исоқ домла бор бўй-басти, рафтори, гап айтиш одатлари билан бутунисича гавдаланар, унинг қайта-қайта ўзини ўзи алломаи замон деб эълон қилиши, айниқса "Муштум"ни одамнинг мушти деб ўйлагани янгитдан кулгисини қистатар, илк дафъа танишиш-гурунглашиш унда бир қадар ёқимсиз таассурот қолдирган эса-да, негадир ўзида шу одам билан тағин кўришиш, суҳбат қуриш иштиёқи кўз очаётганининг тагига етолмаётганди.

Дастлабки таассурот тўлқинида кулгили бирор нарса битишга жазм этган жойида фикридан қайтди. Тўғри қилган экан, илк суҳбат пировардида сирдош-дўст тутинган Исоқ домла атайин ёш ёзғувчи маҳалладошининг йўлини пойлайдиган одат чиқарди. Абдулла ўзидаги мойилликни сирбой бермай у билан узун-қисқа гурунглардан ўзини олиб қочмайдиган бўлди, ўйлаб қараса, қўшни домла – Калвак думбулроқ, овсарроқ, илло кўнглида қурум-дуди йўқ бир қоп ёнғоқ мисол олашовур нарса экан!

Абдулла тап-тайёр ёзишга лойиқ қаҳрамон топганини англаб-англамай, уни ўхшатиб қоғозга туширишга киришганини ўзи ҳам сезмай қолди.

Меҳмон одатига кўра маърузасини бошлади:

[8] Кулги.

– Улдурки, замона охир бўлди, ини-им!.. Ҳаммаёқ расвои радди бало! Нима кўп – ҳуда-беҳуда иш кўп! Ёзвоссанми?

Абдулла бош ирғади. Маъвиза давом этди:

– Шарорат пешалари авжида, биззи фақирлар эса хорликда. Новзанбиллоҳ, новзанбиллоҳ!.. Кийимлар этаксиз, сочлар белга етади. Бунга кўнсанг, эркаклар хотун, хотунлар эса эркак қиёфасига кириб бўл-лди! Ақл кетди, ақл! Ақл кетдими, қулоғингда бўлсин, бола, жамоатдан ақл кетдими, борар йўлимиз, қилар ишларимизнинг оёғи арши аълода-боши қора туфроқда деявер!

Меҳмоннинг ёқасиз яктаги орасидан кўкрак мушаклари бўртиб кўриниб турар, калта ўй нусха кимсан Жулкунбойдек элга танила бораётган ёзувчини бу қадар бемалол ва хўжайинларча ўзига маҳлиё қилиб ўтирганидан ичида мамнунлигини яширмас, айтаётган гаплари чиндан ҳам ёзувчи қўшнисига ёқиб тушаяпти деб ўйлаётганди. Воиз атрофга ўғринча аланглаб қўйди-да, таҳдид ила қаттиқ пишиллади:

– Билиб қўй, Абдил, ман айтганларим бари охирзамон аломатларининг ўзгинаси! Наузанбиллаҳ, ўзинг раҳмингни дариғ тутмагайсан!

Абдулла бетига жиддийлик тусини бериб, меҳмоннинг боши узра узоққа тик қаради. Унинг нигоҳида жиддийлик билан ўйчанлик қоришиб кетган, рўпарасида турган бу инсон айтаётган гапларнинг мағзини чақишга уринар, дам кулгиси қистаса, дам оғир ўйларининг адоғига етолмай, ўйловларини тилига кўчиролмай хуноби ошгандан ошар эди.

– Сан мундо-о-оқ маҳалла-кўйга чиқмайсан. Одамларга қўшилмайсан...

– Ҳм... – деди-кўйди Абдулла эшитилар-эшитилмас.

– Вей, манга қара, бола! Шу ўзимиззи кўчага ҳам қадами етибди ўша касофатларни!

– Қандай касофат?

– Пешин намозига боратуриб муюлишда қип-қизил бир ўрис ўспиринга рўбарў келаманми! Тағин қўлида милтиқ десанг!

– Милтиқ?! Ҳуркиб кеттийзми?

– Мен-а?! Ман ҳуркаманми, бўтам?! Шуни билиб қўй, милтиқдан қўрқадиган пайтларим ўтиб кетган! Ўқиган-илм орттирган алломаи замон учун бул фоний очунда бир бошга – бир ўлим, укдингми? Уққан бўлсанг, унутма! Хуллас, рўпарамдан келаётган бадбахтга бир ҳунаримми кўрсатай деб чоғланганимми биламан, "Ассалому алайкўм", деб қолса бўладими?! Ёпирай! Тушимми-ўнгимми? Ўзи сап-сариқ машак! Ғайридиннинг саломига алик жоизми ё ножоиз, деб ўйланиб улгурмасимдан рўпарамга яқин келиб қўлини чўзса десанг?! Вой, нобакор! Вой, нонкўр! Ман киму у ким?! Ёқасидан олай десам, қўлида милтиқ! Олмай десам, қўл чўзиб турибди! Астағфируллоҳ, деганимми биламан, не кўз билан қарайки, тиржайиб афтимга боқиб турган мелиса ўспирин ўзимиззи маҳаллани боласи – Абжал сариқ экан!

Абдулла тиззасига шапатилаб мириқиб кулди. Исоқ домланинг берилиб сўзлаш тарзи юз-кўз аломатларидан-да, юз-кўз аломатлари эса сўзлаш тарзидан-да кулгилироқ, ажабтовурроқ эди. Илло иззатли меҳмон куладиган аҳволда эмас, Абдулланинг нимадан бу қадар яйраб кулаётгани боисини ҳам англамаётган эди.

– Нимасига куласан, Жулқун, нимасига?! Таги мусулмонни боласи бўлса-а, анавилар шапкани кимларга беради, биласанми?

Абдулла суҳбатдошини обидийдадан тўхтатишни истамай унсиз бош тебратиб маъқуллади. Унинг бу тарз тушунмаганлиги меҳмонга пишанг ўрнида ўтди.

– Чўқинганларга беради! Ҳа-а, алар анойи эма-ас, аввал чўқинтиради, сўғин бошига шапка кийдиради! Мўмин киши шапка кийдими, тамом, Оллоҳу акбар деявер!

– Йўғ-э! – деб юборди бехосдан Абдулла. – Шапка мелисаларни кийими... Ман ҳам бир пайтлар қисқа муддат кўнгилли халқ мелисасида...

– Бир пайтингни кўя тур, бу ёғини сандан кўра пухтароқ биламан, бола! Сан газит-жўрналдан ортмай қолдинг, асл аҳволдан нарисан. Мелиса бўламан деганни аввал-бош бутхонада чўқинтиради, кейин эгнига кийим кўндиради. Оҳ дедим, оҳимдан кўчага ўт кетди, Абдил! Ёз, шуларни, битта қўймай ачитиб ёз! Куйдирадиган қилиб, этини ўйиб-ўйиб оладиган қилиб ёз! Бу аҳли имон билиб қўйсин, кўзини очсин!

Бир қўлида чойнакда чой, иккинчисида бир жуфт пиёла тутган Ҳабибулла одоб ила салом бериб пайдо бўлдию суҳбат келган жойида узилди.

Кимсан Белскийдек важоҳатли бошлиқ ишонганича бор – Агидулин юқоридан тушадиган, махсус назорат остига олинадиган топшириқларни адо этишда устаси фаранг бўлиб кетган, унга ортиқча йўл-йўриқнинг ҳожати йўқ, ўзи билиб-ўзи ўринлатарди. "Муштум"ни ҳам, "Йиғинди гаплар" мақоласини ҳам, уни Овсар тахаллуси билан Жулқунбой деган ёзувчи ёзганлигини ҳам бир куннинг ўзида аниқлади, журнал таҳламларини столи устига қалаштириб таҳлаб қўйди. Эшикни ичкаридан қулфлаб олиб, "Йиғинди гаплар"ни ҳижжалашга тушди. Унинг бир жумласини тушунса, икки жумласига тиши ўтмади. "Роса ўраб-чирмаб, тагдор ёзибди ўзиям!" деган хулосага борди дастлабки ўқишида. Сўнг яна қайта бошидан сўзма-сўз, жумлама-жумла ўқиди. Ўзидан қаноат ҳосил қилмай ўзбекчани сув қилиб ичган татар биродарини топдириб келди, мақолани шошилинч русчага ўгиришни буюрди.

– Жулқунбойни ўқиб тураман, – деди таржимон топшириқни эшитгач. – Лекин бу ёзувчининг ёзганларини зудлик билан русчага ўгириш осон эмас.

Агидулин унга қулоқ солмади.

– Бугун ухламайсан, эртаминан мақолани столим устига қўясан, бошқа гап йўқ! Қуруғини эса, икки ҳисса қилиб шахсан ўзимдан нақд оласан!

Ўзи бошлиққа ваъда қилганидек, ҳатто мижжа қоқишни тамом унутди, уйига ҳам бормай, дастлабки варақ ҳужжатнинг кифтини келтиришга киришди.

"Дастлабки терговни бошлаш ҳақида" деб бошлади уни. Бундай ҳужжатларни йўқдан бор қилишни кўзларини юмиб адо этиб ташлар, бирорта варақ бўладими, икки оғиз кўрсатма, савол-жавоб бўладими – барчасини ай-йнан қонун талаблари асосида – кашта тиккан чевардек, гулини гулига мослаб, рақамини рақамига келиштириб, кифтини келтирар эди.

"Қарор қилинди:

Тошкент шаҳ., 1926 йил, март ойи, 8-куни. Мен, Ўрта Осиё СО ПП ОГПУ[9] вакили Агидулин шу йилнинг 25 февраль куни чиққан, 1 март куни менга келиб тушган "Муштум" журналининг 27-сонини ("Қизил Ўзбекистон" газетаси нашриёти) кўриб чиқар эканман, ундаги муаллиф Абдулла Қодирий "Овсар" тахаллуси остида ёзган "Йиғинди гаплар" мақоласини ўқир эканман мақола мазмунига кўра унинг йўналиши Ўзбекистон ҳукуматининг масъул раҳбарларини обрўсизлантиришга қаратилган. Шунингдек Ўзбекистон компартияси ва совҳукумати томонидан ўтказилган ғоятда муҳим тадбирлар устидан кулган ва уларни танқид остига олганким, мақола муаллиф томонидан очиқдан-очиқ аксилинқилобий мақсадда тайёрланган ҳамда у журналда босиш орқали кенг оммага тарқатилганким, ул эгаллаб турган вазифасига кўра муҳаррир ўринбосари бўлиб хизмат вазифасидан фойдаланган ва уни суиистеъмол қилган ҳолда муҳаррирнинг қатъиян тақиқлаганига қарамай мақолани навбатдаги сонда эълон қилдирган, яъниким ЖК нинг 72 ва 105-модда 1-бандига кўра жиноят содир этилганким, бу ВЦИКнинг 1922 йил 16 октябрдаги қонунига биноан ва ГПУнинг 1922 йилги 287–1923 йилги 362 ва 363 рақамли буйруғига ҳамда ЖПКнинг П.91/123 ва 110 ёки 125-моддасига биноан

[9] Ўрта Осиё Бирлашган давлат сиёсий бошқармаси мухтор ваколатхонаси.

Қарор қилади:

Мақоланинг рус тилига қилинган таржимаси иш юзасидан Ўрта Осиё ООПП ОГПУ томонидан қабул қилинди ва РСО ПП ОГПУ томонидан рўйхатдан ўтказилди, дастлабки тергов ишлари бошландиким, бу ҳақда ушбу қарорни ҳамда иш бошланган ҳақидаги дастлабки билдирувномани ЎзССР прокурорига маълум қилинмоқда.

Вакил – Агидулин

"Розиман" ОО ПП ОГПУ бош. – Дьяконов

"Тасдиқлайман" – Ўр. Осиё ПП ОГПУ – ваколатли вакил Белский

Аслига тўғри: Тригулов"

Бошлиқ ёрдамчиси одатда ҳаммадан барвақт хизматга етиб келарди, Агидулин ундан ҳам илгари шу ерда, чунки у хизмат хонасида тунаган, уйқу қаёқда! – муҳим ҳужжатни шошилинч бошлиққа олиб кириши зарурлигини унинг ёрдамчисига тайинлади.

Белский хонасига кирмай туриб, "Чақир!" деб амр қилди ёрдамчисига. Агидулин шамолдай елиб етиб келди. Қарорни икки қўллаб-авайлаб катта столга қўйди. Бошлиқ пойинтар-сойинтар ёзилган қарор матнини шошмай, тўхтаб-тўхтаб ўқиди. Қошларини чимирди.

– Мақолани таржимаси қани? – сўради столдан икки одим нарида ғўдайиб турган терговчидан.

– Таржима йўлда, ҳозир етиб келади.

Белский бошини чайқади, мийиғида кулимсиради, имзо чекди.

– Киришавер, – деди енгил тортиб мамнун кайфиятда. – Таржимани мен ҳам ўқишим керак.

Абдулла Исоқ домла билан ўрталарида бошланган мулоқот тарихини ипидан-игнасигача аҳамиятли деб ҳисоблар, ҳаммаҳалласи бўлмиш бул зоти бобаракот билан қай тариқа биродарлашди, қай тариқа тил топишди – кўп ўйлади, кўп мулоҳаза қилди, таассуротларини ҳикоя тарзида ёза-ёза журналда пешма-пеш босдирди ҳам!

– Йиғиштир, қоғоз-қаламингни! Мук тушиб қоғоздан бош кўтармай қолдинг, а бу кетишда эсар-несар бўли-и-иб ўтирма, бўтам.

Абдулла мийиғида кулимсиради, меҳмонга болишни узатди. Меҳмон ортиқ илтифот кутмади ҳам, болишни биқинига босди-да, бошлаган ҳеч ерда топилмас гавҳар ўгитларини келган жойидан давом эттирди:

– Улдурки, мани дунёга танитдинг – етар, бошқа нарса ёзмасанг ҳам-чи, Абдил, Жулқун деган довруғинг етти пуштингга етади. Бу ёғига тараллабедод қиле-еб, кўк дўппингни яримта қиле-еб юравер, кам бўмайсан!

Абдулла ҳеч бир сўз демай меҳмонга қаради. Ҳақиқатда Калвак маҳзум деб номлаган қаҳрамони, мана, икки йилдан ошди чоғи, "Муштум" саҳифаларидан тушмай келаётир. Ўқиганнинг ҳам, эшитганнинг ҳам оғзида Калвак! Исоқ домла неча қайта уни қисувга олди: мани ёзяпсанми, топган исмингни қара, ўша қизиталоқ Калвак – ман эмасми, деб саволга тутди. Абдулла ўламан саттор сиз эмас, деб туриб олди, баъзида эса, домланинг феъли хўйига разм солаётиб айрим сўзларингиздан фойдаланган жойим йўқ эмас, сизнинг ўзингиз-да, манга илҳом бағишлаган деб сирни ошкор этишдан ҳам тоймади. Бундай дамларда Исоқ домла бир мамнун бўлиб кетар, боладай яйраб кетар, яйрагани сари қадди-қоматини ғоз тутганича ён-атрофида Абдулладан ўзга ҳеч кимса бўлмаса-да, ялпайиб-талтайиб қўяр, кимсан довруғи бутун жумҳуриятга ёйила бораётган Жулқунбойдек ёзувчига илҳом берганлигини маҳалла-кўйга чиқиб баралла айтгиси, достон қилгиси келиб қоларди. Ҳушига ўтиришмайдиган сўзлари учун эса Абдулланинг ҳоли-жонига қўймай "ман унақа демаганман, манда ундай гап

бўлмайди"га тушиб қоларди. Абдулла эса бадиий асар яратишда шундайин муболаға ва бўяб-бежаш усули борлигини тушунтиргунича, уқдиргунича она сути оғзидан келгудай ҳолга тушар, ҳарчанд уринмасин ҳеч бир гапи Исоқ домлага заррача кор қилмаётганини, уқдиришлари ҳавога учаётганини сезиб турарди.

Оила аъзолари кечки таомга йиғилишаётиб Абдулла ичидан гупуриб келган кулгини аранг босиб, ғудранди:

– Исоқ домла хўп ажойиб-да!

– Ажойиб ҳам гапми, – дея кулгига қўшилди Жосият биби. – Кўчада дуч келиб қолсаям ҳеч ерда йўқ гаплар билан йўлимни тўсгани-тўсган. Масков кетганингдаку, Абдил қачон қайтади, деявериб ҳоли-жонимга қўймади. Номаҳрамлигини унутиб юбориши ҳам калваклигидан-да!..

– Мани ҳоли қўйинглар деб нолийсан-да, ўша одам билан ҳангамалашиб ўтирганингга балли! – Ҳам кесатиб, ҳам норозиланиб деди Раҳимберди.

– Шу одамми гапларини тингласам хумордан чиқаман, ока. Қулоқ солиб ўтирсангиз-чи, гап йўсинини топишига қойил қоласиз, алдайдими-тўқиб чиқарадими, ғалати жойи – нима айтса ҳаммасига ўзи тўла-тўкис ишонади. Тасвирлашини-ку, асти қўяверасиз! Саҳнага чиқиб театруда ўйнаса ҳам унча-мунча артистдан ўтказиб юборади! У киши топаётган сўзларни ман умримда эшитмаганман.

– Айтдим-қўйдим-да, ука, – жавоб қилди Раҳимберди. – Вақт-бевақт сани уйдан топмаса, додамми ёнларига ҳам кириб бораверарди.

– Раҳматли додамга ҳам бир эрмак эди-да.

– Абдил жон қулоғи билан гапларини астойдил тинглаши хуш ёқади унга.

– Тўғри, шундай, – деб бибисининг сўзини маъқуллади Абдулла.

Абдулла боя кундузи боғ қўйнида чала қолган ёзувини адоғига етказиб қўйиш истагида курси ёнига чўк тушганида вақт алламаҳалга етган, оила аъзолари осуда уйқуга кетишган эди. У Исоқ домланинг ҳе йўқ-бе йўқ кириб келиши билан тўхташга мажбур бўлган жойини топди, лампа шиша ёруғида ёзувга кўз югуртирди: "Эрта тонг вақти алоқида бир сезги берадир.

Мусаффо ҳаво, майин ва ёқимли шамол... Баракали ёмғурлардан кейин... барра майса ўтлар ерлар бетини секин-секин ўпиб-ўпиб... бир-бирларини қучоқлайдилар. Бутун ер юзи..." Абдулла бир зум ўйлаб фикрини жамлади-да, жумласи узилган жойидан давом эттирди: "Бутун ер юзи, том-тош, ёғочлар кўк билан безанган..."

Абдулла қаламни қўйиб, ўрнидан турди. Токчадаги газета тахлами орасидан "Муштум"нинг янги сонини олди. Тик турганича журнални варақлади, "Йиғинди гаплар" сарлавҳали саҳифага тикилганича мақолани кўз югуртириб, ўқишга тутинди: "Ана бу мияси ачимаганнинг гапига қаранг энди! Худоға шукр, қорнинг тўқ, қайғунг йўқ, бас, тинчкина фаройизхонлик[10] қилмасдан оқсоқоллигингни қилаверсанг бўлмайдими, уста Йўлдош!" "Охунбобоевдек нуфузли раҳбарнинг отини тилга олиб тўғри қилдимми ёки нотўғри? Тилга олмаган тақдиримда... Саркор жон қойитиб қилган маърузасини одамлар тушунсинлар учун ёздим бу сўзларни. Афсус, кўп афсуским, оми оломон наздида минг болаға битта мактаб бўлса нимаю, ўн мингига битта тўғри келса сен билан менга нима ҳасрат!

Балки тағинам аччиқроқ ёзиш керакмиди? Ман Йўлдош отанинг маърузасига эмас, маорифдаги аҳволга аччиқ қиляпман, аччиғим – аҳволнинг забунлигидан! Одамларнинг жонига игнадек суқиладиган сўзларни топишдан муддао ҳам шул ахир. Сўзларимга қанча заҳар қўшсам одамларнинг шунча ўқишга диққатлари

[10] Ҳисобчилик.

ортмайдими, заққум сўзларимдан кўзлари, кўзларига қўшилиб эслари ёшланиб ўқиганларидан шунчалар таъсир олмайдиларми?!"

"Энсамни қотирган гапларнинг яна биттаси, – Абдулла пастроқ тушди, пичирлаб ўқиди: – Анави кун бўлиб кечкан маориф ходимчиларининг қурултойидир. Тўғрисини айтканда, зиёнлиларни фойдали қилиш масаласидир. ...Ўртоқ Акмалча..." Жумҳурият раҳбари бўлсанг, мансабингдан ҳуркмайдиган жондор йўғу, нега икки хил гап қиласан, Акмал Икром?! Бир гапнинг ўзида айрим зиёлилар афтига туфургани ҳолда бирдан "тавба-тазарру қилганлар учун фирқанинг қучоғи уларга очиқ!" деб эълон қилиш нимаси?! Фирқанинг қучоғи қайда, зиёли қайда, тавба-тазарру қайда, яхшилар?! Шунчалар ҳам бетайинлик... тутуриксизлик билан зиёлиларни радга-қаторга чорлаш, даъватлаш мумкинми? Лозимми?! Ёхуд "нима учундир имони сусайиб" деган сўзим оғир ботганмикан, Акмалга? Бундай десам, тавбадан тавбанинг фарқи бор ахир. Шуни тушуниб олсин учун ҳам ёзди-да: "Мен ҳар куни Худоға тўққиз мартаба осий бўлиб, ўн саккиз мартаба тавба ва истиғфор айтаман. Исёним бепоён бўлганидек... – Абдулла ичидан пўртанадек отилиб чиқаётган ҳароратга эътибор бермай ўқишда давом этди: – Бас, онглағилким, эй Акмал!.. Ҳақиқат олдида бўйин эгиш тавбадир, ўзгаси ғавғодир!"

Абдулла асабийлашганидан ўтиролмай қолди, лабларини қимтиб, кўзларини катта-катта очганча, гўё иддаоси осмонга қаратилгандек юлдуз сочилган самога тикилди. Журналнинг ушбу сони тарқалиши билан бошланган ивир-шивирларни бирма-бир эслашга тутинди.

Орадан икки-уч кун ўтмай "Муштум"чилар орасида болалай бошлаган пичир-пичирга эътибор бермади аввалига, бироқ, ногаҳон пичир-пичирдан ғалати ғавғонинг қўланса иси келаётганини пайқаб қолди. Ваҳоланки, Абдулла ҳамкасб ёзувчилардан кўнгли тўқ, булар мақоладан кўзда тутилган асл ниятни тўғри тушунадилар. Муҳими, журналхонлар қалбида ғовға уйғотишдан, кенг ўқувчилар орасида оғиздан-оғизга ўтишидан умидвор эди, шуни кутганди. Улар қолиб... иттифоқо матбуотчи ёзғувчи сафдошлари ўзларини пана-пастқамга тортаётганлари фаромуш қилиб қўйди уни. Наҳотки, матбуотчи ёзғувчилар англаб етмадилар мақоладан кўзда тутилган муддаони? Англамадиларми ёхуд англашни истамадиларми?.. Комил-ку, сафарда, эрта-индин қайтиб қолар, у ҳолда Зиё, Хуршид... бошқалар-чи? Ҳамма ялписига бир одамдай... бир тентак-бир овсардек бир овоздан тушунмаслиги, англамаслиги мумкин эмас...

Абдулла курси ёнига чўк тушиб, ҳозиргина ёзган жумлаларига кўз ташлади: "Табиатнинг шундай ширин чоғида сурнай, карнай орқасидан ноғора чалиниб кетадир. Буларга қулоқ бериб ётасан; лекин кўб ёта олмайсан, турғинг, шуларга қўшилиб қувонғинг келадир..."

– Дарҳақиқат, – хаёли қочди унинг, негадир кўнгли ғаш тортиб, – Исоқ домла тушмагурнинг гапида жон бор: мани ёз деди, қалам-қоғозингни йиғиштир, мани гапларимми ёз деди.

Абдулла оҳиста ўрнидан қўзғалди, ташқарига чиқиб намчил, лекин ёқимли ҳаводан кўксини тўлдириб нафас олди.

Эрта қўклам нафаси келиб қолган, кўнгиллар очиқ ҳавони истайди, лекин ҳали совуқнинг заҳри буткул кетмагани боис, маҳалла чойхонасидаги кунда-шунда шоввозлар дераза кўзларини катта-катта очиб, театр саҳнасида томоша кўрсатаётган артистлар сингари ҳангамани қизитиб ўтиришарди. Негадир шу тобда сўз топилмас, яккам-дуккам луқма ташлашдан нари ўтилмас, ўтганнинг ўроғини, кетганнинг кетмонини пайров қиладиган чапани йигитлар гап айтишга баҳона истагандай анграйиб-санграйиб ўтиришарди.

– Ия, ана, гапни устаси ўз оёғи билан келди! Ўз оёғи билан!

Шериклари яшил гулдор қийғини елкасига ташлаб юрадиган даврадошлари кимни назарда тутиб чақаги очилганини пайқаб улгурмаган ҳам эдиларки, шундоққина тор кўчанинг бошида кўринган Абуллага кўзлари тушди.

Ҳаммаларининг чеҳраларига табассум югурди.

– Ҳой, Абди, – деб чақирди гулдор қийиқли йигит Хизр бувани учратгандек севиниб. Бироқ у узун енгининг ичидаги беданаси чўчиб кетмасин деган хавотирда қўлини орқасига қайириб, бўш қўли билан имлаб чақирди, қарийб шивирлади: – Бу ёққа қара!

Абдулла маҳалладошларига кўзи тушдию ортиқча илтифот кутмай чойхона томон бурилди. Саломлашдилар.

– Чойхона иссиққина экан, – деди Абдулла кафтларини бир-бирига ишқаб. – Кўклам изғирини баданни ўяди-я!

– Баданингни қиздирадиган ўзимиз-да, – деди ўрта ёшлардаги бошқа бирови энсасини қашиб. – Бир гапдан ол, Абди, зерикиб ўлдиг-у!

– Нима ҳам дейман, – камсуқумлик билан ерга қаради Абдулла.

– Сан шунақа десанг, бизга йўл бўлсин гап айтишка, ука! Сан ўқиган, дунё кўрган ёзғувчи бўлсанг. Биз хат танимайдиган бир оми бўлсак.

– Бундоқ чойхонага чиқиб турмасанг, биззи тўкмаларга қўшилмасанг...

– Таътилда эдим. Эрта баҳор, боғнинг юмушларидан ортолмайсан киши. Янгигина ишга тушдим.

– Яқинда Масковдан келдинг-а?

– Иби, Масков бордингми?!

– Бир йил ўқиб қайтди-ку, эшитмадингми, галварс?!

Абдулла бу ёқда қолиб, унинг Масковга ўқишга бориб қайтгани маҳалладошлари ўртасида қизғин мунозарага айланиб кетди.

– Энди бу билан ҳазиллашиб юрмаларинг, таға[11], нақд сўз билан абжағингни чиқаради-я!

– Ўрисча ёзармишсан, бор гапми, шу?!

– Қуйруғи анави эшикка сиғмайдиган думсизларни кони дейишади Масков, бошқасини қўй, шундан гапир, Абди!

Қаҳқаҳа, қийқириқ чойхонага сиғмай кўчага таралди. Даврадагилар вужудлари кўзга айланиб, Абдулланинг оғзини пойлашди. Ҳаммаларининг назарида ҳозироқ "ўз оёғи билан келган" меҳмон улар бошлаган мавзуда бири биридан ғалати ва ажойиб ҳикояларни минг бир кеча қилиб қаторлаштириб ташлайдигандек эди. Бироқ Абдулла кулимсираб, гўё ўқиш умидида Масковга боргани айб ишдек бўйнини қисиб ўтираверди.

– Ҳм, бордик, ўқидик... Қуйруғи эшикка сиғмайдиганларни қўйинглар, илло Масков деганлари тамомила бўлак дунё. Туриш-турмушию қадам олишидан нафас олишигача бўлакча...

– Нимаси бўлакча? Қисинмай гапир-да, ука!

Абдулла жиндек ўйлаб олгач, саволга жавоб қайтаришга киришди.

– Бўлакчалиги... – деди у салмоқланиб, сўнг дадил-дадил сўзлай кетди: – Ўқийман, илм оламан деганнинг саноғи йўқ.

– Йўғ-е! – деди ҳамон бир қўлини орқасига яшириб, беданасини авайлаётган қорачадан келган киши, кўзларининг ола-куласини чиқариб. – Бизга ўхшаш бедана чўқиштираман деган хўроз эркак ҳам бордир Масковда?

Абдулла Масковнинг бўлакчалигини санашда давом этди:

– Русиянинг тўрт тарафидан ўқиш мақсадини кўзлаб оқиб келаётган йигит-қизлар билан гурунг қурсангиз баҳри дилингиз очилади. Ҳайрат ва ҳавасдан ёқа тутасиз!

[11] Тағин.

– Нечта қиз билан гурунглашдинг? Беш-олтитасини етаклаб кемабсан-да, Эшонгузарга!

– Воҳ-воҳ-воҳе-й-й!

– Оҳ-оҳ-оҳе-е-й-й!

– Жонимми қоқай-й, жонингда-а-а-н!

Сафар таассуротлари қолиб, аския қизиди. Пайров икки бор даврa айланмаган ҳам эдики, бир пайт ташқарида икки бегона эркакнинг қораси кўринди. Бири калта чарм пальтода, иккинчиси эса русга ўхшади – узун шинелли – бегонасираб оёқ олишларидан кимнидир суриштириб келишгани сезилди.

– Қарамаларинг! – дея шипшиди ўтирганлардан бирови. – Турқидан исковични ўзгинаси. Ҳа, Абди, Масковдан ол, оғайни! Гапиравер!

Бироқ бунинг иложи бўлмади. Чарм пальтоли эркак очиқ дераза ёнига яқин келди-да, салом берди. "Татар экан" деб қўйди Абдулла ичида унинг лаҳжасини эшитгач. Эшитдию, бирдан юрагининг аллақаерида нимадир чирт этиб узилгандек бўлди. Ахир уни, унинг ўзини сўраяпти бу искович!

– Қодиров Абдулла... Эшонгузар даҳаси, учинчи кўчада яшайди, уйи қаердалигини билмайсизларми?

Ўтирганлар жимгина, овоз чиқармай Абдулла томон ўгирилишди.

– Ман, – деди Абдулла, – ман...

Татар киши кулмоқчи бўлдими, мурданикидек заҳил афтида қандайдир ўзгариш сезилди, бироқ унинг кулгиси жуда хунук, эрта баҳор изғиринидан-да ёқимсиз эди.

Абдулла ҳовлига чиққанида татар йигит катта кўча томон бориб улгурган, шеригининг ёнида қўлларини чўнтагига суққанича ғўдайиб турарди.

– Келинглар, – деди Абдулла суриштириб келувчиларнинг ёнига боргач, қайси оҳангда гапиришини билмай. – Хизмат?

– Тут ваш дом близко? – сўради иккинчи нотаниш киши.

– Не далеко, – жавоб қилди Абдулла.

Кўчага ичкарилаб кетишди. Уйларига етган жойдаги муюлишда орқасидан етиб келган ўғли дадасига салом бердию, чопқиллаганича улардан ўзиб кетди. Ўйнаб юрган экан-да, деб кўнглидан ўтказди Абдулла. Бир кўнгли ўғлини тўхтатиб, Ҳабиб, тезда уйга боргин-да, аянгга айт, меҳмонларга чой ҳозирласин, демоқка оғиз жуфтлади ҳамки, негадир шу юмушни ўғлига тайинлаш ниятидан айниди.

Кўнгли илғаган нохушлик узоқ "ҳаялламай" аён бўлди-қолди.

Иккала нотаниш кимса илтифот ҳам кутмай ҳовлига кириб боришди.

– Ижодхонангиз қайси уйда? – савол қотди татар йигит. Абдулла пастак, лойсувоқ томли уй томон имо қилиб улгурмай, ҳе йўқ-бе йўқ тўғри бориб эшикни очди-да, шеригини ўзидан олдинга ўтишини кутди, сўнг, "Киринг!" деди Абдуллага амирона. Боланинг овози ниҳоятда совуқ, ёқимсиз эди. Мезбон ҳамон гап нимада эканини англамаса-да, ўз уйида ўзига амр қилаётган кимсанинг раъйига юрди. Ўзи ҳам ичкари киргач, эшикни зичлаб ёпди. Ўрис кимса қаққайган кўйи хонани назардан ўтказди. Кўзига ишонмади чоғи, татар йигитга савол назари билан хўмрайди. Токчада ётган папирос қутисини қўлига олгачгина чиройи очилди.

– "Эпоха" чекадиларми?

– Шундай, – деб папирос қутисини кавлаштирди. Икки дона олиб бирини шеригига узатди.

– Ҳар қалай меҳмонмиз, битта-битта чектирарсиз?

Гарчи сўзлари саволга ўхшаса-да, саволдан кўра амирона тусда, истамай қаёққа борардинг, деган оҳангда эди.

– Бемалол, чекаверинглар, – деди рўйхуш бермай Абдулла.

– Бор қоғоз-поғозларни йиғиштирамиз, – деди ўрис йигит авзойига жиддий тус бериб ва худди ўз уйини саранжомлашга киришган оила бекасидек қўлига илинган китоб борми, дафтар ва вараклар борми, сандал курсиси устига тахлашга киришди.

– Свежий ёзганларингиз борми? – сўради у Абдулладан ва жавоб кутмай узун деворга қоқилган гиламни кўтариб остига қараётиб.

Уй соҳибининг: "Ҳозирча йўқ", деган жавобига қулоқ ҳам солмай унга юзланди.

– Биз билан юрасиз, уйдагиларга айтинг, шовқин кўтаришмасин! – деди дўстона бир юмуш юзасидан сирлашаётгандек овозини пастлатиб.

Хонадан дастлаб Абдулла чиқди, унинг қўлтиғида ўралган енгилгина кўрпа билан ёстиқни кўрган Раҳбарниса аянинг ранги ўчиб, турган жойида деворга суяниб қолди. Унинг ортида Жосият биби кўринди.

– Ойи, – деди Абдулла хотиржам ва вазмин товушда, – уч-тўрт кунлик бир юмуш чиқиб қолди, хавотир олманглар, ишим битган заҳоти қайтиб келаман.

Жосият биби кўнгли алланечук хавотирли ўйда, кенг енгини оғзига босганча, овоз чиқармай йиғлаб юборди.

Абдулланинг назарида даставвал нохуш хаёлларга бориш ўринсиздек эди. Дастлабки ажабланишлар ва ҳаяжонлар ўтгач эса сабабсиз ич-ичидан кулги келаверди. Қандайдир англашилмовчилик юз берган, шу бугуннинг ўзидаёқ тунда, кечи билан эртага эрталаб узр айтиб озодликка чиқариб юборишади деган қатъий қарорга келди. Ҳатто шу ўй-шу хаёлда гўё ҳализамон эшикни очишади-да, уни бу ерлардан чиқариб юборишадигандек, бордию чақириб қолишгудай бўлса, шошилиб қолмаслик учун шай турган одамдек, темир эшикнинг ёнгинасида чўнқайиб ўтириб олди. Беихтиёр нари кетса дарҳол изига қайтар, тўсатдан чиқишига изн берилса, ул-булни унутиб қолдирмай деган ўйда ён-верига қараб-қараб қўярди. Фақат эрталабга қадар ёлғиз ўзи ўтирган чоққина ҳужра эмин-эркин хаёл суриш, ижодий режаларни кўнгилда пухталаб олиш учун айни муддаодек туюлди. Таътил кунлари қарийб қоғоз қораламади, ҳисобини олса, унинг ёзганларига ихлос қўйиб ўқувчилар билан юзма-юз келмаганига нақ бир ярим ойдан ошибди. Кейинги йилларда унинг ижодида бу қадар узоқ танаффус бўлмаганди. Ўзи ҳам икки кун ёзмай қўйса қўли қичий бошлар, кўкнорини эзиб ичмай қўйган бангидек карахт бўла бошлар, ҳаловатсизланар, дам Чорсу бозорини айланар, дам чойхонага чиқар, дам Исоқ домланинг суҳбатини олар, Мираҳмад тажангнинг гурунгларини соғиниб қолар, "Турон" қироатхонасининг залворли эшикларига кеч оқшом чоғи қулф урилгунга қадар китоб, газит-журнал титкилаб ҳовурдан чиқар, хуллас, кўзи назари тушган воқеа-ҳодисадан, қулоғига чалинган икки оғиз жумлаю луқмадан мақола ясаб ташлаш ҳадисини олганди. Бир ҳисобда рўман устидаги ишлари юришди, у бундан мамнун, "Ўткан кунлар"нинг дастлабки қисмлари журналда босилгач, қўлма-қўл бўлиб ўқилди, ўқилмоқда. Лекин у аллақачон ниҳоясига етган эса-да, йирик асарга сайқал бериш тугамайдиган иш экан, ҳечқиси йўқ, уч-тўрт мақолани пишитса, эълон қилдирса, сўнг баҳор оёқламай яна рўмонга, асар воқеалари ичида туғишганлари янглиғ қадрдонларига айланиб қолган қаҳрамонлари даврасига шўнғийди.

Абдулла ич-ичидан пўртанадек отилиб чиққан соғинч эпкинидан қалқиб тушди. Гарчи рўмоннинг бош қаҳрамонлари Отабек билан Кумушбиби эсалар-да, Юсуфбек ҳожига эътимоди ўзгача, унга бағишланган саҳифаларни такрор-батакрор мутолаа қилишдан чарчамас, зерикмасди ҳам. "Ўткан кунлар"га хаёл қочган лаҳзада кўз ўнгида биринчи навбатда Юсуфбек ҳожи гавдаланар, қай воқеага қалам урмасин, ҳар бир сўзи, жумласи, тасвири бичимини яратишда албатта мўлжални Юсуфбек ҳожининг назар-

нигоҳидан келиб чиққан ҳолда олишга ҳаракат қиларди. Гўё рўмонни Юсуфбек ҳожи учун ёзгандек, Юсуфбек ҳожининг андишаси учун яратгандек, андек сакталикка йўл қўйса авваламбор Юсуфбек ҳожининг олдида хижолатли ҳолатга тушадигандек бу файзиёб ва шукуҳли сиймога бағишланган тасвирлар ёд бўлиб кетганди.

"Нега вақтсиз келдинг, Отабек соғми? – Юсуфбек ҳожи Ҳасаналига етмасданоқ бу саволни берди. Ҳасанали эшитмадими ёхуд эшитса ҳам эшитмаганга солиндими, ҳар нечук жавоб бермади.

– Нега индамайсан?

– Отабек саломат...

– Бўлмаса нега вақтсиз келдинг, Отабек қани?

Отабекнинг қамалишидан хабар бериш Ҳасанали учун жуда оғир туюлган эди. Ниҳоят кўзидаги ёшини артди-да:

– Отабек Марғилон ҳокими тарафидан қамалди, – деди.

– Нега, нега? – деди ҳожи, отидан сачраб йиқилишга еткан эди. – Сабаби нима?

– Сабаби маълум эмас.

– Астағфируллоҳ, – деб қўйди ҳожи, ўзини бироз тўхтатқан эди".

"Астағфируллоҳ!" деди Абдулла Юсуфбек ҳожига таассуф қилиб. Отабекку, туҳмат ортида ҳибс этилди, Абдулла-чи? Унинг бу ерда ўтиришининг боиси наҳотки "Йиғинди гаплар"га боғлиқ бўлса?! Оддий бир мазоҳар-ҳазилнамо тусда ёзилган мақола бўлса. Наҳотки, ҳазил – маъюблик[12] курсисига лойиқ кўрилса?! Ахир матбуотда озмунча гаплар ёзилмоқдами? Омманинг кўзини очиш, уларнинг туриш-турмушини янги ҳаёт ўзанига солиш учун қанча ёзилса, қанчалик басират кўзлари очилса шунча оз эмасми?! Қолаверса... тўғри, мақолани ёзди, уни одатга биноан журнал раҳбарларига, шу қатори ижодкор биродарларига ўқиб берди.

"Отабек билан бирга қамалганларни неча киши дединг?" – деб сўради Юсуфбек ҳожи бесар ўй исканжасидан қутулолмай.

– Бир ўзим, ёлғиз ўзим, – деди Абдулла бошини эгиб. Ҳасанали эса: "Уч киши, – деб жавоб қилди. – Бири – Мирзакарим қутидор, иккинчи Зиё шоҳичи, учунчи Раҳмат".

– Яхши, сен бу тўртавининг ўлтуришларида бўлганмидинг?

Абдулла дик этиб ўрнидан турди, гўё рўпарисида Юсуфбек ҳожи тургандек, Абдулла ул зотнинг нигоҳларига тик боққан кўйи бор воқеани ҳикоя қилиб бермоққа жазм этгандек эди.

Мақола тайёр бўлгач, уни "Муштум" журналининг масъул муҳаррири Комил Алиевга олиб бориб бердим. У киши мақолани олган заҳоти уни ўз ишхонасида баланд овоз ила ўқишга тушди.

– Муҳаррир мақолани ўқиши асносида хонада яна кимлар ҳозир эдилар? – савол қотди Юсуфбек ҳожи, хаёлан тафтишни давом эттириб.

– Тўртав... – деб тахайюл қилиб қолди Абдулла, сўнг эслади шекилли, жавоби қатъийлашди: – Ҳа, мендан бошқа тўртав. Булар: Комил Алимов, Ғози Юнус, Санжар Сиддиқ, Мирмуҳсин Шермуҳамедов.

– Мақола юзасидан қандай хулоса билдирдилар?

– Муҳаррир ўқуб, тамом қилгандан сўнг дабдурустдан сўз айтолмади. Иккиланиб-ўйланиб қолди.

– Ўз оғзи ила ўқугани аниқми? Яна кимлар мақоладан бохабар эдилар?

Абдулла ҳаяжонини сездирмасликка уриниб, ўзини зўр ила босди.

– Ўз оғзи ила ўқиди! Алимов мақоланинг айрим жойларини хато ўқуганида мен тузатиб турганим аниқ ёдимда. Яна кимлар дейсизми?.. Ҳа, ҳали Алимовга

[12] Айбдорлик.

кўрсатмасимдан бурун Зиё Саидга ўзим ўқуб бердим, ўша ўқиётганим тепасига Хуршид Шамс кириб қолди. Ул ҳам охирига қадар тек туриб эшитди. Шу.

Абдулла "Йиғинди гаплар" чоп этилгач, журнал тарқалгач, Комил Алимов Самарқанддан қайтиб келган куни фавқулодда дарғазаб ҳолича пўписа қила кетганидан шу тобда сўз очгиси келмади. Аслида эса, Алимов "рухсат бермаган эдим" дея дўқ ура кетди, Абдулла бўш келмади, "Масъул муҳаррир сифатида бўшанглик қилдинг, қатъий гап айтишқа ярамадинг!" деб унинг юзига солди. "Бўшанглик қилганим – розилик бермаганлигим белгиси эмасми?!" дея дўқ уришда давом этди Алимов. "Масъулиятни ўз зиммамга олдим, бостирдим", деди Абдулла можарога нуқта қўйиш истагида.

– Зиммангга олган бўлсанг, жавобини ҳам ўзинг берасан!

Абдулла можаро муҳаррирнинг ушбу зардаси билан ниҳоясига етар деб ўйлаганди, бироқ хом ўйлаган экан, зеро можарога нуқта қўйилмаган, аксинча ҳақиқий можаро энди бошланаётган экан...

– Ҳаммаларига Оллоҳнинг ўзи инсофи тавфиқ ато этсун...

– Ўртоқ начальник! Мақоланинг таржимаси келди! – деди хушхабар етказаётгандек тантанавор оҳангда Агидулин.

Белский олдидаги қоғоздан кўзини узмай қўлини терговчи томон чўзди. Терговчи қалин папка ичидан етти-саккиз варақни олиб бошлиққа узатди.

– Менга рухсат беринг, ўртоқ...

– Ўтир, – деди бошлиқ Агидулинга жой кўрсатиб. – Ўқиб кўрайлик.

У шундай деб қўлига олган варақлардаги йирик-йирик ҳарфларда битилган қўл ёзувига кўз югуртира бошлади. Овоз чиқариб ўқиди:

– "Вот уже полтора месяца, как я не беседовал с читателями..." Ҳе! Бир ярим ой ёзмаган бўлсанг, сенга нима ё менга нима, вообше ёзма. Биров сени мажбурладими?!

– Тинмай ёзар экан. Тағин хилма-хил тахаллусда. Топиб, ажратиб олиш қийин.

– "Овсар" нима дегани?

– Овсар... Довдир, Тентак дегани. Идиот-да!

Ваколатли вакил муғамбирона кулди. Дам-бадам товуш чиқариб ўқишда давом этди:

– "У узбека все спит. Рабочий, дехканин, культура, просвещение и экономика..." Тагини тушундингми, ухламаларинг лодирлар, гумроҳлар, уйғонларинг – атрофга қараларинг деяпти Овсар деганинг. Овсар, тентак одам хавфли эмас. Ўзини овсарликка, тентакликка солган одам – хавфли. Жуда хавфли! Бошқа мақолаларини ҳам ўқидингми? Ўргандингми?

Агидулин бошлиқни алдашдан бошқа чора топмади.

– Ўқияпман... Шошмай ўқияпман...

– Илинтирса бўладиган жойи борми?

– Илинтириш ҳам ишми, истасак, бор, топамиз!.. Таржимоннинг айтишича, жуда топиб ёзадиган хилидан экан, сатирани боплар экан, лекин сатирасини таги, айтмоқчиманки, тили заҳар-заққум экан. Ўртоқ бошлиқ, қарадим-кузатдим, ўзиям чарсиллаган йигит. Кўзининг ичи тўла нафрат, қандайдир... ёзган сўзлари сиз билан бизга узилган ўқ! Соғломга ўхшамайди.

– Соғлом бўлса мактаб озлигини танқид қилармиди? Кўчага қара, шу қорни оч оломон мактабда ўқийман деб ўлиб турибдими?! Бу эса пичинг қиляпти, шуни сезмадингми? Республика оқсоқоли билан Марказком котибини калака қиляпти... Миллатчилиги қаерда?

Белский Агидулиннинг афтига қараб саволига жавоб кутди.

– Қайси гапларини "миллатчи" моддасига урамиз? – такрор сўради у.

Терговчи пихини ёрганлардан эди – довдирамади, эсанкирамади, сўзини йўқотмади:

– Суриштириб келганда, аксилинқилобчилиги миллатчилик-да, ўртоқ начальник! Революцияни, совет ҳокимиятини рад этяптими, шунинг ўзи уни ашаддий миллатчи деб айблаш учун кифоя! Тепадагиларга қараб сакраяптими, демак, ҳаддидан ошган, биз эса уни попугини пасайти...

Белский муғамбирона кулди, у ўзи ишонган терговчисининг тулкидек ҳушёрлигидан мамнун эди.

– Бўйнига олмаса-чи? – савол қотди у ўсмоқчилаб.

– Бўйнига олдириш иш эмас.

Ваколатли вакил тагидаги курсини тарақлатиб сапчиб турди-да, икки ҳатлашда хонанинг ўртасида пайдо бўлди.

– Ҳой, аҳмоқ! – деди у муштини терговчининг бошига нуқиб. – Тағин бўйнига олдираман деб ишни пачавасини чиқариб ўтирмагин-а!

Агидулин ҳам шу заҳоти қад ростлаган, саф тортган аскардек қаддини ғоз тутиб турарди.

– Бир мартаям чақирмадим. Чертмадим. Бўйнига олдириш у ёқда турсин, гаплашмадим ҳам.

Белский енгил тортди.

– Тўғри қилгансан. Нафақат сен, бирортаси гаплашмасин. Анави исковучларингга тайинла, оғиз-бурун ўпишиб юрмасин!

– Тушундим, ўртоқ бошлиқ!

Юсуфбек ҳожининг юпанч сўзлари Абдуллага яхшигина тасалли ўрнига ўтди. Аслида ҳам шундан: ортиқ ваҳима кўтарадиган туси йўқ, мақола нари борса, кўпроқ кулги тариқасида... У худди хаёлининг тубидаги ўйларини уни тўрт томондан қуршаб турган совуқ сиймон девор ўқиб олаётгандек туюлди, биров пайқаб қоладигандек жим бўлди. Таваккалига, йўқ, дангалига Йўлдошиниям, Акмалиниям нишонга олиш нияти йўқ эмасиди. Наҳотки, сезилган бўлса?.. Наҳотки... Қўй, Абди, бўлар иш бўлди, бу ёғига "наҳотки"га бало борми?! Гап битта, бу ёғига мижғовланиш – мардга ёт, деганларидек, ё остидан, ё устидан!.. Бу ҳақда ўй суриш, бу ниятини муҳокамага қўйиш ақлсизлик, лодонлик, яхшиси, чақирсинлар, керак десалар, сўроққа тутсинлар, қаламинг синмагур Овсарбек ҳеч бир саволни жавобсиз қолдирмайди. Мақолада на ҳукуматга, на-да сиёсатга таъна-дашном йўқлигини исботлайди. Умуман матбуотга мақола ёзиш қандай ижодий ҳунар, матбуотда музҳика, яъни кулги нима, матбуот кулгисига ўзбекона муносабат, уни қандай талқин этмоқ даркор, "Йиғинди гаплар"ни ёмонликка эмас, буткул яхшиликка йўйиш – барини тушунтиради, уқдиради.

Кун эса ўтиб бормоқда, хаёл уюри дам зўрояр, дам тақа-тақ тўхтаб қолар, гоҳо эса гирдоб янглиғ қоронғи тубсизлик сари шувуллаганича тушиб кетар, Абдуллага тасалли бериб турган дастлабки кунлардаги англашилмовчиликка йўйиш туйғуси энди тап-тайёр шубҳа-гумонларга айлана бораётган, бир нарсани такрор-такрор ўйлаш, хаёл уммонига такрор-батакрор кўмилишдан тайинли наф тополмагани сари эса... боши оғиб, мошинавори алфозда уста Олимникига бориб қолган Отабекнинг аҳволига тушаётгандек эди.

Отабекни қўйиб уста Олимни, устанинг толе кулиб боқмаган тақдирини, унинг кўзи ёриш чоғида ҳаёти забун бўлган аёли... Абдулла бехос қалқиб тушди. Ичига ўт тушгандек жойида ўтиролмай қолди. Ҳужра бандилигининг нечанчи куни ўтмоқдаки, Раҳбарнисанинг аҳволидан фикр қилмади! Ахир аёли оғироёқ, бояқиш гумонасини кўтариб юриш нечоғлик оғир кечмасин чурқ этиб товуши чиқмайди. Аёллик юмушларини бибиси билан бамаслаҳат адо этади. Бундан бир қадар кўнгли тўқ эса-да, нега бирор марта хотинини эсламади, унинг аҳволини ўйлаб хавотирга

тушмади? Ёки ундан кўнгли тўқмиди?.. Абдулла ўзидан ҳайрон, ўзини танимай қолаётган эди.

Икки "ясовул" етовида уйидан чиқаётиб бибисига қаради, бибисининг ортига паналаниб турган Раҳбарнисага назар ташламади-я! Нигоҳидаги ёзувларни ўқимади-я! "Ўзингга маҳкам бўл, эсон-омон қутилиб ол, онаси", деб далда сўзини айтолмади-я, лоақал!..

Ёлғизликнинг тўққизинчи кунида бир ҳикмат борга ўхшаб қолди. Шу кунлар мобайнида нималарни ўйламади Абдулла?! Адоқсиз ўйларнинг учию қуйруғи чалкашиб кетар, обдан бир бошдан туза бошлаган режасидан чалғиб, калаванинг учини йўқотиб қўяр, кундек равшан хаёллари серқават булутлар оғушида кўздан йўқолган юлдузлар мисоли ғойиб бўлар, қўлга илинмас, тутқич бермас, Абдулланинг ўзи осмон билан замин ўртасида муаллақ ҳолда сузиб бораётгандек, ўзини қўлга олиш, хаёлларини жамлаш, пайдар-пай туғилаётган саволларга тайинли жавоб топиш қасдида ётар ўрни – деворга маҳкамланган ёталоқ темирини бор кучи билан, бармоқлари лўқиллаб оғригунига қадар чангаллаар, аъзойи бадани қақшаб, тер қуйиб кўз ўнгидаги ёлғизхонанинг совуқдан-совуқ манзаралари тиниқлашгандагина ўзининг қаерда ва не ҳолатда ўтирганини англаб етар ва яна қайтиб жавобсиз саволлар уммонига ғарқ бўларди. Тўққизинчи куни ёнига қўйилган ҳамроҳ уни бундай ҳолатлардан халос этадигандек эди. Бироқ Абдулла ўзини камгаплар тоифасидан деб ҳисобларди, ҳамроҳи ундан баттар экан – аҳён-аҳёнда суҳбат жонлангани демаса, барака топгур – Абдулла унга "Индамас" дея тахаллус қўйди – на кун-на тун чурқ этди. Бир сафар Абдулла бошига тушган машмашадан сўз очди, гуноҳим нима – билмайман, деб юборди.

– Қамаб олишдими, гуноҳ топилади, – деди "Индамас" ҳаммага аён оддий ҳақиқатни такрорлаётгандек минғирлаб хотинчалиш овозда. Сўнг узоқ ўйлаб ўтирмай қопқонга тушган сичқондек чийиллаб, "ҳукми"ни ўқиди:

– Тоқатингизни синашяпти. Судсиз чиқаришмайди. Норозилик билдиринг.

– Қандайига?

– Овқат еманг.

Айблов хулосаси

Ўрт.Осиё ПП ОГПУ 1926 йил 547 рақамли "Муштум" журналининг масъул ходими чиқарувчиси Қодиров Абдулланинг ЎзССР ЖК 105, 116 ва 72-моддалари бўйича иши юзасидан

Абдулла Қодиров, адабий тахаллуси "Жулқунбой", "Муштум" журналининг масъул ходими ва чиқарувчиси, мазмунига кўра миллий ихтилофлар келтириб чиқаришга қаратилган ҳамда ЎзССР МИК раиси ўрт. Охунбобоев ва ЎзССР КП МК(б) секретари ўрт. Икромов сиймосида совет ҳокимияти ва компартияни обрўсизлантиришга қаратилган аксилинқилобий мақолани кенг тарқатиш мақсадида тайёрлаган.

Масъул муҳаррир ушбу мақола билан танишгач унинг бостирилишига Абдулла Қодировга рухсат бериш у ёқда турсин, қатъиян таъқиқлаган. Бироқ Қодиров муҳаррирнинг иш жойида йўқлигидан фойдаланиб ва журнални чиқарувчилик вазифасини суиистеъмол қилиб, Обллитда ўрнатилган тартибни алдов йўли билан чалғитиб, мақолани "Муштум " журналининг навбатдаги 27-сонида бостириб юборган.

ЖК 105-моддасининг 1-банди, 116 ва 72-бандлари бўйича айбланувчи Қодиров Абдулла ўзига қўйилган айбларни қатъиян рад этар экан гўё "Йиғинди гаплар" мақоласи мутлақо аксилинқилобий мақсадларда ёзилмаганини, шунингдек мақола босмага берилишидан аввал муҳаррирга берилгани ва муҳаррир мақолани босиш

учун ижозат берганлигини айтди. Ҳақиқатда журналнинг 27-сонини тайёрлашда, матнни ўқиш ва тузатишда иштирок этганлигини тасдиқлади.

Ўзига қўйилган айбларни мутлақо рад этишига қарамай дастлабки тергов ишларида фуқаро Қодиров Абдулла – ўзбек, Тошкент шаҳридан, майда ҳунармандлардан, 30 ёш, партиясиз, хонаки таълим олган, 1917 йилга қадар приказчик ва дурадгор, 1917 йилдан милицияда, Озиқ-овқат қўмитасида, Эски шаҳар профсоюз кенгашида, "Иштрокиюн", "Қизил Ўзбекистон" газеталарида, "Роста" мухбири, "Инқилоб" журналида ходим, "Коммунист йўлдоши" ва "Муштум" журналларида ишлаган. Муқаддам судланмаган. Юқорида санаб ўтилган моддалар бўйича айблари фош этилди.

Баён этилганлардан келиб чиқиб Абдулла Қодиров Тошблсудига йўлланмоқда ЖКнинг 211-моддасига биноан облпрокурорга ашёвий далиллари билан ўтказилмоқда.

Айбланувчи Қодиров Абдулла 8 мартдан 3 апрелга қадар Тоштузатишуйига ўтказилган ва Тошблпрокурори ихтиёрига жўнатилмоқда.

Судга чақиртирилувчи шахслар рўйхати ва ашёвий далиллар илова этилмоқда.

1926 йил апрель ойи 5-кунида тузилди.

СО вакили – Агидулин

"Розиман" ЎртОсиё СО ПП ОГПУ бошлиғи – Карпилов

"Тасдиқлайман" – Ўрт. Осиё ОГПУ ваколатхонаси, ваколатли вакил – Белский.

Аслига тўғри: Тригулов

Абдулла ҳибсга олинганининг ўнинчи куни деганда токати-тоқ бўлди. Сабр косаси тўлди. Ўн кундирки, бир кимса чақириб ё ҳузурига кириб унинг қамоқхонада тутиб турилиши сабабини айтса, сўроқ ўтказса, айб эълон қилса! Кунда авахтахонага кирадиган, очиқ ҳавога сайр учун олиб чиқадиган миршабларнинг бари бамисоли мум тишлаган.

Қизиқ, Абдулла энг аянч аҳволга тушган ҳолатида ҳам ижодни, бошига ёғилган кўргиликни қай тарика қоғозда баён этиш эпини излар эди. Бундан гоҳ ажабланса, гоҳ уни ғоятда табиий ҳол деб ҳисоблар, манинг қисматим – халққа қарата очиқ сўз айтмоқ, мурод-мақсадим ҳам шул, дея ишга киришаверарди. Ўн кеча-кундуз ёлғиз қолдирилиши аввалига оғир ботди, жазонинг шу турини раво кўришибди-да, дея истеҳзоли кулиб қўйди. Айниқса ёнига "Индамас" келиб қўшилгач, бу ҳамроҳнинг арвоҳ капалакдай қимир этмай ва чурқ этмай ўтириши қайтага Абдулланинг ёлғизлигини боз таъкидлаётгандай, бетига солаётгандай бўлаверди. Хаёли тутқич бермас, гоҳ ўз тақдирига нисбатан бепарво бўлиб қолар, гоҳо эса уйга қайтгандаги аҳволни кўз ўнгига келтириб, хаёлан воқеий эртак ёзди.

– Ада, қаерга бориб келдингиз? – деб қисталанг қилиб сўрайди Ҳабибулла. – Сизни роса соғиндим.

Унга Назифа қўшилади. Қиз бола-да, анча ҳушёр, "Чўпчак айтиб беришингизни соғиндим, ада", дейди бўйнидан қучоқлаб. Абдулла соғинмадими ўғил-қизларини! Соғиниш ҳам гапми?! Вақти келса, эрталаб ишхонага жўнаб кечда қайтгунича соғиниб қоладиган қақилдоқ қизининг теша тегмаган гапларини, ерга урса осмонга сапчийдиган ўғлининг тўполончиликларини.

Фарзандларига қўшилиб, табиий, катталар ҳам суриштириб қўйишмайди. Қаерда ётдинг, шароити қандай экан, қийнашмадими. Оч қолмадингми, ҳоказо ва ҳоказо.

– Ҳаммаларига эртак айтиб бераман! – Абдулла хаёлига келган фикрдан хурсанд бўлиб кетди. – Шу кунларнинг эртаги бўлади бу эртак. Шундай ёзаманки, болажонларга бирдек ёқади, тушунарли бўлади, муҳими, тушунган одам ўзича тегишли хулоса чиқариб олади. Ҳикоями, рўманми, эртакми, муҳими – хулоса!

Давоми бор



Саъдулла ҲАКИМ

Ҳаёт мактубини битар шивирлаб

Кўнгил

Осонмас оламни англамоқ тўкис,
Ғубор йўқ боболар иштибоҳида:
"Наҳанг кифтидадир сув узра ҳўкиз,
Арзу замин эса ҳўкиз шохида".

Бугун бу чўпчакка ишонмас ҳар ким,
Ибтидо тарихин кўпчилик билар.
Заиф фаразларни этар чилпарчин,
Аллома Ньютон "гурзи"си билан.

Бу бор гап. Бош эгиб илм қошида,
Мен уни рад этгум англаган сари.
Ҳўкиз шохида ҳам эмас, аслида,
Кўнгилнинг устида турар ер шари.

Умид шамси сўнса кўнгилда магар,
Фалакда сарғайиб сўлар қуёш ҳам.
Зулмат дарёсига чўкар юлдузлар,
Азалий уйқуга ғарқ бўлур олам.

Дарду изтиробдан ўртанса кўнгил,
Ерку ер, аршга ҳам тушгай зилзила.
Сулаймон тахтига эришмоқ мумкин,
Бир синиқ кўнгилни овламоқ ила.

Саъдулла ҲАКИМ – Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими. 1951 йилда туғилган. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУ) журналистика факультетини битирган. Шоирнинг "Ҳамал тонглари", "Сен кутган баҳор", "Ёз оқшоми", "Она сўз", "Сайланма", "Кўнгил юзи", "Кўҳна нақл", "Яна сиз билан" каби шеърий китоблари нашр этилган.

Кўнгилдан қарасанг, кўнгил кўринур,
Кўнгилдан қидирсанг, топилар кўнгил.
Кимки дилозордир, кимки такаббур,
Жаннат эшигидай ёпилар кўнгил.

Не бахтки, қалби пок зотларга инсон
Кўнглининг тўридан жой берур мудом.
Шу сирли маконда яшар ёнма-ён:
Ой ва қуёш каби одам ва Худо!

Навоийга ташриф

Хислатли замин бу, саодатга ёр,
Бир ўйлаб қўй, қадам қўйишдан олдин.
Олтин бор манзилда Навоий пойдор,
Навоий бор жойда ҳаммаёқ олтин.

Сўз ва олтин... бири эл қалбида гар,
Бири ер бағрида музайян, илло,
Олтинни қидирсанг Навоий чиқар,
Навоийни излаб топасан тилло!

Гараша десам

Неча йиллар ўтиб, сўз очсам ҳануз,
Тилимга рост келар Гараша десам.
Қирлари оғамдай, гиёҳи – сингил,
Ҳар тоши дўст келар Гараша десам.

Чопқир сувларида тушларим оққан,
Узуми бол бериб онамдай боққан,
Қизлари кўксимда минг олов ёққан,
Гул исли ноз келар Гараша десам.

Бобомўла гўё оқсоч дирижёр,
Каклик сайроғига тўрғай бўлар жўр,
Дарахтлар чайқалиб тинглашини кўр,
Минг йиллик соз келар Гараша десам.

Тикони кирса ҳам йўқдир озори,
Дийдори соғинган дилимга дори,
Шунда отам, онам манзил-мозори,
Кўзимга ёш келар Гараша десам...

Ҳофиз

Дўстлар, сизга айтсам, мен бир шўх бола,
Ўзим машшоқ, ўзим ҳофиз бўлганман.
Қуёшни қиздириб ой шуъласида
Сўнг доира қилиб чалганман.

Мени ром этса-да, қушлар хониши,
Руҳимга ёт эди тамом қониқиш,
Юксакларни кўзлаб яшар эр киши,
Ҳаётни мен шундай билганман.

Доирам садоси аршгача етган,
Ёмғир жарангидек оламни тутган,
Қўлимдан сирғалиб думалаб кетган,
Ичим куйиб, доғда қолганман.

Не бир ҳофизлар бор, донғи қанотли,
Баридан номдори бу – шамол отли,
Дарёча навою ёмғир баётли,
Улардан кўп сабоқ олганман.

Ёмғир куйлайверар, куйлайверар қор,
"Ватан дийдоридек йўқ азиз дийдор",
Ҳатто ғуборнинг ҳам қўнар жойи бор,
Мен юрт меҳрин куйга солганман.

Ғофил тушунмагай ошиқ тилига,
Мен кўнгил берганман гуллар гулига,
Бир жоним юз попук юз кокилига,
Бир жоним юз дорга илганман.

Билингки, ўшадир ҳофизнинг зўри,
Қалбида сўнмаса муҳаббат қўри,
Ошиқлар уйидир жаннатнинг тўри,
Мен ишқни куйлашга келганман.

Нурота тоғлари

Рўёб топар бўлса агар армонинг
Жўшиб сўймоқдир унинг чораси.
Нурота тоғлари – Ўзбекистоннинг
Булутларга сирдош мағрур боласи.

Бу кун юрагимда шодумон шукуҳ,
Сизни куйламоққа ўзни чоғлайман.
Порлоқ толеимда сиз борсиз, шукр,
Мавзу изламайман ўзга тоғлардан.

Майлига, кимлардир масту фидойи,
Ҳайбатли тоғларни қилсалар ҳавас.
Ҳар кимга азиздир туғилган жойи,
Буюклик бўй билан ўлчанган эмас.

Буюқдир ҳувиллаб ётган даралар,
Буюқдир кафтида гул тутган қоя.
Мангудир ёнғоқзор ёқалаб кетган
Сой узра бургутлар ташлаган соя.

Бунда сокитликни севмас табиат,
Жам этмоқ истайди ҳамма нарсани.
Жўшқин сой бир лаҳза булутга турбат,
Бир лаҳза заркокил қуёш маскани.

Булутлар бешарпа соялари-ла
Барра майсаларни сийпар ғивирлаб.
Сўнгра мағрур тоғнинг қояларига
Ҳаёт мактубини битар шивирлаб.

Чақмоққа тўлқинли осмон керак,
Қаҳрамонлик бўлмас ҳар лаҳза содир.
Ва лекин шеърларга айланган юрак
Фидо бўлмоқликка ҳамиша қодир.

Мен сизни севаман сулув наъматак,
Жўшқин булоқларим, севаман сизни.
Ҳеч қандай гўзаллик ўчира олмас
Кўзимга нақшбанд сувратингизни.

Бошига оппоқ қор ярашиқ салла,
Бобомўла гўё мўйсафид ота.
Оқил ўғлонлардек паст-баланд қирлар
Чўк тушиб, пойига бош уриб ётар.

Чўққига чиқмоқлик этса гар насиб,
Ҳар қандай кўнгилдан аригай доғлар.
Ўт босган қоядан кўринар ажиб,
Сойбўйи кетгунча узумзор боғлар.

Бу менинг қишлоғим – она Гараша,
Шунда гиёҳларнинг хуш ҳамда ўткир
Тансиқ бўйларига қониқиб роса
Олтин болалигим шавқ ичра ўтди.

Бунда ҳар неки бор кўнглимга тобон,
Ўсмир қалби билан ёниб-суйганман.
Булутини – қалпоқ, қорини – чопон,
Ёмғирини – кўйлак қилиб кийганман.

Даштда ҳовуч-ҳовуч дурдай уюлган
Чўпон ўтовида бўлганман меҳмон.
Қиздирилган иссиқ сарёғ қуйилган
Қатиққа бўктириб кўп еганман нон.

Олақоп томонда, ўсмирлик чоғи,
Бир гал кулранг бўри келган юзма-юз.
Ҳамон кўз ўнгимда сарғиш нигоҳи,
У мени кузатиб юргандай ҳануз...

...Яна келдим, гўё уй бекасидай
Чопқиллаб йўлларни супирар шамол.
Тошдевор ёқалаб болалардай саф,
Қўл силкиб кутлайди тераклар хушҳол.

Олмалар лабларин қирмизга бўяб,
Япроқ дуррасидан мўралаб боқар.
Ювиниб-таранган Гарашасойдан
Борлиққа ялпиз хуш ифори оқар.

Ҳув ана, тандирдан нон узар аёл,
Иссиқ нон юзида ялтирайди нам.
Юзларим ловуллаб ширмой нон мисол
Мен ногоҳ лабимда сезаман шўр таъм.

Четан эрганакли бу уй олдида
Болалик бир лаҳза тўхтатар. Шу чоқ
Оҳу каби ҳуркак назари билан
Бир жуфт нон кўтариб чиқар қизалоқ.

Юзларида ширмой шуъласи ёнар,
Қийиқ кўзларида баҳорий чақин.
Ажаб, таниш аёл гўё бегона,
Нотаниш қизалоқ бунчалар яқин?

Жисму жаҳонимга ўт туташганча
Ёнғоқзор оралаб ўйчан кезаман.
Тандирдек қизиган бағримдан қанча
Соғинч сўзларини нондек узаман...

Тун ила тонг

Тун ила тонг оғишди. Кун эврилди зув этиб,
Боғма-боғ кезар аччиқ куз шамоли ғув этиб.

Не хавотир безовта қилганини билсайдим,
Кўкка сочилар қушлар дона-дона гув этиб.

Қушларнинг кўзларидан ё дарахт шохларидан
Майсазорга тўкилар шода шудринг дув этиб.

Олис-олислардан ё қалбимнинг туб-тубидан
Садо келгандек бўлар элас-элас ҳув этиб.

Киприкларим тебратиб учар хаёл қушлари,
Шабнам томар юзимга юрак-бағрим шув этиб.

Ёр, кўнглимни қуч маҳкам, шунда, охиратда ҳам
Ҳижрон яқин келолмас, дайдиб юрар ув этиб.

Мунаввар олам

Машҳур кўз шифокори Ботир Калонхўжаевга

Одамни мунаввар кўрайин десанг,
Дилни ғуборлардан жоиз покламоқ.
Оламни мунавар кўрайин десанг,
Дунёга Ботирнинг "кўз"и билан боқ!

Аҳил оила

Икки дил бош қўшса кўкларда боши,
Бошига не келса, рост ростдан келур.
Эр баланддан келса, гар кўнгли тошиб,
Яхши ёр одоб ила пастдан келур...

Боғ сайли

Тут ҳам боғ сайлига зебо чиқибди,
Ўзига ярашиқ чиройи туғма.
Ҳар япроқ гавҳардан сирға тақибди,
Ҳар бир шох садафдан қадабди тугма.



Жилға тимсолида улуғ ҳикмат бор

Жаҳонгир ИСМОИЛОВ

* * *

Олдда йўл. Гоҳида юриб толасан,
Тўсиқлар учрайди, кўнглинг бўлар ғаш.
Осон эмаслигин англаб борасан,
Ёлғончи дунёда рост айтиб яшаш.

Сен Ҳақни бил! Жавоб бериши аён,
Ҳар ким чин дунёда қилган ишига.
Ёлғончи дунёда азал ҳеч қачон,
Осон бўлган эмас ростгўй кишига.

Гарчи, текис кетмас ишинг ҳамма пайт,
Гарчи, олам баъзан қафасдан ҳам тор.
Сен айтсанг, ҳамиша Ҳақ сўзингни айт,
Борар бўлсанг фақат, Ҳақ йўлидан бор!

Инсон йўли поён топади бир кун,
Қолар қилган иши ва айтган сўзи.
Ҳар қандай ҳолатда ростгўй эрур ким,
Икки дунёда ҳам ёруғдир юзи.

Жасорат

Замондош, жасорат кўрсатилмайди,
Фақат сарҳадларда, жанг майдонида.
Билсанг, жасоратдир энг керак пайти,
Турсанг мададга зор дўстинг ёнида.

Кўролмаслар сабаб, ногоҳ ҳоли танг,
Маломатга қолса сен билган одам.
Шундай пайт мардона Ҳақ сўзни айтсанг,
Бу, ахир, қайси бир жасоратдан кам?

Жаҳонгир ИСМОИЛОВ – Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист. 1952 йилда туғилган. Тошкент давлат университетини (ҳозирги ЎзМУ) тугатган. Ижодкорнинг ўн бешга яқин шеърий, насрий, публицистик ва очерклар тўпламлари нашр этилган.

Гоҳ йўлда безбетлар учрайди, кўриб –
Ҳамма жим, дилларда оғир асорат.
Сен ҳам бошқалардай лоқайд ё кўрқиб,
Ўтириб билмасанг – шу ҳам жасорат.

Жасоратдир сендан зўрга берсанг тан,
Қадринг баланд тутсанг арзон келса дуч.
Ўзингдаги қай бир нохуш одатдан,
Халос бўлмоқ учун топа олсанг куч.

Кимки нопок бўлса туриш-турмуши,
Жасорат шу, айтсанг юзига дангал.
Доим собит турар имонли киши,
Ажал солганда ҳам жонига чангал.

Бирдай қўёлмайсан ҳаммага ихлос,
Ҳаммада пок эмас кўнгил, ор, ғурур.
Билсанг, бу дунёда чин инсонга хос,
Яшашнинг ўзи ҳам жасорат эрур.

* * *

Гарчи, бўлса ҳамки азалий боғлиқ,
Ўзаро терс эрур баҳор билан куз.
Бирида уйқудан уйғонар борлиқ,
Бири хазонрезги сари тутар юз.

Ҳар фасл – бир дунё, ўзича гўзал,
Ўзича қиёси йўқлиги ростдир.
Жўшқинлик хос эрур баҳорга азал,
Куз учун тўкинлик, сокинлик хосдир.

Биз ҳам табиатнинг фарзанди, асли,
Ўзи улашгандир ҳис, ақл, забон.
Онага қиёсдир оғуши, васли,
Айро яшолмасмиз ундан ҳеч қачон.

Таваллуд топгансиз фасли кузда сиз,
Фасли баҳор эрур мен туғилган кун.
Шу важ, мос келмас гоҳ қарашларимиз,
Шу боис, биз икки дунёмиз, балким.

Энг оғир азоб

Ўртанади жону жаҳонинг ёниб,
Олам юпун қолар кўзинг ўнгида.
Сув, деб талпинганинг чанқаб, ишониб,
Сароб бўлиб чиқса йўлнинг сўнгида.

Завқу парвоз берган учқур хаёллар,
Қуш мисол қаноти қайрилган тамом.
Афсус, изтиробли оғир саволлар,
Жавоб сўраб қийнар, баттар беомон.

Қайтармоқ душвордир кечган дамингни,
Гоҳ топиб, гоҳи бой берасан.
Бироқ –
Дунёда алданиб яшаганингни,
Англаш азобидан ортиқ азоб йўқ.

Тазод

Азал-абад ҳаёт – мактаб, беради таълим,
Умр бўйи унда фақат инсон толибдир.
Умр бўйи унда инсон ўзи муаллим,
Баҳсларда ўзи мағлуб, ўзи ғолибдир.

Гарчи жуда оғир, лекин олмай бўлмас тан,
Фикр қилса қай замондош айтинг, билмайди?
Азал-абад поклик, имон, ҳалоллик билан –
Нафс, қабоҳат ўртасида кураш тинмайди.

Бу даргоҳда меҳнат билан топиб қадр, шон,
Эл корига умру жонин тикканлар бисёр.
Оғир ости, енгилнингчи устидан, ишон,
Айшу ишрат сурганича юрганлар ҳам бор.

Бу даргоҳда имони бут, дили пок, ҳалол,
Яшаб ўтган, яшаётган асло кам эмас.
Нафсга ружу қўйганлар ҳам юрибди, алҳол,
Наф кўрмаса пирини ҳам назарга илмас.

Ҳар соҳада раҳнамолар учрайди аён,
Умид билан кўз тиккани – ёшлар камоли.
Баъзилар бор сийратини этмас намоён,
Ўзгаларнинг оёғидан чалиш аъмоли.

Ким юрти тинч, эл қатори бошпанаси бор,
Куни ўтиб турганини бахт деб билади.
Биров эса, қаноатни билмайди зинҳор,
Қанча бўлса кам, қаср ҳам торлик қилади.

Имони пок қадр топар, поклик бор жойда,
Ва Яратган қўллар, нурин ёғдирар аён.
Мунофиқлик устун ёлғон ҳукмрон қайда,
Ростга йўл йўқ, фисқ-фужурга йўқ эрур поён.

Интиҳоси муқаррардир, англадим яшаб,
Кимки, ерга топширгайдир бир кун лошини.
Азал-абад яхши ўтар ошини ошаб,
Ёмон эса, охир бир кун ейди бошини.

Ҳаёт – мактаб, ўзинг толиб, ўзинг муаллим,
Ўртанмаслик учун бир кун ўкинч, армонда.
Яхшилардан сабоқ олгин, бер яхши таълим,
Қайда турма, тургин фақат яхши томонда.

* * *

Ташвишлар ёғилар бошга қаёқдан,
Англамоғинг душвор қайда адоғи?
Китобдан бир умр олган сабоқдан,
Устун гоҳ ҳаётнинг оний сабоғи.

Ғанимлар пайт пойлаб зимдан тош отар,
Гарчи унга йўқдир заррача дахлинг.
Баъзи бир савдолар чигал шу қадар,
Ҳарчанд бош қотирма, етмайди ақлинг.

Гоҳи ёруғ дунё зулмат дардингдан,
Гоҳ шодсан, оламга сиғмай кетасан.
Ҳар қандай ҳолда ҳам қайтмай шахтингдан –
Юрсанг, ниятингга бир кун етасан.

Тўртликлар

Жилға тимсолида улуғ ҳикмат бор,
Тобора куч мавжи боради ортиб.
Унга банд қўймоққа уринманг бекор,
Бошқа жойдан сизиб чиқар йўл топиб.

* * *

Дўстим, соя – нурнинг ҳосиласи, ул –
Нур тушган томонга турар тескари.
Соя юрмас ортдан эргашиб нуқул,
Юрар гоҳ ёнда, гоҳ сендан илгари.

* * *

Теран бўлсин инсон идроки, аҳди,
Дейдилар: қор ёнар топилса қалов.
Тўғри фойдаланса иситар тафти,
Эҳтиёт бўлмаса куйдирар олов.

Абдураҳим ЭРКАЕВ

АБДУЛЛА ОРИПОВ ФЕНОМЕНИ

Эссе[1]

Фақат савоб борки, дунё бус-бутун

Шоир 1981 йилда инфаркт ўтказди. Касалликдан аста-секин ўнгланиб, яна эҳтиросларни жунбушга келтирадиган, ўқувчини чуқур хаёлга, ўйга чўмдирадиган шеърлар, кичик лирик поэмалар ёза бошлади. 1982 йилда ёзилган "Ҳайронлик", "Сенга бу дунёнинг гули, неъмати", "Савоб", "Қонуният" каби мавзулардаги битикларда яна эҳтирос ва тафаккур кучи уйғунликда намоён бўлади.

Аввалгидай баравж пардаларда куйлаш соғлиқ учун, асаб учун беиз кетмайди, албатта. Аммо Абдулла Орипов бошқача куйлай олмас, мухлислар ҳам ундан бошқача шеърни кутмас эди. Қизиғи шундаки, ўша йиллар у кўпчилик тасаввурида, айниқса, ёшлар тасаввурида аввалдан, азалдан бордек таассурот уйғотарди. Шоирнинг ижоди маънавий, адабий ҳаётимизга шу даражада сингиб, унинг табиий узвий, ажралмас қисмига айланиб қолган эди. Аслида у эндигина 40 ёшга қадам қўйган эди. Кутилмаган мантиқий хулосалари, ноёб, оригинал ташбеҳлари илгари ҳайрат билан қабул қилиниб, олқишлар уйғотган бўлса, энди улар табиий қабул қилинар, гўёки асли шундай бўлиши лозимдек эди. Абдулла Орипов шеърият мухлисларини янги бадиий мезонларга ўргатиб қўйганди. "Савоб" – шукроналик тўғрисида кичик лирик поэма. Бир қисмли симфоник поэма деса тўғрироқ бўлади. Асар юксак пардаларда ва суръатда бошланади. Бошдан-оёқ фикр ва туйғуни ифодалаш суръати, пардалари юқорилигича қолади. Ҳақиқий аллегро, фақат охирги ўн икки сатрида – асар финалида – фалсафий хулосасида пардалар ва суръат пасайиб, аста-секин сокин куйга ўтади.

Авжи саратонда ҳансираб, ёниб,
Қоврилиб оловли йўллар тафтида,
Муздайин булоқдан сув ичгач қониб,
Ҳордиқ олганмисан чинор тагида?
Руҳингда сафо-ю танингда мадор,
Умидбахш қўшиқлар куйлаганмисан?
Ўша пайт, ўша он ҳеч қурса бир бор
Чинорни ким экқан – ўйлаганмисан?

[1] Бошланиши ўтган сонларда.

Шоир ҳар бир эзгу иш савоб эканини, инсон жамиятдан, аждодлардан барча неъматларни, ютуқларни тайёр ҳолда қабул қилиб олишини эътироф этади. Инсоннинг бурчи – уларни сақлаш, янгилаш, бойитиш. Инсон салафлари олдидаги қарзини узиши учун ўзи ҳам бошқаларга яхшилик, яъни савоб иш қилмоғи шарт. Бу – ҳаёт қонуни.

Айт, ахир ўзинг ҳам то борсан собит,
Кимсага насиба узатганмисан?
Кўчангдан лапанглаб ўтганда тобут,
Сен уни тўрт қадам кузатганмисан?
Чорасиз бир инсон учраган дамда,
Унсиз сўроғига қилдингми жавоб?
Айт-чи, билармисан, ёруғ оламда
Буларнинг барчаси аталгай савоб...

Хайрли иш, савоб бўлмаса, кимдир беғараз чинор экмаса, йўл чиқармаса, кўприк қурмаса, изидан келадиган нотаниш кишиларни ўйлаб, овчи кулбасида гугурт, бир чимдим туз, қуруқ ўтин, чақмоқ тош қолдирмаса, муҳтож кишига ёрдам қўлини чўзмаса, жаҳоннинг бус-бутунлигига дарз кетади, инсон қадр-қиммати йўқолади.

Фақат савоб борки, жаҳон бус-бутун,
Фақат савоб борки, азиздир инсон!

Абдулла Ориповнинг шеърларида сунъий ўйлаб топилган, ўз қалбидан ўтказмаган фикрлар, образлар йўқ. Шу сабаб улар жуда самимий, ўқувчи юрагига тез йўл топа олади. Шоир фикри, ўйлари, истиоралари замон ва маконда чекланмаслигини айтган эдик. Тарихий бир далилга, воқеага ёки улуғ аждодларимиздан бирининг хотирасига мурожаат этганда ҳам уларни ўз замони, эл-юрт ғам-ташвиши, фахр-ифтихори билан боғлайди. Бобур туғилганининг 500 йиллиги муносабати билан ёзган шеърида ўз ҳолати, ҳозир яшаётган вақти буржидан буюк шоир ва давлат арбобининг халқимиз маънавиятидаги бугунги ўрни тўғрисида мулоҳаза юритади.

Мен-ку, оддий одам,
Шундоқ бўлса ҳам
Шукр, бас деганча ғанимларим бор.
Шарт эмас уларга таъриф чинакам
Бири жунунсифат, бирови ҳушёр.

Шоир ўзи ҳақида ёзаётгани йўқ. Бу адабий усул. Менда, оддий одамда, шунча ғаним бўлса, Сизда улар беҳисоб ва қудратли кучга эга бўлган. Сиз уларга қандай дош бера олгансиз, қандай уларни енга олгансиз, демоқда.

Биз шундай ўтамиз,
Яъни кун кўриб...
Майдагина кучсиз, майдагина зўр.
Ҳаётнинг мана шу буржидан туриб,
Мен Сизни ўйладим, ҳазрати Бобур.

Бизлар майдалашиб, бачканалашиб кетганмиз. Кунимиз ўтса бўлгани. Мана шу бачкана ҳаётимиз нигоҳи билан Сизга боқмоқдамиз. Бу ерда яна қўшимча ноадабий изоҳга эҳтиёж бор. 1982 йил ноябрида Л. Брежнев вафот этиб, собиқ

Иттифоқда ҳокимият тепасига Ю. Андропов келган эди. У ич-ичидан емирилиб кетаётган советлар Иттифоқини сақлаб қолиш мақсадида барча соҳани қаттиқ сиқувга олди. Мафкура борасида ҳам сиқув кучайди. Ўтмишга, маданий меросга, урф-одатларга муносабат салбий томонга кескин ўзгарди. Ўзбекистонда "пахта иши" бошланди. 500 йиллиги тантанали нишонланиши кутилаётган Бобур шахси ва ижоди танқидга учради. Орадан 1–2 йил ўтиб, миллий байрамимиз Наврўз ҳам тақиқланди. "Майдагина кучсиз, майдагина зўр" деганда шоир ўтмишга лой чаплаб, қадриятларимизни расман тақиқлашдан нарига ўтолмайдиган маҳаллий раҳбариятни назарда тутмоқда. Шеърдаги Бобур таърифи:

Сиз – зобит, дастини чўзган дунёга,
Сиз – шоир, мангу бир аланга ёққан.
Наинки бандалар, Сизнинг сиймога,
Не-не салтанатлар кек билан боққан.

Эътибор беринг: Сиз жаҳонгир, фотиҳ саркарда демаяпти шоир. "Сиз зобит" демоқда. Зобит, офицер, ўз ихтиёри билан уруш бошлай олмайди. У мустақил сиёсатчи эмас. У саркардага, подшоҳга бўйсунади. Шеърда Бобурга Сиз Оллоҳнинг зобитисиз, дейилмоқда. Чунки олий саркарда, олий подшоҳ Оллоҳнинг ўзи. Сиз у белгилаган қисмат туфайли дунёга қўлингизни чўздингиз. "Мен сизни ўйладим, ҳазрати Бобур" мурожаатида ҳам "ҳазрат" сўзи қўлланилгани бежиз эмас. Бобурнинг саркардалиги, подшоҳлигига урғу берилмаяпти, унинг улуғлигига, ҳазрат даражасида эканига эътибор қаратиляпти. Бобурга кек билан нафақат рақиблари, не-не салтанатлар ҳам боққани эслатилмоқда. Матн тагида яширин матн бор:

Айтинг, не топдингиз Сиз кезиб дунё,
Ҳануз боқишарлар шўришга тўлиб.

Бу энди Совет давлати, коммунистик мафкуранинг Бобурга муносабатига ишора. Нега ҳанузгача Бобурга нисбатан кек сақланаётир. Чунки у Темур ва Навоий хислатларини ўзида мужассамлади, улар изидан борди:

Баҳодирлик ичра ёр Сизга Ҳумой,
Сиз улуғ зотларнинг изин босган эр.
Назмий саждагоҳда Сизга, ҳойнаҳой,
Имомликка ўтгай фақат Алишер.

Бобур – Темур ва Навоий издоши, давомчиси. Уларга ҳар жиҳатдан муносиб: ҳарбда ҳам, ижодда ҳам, буюк шахс, буюк яратувчи.

Совет мафкураси, илм-фани Бобурнинг ижтимоий-сиёсий фаолиятини муносиб баҳоламади, инкор қилди. Аммо адабий меросини инкор қилишга кучи етмади. Ўша машъум совет даврида, ундан "ёлғиз шеър қолди".

Ҳа, ёлғиз шеър қолди, бошқаси абас,
Етти иқлим аро достон нақлингиз.
Не бахт, парчин бўлиб тож деган қафас,
Бизга етиб келди олмос ақлингиз.

Шоир дунёда юз бераётган ҳар қандай қабиҳликни, адолатсизликни инсониятга қаратилган хуруж сифатида қабул қилади. Барча разолатлар, жиноятлар инсоннинг

ўзидан. Уларни Яратганга, тақдирга тўнкамаслик керак деган ғоя "Тунислик бола" шеърида давом эттирилади. Оммавий ахборот воситалари тарқатган хабарга кўра, Тунисдан иш ахтариб келган бир ўспирин (табиийки, бошпанасиз) кўчадаги скамейкада ухлаб ётганда, безори болалар устидан бензин қуйиб, ёқиб юборадилар. Ўша пайт шоир Италияда Данте Жамияти таклифи бўйича сафарда эди. Хабардан қалби увушган шоир ёзади:

Афсус, разолатга ботди бу очун,
Айбни Яратганга тўнкамоқ нечун.
Сенга ўт қўйдилар бир эрмак учун
Римга нега келдинг, тунислик бола?

Конкрет фактдан бутун башарият тақдирига алоқадор умумий хулоса чиқаради:

Ҳа, олов остида буткул ер юзи,
Тутунга тўлмоқда одамзод кўзи.
Ёниб кетмасайди заминнинг ўзи
Римга нега келдинг, тунислик бола?

80-йиллар ўрталарида ёзилган бир неча фалсафий шеърлардан бири "Кўзгу парчалари" деб аталади. Гўёки унда ҳаммага маълум факт – синган, дарз кетиб бўлакчаларга бўлиниб қолган кўзгу бирор предметни яхлит, бус-бутунлигича акс эттира олмаслиги ҳақида баён қилинади. Лекин аслида бундай эмас. Аслида шеърда икки ғоя олға сурилган. Биринчиси – инсон табиати, руҳияти жуда мураккаблиги, уни яхлит тасвирлаб, ифодалаб бўлмаслигидир. Иккинчиси – шоир юраги чил-чил синган кўзгуга ўхшаши, ундан ҳаётнинг, инсоннинг тўлиқ бус-бутун аксини кутмаслик ғоясидир. Яна бир қизиқ қўшимча. Барча халқларда синиқ кўзгуни уйда сақламаслик ирими бор. Синиқ, ёрилган кўзгу омадсизлик, ҳатто кулфат келтиради, деб ҳисобланади. Кейинги йилларда илм-фан вакиллари ҳам шундай фикрга мойиллик билдирмоқдалар. Ёрилган кўзгу бўлаклари акс эттирган ҳар хил тасвирлар энергетикаси бир хил, бир текис бўлмас экан. Бу кишиларнинг руҳиятига салбий таъсир кўрсатар, онг остида салбий жараёнлар бошланишига гўёки туртки бўлар экан.

Шеърнинг дастлабки байтиёқ шоир салбий энергетика тўғрисидаги фаразларни жонлантиради:

Кўзгу парчалари йўлакда ётар,
Унсиз шарпалари руҳимга ботар.

Шоир руҳи биз, оддий одамларникига нисбатан бир неча бор сезгирроқ, нигоҳи ўткирроқ, махсус асбоб-ускуналар – дозиметрлар, микроскоплар билан қуроллангандек. Истеъдод Оллоҳ берган руҳий қудрат, илоҳий файздир. Аммо ҳатто ўша руҳий қудрат инсонни тўлиқ акс эттиролмайди. У шунчалик зиддиятли, шунчалик мураккаб. Шу сабабдан Абдулла Орипов шеърда "инсон" сўзини бош ҳарф билан ёзади.

Мени маъзур тутгин, муҳтарам Инсон,
Сувратинг чизолмай турибман ҳайрон.
Бир кун фазилатинг олсам қаламга,
Бир кун қабиҳлигинг ёйгум оламга.

Сенинг бўй-бастингни кўрсатмоқ учун
Кўзгу керак ахир яхлит ва бутун.
Шоир юраги-чи, оламда яккаш,
Ўша чил-чил синган кўзгуга ўхшаш.

"Кўзгу парчалари" изидан битилган "Диалектика" шеъри мавзуни бошқа йўналишда давом эттиради: ҳаётга инсон муносабати, баҳолари, руҳий кайфияти нисбий, зиддиятли. Оламни қандай идрок этиш билан боғлиқ:

Чора битта: ниятингни эзгуликка бур,
Фақат шунда гўзал бўлиб кўринғай фалак.
Йўқса ҳасрат оғушида ўтгайдир умр,
Бамисоли ўра ичра қолган капалак.

Инсон мавзуси Абдулла Орипов шеъриятнинг энг муҳим устунларидан биридир. Мавзу доирасида эса она ва аёл образлари марказий ўрин эгаллайди. Айнан 60-йилларда ёзилган "Аёл" шеъри ва "Онажон" поэма-марсияси, аввал таъкидланганидек, унга улкан машҳурлик келтирган, норасмий халқ шоирига айлантирган асарлар сирасига киради. Бу мавзуга у бутун ижоди давомида кўп мурожаат этди. 1984 йилда "Офтобшувоқ" шеъри онасини хотирлаб ёзган дилўртар асардир. Уни ўқиб қалбинг бачкана, майда, худбин ҳислардан тозаланади, унда раҳм-шафқат, меҳр-оқибат ва ҳаётга шукроналик уйғонади:

Илиқ томчилаган ёмғир ҳам гоҳо,
Туюлар онамнинг кўз ёши бўлиб.
Она турганидай тепамда гўё,
Баҳорнинг меҳрибон қуёши бўлиб.

1985 йилда тахминан май ойида ёзилган "Сени она дедим..." кичик лирик поэмаси аёлга бағишланган. Аёл образи она, сингил, суюкли ёр сиймоларида гавдалантирилади. Уруш ва ундан кейинги йилларда аёл ютган заққумлар, оғир меҳнат, очарчилик, далада бир дона бошоқ топиб олса, ёноқларига ранг ингани Абдулла Ориповга хос эҳтирос кучи билан тасвирланган. Аёл ёр сифатида лирик қаҳрамоннинг бемор бошида гоҳ она каби бедор, гоҳида сингил мисолида туради. Аёл образида замон ва макон чексизлигида афсонавий, бадиий тимсоллар ва реал шахслар бирлашиб кетган:

Сен десам минг йиллар саждага келиб,
Пойинга чечакдай тўшалмоғи чин.
Алпомиш ёнида Ойбарчин бўлиб,
Сен – Фарҳод қошида яшаган Ширин.
Сен – Нурхон, Сен – Сора, турибсан шоён,
Улуғ Ўзбекистон сардафтарида.
Меҳнат, шижоатинг оламга аён,
Сен – баҳор чақини замон қаърида.

Аёл зоти шунчалик улуғки, унга асрлар, минг йиллар, замон саждага келади, пойига поёндоз бўлиб чечаклардай тўшалади. "Рейхстаг устига қадалмиш байроқ" ҳам "Асли Сен силкитиб қолган рўмолинг". Аёл олдидаги инсоний бурч – унинг шаънини, қадр-қимматини ҳимоя этишдир, дунёни урушдан асрашдир. Чунки уруш аёлни ўстирган фарзандидан, севган ёридан айиради.

Мен шарқлик одамман,
Аёл деган сўз,
Менга ҳаёт билан баробар калом.
Оҳ, аёл хўрлигин кўрсатма ҳаргиз,
Ҳаргиз бад бўлмагай аёл деган ном.
Аёлга тиласанг гар толеъ маъсум,
Дунёни оловдан асра, эй одам.

80-йиллар ўртасидан "пахта иши" бўйича олиб борилган терговлар судларга оширилиб, ҳукмлар эълон қилина бошлади.

"Ўзбеклар иши" атамаси юракларга нишдек санчилди. Абдулла Орипов қалбида, онгу шуурида булар исён уйғотмаслиги, шеърларида акс этмаслиги мумкин эмас эди. 1985 йилда шоир "Ўзбеклар" номли достон ёзишга киришади. Бундан хабар топган юқори идоралар вакилларидан бири шеърий манзумани ёзмасликни "маслаҳат" беради. Турли сабабларга кўра, бошланғич саҳифаларидан бошқаси ёзилмай қолиб кетади. Ўша бошланғич саҳифаларни шоир мустақиллик йиллари эълон қилди. Парча:

Ғубордай тўзгимасин бу ажиб маскан,
Тупроққа қормасин эллар бир-бирин.
Чора ахтарди энди Яратган
Тинчлантирмоқ учун ўзбеклар ерин.
Охир Холиқ келди шундоқ қарорга:
"Иблис қудратимни, майлига, билсин.
Бир зот жўнатайин мен бул диёрга,
То у Ўзбек элин бус-бутун қилсин".

Ойдин бўлмоқдаки, шоир Темурдек халоскор, юрт ва эл озодлигига, равнақига хизмат қилишга қодир йўлбошчи келишини орзу қилмоқда. 1985 йилда ҳали жадидлар асарлари, шу жумладан, Исмоил Гаспиралининг "Темурнинг туркий раҳбарларга танбеҳи", ундан илҳомланиб ёзилган Фитратнинг "Темур сағанаси олдида" ҳикояси эълон қилинмаган эди. Шоир Темурдек зотга ўзбекларда тарихий зарурат пайдо бўлганини ҳис қилиб, армон билан ёза бошлаган. У конкрет бирор шахсни назарда тутмаган. Шу сабаб унда фақат орзу-армон ифодаланиши мумкин эди. Балки, нажот келтириши мумкин бўлган шахсни теварак-атрофида, Ўзбекистондаги таниган ва тахмин қилган арбоблар ичида кўролмагани манзума ёзилмай қолганининг сабабларидан бири бўлгандир.

Элу юрт дарди, ташвиши шоирни изтиробга солди. Қалбининг қайта тирналган яралари ёнига янгилари қўшилди. "Пахта иши" қатағонлари 1985–1986 йилларда авжига чиқди. Бунинг устига 1984 йилдан бошлаб кетма-кет уч йил қурғоқ келди. Айниқса, Қашқадарё қурғоқчиликдан кўп азоб чекди. Одамларда руҳий тушкунлик кучая бошлади. Маиший турмушда ҳаловат йўқолди. Одамларнинг ўзаро муносабатларида бир-бирига ишонч, меҳр-оқибат пасайди, шубҳакорлик кучайди. Абдулла Ориповнинг "Ишонч кўприклари" шеъри шундай муҳитда туғилди.

Юздан парда кетса,
Дилдан диёнат,
Меҳр ришталари зимдан узилса,
Юракларни босса шубҳа, хиёнат,
Ишонч кўприклари бузилса;

Етимлар ҳақидан қўрқмаса биров,
Сўқмоққа айланиб кетсалар йўллар,
Қиблагоҳлар осий, туғишганлар ёв,
Газналарга чўзилса қўллар;

Драматизм ўсиб, маънавий инқироз сабаблари салмоғи ортиб бораверади. Диққат қилинса, шоир бирор гапдан кейин нуқта қўймаган, чунки сабаблар саноғи тугагани йўқ.

Болалар руҳига ҳаёт деган дарс,
Манманлик уруғин жойласа;
Ошиқлар кўчада маъшуқасин эмас,
Кимнингдир қадамин пойласа;

Ёшлар ҳаётдан қандай сабоқ олмоқда? Улар кимга эмас, нимага кўнгил қўймоқда? Мансабпарастликками, мол-дунёгами? Халқнинг дардини куйлайдиган, унга маънавий озиқ берадиган, ҳис-туйғуларини тарбиялайдиган шоирлари-чи?

Элнинг шоирлари ғаним зотлар каби,
Бир-бирларин ғажиб есалар;
Минбарларга чиқса кўча-кўйнинг гапи,
Андишани қўрқоқ десалар...

Нуқта ҳамон йўқ. Маълумки, уч нуқта, бир томондан, саноқ давом этиши мумкинлигини, бироқ тўхтатилганини англатади. Иккинчи томондан – мулоҳазаларда бурилиш бўлишини билдиради. Ҳақиқатан:

Бундай юртда энди қирғин шарт эмас,
Вабо ҳам қочади ундан йироққа;
Ҳатто дарёлари қурир басма-бас,
Ҳатто тупроқлари тушар титроққа.

Аҳвол оғир, аммо нажот халқнинг ўзида. У ўзида барча бало-қазоларни енгтани куч топиши шарт. Шоир шунга умид қилади:

Халқим, бундайларни кўргансан азал,
Кўп чеккансан, улар озорин, доғин.
Сен енгиб ўтгансан, лекин ҳар маҳал,
Халқим, топинаман ўзингга тағин.

Шоир ҳам ўзининг, ҳам халқининг кўнглини кўтаришга, адолатсизликка қарши курашга рағбатлантиришга уринмоқда. Айни пайтда шеър публицистика, памфлет, мафкуравий тарғибот даражасига тушиб қолмаётир. Юксак бадиийлик, экспрессия, маҳорат сақланиб қолаётир. Бундай шеър энг юқори эстетик баҳоларга лойиқ.

Абдулла Орипов памфлет мазмунидаги шеърлар ҳам битди. Шундай асарларидан бири "Жавоб" шеъридир. Шеър ёзилишига туртки бўлган воқеани шоир менга айтиб берганди. Дунёга машҳур олимимиз Ўзбекистон Фанлар Академияси президенти Обид Содиқов боши устида кўланкалар қуюқлашиб, уни лавозимидан силжитишга тайёргарлик бошланган, ҳар хил ғийбатлар юқорига – Москвага етказилган. Ўзбекнинг барча катталари порахўр деган қарашлар зўр бериб шакллантиришга уринилаётган давр. Москвадан Фанлар Академиясига текшириш

учун кимлардир келади. Обид Содиқов уларни бир пиёла чойга таклиф қилади. Дастурхондаги мева-чеваларни кўрган меҳмонларнинг раҳбари "Буларни нимани нинг ҳисобига ташкил қилдингиз", – дея сўрайди. Обид Содиқов шимларининг чўнтагига шаппатлаб: "Мана бунинг ҳисобига", – дея жавоб беради. Шу воқеани у киши учрашиб қолганларида шоирга айтиб беради. Воқеадан таъсирланган, шоир "Жавоб"ни ёзади:

Мурувват нелигин билмас меҳмоним,
Кўзи оч, еб тўймас, беқўним гадой.
Пора бўлибдими бир бурда ноним,
Пора бўлибдими бир пиёла чой.

Шеър халққа жўшқин хитоб билан якунланади:

О, халқим, очиққўл – ҳотамсан азал,
Атойи Худо де, майли меҳмонни.
Лекин нонкўрларни учратган маҳал,
Оғзига тиқ энди типратиконни.

Абдулла Ориповнинг 1990 йилда ёзган "Иблис" номли ривояти – сюжетли шеъри бор. Унда Иблис шон-шуҳрат, довруқ илинжида ерга тушади. Турли халқларнинг энг яхши либосларини танлайди. Безаниб улар олдига навбатма-навбат боради. Лекин улар ҳаммаси Иблисни олдига солиб қувади. Шунда у миллий кийимлардан воз кечиб:

Бежирим шляпа кийди у дарҳол.
Сержун гарданига илди бўйинбоғ,
Камзулу шимига юргизди дазмол,
Зарҳал кўзойнакдан кўнгли эди тоғ.
Шунда аҳвол тамом ўзгариб кетди:
Иблисни раҳбар деб қарши олдилар.

Аввал уни қувганлар барчаси энди саломга келди. Иблис бутун заминни ўзига ватан айлади.

Ҳукму фармонини юргизар пинҳон,
Қошу қабоғига кекса-ёш қарар.

Шеърда Абдулла Ориповнинг сиёсий бошқарувга муносабати, умуман совет ҳокимиятига мухолифлик кайфияти акс этган. Сиёсий раҳбарлар халқидан, миллий хусусиятлардан йироқ. Улар ўз манфаатлари, бюрократия манфаатларини кўзлаб иш тутади. Халқни иблисдек алдайди, шон-шуҳратга, довруққа ўч. Популистик ваъдалар беради. Иблис бутун сиёсий бошқарувнинг, сиёсий раҳбарларнинг йиғма, мужассам образидир.

Мустақиллик арафасида мафкуравий баҳслар авж олди. Совет даврида обрў-эътибор қозонган марҳум ижодкорлар меросини қайта танқидий баҳолаш бошланди. Бу табиий эди. Аммо бу жараёнда ҳар хил фикрлар, жумладан, улар меросини миллий манфаатларга зид, улар фақат совет тузумининг маддоҳларидир, асарлари аҳамиятсиз деган, кескин бирёқлама, адолатсиз фикрларни зўр бериб тарқатишга уринувчилар чиқиб қолди. Абдулла Орипов совет даври шоирларига ўз муносабатини билдириб, 1991 йилда "Устозларим" шеърини ёзади:

Менинг устозларим –
Аҳли шуаро,
Руҳимнинг оҳанги – суруридасиз.
Биринғиз китоблар бағридасиз жо,
Биринғиз Чиғатой ҳудудидасиз.

Шоир фақат китоблар бағрида қолган, қабрлари номаълум, қатағон қилинган шоирлар (Чўлпон, Усмон Носир ва бошқалар) билан бирга Чиғатойга дафн этилган шоирларни ҳам ўзига устоз билишини тасдиқламоқда. Айнан кейингиларга мурожаат этиб шундай дейди:

Ҳасаду хусумат,
Эзмасин нечоқ,
Сиз шеърдан олибсиз аламни доим.
Олис кечаларда айлабсиз чароқ
Қуйиб қўмир бўлган қаламни доим.
Бахтиёр кунларни куйла деган он,
Шиорлар битибсиз қонингиз билан.
Ўзи йўқ қўргонга бўлибсиз қалқон,
Соддадил фидойи жонингиз билан.

Абдулла Орипов устозларига муносабатда одамгарчилик ва адолатни унутмади. Улар ҳақда ўзаро суҳбат чоғларида мен шоирнинг тан олиб айтган мақтовларини ҳам, танқидий фикрларини ҳам, ўз дилидаги гапларини айта олмай, салоҳиятини тўла юзага чиқаролмасдан кетганлари тўғрисидаги сўзларини ҳам кўп эшитганман. Баъзан суҳбат чоғида уларнинг қай биридан қанча шеър адабиёт тарихида қолишини фараз қилиб, мендан фикримни сўраб қоларди. Ўйлайманки, савол унинг учун шунчаки қизиқарли эрмак эмасди. Бу фаразларнинг тагида ўз ижодини танқидий баҳолаш, ижодкор ва ҳокимият муносабатлари ва зиддиятларини чуқурроқ англаш, ўзининг бундан кейинги позициясини аниқлашга интилиш яширин эди. Азалдан шоир ва ҳукмдор, шоир ва оломон, шоир эркинлиги ва бурчи масалалари буюк ижодкорларни ўйлантириб келган. Абдулла Орипов бундан истисно эмас. Юқоридаги масалалар устида у кўп ўй сурган, қийналган, ўз-ўзи билан баҳс қилган, зиддиятларга борган. Шоир қай даражада замонасозлик қилиши мумкин? Замонага ён босса, ижоди келажакда қандай баҳоланади, қанча шеъри яшаб қолади?

"Устозларим"да "ҳокимият ва шеърият", "оломон ва шоир" масалалари нуқтаи назаридан ўтган шоирларга – устозларга баҳо берилмоқда. Ўтган шоирлар тириклигида ҳокимият босимида ижод қилди, истамаганлари ҳалок бўлди, ўлганларидан кейин, замон, мафкура ўзгаргач, мустақиллик йилларида энди уларга оломон даражасига туширилган айрим ёшлар гиж-гижланмоқда. "Кимдан қанча шеър қолади" мавзусини у шоир Усмон Азим билан ҳам муҳокама этган экан. Балким, яна ким биландир бу ҳақда фикрлашгандир. Ҳар ҳолда мазкур масала шоир учун ўткинчи бўлмаган.

"Шоир ва ҳокимият" масаласида кўпинча ҳокимият ғолиб келади. Бўйсунмаган шоирни жазолайди, мавҳ этади, бўйсунганлари эса ижодда ютқазади. Дарди, армони ичида кетади.

Номард бу дунёнинг кирдикорлари
Яхшидир, ёмондир – ишингиздадир.

Армонлар, узрлар кетдилар бари,
Кетдингиз дардингиз – ичингиздадир.
Марҳум устозларим,
Раҳматли зотлар.
Энди сиз тинч ётинг маконингизда.
Ўкинманг маломат қилсалар агар,
Абадий бардош бор имконингизда.

Самимият ва инсоф билан ёзилган шеър. Бундан бошқа гаплар ортиқча.

"Елкамизга офтобнинг текканлиги рост бўлсин"

Мустақилликнинг илк кунларида у "Адолат офтоби", "Эрк ҳаққи", "Бирин-кетин ўтиб борар асрларнинг карвонлари" каби шеърларини ёзди. "Адолат офтоби"да шоир бирликка, жипсликка чорлайди:

Сафга тизил, набирам, отажоним, тур энди,
Мустақиллик нашъасин, ҳаққинг бордир, сур энди.
Қўлни бериб қўлларга бир тан бўлиб юр энди,
Елкамизга офтобнинг текканлиги рост бўлсин,
Ўзбекнинг ўз ниҳолин экканлиги рост бўлсин.

"Эрк ҳаққи"да мазкур ғоя муборакбод этиш ва орзу-тилак сифатида ривожлантирилади. Муборакбод этиш қуйидагича ифодаланади:

Қадимий бобо юртим
Қутлуғ бўлсин яловинг,
Ўйлай-ўйлай ташлаган
Қадам муборак бўлсин.
Тағин гуриллаб ёнгай
Ўчмаган қалб оловинг.
Эрк ҳаққига ичилган
Қасам муборак бўлсин.

Ижодкор кишилар хаёлан ўзларининг буюк салафлари билан суҳбат қуради. Халқининг ютуқлари ва муаммолари тўғрисида ўйлаб, фалон буюк зот бунга қандай баҳо берарди, нималар деярди деган фикрларни хаёлидан ўтказади. Бу ўй-хаёллар, ботиний суҳбатлар ҳар хил шаклларда уларнинг битикларида аксини топади. Баъзан улар салафлар хотирасига, руҳига бевосита мурожаат шаклида, баъзан эслаш ва тилак шаклида юзага чиқади. Ўзбекистон истиқлолга эришган кунларда, Абдулла Орипов Навоийни эсламаслиги мумкин эмасди. Менимча, унинг "Бирин-кетин ўтиб борар асрларнинг карвонлари" шеъри шундай туғилган. Шеър тагига "1991 йил, сентябрь" дея ёзилган, вақти аниқ кўрсатиб қўйилган.

Бирин-кетин ўтиб борар асрларнинг карвонлари
Оҳ, нечоғли хатарлидир унинг ошар довонлари.
Инсон зоти муродига азал-абад етар эди,
Ушалса гар умидвор зот – Навоийнинг армонлари.

Абдулла Орипов ижоди мустақил Ўзбекистоннинг дастлабки одимларининг поэтик йилномасига айланди дейилса, муболаға бўлмайди. Ўзбекистон 1992 йил 2 мартда БМТ аъзолигига қабул қилиниб, БМТнинг Нью Йоркдаги бош биноси олдида Ўзбекистон байроғи кўтарилди. Орадан икки кун ўтиб, "Ўзбекистон давлати" шеъри яратилди:

Ўзбекистон байроғи кўтарилди чинакам,
Ушбу кунни айтингчи, қай биримиз кутмадик.
Зарур бўлган чоғда гоҳ дор тагида туриб ҳам,
Қай биримиз тарихнинг синовидан ўтмадик.
Насиб этмиш бу кунлар, таралсин янгроқ унлар.
Дўстлар билан ёнма-ён қутлайлик бу айёмни
Илоё, бошимизга келмасин қаро кунлар,
Ўзбегим, деб кўтаринг, дўстларим, олтин жомни.

Фақат бунёдкорлик, эзгулик халқни яна юксак марраларга олиб чиқади. Бу юксакликнинг, донг таратишнинг ҳақиқий белгиси – мурувват (бу ерда: кўнгил ва ақл сахийлиги, беғараз яратувчилиги) ва маърифатдир (ҳақиқатни билиш, илми-ирфон, фан ва санъат сирларини эгаллаш, юксак маънавият). Бу йўлда адашмасангиз, орангиздан қайноққалб Машрабу Чўлпонлар чиқади, акс ҳолда лолалар баргидек тўзғиб кетиш хавфи бор:

Олдиндадир ҳали заҳмат, олдиндадир имконингиз,
Осилмаган не-не Машраб, отилмаган Чўлпонингиз.
Ўтинч ила ҳасратимни насиҳат деб юзга солманг,
Худо инсоф берган куни бармоғингиз тишлаб қолманг.
Мурувватсиз маърифатдир буюкликнинг нишонаси,
Қадам қўйинг мана сизга донгил йўлнинг остонаси.
Туркистоннинг болалари, Туркистоннинг болалари,
"Пуф" деганда тўзғигудек мўъжазгина лолалари.

1992 йил 8 декабрда Ўзбекистон Конституцияси қабул қилинди. "Ўзбек қомуси" шеъри туғилди. Шеър шунчаки Конституция қабул қилиниши муносабати билан кўтаринки кайфиятни ифодалашни мақсад қилиб ёзилган эмас. Унда шоир ўтмишни зирқираган юрагидан ўтказиб эслайди. Шу сабаб шеър ўқувчи юрагини ҳам зирқиратади. Уни ўқиган ҳар киши ниманидир эслаб, энтикиб кетарди. Балки совет даврида яшамаган ёшлар қалбида, ҳатто чорак аср ўтиб, дил туғёнлари босилган бизнинг авлодда ҳам у бугун илгаригидек акс садо бермас. Аммо шеър у ёки бу санага махсус бағишлаб ёзилган шеърлардан тамомила фарқ қилади.

Эслар эдим Бухорийни, Яссавийни ҳам,
Ҳа, ҳа, айри тушмаганди хотиротимдан.
Фақат улар чалинарди кўзимга мубҳам,
Лекин сира кетмас эди хаёлотимдан.
Ҳам Темурбек, ҳам Улуғбек, Алишер, Бобур,
Сизлар тузган ул салтанат – салтанат бўлди.
Улуғ тарих Туркистонга чўнг гувоҳ эрур,
Давлат эдик, давлат эдик, у давлат бўлди.

Шоир аждодлар тузган давлат яна давлат бўлганидан (мустақилликка эришганидан) фахр туяди. Биз яна заминга, яшаётган она тупроғимизга лойиқ бўлдик, она тупроқ ҳам бизга лойиқ бўлди, яъни бизники бўлди. Шу пайтгача биз уни бировларга топтатиб қўйиб, унга лойиқ эмас эдик, деган фикр "Сен заминга лойиқдирсан, замин ҳам сенга" сатрларида яширин:

Эмукдошим, ай қардошим, қулоқ тут менга,
Ушбу кўҳна каҳкашонда мағрур тутғин бош,
Сен заминга лойиқдирсан, замин ҳам сенга,
Сеникидир энди бу ер, сеники қуёш.
Қўлингда эрк, бошда ялов, тилингда суруд,
Ватанинг бор, бола-богчанг, ор-номусинг бор.
Ўзбекистон деб аталган муқаддас ҳудуд,
Ўз Давлатинг, Мамлакатинг, ўз Қомусинг бор.

Абдулла Орипов мустақил Ўзбекистоннинг давлат мадҳияси муаллифи бўлиши табиийдек туюлади. Бироқ у ёпиқ танловда, яъни муаллиф номи номаълум тахаллусда яширилган танловда ғолиб келганди. Танловда ғолиб бўлган шеър муаллифи кейин эълон қилинди. Изидан ғолиб топилган матнга куй басталаш бўйича композиторлар ўртасида танлов эълон қилинди. Муддат тугагач, Давлат комиссияси бирорта мусиқани маъқулламади. Шунда атоқли композитор, Ўзбекистон ССР мадҳиясининг муаллифи Мутал Бурҳоновга ҳукумат томонидан мурожаат этилади. Мутал ака мен кексайиб қолдим, кучим ҳам, соғлиғим ҳам Абдуллажоннинг ғолиб чиққан матнига муносиб куй басталаш имконини бермайди. Соддароқ матн бўлса, аввалги мадҳия мусиқасидан қисман фойдаланиб, янги куй басталашга уриниб кўраман, деган мазмунда жавоб берган. "Лекин Абдуллажон мен билан бирга ишласин, чунки баъзи сўзларни мусиқага мослаштиришга тўғри келади, шоир қўллаган сўзнинг жаранги тушмаслиги мумкин", дея шарт қўйган. Буни Абдулла Ориповнинг ўзи айтиб берган, чунки унда мадҳиянинг янги матнидаги баъзи сўзлар ўрнига фалон сўзлар қўлланса, яхшироқ бўлар эди, нега ундай қилмадингиз, дея сўрагандим. "Мутал ака бу сўзларни алмаштириш зарурлигини исботлади. Овоз чиқариб хиргойи қилганда ҳақиқатан дастлабки айрим сўзлар мусиқага яхши тушмади", деди.

Фалсафий мавзуда битилган шеърлардан бири "Буюклик" дея аталган. Унда Муштарий сайёрасига қандайдир бир астероид урилиб, бағрида чўкиб кетгани теран фикрий-мантиқий мулоҳазаларни уйғотади: буюклик ўз йўлидан тоймайди, у мавҳ этиш ниятида ожизликни изламайди. Балки ожизлик буюкликка келиб урилади:

Таажжуб қиламан, буюклик асли,
Танлаган йўлидан бурилмас экан.
Зарра буюкликка урилгай, аммо
Буюклик заррага урилмас экан.

Шеър ёзилишига туртки бўлган воқеани, афсуски, шоирдан сўрамаганман. У коинот ва юлдузларга жуда қизиқарди. Ўзининг мўъжазгина телескопи бўларди. Коинот тўғрисидаги илмий-оммабоп китобларни, мақолаларни, қўлига тушиб колса, синчиклаб ўқиб борарди. Коинот ҳақида телевидениеда тарқатилган хабарларга жуда қизиқарди. Балки шундай хабарлардан бирида Муштарийга келиб

урилган кичикроқ бир астероид ҳақида эшитиб бу шеърни ёзгандир. Лекин шеър мазмуни Коинотда узлуксиз содир бўлиб турадиган бундай ҳодисаларни эътироф этишдан ташқарига чиқади: инсоний бачканалик, майда туйғулар, ғаразли ниятлар асл буюклик олдида Муштарийга келиб урилиб, қаърида кўмилиб кетган зарра кабидир. Буюклик, Ватан – Муштарий каби ўз йўлида собит. Унинг бачканалик билан иши йўқ:

Муштарий самода мильярд йил кезиб,
Ахир ахтармаган ўша заррани.

Абдулла Орипов қайси мавзуда ёзмасин, фикрни жўн шаклда тўғридан-тўғри баён этмайди. Айтмоқчи бўлган ғояларини, мақсадини фалсафий умумлаштиришлар, бадиий истиоралар орқали ифодалайди. Яъни у шеър ёзади, ижод қилади, мафкурабозлик, насиҳатбозлик қилмайди. Буни қайта-қайта эслатишимизнинг сабаби шоир ижодини талқин қилишда бирёқламаликдан қочиш лозимлигини таъкидлашдир. Мустақилликнинг биринчи йилларида иқтисодий қийинчиликлар, мафкуравий чалкашликлар, ноаниқликлар талайгина эди. Айрим кишилар анча қийналиб қолган, ижтимоий мўлжалларини йўқотган эди. "Ватан" номли муҳаммасда шоир безовта кўнгилларга таскин берувчи мисраларни битади:

Надомат бирла боқғайман ватансизларга ҳар доим,
Эгиб бошини зор йиглар, агарчи давлати қойим,
Фақир бўлсам-да бор юртим – тожу тахтим, борар жойим,
Ватандан айри кўнгилни билингки, яйратиб бўлмас,
Баайни банди булбулни чамансиз сайратиб бўлмас.

Муҳаммас тезда қўшиққа айланиб, эфирда янграй бошлади. Уни бир неча ҳофизлар ўз репертуарига киритиб олгани, халқ шундай шеърни кутганидан далолат беради. Таскин бериш мақсадида бошқа яна бир шеър "Бошпана" битилган:

То ҳаёт экансан бу олам аро,
Бошингга савдолар тушгай ранг-баранг.
Гоҳида шукр айлаб севинсанг, гоҳо
Жуда кўп нарсадан совур ҳафсаланг...

Шеърда тинчлик, осойишталикни, яшаётган муҳитни асрашга, тушкунлик ва бузғунчилик кайфиятига берилмасликка даъват этилади:

Фақат табиат бор – илоҳий маскан,
Фақат ўшанга сен беписанд боқма.
Лоақал уни сен танигин, Инсон,
Ёлғиз бошпанангни ўт қўйиб ёқма.

Қийинчиликлар ўтиб кетади. Бургага аччиқ қилиб, кўрпага ўт қўйиш керак эмас. Ватанингга аччиқ қилма. У сенинг ёлғиз бошпананг. Ундан ташқарида сен мусофирга, бегонага айланасан, илдизларингдан маҳрум бўласан.

Абдулла Орипов ижодида миллатига, халқига, инсонга доимо содиқ қолди, уларни улуғлади. Аммо уларга фақат пуштиранг кўзойнак орқали боқмади, зарур ҳолларда танқид қилишдан ўзини тиймади, надомат ва маломатларини яширмади. "Тафсир" шеъри инсон табиати турлича ва ўзгармас экани тўғрисида.

Тузумлар ўзгарса ҳам,
Инсон ўзгармас экан.
Тизимлар ўзгарса ҳам,
Инсон ўзгармас экан.
Жаҳолат даврида ҳам
Авлиё-авлиёдир.
Кафорат даврида ҳам,
Анбиё-анбиёдир.

Инсонни ортиқча баҳолаб юбормаслик керак. Унда хислатлар ва иллатлар аралашиб, қоришиб кетган. У фаришта эмас, бўлолмайди, чунки унда фаришталикка хос хислатлар қаторида ҳайвонга ва шайтонга хослари ҳам бор. Улар инсондаги фаришталикка хос жиҳатлардан устунлик қилиши мумкин.

Шул боисдан Пайғамбар
Уммат ғамин еганлар.
Аллоҳдан бошқасига
Сиғинмагин деганлар.

Абдулла Орипов муаллифлик ҳуқуқи уюшмаси Ўзбекистон бўлими раиси сифатида Женевага Халқаро Ассоциация йиғилишларига бориб турарди. Ҳар борганда ажойиб, гўзал шеърлар пайдо бўларди. Уларнинг мавзулари ранг-баранг. Баъзан ифтихор билан мустақил Ўзбекистоннинг халқаро уюшмада ўз ўрни ва овози борлигини қуйласа, баъзан ўз жонини хавф остига қўйиб, оловли нуқталардан хабар етказаётган мухбирларни олқишлаб ёзган. Лекин хорижда ёзган шеърлари орасида манзараларни тасвирловчи, дўсту ёр ва юрт соғинчида ёзилганлари кўпроқ.

Шоир шеърий манзара чизишни яхши кўрарди. "Табиатнинг шеърий тасвирини яхши кўраман" деган иқрорни бир неча марта билдирган. Бошқа шоирларнинг табиат манзараси ҳақидаги шеърларида яхши образлар учраб қолса, дарҳол эътироф этарди. Бундай эътирофларни кўп эшитганман. Хотираси яхши бўлганлиги сабабли улар ёдида қоларди, суҳбат пайти қийналмасдан эсларди. Ўзи манзара тасвирланган шеърларида, албатта, бирор бир ноёб ўхшатишни, ҳеч бўлмаса, сифатлашни топарди. "Женева" шеъри енгилгина бўёқлар ёрдамида бошланади. Сўнг шундай манзарани чизади:

Зангори кўл узра чайқалар оққуш,
Майин патларига тўлқин юқмайди.
Йироқда Монблан тоғи ухлайди,
Оппоқ қор чойшабин тагида беҳуш.

Тасвир рассом этюдидай аниқ, сўзлар равон, мусиқий усул анъанавий. Аммо... бирданига Абдулла Ориповга хос оригинал детал қалқиб юзага чиқади:

Яшил майсазорнинг ипак қатига,
Ниначи шабнамдан қадайди дурлар.
Қуюқ дараларда потрар қарқурлар
Жар солиб теварак, мамлакатига.

Ёки:

Борлиққа чўкади нов-вотранг сукут.

Ўт-ўланлар, баргларга шабнам тунги салқинлик учун тушмаяпти, уларни ниначилар қадамоқда, шабнамлар-чи – шабнам эмас, балки дур, жавоҳирдир. Қандай гўзал образ! Ёки сукутни, жимжитликни рангда – нозиктафаккурликда кўра олиш учун унга оддий кўз билан эмас, қалб кўзи билан боқиш лозим.

Шоир манзарани яхши кўргани боис тасвирий унсурларга бой шеърлари анчагина. Тасвирий лавҳалар бошқа лирик поэмаларида ҳам кўп учрайди. Шеър ҳар ҳолда тасвирий эмас, ифодавий санъат. Қолаверса, рангтасвирнинг воқеъликни, атроф-муҳитни бадиий идрок этиши фаоллиги ва ҳаракатчанлиги макон ва замонда чекланганлиги туфайли Абдулла Орипов рассом эмас, шоир бўлган. Мусиқачи оиласида ўсса, эҳтимол, ундан композитор чиқарди. Мусаввирлик барибир иккинчи ўринда қоларди. Менимча, пейзажни шеърга солишни яхши кўришининг сабаби, уларда ўткир бадиий нигоҳ, поэтик маҳорат, гўзал образлилик, фантазия – хуллас, барча юксак бадиий ижод унсурлари мавжудлиги, айни пайтда юрак изтироблари, руҳий қийналиш, ҳиссиёт зиддиятлари соф лирикага нисбатан анча кам талаб қилинишидир. Балки буюк мусаввирларнинг буюк шоирларга нисбатан сезиларли даражада кўпроқ умр кўргани шунинг учундир...

Тамом

* * *

Инсон юраги ҳам бир олам. Унинг ҳам баҳор ва кузлари, тонг ва тунлари, ором ва зилзилалари бор. Шеърият юрак садоси бўлганидан ана шу мураккаб туйғулар оламини ифода қилади.

Эркин ВОҲИДОВ

Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Ориповнинг шахс ва ижодкор сифатида фавқулодда ҳодиса эканлиги чуқур таҳлил этилган ушбу эссенинг тўлиқ матнини "Шарқ юлдузи" журнали сайтида (www.sharqyulduzi.uz) ўқишингиз мумкин.

Таҳририят

Қуёш юрагимга сочди тафтини



Минҳожиддин МИРЗО

Шивирлама, шаббода

Шивирлама, хаёлим бўлиб,
Лабларимга томизма бода.
Жоним ҳозир кетар тўкилиб,
Шивирлама, менга шаббода.

Нафасингни ўхшатдим жуда,
Менга азиз бўлган нафасга,
Қўй, жонимни учирворасан,
Зўрға солдим ўзи қафасга.

Шивирлама, менга шаббода,
Қўзғатма дил япроқларини.
Кўтаролмас энди вужудим,
Бу юракнинг титроқларини.

Сочларимни силама, кетгил,
Чидолмайман меҳрингга ортиқ.
Қўйгил мени, буткул унутгил,
Энди қалбим ҳижронга тортиқ.

Шивирлама, менга шаббода,
Сўнган чўғни қўзғаб нетасан?
Қўйгил энди, ўз ҳолимга қўй,
Дардим айтсам ёниб кетасан.

Шивирлама, менга шаббода...

Минҳожиддин МИРЗО – Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист. 1965 йилда туғилган. Ўзбекистон Миллий университетининг (ҳозирги ЎзМУ) журналистика факультетини битирган. Ижодкорнинг "Нилуфар", "Висол хабари", "Юлдузим", "Кўнглим куртаклари", "Гуллаш пайти келди, боғларим" шеърий тўпламлари, "Соҳибқирон ёғдуси" маърифий достони, "Саодатга элтувчи қудратли куч" эссе китоби нашр этилган.

Ватан ранги

Гиёҳлардан сўрдим сенинг таърифинг,
Кийиклар кўзидан ўқидим достон.
Юлдузлар қўшиғин тинглаб уйғондим,
Бошимда термилиб ўтирарди тонг.

Қуёш юрагимга сочди тафтини
Шундан қалбим сени англади, сездим.
Субҳидам очганда замин кафтини,
Мен масрур кафтдаги жаннатни кездим.

Ғурраклар теракда чалар чанқовуз,
Кўрдим юзин сувга чайган гулларни.
Замин улашарди ҳар мурғак дилга
Ҳумо нигоҳидан тушган нурларни.

Укамдай силардим яшил майсани,
Синглимдай суйдим мен қизғалдоқларни.
Отамдай чинорга қараб бўйладим,
Меҳри боғ онамдай кездим боғларни.

Тоғларинг кўнглимда тиклади ғурур,
Сувларинг қалбимнинг ювди зангини.
Ҳатто чумолилар тилида шукур,
Мен шундан англадим Ватан рангини...

Кўксимга яширдим бир дил суратин

Бекор совурмадим мунис йилларни
Таскин бор, эртамдан сал кўнгил тўқдир.
Тонгга ошно этдим қанча дилларни
Йилларнинг олдида гуноҳим йўқдир.

Гоҳ ҳилол, юлдузлар билан тонг қадар,
Суҳбатлар қурардик, учган вақт – ўқдир.
Кўнглимга нақш солиб кетган жилвагар,
Тунларнинг олдида гуноҳим йўқдир.

Тақдирга йўярлар ҳар дил қисматин,
Энди у гуллар ҳам, гулзор ҳам йўқдир.
Кўксимга яширдим бир дил суратин,
Гулларнинг олдида гуноҳим йўқдир.

Кўнгил соғинчи

Кўзларингда қуёшни кўриб,
Эриганди муз қалбим бирдан.
Бошим узра ўриклар гуллаб
Нур олганди дилдаги сирдан.

Настаринлар шивирлаб сокин,
Ифорларга кўмгач оламни.
Ҳайрат ила қўлга олгандим,
Қизғалдоқлар унган қаламни.

Қанча йиллар ўтди, фасллар
Қайтмади ҳеч у сирли онлар.
Тушларимда мени қуршар гоҳ,
Хушбўй сочлар – садарайҳонлар.

Қор қўйнида очилмас лола,
Муз бағрида гулламас дарахт.
Энди қалбим сенга ҳавола,
Баҳорларим олиб кетган бахт...

Умид

Мен ўт эдим,
Ёмғирлар ёғди,
Томчилар чун гўё мен сўндим.
Бугунчалик уфққа бош қўйиб,
Эрта эса қуёшдай ёниб,
Тонгни кутиб олмоққа,
Кўндим...

Бир дунё бўлса...

Кўрганим рўёмас, нур-зиё бўлса,
Шу нурга бу кўнгил маҳлиё бўлса.

Ғунчалар лабида кибру ҳавомас
Гулларга ярашиқ бир ҳаё бўлса.

Дилларни боғлаган мудҳиш ўйларни,
Ғуборин ювгали бир дарё бўлса.

Дилларни босмаса ҳасаду гумон,
Юракка таскин бир сўз пайдо бўлса.

Кўнглимнинг аксини кўрмоқ муродим,
Муҳаббат қўйгали бир дунё бўлса.

Она тупроқ

Эй тупроқ.
Эй менинг борим, мунисим,
Эй элим, дунёда суянган тоғим.
Токи, хазонрезлар ҳали олдинда,
Токи, гуллаётган экан дил – боғим,
Мен сени дегайман умрим борича.

Бир куни дунёни тарк этсак, шаксиз,
Мунис тупроқ берур бизга бошпана.
Шунда ҳам бўлмасмиз асло юраксиз,
Корингга ярашга шошурмиз яна.

Тангри ҳукми билан дон бўлиб унсак,
Бир очнинг ғамини аритар эдик.
Магарда, нур бўлиб кўкларга учсак,
Шунда ҳам йўлингни ёритар эдик.

Сеҳрли кеча

Ой тўлиб боқарди кўкдан дунёга,
Юлдузлар ўйнарди гирёна бўлиб.
Тушди у чўмилмоқ бўлиб дарёга,
Тўлқинлар ўйнади қучоғи тўлиб.

Қамишлар титради аста шитирлаб,
Соҳилда кўринди йигит, мунис қиз.
Юлдузлар энтикди кўкда милтираб,
Ой нари кетмоқчи бўлди-ю сассиз...

Эртаклар чин бўлди, ширин, сирли тун,
Пок эди беғубор икки ёш ўйи.
Уларни чўчитиб юбормаслик-чун,
Ой қайтиб чиқмади сувдан тун бўйи.

Бир томчи ёш

Ўтмишимни дилимга жойлаб,
Кечмишимни дилимга жойлаб,
Бир томчи ёш каби тўкилдим
Ўлтирмадим мангу йўл пойлаб.

Ҳижрон йўлин сезгандек гоҳо,
Гул бағрини тилади нолам.
Сендан юпанч излаб келаяпман,
Бир йўлчини қабул қил олам.

Сенга

Дардларим битаман тунлари ёлғиз:
Гоҳ ҳилол, гоҳ юлдуз бўлар сирдошим.
Қайдадир беором яшайди бир қиз,
Юлдуз бўл бошига сен, эй кўзёшим.

Пушаймон гуллари куйдирар руҳим,
Энг гўзал кунларим ўтган кундадир.
Бир сўзим, бир сўзим айтмоғим муҳим,
Сенга айтолмаган сўзим шундадир.

Қайга шошиласан

Қайга шошиласан, телбавор руҳим,
Сенга тор келдиму вужуд қафаси?
Ортингга қарамай кетаяпсан нечун,
Сени маст қилдиму булбуллар саси?

Қайга шошиласан, телбавор руҳим,
Наҳот интилганга беаёв жабр?
Олдинда бемажол ойлар, йиллар бор,
Олдинда сабрдан яралган қабр!

Қайга шошиласан, телбавор руҳим,
Қайда у сен борар макону манзил?
Олдда юлдуз бўлса, изингда ой бор,
Севги бор ортингда, қайрилсанг арзир.

Қайга шошиласан, телбавор руҳим?..

Хотира

Кўнгил дафтаримни тинмай варақлаб,
Нечун, ўз ҳолимга қўймайсан сира?
Қачонгача юргинг юрагим боғлаб,
Қайга яширинай сендан, хотира?



Гўзалой СОЛИҲ қизи

Баҳорни севаман

* * *

Оппоқ тонг отмоқда – баҳорнинг тонги
Тоғлар орқасидан мўралар қуёш.
Булбул навосидан уйғонган олам,
Яшамоқ истайди ўзича бебош.

Ўйноқлаб учади шўх бир қалдирғоч,
Шудрингни тўкади болари гулдан.
Туриб гул баргида очилган қийғос
Сўрайди капалак сўзлашмоқ дилдан.

Кел, капалакжон, кел, сиримни айтай,
Баҳорни севаман бор вужудимла.
Яшагим келади шодон ва хуррам,
Оламни забт этгум келар кулгула.

* * *

Жийда боғи гуллабди қаранг,
Жимжимадор гуллари майин.
Жийда гули исин совурар,
Шамол сочин силаган сайин.

Жийда боғи гуллабди қаранг,
Тароватин кўз-кўз қилади.
Ифорини таратиб, чунон,
Атиргулнинг бағрин тилади.

Гўзалой СОЛИҲ қизи – 1984 йилда туғилган. Ўзбекистон санъат ва маданият институтини битирган. Шоиранинг "Меҳр ришталари", "Хаёл сўқмоғи" шеърий тўпламлари нашр этилган.

* * *

Хиралашди қалбим кўзгуси,
Туман ичра қолди борлиғим.
Танимадим ўзим ўзимни,
Билинмади ҳатто борлигим.

Яшайвердим тақдирга кўниб,
Шундай ўтди эрта ҳамда кеч.
Бунга кўнди вужуд ризоси,
Аммо юрак кўнолмади ҳеч.

Уввос солди бағримни тилиб,
Овозидан титради дунё.
Нолишидан менинг дардларим
Томчи бўлиб тўкилар гўё.

* * *

Кимсиз?
Айтинг, кутганиммисиз
Ёки қисматимда адашган кимса?
Кимсиз, пешонамга битилган ғамми,
Ва ё кипригимга бойланган ғусса?
Аламмисиз, таъқиб қилган минг йилдан бери,
Балки, сочларимга танғилган бахт – сиз?
Қачондир йўқотганим аллақайдадир,
Топинганим, энг сўнгги аҳд – сиз?
Балки, оний бир лаҳзада туғилган эртак,
Гуноҳу савобимга айланган сўз – сиз.
Балки, баҳоримдан қолган хотира,
Ҳали ҳаётимга келмаган куз – сиз.
Тобора юракка сингиб бораётган:
Англанмас, ўқилмас, буюк сирим – сиз.



Саидвафо БОБОЕВ

ХАЛОСКОР ХАБАР

Ҳикоя

Мен айтиб бермоқчи бўлган бу воқеа собиқ шўролар даврида юз берганди.

Полкимиз Байкал ортидаги кичик бир шаҳарчада жойлашганди. Зобитлар турли миллат вакилларидан иборат бўлган аскарларга нафрат ва алам билан муомала қиларди. Миллатлар ўртасида турли низолар қўзғаш, аскарларни бир-бирларига қарши қайраш уларнинг кундалик юмушлари эди. Тагиров деган бир кавказлик сержант уларга бош-қош. Талакиян, Заракуа деган икки бақувват аскар уни ҳамиша қўллаб-қувватларди.

Мамлакатда кечаётган тўс-тўполонларни телевизор, газета-журналлар орқали кузатиб борардик. Асосийси, биз аскарликдан бўшатиш тўғрисидаги Мудофаа вазирининг буйруғи чиқишини кутардик...

Взвод командиримиз Долганин мени имлаб ёнига чақирди.

– Тайёр бўл, Турага бориб келамиз, – деди ҳеч бир эътирозга ўрин қолдирмай.

Тура бу – полкимиздан эллик чақиримча нарида жойлашган шаҳарча. Қисмимиз асосий таъминотни ўша ёқдан оларди. Демак, озиқ-овқатми, кийим-кечакми, шунга ўхшаш нарсалар олиб келамиз.

Ҳамроҳларимни кўриб, кўнглим хира тортди. Машина кузовида Тагиров ўша икки ҳамтовоғи билан кеккайиб ўтирарди. Баланд овозда нималар ҳақидадир гаплашиб, хохолашарди. Ёнларида лейтенант Долганин бурқситиб сигарет тутатаяпти. Авзойиларидан ҳаммалари анчагина отиб олишган. Ҳайдовчининг ёнида кекса пропоршик газета варақларди.

– Мана, олинглар! – деди у газеталар дастасини кузовга узатиб.

Заракуа газеталарни қўлга олиб, истар-истамас лейтенантга берди.

Йўлимиз қуюқ ўрмонлар оралаб ўтарди. Чор-атрофда қалин, баланд дарахтлардан бўлак бошқа нарса кўзга ташланмайди. Аҳён-аҳёнда ён-веримиздан бизникига ўхшаш юк машиналари ўтиб қолади.

Талакиян мундири тагига яшириб ўтирган ароқ шишасини олди. Ҳаммалари ичишди. Колбасадан газак қилишди. Долганин бир бўлак колбасани шоша-пиша оғзига солиб, газеталарни варақлашга тушди. Мен кузовнинг адоқроғида ўтирардим. Талакиян узатган ичкиликни рад этдим. У ҳам ортиқча қистаб ўтирмай, бир сипқориб идишни бўшатди. Бир пайт:

Саидвафо БОБОЕВ – 1961 йилда туғилган. Тожикистон қишлоқ хўжалиги институтининг инженер–зоотехник факультетини тамомлаган. "Мен англаган ҳақиқатлар", "Армонли дунё" ва "Қонли қилич" каби китоблари чоп этилган.

– Ие, буни қаранглар! – деб қолди газета варақлаётган Долганин, – сартлар ҳам саноққа кириб қолибди – Ўзбекистон мустақиллик эълон қилибди!

– Кўрайлик-чи. Уфф! Очликдан ўлмоқчи, кирилиб битмоқчими булар? Мустақил бўлишни буларга ким қўйибди!

Ширакайф аскарларнинг шундай хитоблар остида газета қўлма-қўл айланди. Мен эшитганларим ҳазил бўлиб чиқишидан қўрқиб, тошдай қотиб ўтирардим. Юрагим ҳаяжондан бежо урарди. Аммо газетага кўз ташлаётган аскарларнинг қиёфасидаги тааҗжуб, ҳасадмонанд бир ифода бу сирли мужданинг рост эканлигидан дарак берарди.

Талакиян пўнғиллади:

– Э, аҳамият берманглар, бузоқнинг юргурги сомонхонагача, ҳали аҳволларига маймунлар йиғлайди, кўрамиз! Марказ бунақаларнинг энасини кўрсатиб қўяди.

Уларнинг гапи қулоғимга кирмасди: вужудимни қувонч, ҳаяжон қамраб олганди. Юз-кўзимдаги ҳайратни ҳеч яшириб туролмасдим. Беихтиёр ҳайқиргим, кулгим, ўйнагим келарди.

– Ўртоқ лейтенант, кўришга рухсат этинг, – дедим газета томон қўл узатиб.

Долганин мени ҳозиргина кўриб тургандай юзимга анча пайт тикилиб қолди. Сўнг афтига заҳарханда қалқиб чиқди.

– Айтганча, сен ҳам ўша ёқдан-а? Хурсанд бўлаяпсан, шекилли. Лекин ҳали йиғлайсанлар!

У шундай деди-ю, газетани ғижимлаб, йўл чеккасига ирғитиб юборди. Сўнг хохолаб кулди. Бошқалари унга жўр бўлди.

Беихтиёр ўрнимдан ирғиб турдим. Ўзим ҳам кутмаган бир журъат билан кузовдан ерга сакрадим. Зарбдан чайқала-чайқала қад ростладим.

– Қаёққа?! – деб чинқирди Долганин менга қўрқув ва ҳайрат тўла кўзлари билан тикилиб.

Бошқалар ҳам ҳаракатимдан ҳангу манг бўлиб қотиб қолганди.

– Машинани тўхтатмайман! – деб яна ўшқирди лейтенант. – Турага ўзинг қандай етсанг етиб ол, тушундингми? Агар бизни куттириб қўядиган бўлсанг, ўзингдан кўр! Сени ҳарбий трибуналга топшираман!

Зобитнинг сўнгги пўписалари элас-элас эшитилди. Чунки машина мендан анча узоқлашиб кетганди.

Қизиқ, взвод командирининг таҳдидлари мени заррача чўчитмади. Йўл ёқалаб юра бошладим. Теваракка аланглаб, газетани изладим. Ниҳоят топдим. Буталар орасида қисилиб қолган экан. Газетани авайлаб олдим-да, ғижим жойларини силаб-сийпалаб ростладим. Ўқидим! Ҳа, Ўзбекистан мустақиллик эълон қилибди!

Мен кўзларимга ишонмагандай, хабарни овоз чиқариб уч карра ўқидим. Мен гоҳ ўйноқлаб, гоҳ хиргойи қилиб йўл бўйлаб кета бошладим. Айни пайтда Туранинг бу ердан жуда узоқда, йўлнинг хилват, ваҳимали эканлиги ҳам мени сира ташвишлантирмасди. Юрагимда англаб бўлмас ажиб бир туйғулар кечарди. Аҳён-аҳён ўтиб қолган машиналарга шунчаки қўл силкиб қўяман. Шу алфозда бир соатдан мўлроқ йўл босдим. Ҳаво булутлана бошлади. Ўрмон алланечук қорамтир тусга кирди. Шу пайт ортимдан "УАЗ" машинаси елиб келаётганини кўрдим. У менга жуда таниш туюлди. Адашмаган эканман. У кисмимизга тегишли машина эди. "УАЗ" ортидан "Тез ёрдам" улови кўринди. Мен саросималаниб, йўл чеккасида тўхтаб қолдим. Машина шундоққина ёнимга келиб тўхтади. Ҳайдовчи ёнида ўтирган баланд бўйли

зобит кабинадан тушди. У полкимиз командирининг ўринбосари, полковник Кравчук эди.

– Эй, солдат, сен кимсан, қаердан келаяпсан? – деб сўради у ташвишли бир овозда.

Мен низом бўйича расм-русмларни бажаргач, зобитнинг саволларига жавоб бердим. Жавоб берарканман, Кравчукнинг кўзларида тааҗжуб, аллақандай ҳайрат жилваланганини кўрдим.

– Сен ҳам лейтенант Долганин билан бирга эдингми? – сўради у ҳануз гапларимга ишонмагандай. – Қани, машинага ўтир-чи...

Машинага жойлашдим. Кравчук мен томонга бурилиб, хўрсинди.

– Бахтинг бор экан, солдат. Сени Худо сақлабди...

Зобитнинг узуқ-юлуқ гапларидан англадимки, мени ташлаб кетганлар фалокатга йўлиқибди! Машина йўл чеккасидаги тўсиққа урилиб, сойликка қулаган! Уч киши ҳалок бўлибди, қолганлари ҳам оғир аҳволда эмиш.

– Ҳаммаси ичкилик оқибати, – деб ғудраниб қўйди Кравчук.

Унинг кейинги гапларини деярли эшитмадим. Ғижим газета – халоскоримни кўксимга босганча, кўзларимни юмдим.

Ватан тарқин бир нафас айлама,
Яна ранжи аурбат ҳавас айлама.

Алишер НАВОИЙ

Кўнгил яна куй истайди



Даврон РАЖАБ

Тонг қўшиғи

Мен сени хўб асраб юргандим,
Шуми бахтинг, айт, шуми умринг?!
Гапирсам тин олабошлар тонг,
Йиғлай бошлар баргларда шудринг.

Айт, ҳали сен ишонганимми,
Сенга айтганмидим сирларимни
Ҳали сен излаб топинганимми?!
Гапирсам тин олабошлар тонг,
Йиғлай бошлар баргларда шудринг.

Сенга борим, бахтимни берсам,
Сийратимни қалбимни йўйсам,
Бутун ҳаётимни сенга топширсам...
Гапирсам тин ола бошлар тонг,
Йиғлай бошлар баргларда шудринг.

Гапир, ахир, гапир, гавҳарим,
Бошқа йўқми менга сўзларинг,
Кўзларингда қанча акс этдим?
Гапирсам тин ола бошлар тонг,
Йиғлай бошлар баргларда шудринг.

Даврон РАЖАБ – 1967 йилда туғилган. Беньков номидаги Республика рассомчилик коллежини тугатган. Шоирнинг "Бир томчи юлдуз", "Бахт шамоллари" номли шеърий китоблари нашр этилган.

* * *

Ўзингдан енгил гап
кимсасиз уйдек
кўринар файзсиз.

Оғири ўзингни ҳам
тортиб кетар, эсиз...

Ўзинг билан тенг гап
посанги каби
бориб келиб турар
гоҳ енгил
гоҳ оғир томонга.

* * *

Ҳовучларини очган гуллар
вақтга ранг бериш учун
йўлга чиққан.

* * *

Осмондан заминга қайтмаган хатим,
Сенга айтган эдим унда дардимни,
Йўқ, дардим эмас севинчларимни.

Ҳамон қўлингга қайтмаган мактуб,
Ҳа, билдим, сен мендан ҳамон аразда,
Кунлар ўтар мени билмаган тарзда.

Агар олган бўлсанг тўхтарди кунлар,
Шошқалоқ фурсатлар топарди барҳам,
Сен бахтли бўлардинг ҳар лаҳза, ҳар дам.

Хаёл

Пиёладаги чой совуб қолди,
хотирамдан жой олган
манзаралар
сўзлару
шакллар пиёлада.

Эласанг исийди,
аниқроқ ўйласанг
жонланиб
қайноқ вақтига қайтади чой.

Ҳозирча совуб турибди
пиёладаги чой
ва
ҳеч ким билмайди
чойдаги оламни.

* * *

Бор овозда тинглаб кўр,
сени бошқараётган
ичингдаги куйларни.

Ё эсла,
сен қандай кулган эдинг,
бир пайтлар шодликдан қаттиқ.

Қайғуларни эслама,
майли,
хотирлама дардларни зинҳор!

* * *

Булутлар кўк сатҳидан
Сокин сузиб ўтади,
Бундай дамлар завқидан
Фикр тўзиб кетади.

Гоҳ ўхшайди қорларга
Тоғларни босиб қолган,
Гоҳ айланар боғларга,
Гулларин сочиб ёйган.

Осмон тубида яйноқ
Лаҳзадек ўтаверар,
Баъзан у қордан-да оқ,
Тўхтамас кетаверар.

Елар момиқ абрлар
Олис маконлар сари.
Етмай қолар сабрлар,
Ҳаёт шундай сарсари.

Англадим, бахт ҳам шундай,
Ушлаб бўлмас уни ҳеч.
У янграр тинсиз куйдай,
Тинглаб турсанг бўлар кеч.

Вақт ҳам шу – кетар оқиб:
Баъзан оқ, баъзан қора.
Ҳавога сурат солиб,
Умринг ўтяпти, қара.

* * *

Гулларга кўниккан кўзлар
гул истайди,
чунки,
гулларга кўниккан кўзлар.

Шамолга кўниккан юрак
яна шамол истайди,
чунки,
шамолга кўниккан юрак.

О, руҳ, яна қайғу истайсан,
Наҳотки
қайғуга кўниккан руҳ?

Йўқ,
кўнгил яна куй истайди,
чунки
куйга кўниккан кўнгил!

Чеҳрангда

Ҳали бир сўз топаман
Чеҳрангга қараб.

Ҳали бир сўз топаман,
Чеҳранг қудратидан пайдо бўлгучи.
Тумтарақай қочар ғанимларинг,
Бироқ ўша сўз чеҳрангда ҳамон.

Қуёшлар

Бугун
япроқлар яшил рангда
чарақлар,
чунки,
кўпдан бери
нурлар уйқуда,
истеъфода эди қуёш ҳам.

Паға-паға булутларда,
Кўзгуларда,
Одамларнинг кўзларида
қуёшлар
яйнатар
атрофни.
Ҳатто ёруғланар тупроқнинг ранги,
соялар ҳам қамаштирар кўзларни
бугун.

* * *

Тун тонгга айланар оҳиста,
Унутилар ишқ соялари.
Абадийлик синггар бирпасда,
Нигоҳимга чўкар ғоялари.

Қандай юмай кўзимни энди,
Борлиғимда бўлса коинот.
Бутун борлиқ сўзимга энди,
Қандай уни гапирай, ҳайҳот!

* * *

Ҳамма иш
қўлимдан келади,
дейди,
Ишсиз юрган бу одам.

Хотирамда қолди

Гапиришингни кутдим.
сўзласанг гулга кирар
хаёлимда сирларинг.

Гапиришингни кутдим,
аммо сўзга кирмадинг,
сирларим гулга кирди.

Гапиришингни кутдим.
тингладим жимлигингни,
хотирамда қолди жимлигинг.



Истарангда ойнинг рухсори

Сафар ОЛЛОЁР

Қалб қиёфаси

Илиқ давра қурдим қалб билан,
у ҳазилни кўтарар экан:
очиқ изҳор этди ҳисларин,
ўзин зўрға тийди кулгидан.

Мойил экан мутойибага,
билмасликка олдим жўрттага:
ҳақиқатдан баҳс айлагандим,
кўнгил қутқу солди ўртага.

Дейдиларки, учов сирлашса,
сир қай бир дам айланар қушга,
илло, умид таскин берар тек,
кошки, шуур қалбга бирлашса.

Фақат унда юпанч бор мангу,
ожиз руҳга далда бўлар у
ва кўрсатар энг равон йўлни,
ундан малҳам топар тазарру.

Шундай қўрғон юракка яқин,
иккисининг яхлитлиги чин –
рўшнолик бахш этгай дилларга
таратганда эзгулик нурин.

Сафар ОЛЛОЁР – 1969 йилда туғилган. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУ) журналистика факультетини битирган. Шоирнинг "Ишқ йўли", "Умид ўзани", "Нафис идрок", "Омад кўзи" каби шеърий китоблари чоп этилган.

Гўзаллик сонети

Қарағингда қандайин нур бор,
Бунча сирли оҳанграбосан?
Оғриқли, лек, тотли ҳузур бор,
Оташ сачрар нигоҳларингдан.

Балки, Эгам, жисмингни атай
Яратгандир гўзаллик учун.
Энг чиройли марварид дурдай
Латофатли, хушрўй ва гулгун.

Истарангда ойнинг рухсори,
Назокатинг оҳуга қиёс.
Нозу ишванг паризодга хос.

Шунча сифат қайдан мужассам,
Таъриф топмас сўзимнинг бори?
Фақат ишқинг дардимга малҳам!

Моҳваш

Тун оромбахш,
ой ҳам тўлган,
Фақат сен кам,
кел, эй дилдор.
Юракдаги сенга бўлган
Туйғуларим дарёча бор.

Инон, аммо, қилма гумон,
Бу саробмас, йўқ, адашма.
Шахт бахш айлаб, дилга чунон,
Жўшиб қайнар ўшал чашма.

Бу – муҳаббат,
Бор бисоти –
Ҳаяжону сирларга бой.
Сенсиз надир ҳаёт тоти,
Ёнимга кел, эй тўлин ой?

Моҳнинг рашки келганини
Кўргим келди сен туфайли.
Ошкор этсин мен – ғанини
Ойдиндаги диллар сайли.

Тун оромбахш,
Ой ҳам тўлган,
Фақат сен кам,
кел, эй дилдор.
Юракдаги сенга бўлган
Туйғуларим дарёча бор.

Соғинч сонети

Кетиш учун келганмидинг, ёр,
Топмадингми ё ўзга чора?
Илло, соғинч ўртаб овора,
Тилсимининг хосияти бор.

Айриликдан ҳарчанд қўрқсам ҳам
Осонгина олислаб кетдик.
Шояд, энди соғинчга етдик,
Ундан минбаъд шодман, маҳбубам.

Мени ундаб, сен томонга у,
Сени менга етказди, мана.
Бундан ортиқ борми тантана?

Иноятдир бу улуғ туйғу,
Бахш айлади ҳиссий фароғат,
Айриликни соғинма фақат.

Майда ёмғир

Ёмғир ёғар майин, эзғилаб,
шошилмайди, бекорчи гўё.
Майда гапли одамга ўхшаб,
ўз ишига ўзи маҳлиё.

Бу аъмоли кимга ёқару
кимга ёқмас, қизиқмас зинҳор.
Билмайдики, унга рўбарў
бўлмоқни ҳеч истамаслар бор.

Мен севаман,
айтиб қўйиш шарт,
бу дам ғамни дил унутади.
Майин-майин ёғса,
ҳазин дард –
муҳаббатга ўхшаб кетади.

Муҳаббат ҳам шуда, фазодан
юрак сари томчилаб турар,
худди ерга озуқа берган
ёмғир янглиғ қалб боғин безар.

Майда гапли одамнинг гапи
майда касга, балки, маънодор,
майда ёққан ёмғирда, асли,
катта ҳаёт мавжин авжи бор!

Оқ кема

Тун қўйнида кетиб борар
ёлғизгина оқ кема,
елканлари тунни ёрар.

Журъатидан ҳайратда,
юлдузлар киприк қоқишар тинмай.
ой тўлмаган ва тун ҳукмрон,
зимистон қўрқар пайдар-пай
оқ кемадан бошқа ҳамма.

Фақат у ойдинлик тунда ҳам,
фақат у яралган оқ нурдан,
тилга кирган каби кечаги "инга"
борлиқ жилмаяди дилхуш ҳузурдан.

Сокингина
(шабада бағрида,
фақатгина олдинга,
билмам,
қайси манзилга)
сузиб борар оқ кема?!.

Татаббу

Табиатнинг серзавқ қуввати
ва қувватнинг жонбахш сурури
ва сурурнинг оний қиймати
ва қийматнинг дилхоҳ ҳузури
ва ҳузурнинг жунунваш сеҳри
ва сеҳрнинг жондош туйғуси
ва туйғунинг мукаррам меҳри
ва меҳрнинг инжа қайғуси
ва қайғунинг бокиралиги
ва бокира умр ташвиши
ва ташвишнинг хотиралиги
ва хотира эслатган киши
ва кишининг таниш чеҳраси
ва чеҳрани кўрсатган кўзгу
ва кўзгунинг нодир баҳраси
ва баҳрани бахш этган ёғду
ва ёғдунинг ёркин манзили
ва манзилда бахт қурган роҳат
ва роҳатнинг чинбоп ҳазили
ва ҳазилга ўхшаган қисмат.

Бахтиёр АБДУҒАФУР

СУЛТОН ЖАЛОЛИДДИН МАНГУБЕРДИ

Роман[1]

34-боб. Наса йўли

Кун пешиндан оққан.

Икки кундан бери туз тотмаган, бир қултум сувга зор Жалолиддин эгарда зўрға ўтираркан, қаерларга келиб қолганини билмасди. Чеки чегараси йўқ саҳрода, сариқ-жигарранг кумтепалар, унда-бунда учраб қоладиган саксовуллар орасида улоқиб-тентираб юришгандек. Гурганчни ошиғич тарк этганларидан сув ва егулик йўқ, камига на бир қуш учади, на бир сайғоқ кўринади. Очлик ва ташналикдан ҳамманинг силласи қуриган. Ора-сира отларнинг пишқириши, қурол-яроғлар, от жабдукларининг шарақ-шуруқи сукутга толган чўлу биёбоннинг тинчини бузади.

Жалолиддиннинг ортида Темур Малик ва Кузбор Малик ҳам бошларини қуйи солинтирганларича кетиб боришади. Улар ҳам анчадан бери жим бўлиб қолишганидан Жалолиддин отининг ўз майлига қўйиб, ўйга берилган. Тожу тахт, салтанат учун кураш шунчалар шафқатсиз бўлишини энди ҳис қилди. Салтанат тахтида отаси барқарор бўлганида бундай нарсалар хаёлига ҳам келмасди. Бойлик, қудрат васвасаси кўзни кўр, қулоқни кар қилиб қўяркан. Бўлмаса, ёғий салтанат дарвозасини чертиб, тиғини қайраётганда фисқ-фасод ўрнига иттифоқ лозим эмасмиди? Ҳукумат тизгини отасининг илкида бўлганида итоат ва садоқат билан хизмат қилишга онт ичган бу амирлар бош кўтарармидилар!? Амир Бужи Паҳлавон, Хумор Тегин... Самарқанддаги ўша базму жамшидда бу амирлар юзларида итоат тусини қуюқлаштириб, Султонга астойдил юкиниб, унинг ҳар бир сўз ва имосига илҳақ ўтирганлари, унвонлар ва мулклар билан тақдирланганларида пешоналари ерга теккудек бўлиб, "Сўнгги нафасгача салтанат хизматидамиз!" деганлари Жалолиддиннинг кўз олдидан ўтди... Кейин бошқа нарсалар – Қилзумдаги овлоқ орол, ёлғиз яктакда қолган отаси, олис-олисларда кўзга ташланаётган Гурганч миноралари... Кутилмаганда кумтепалар ортида соқоллари оппоқ, юзлари илоҳий нурдан ёришган, асога таянган бир кекса чиқиб келди. "Йўлимни йўқотдим, деб ўйлама, зеро бунда зўр бир ҳикмат бор!" дебди у. "Қандай, дейсанми? Унда эшит, бу жаҳонда сарсон-саргардон бўлиб юришинг айни шу чўлдан бошланади! Гурганчга қайтмоғинг даргумон, имконсиз нарса бўлиб кўринмоқда..."

У сесканиб кетди – бу совуқ, этни жунжиктирувчи ўйми ёки келажакдан хосиятсиз башорат?! Ёки кўзларига рўё кўриндими?!. У мубҳам ва кўнгилни оздирувчи

[1] Давоми. Бошланиши ўтган сонларда.

ўйлардан қутулмоқ умидида ёнидагиларга қаради. Кўзларига кўринган қариянинг сўзлари миясида айлана бошлади: *"Гурганчга қайтмоғинг даргумон..."* У бир муддат бу сўзларни тушунишга уринди-ю сўнгсиз даҳшатга тушди. *Наҳотки Гурганчни кўрмаса!?* У дарҳол отининг бошини ортга бурди. Этигининг пошнаси билан ниқтаб, камига қамчи босиб от елдириб кетди. Жалолиддиннинг кутилмаган қарори-ю ишидан ҳангу манг бўлиб қолган Темур Малик ва Кузбор Малик дарров унинг ортидан от қўйишди.

Силласи қуриган от қумда чопишга қийналар, туёқлари тез-тез ботиб қоларди. Чавандоз эса тезроқ чопишга ундарди. От узоқ чополмади – қумтепага кўтарила олмай мункиб қулади. Отнинг остидан оёғини базўр чиқариб олган Жалолиддин бир амаллаб ўрнидан турди-да, телбавори қумтепага чопа кетди. Унинг қуруқшаб, ёрила бошлаган лаблари яккаш "Гурганч! Гурганч! Гурганч!.." дея пичирларди, ҳолос. Кўзлари фақат қумтепани кўрар, шундан ошса муродига етадигандек. Очлик барибир шундай баҳодир йигитга ҳам ўз ҳукмини ўтказди – у қумтепага кўтарила олмай, чўккалаб қолди. Оғир ҳансираб тиззалаганича ўтираркан, ич-ичидан доруссалтанага қайтмоқ осон бўлмаслигини ҳис қилди. Қумтепа пойида тўхташган Темур Малик ва Кузбор Малик анчагача сўз очишга журъатлари етмай турди.

– Онҳазрат, сизга нима бўлди? – отдан тушиб, Жалолиддиннинг ёнига келган Темур Малик сўради.

Ҳамон чўккалаб ўтирган Жалолиддин унга қаради. Унинг нигоҳида тақдир ҳукмидан ожиз ва чорасиз одамнинг қисматини ўқиш мумкин эди.

– Ўзим... шундай... – деди у ҳансираб. – Гурганчни кўрмоқ истаган эдим.

Темур Малик ва Кузбор Маликлар бир-бирларига маъноли қараб қўйишди. Жалолиддин ўрнидан оғир кўзғалиб туриб, уст-бошидаги қумни қоқиб ташларкан, яна мавҳум қилиб паст овозда деди:

– Гурганч билан хайрлашган кўринамиз...

– Иншоллоҳ, ҳали доруссалтанага музаффар туғларингизни баланд кўтариб борасиз, онҳазрат! – деди Кузбор Малик.

– Иншоллоҳ!.. – деб қўйди Темур Малик.

– Қайтайлик, – деди Жалолиддин. – Навкарлар кутиб қолишди.

Темур Малик дарров Жалолиддиннинг тулпорини келтирди. У эса отга минмай, тизгинни қўлига олди. Темур Малик ҳам, Кузбор Малик ҳам отларини минмай унга эргашишди. Атроф-жавониб бирдек қумтепалар, яккам-дуккам саксовуллар... Улардан кейин эса номаълум ва ҳувуллаган келажак. Жалолиддин кўзларини юмди – энди ўйлашга ҳам қўрқарди.

– Онҳазрат! Онҳазрат! – олисдан эшитилган овоздан шундоқ ҳам тарқоқ ўйлари пароканда бўлди Жалолиддиннинг. У шошиб овоз келган томонга қаради. Отидан туша солиб, қумга бота-бота югураётган навкарни таниди-ю кўнглига хавотир оради. У олдинга чиқарилган хуфиялардан бири эди.

– Онҳазрат, ташвишли хабар келтирдим! – нафаси бўғзига тиқилиб, оғир-оғир нафас оларкан деди навкар.

– Қандай хабар? – сўради Жалолиддин.

– Шаҳарни топдик, лекин... лекин мўғуллар келаётганингиздан огоҳ бўлган, шекилли... Наса атрофларида отлиқ мўғуллар изғиб юришибди.

– Мени кутишаётган эканми? – яна сўради Жалолиддин.

– Шаҳардаги хуфияларимиз ҳам шуни тасдиқ этдилар, онҳазрат! Мўғулнинг нияти жиддий!

Шунда Жалолиддиннинг кўз олдида ўша оппоқ соқолли қария гавдаланди.

Хосиятсиз башоратни айтишдан муддао не эканлигини фаҳмлади: мўғул орадан кўтарилмас экан доруссалтана йўллари доим ёпиқ! У Темур Малик ва Кузбор Маликка юзланди.

– Навкарларга маълум қилинг, қаршимизда ёғий чериги! – деди у.

Амирлар бир овоздан:

– Хўп бўлади, онҳазрат! – дейишди-да, анча нарида тўхтаб қолган отлиқлар томон от қўйиб кетишди.

Жалолиддин қаршисидаги хуфияга деди:

– Мўғул назарингиздан махфий қолмасин, ҳар бир қадамини кузатинг!

Навкар қамчи ушлаб турган қўлини кўксига қўйиб, бош эгди-да:

– Буйруғингиз бош устига, онҳазрат! – деди.

Навкар югуриб ортига қайтиб, моҳир чавандозлардек эгарга сакраб ўтирди.

Амирлар отлиқларни сафлаб, ҳужумга тайёрлаб турганларида олисда от солиб келаётган катта қўшин кўринди. Жалолиддин уларнинг ким эканлигини билса-да, ҳар эҳтимолга қарши бир даста навкарларни юборди. Тез орада улар қайтиб келишиб, унинг шубҳаси тўғри эканини тасдиқлашди – булар мўғуллар эди! Жалолиддин эгарига осиғлиқ дубулғасини кийди. Пичирлаб суралардан тиловат қилиб дуо қилди-да, отини ниқтаб олдинга чиқди. Навкарларга юзма-юз бўларкан, баланд овозда деди:

– Қаршимизда ёғий! Ортга эса йўл йўқ, қолаверса, одатимизда чекинишлик, қочишлик ҳам йўқ!

Унинг шу сўзлари етарли эди. Навкарлар саҳрони бошларига кўтаргудек "у-у-у-р!!!" солиб юборишди. Жалолиддин биринчи сафдан, Темур Малик ва Кузбор Маликнинг ёнидан жой олди. Мўғуллар анча яқинлашиб қолганларида уларнинг уч баробар кўплигини сезди. Унинг кўзлари ғазаб ва нафрат билан ёниб, бурун катаклари кенгайди. Чап қўли қиличи дастасини асабий мижиқлар, ўнг қўли билан тизгинни маҳкам тутиб, сапчишга тайёр тулпорини ҳовуридан туширгандек бўларди. Энди унинг кўзлари эҳтироссиз, жиддий боқар, сиёқи-ю сумбатида кўп савашларни кўрган аҳли ҳарбга хос улуғворлик бор эди. У: "Оллоҳу акбар!" дея пичирлади-да, тизгинни бўш қўйиб, отини ниқтади. "Саваш!" дея қичқирганича мўғул устига ташланди. Қўшин шуни кутиб тургандек бирдан кўзғалди-қўйди! Қиличлар яланғочланган, осмон тоқини забт этган қуёш нурларида живир-живир қилиб қўярди.

Икки қўшин тўқнашиб, сафлар аралашиб кетди. Қилич ва найзаларнинг жаранг-журунги, одамларнинг бақиришлари, отларнинг кишнашлари... Қора туғли қўшин мўғуллар ичкарисига кириб, чопилган ёғийни оёқ остида қолдириб борарди.

Кузбор Малик имкон қадар Жалолиддинни назаридан қочирмасликка уринарди. Хожаси қаерга от солса, ортидан қолмасди. Жалолиддиннинг бақувват қўлида оғир қилич мисоли енгил таёқ эди. У осонлик билан қилич сермаб, қаршисидан чиққан мўғулларни чопиб ташлайверарди. Ундан руҳланган навкарларнинг ҳам қўли баланд кела бошлади. Кўп ўтмай савашадиган мўғулнинг ўзи қолмади.

Саваш майдони жасадларга тўлган, оёқ босишга жой йўқ. Эгасиз отларнинг эгари қийшайган ёки узилиб кетган. Нарироқда тўшига найза санчилган от ерга чўзилиб, оғир нафас олади. Ҳар замон-ҳар замонда бошини кўтарадида жон аччиғида пишқириб, туришга уринади. Ёрдамга муҳтож яралорларнинг аянчли фарёди, оғриқ азобида инграшлари киши кўнглини бузади.

Юзида қотиб қолган қонни сидириб ташларкан Кузбор Малик Жалолиддинга деди:

– Нусрат қутлуғ бўлсин, онҳазрат!

– Оллоҳ сизни ёрлақади, онҳазрат! – деди Темур Малик ҳансираб. – Мусулмоннинг қиличини куффор қонига бўяди!

Жалолиддин бош иргаб қўйди. Негадир кўз олдида яна ўша қария бўй берди. Унинг сўзлари эса миясига қаттиқ ўтириб қолганди: "Гурганчга қайтмоғинг даргумон..." Бу ўйни хаёлидан қувиш илинжида аввал Темур Маликка, сўнг Кузбор Маликка қаради.

– Яраланган навкарларга ёрдам лозим! Ўлжани йиғиштирайлик-да, тезроқ кетайлик!

Беихтиёр кўзлари отининг бўйни ва пешонасидаги қон доғларига тушди. От жиққа терга ботган, ёллари жиққа ҳўл, танасидан оппоқ ҳовур кўтарилади. Ирғиз бўйидаги савашда ҳам шундай бўлган эмасмиди!? Мўғул ўрдусини янчганларида отнинг боши-ю бўйни, оппоқ тўши қип-қизил бўлганидан худди қон оқаётганга ўхшарди. Аслида бу ёғий аскарининг қони эди. Ғуломлари дарҳол отни артишга тушиб кетишганди.

"Бекорга ўша саваш ёдимга тушмади, Тангри таоло насиб қилса, бундай ғалабалар кўп бўлмиш! Ва мен, албатта, Гурганчга қайтмишман!" Хаёлидан оралаган ўйдан кўнгли анча ёришди. Оч-наҳор муҳорабага кирганида азбаройи чарчагани, устига-устак оти ҳам оёқларида базўр тургани туйқус хаёлига келди-ю отдан тушди. Қиличини қинига жойлаб, титроқ қўллари (титраётганини энди сезди) билан дубулғасини ечди. "Иншоллоҳ Гурганчга қайтаман!" ўзи кутмаган ҳолда лаблари пичирлади. "Тақдиримда битилган бўлса, буюк аждодларнинг салтанати яна яшнагай!" Кўнгли бўшаб, кўзларидан дув-дув ёшлар оқа бошлади. Бир муддат ҳоли қолиш истагида кимсасиз қумтепалар томон юрди.

Темур Малик унинг ортидан ҳавас билан тикилди. Жалолиддин иккинчи марта мўғулни очиқ савашда енгди! Ҳалигача бирорта мусулмон саркарда бунчалик ишонч билан ғалабага эришмаган. Темур Малик ичида унинг ҳаққига дуолар қилиб, Худодан унга омонлик тилади...

35-боб. Юзиқаролик

Ташналик уни ёмон азобларди. Ётса ҳам, турса ҳам кўз олдида сув. Қани энди бир қултумгина бўлса ҳам топила қолса. Кунлар ўтади. Умид сўнади. Қалъада қамалганларига олти ой бўлди. Емак-ичмакка ҳеч нарса қолмаган. Нафақат болалар, балки катталарнинг ҳам очлик ва ташналикдан силласи қуриган. Қимирлаган жон кўринмайди – ҳамма пана-пастқам жойга яшириниб олгандек. Малика Туркон энди ҳеч ким ёрдамга келмаслигига имон келтирди. Шу тахлит кун ўтказса бирор киши тирик қолмаслигига ишонди. Ўғли – султон Аловуддин Муҳаммаддан эса дом-дарак йўқ. Энди унинг кўзёш тўкишга ҳам кучи қолмаганди.

Хобгоҳидан чиқаётганида сўнгги кунларда ундан айрилмай қолган тўрт-беш ёшли Камошишоҳ туйқус кўзларини очиб, заиф овозда ёлворди:

– Буви... сув! Сув топиб беринг!..

Аввалига инжикланган бола бирдан ювош тортди, мўлтираб бувисига қаради. Чорасиз малика нима дейишини билмай кўзларини олиб қочди. Мажоли қолмаган бола яна ўрнига чўзилди. Оғзи қуриб қолганидан бошқа гапира олмади. Неча кун, ҳафта ва ойлардан бери аҳвол шу. Қалъада сув тугаган. Бир томчи ёмғир ёғмайди...

Кутилмаганда маликанинг миясига яшиндек қўрқинч бир фикр келди: мўғулга таслим бўлмоқ лозимдур! Бу ўй кўнглидан ўтди-ю, оёқ-қўлидан мадор кетиб, кўз олди қоронғилашди... Шундай кунлар пешонасида борлиги тушларига ҳам кирма-

ганди. Шавкатли султон, Қулзумдан Ирғизгача ерларни фатҳ этган султон Такашнинг беваси энди Чингизхонга юкиниб борадими? Ундай бўлса "икки олам аёллари маликаси" дея улуғлангани қаёқда қолади?! Наҳотки бу қарғиш бўлса?! Худди ўша қарғиш бўғма илондек вужудини ўрай бошлагандек туюлди-ю, сесканиб кетди. Жонҳолатда ён-атрофига қаради. Хобгоҳнинг қоронғи бурчакларида ҳар хил инс-жинслар, хосиятсиз шарпалар яшириниб олгандек, фурсат пойлаётгандек туюлди. Юраги орқага тортиб, ташқарига овоз берди:

– Ким бор!? Жория!..

Бироқ уни йўқлаб ҳеч ким кирмади. Чунки хобгоҳ ташқарисидаги жория, ҳарам бекаси ташналик азобига дош беролмай, турган жойларига қулашган, нафас олишаяптимийўқми, белгисиз эди. Хобгоҳдан ташқарилаган маликанинг уларга кўзи тушиб, аччиқ ҳақиқатни тан олди – таслим бўлишдан бошқа чора йўқ! Мўғулларнинг мислсиз шафқатсиз эканлиги, ўзи ва ҳарам аёлларининг иффати, ор-номуси, хоразмшоҳлар қони оқаётган норасидалар тақдири энди унинг кўзларига кўринмасди. Тирик қолиш учун у ҳар нарсага тайёр, ҳатто ақлдан озиш даражасига етганди ҳам...

У Бадриддин Ҳилолни чақирди.

– Мўғулларга элчи бўлиб борурсиз! – деди малика. – Таслим бўлмоқчи эканимизни етказурсиз!

Бадриддин Ҳилол ҳанг-манг бўлиб қолди, хато англамадимми, деган маънода маликага қаради. Унинг туси ўзгаришсиз, ҳам жиддий боққан кўзлари ортиқ изоҳлар берилмаслигидан сўзларди. Бадриддин Ҳилолнинг юрагини қўрқув эгаллади. Мўғулларга асир тушиш даҳшати ва қўрқинч келажак тасаввури тилига, қўлоёқларига тушов солганди... Бир муддат ўтиб ўзига келгач, маликанинг буйруғини муҳокама этолмаслигини тушуниб:

– Буйруғингиз бош устига, султон хоним! – деди.

Бадриддин Ҳилол оёқларини судрагудек бўлиб қалъа ҳовлисига чиқди. Қалъа қутволи Нусратиддин Али рангида қон қолмаган Бадриддин Ҳилолни кўриб, кўнгли нохушланди.

– Дарвозани очинг! – буюрди Бадриддин Ҳилол.

Нусратиддин Али унга ажабланиб қаради.

– Жанобларини яхши тушунмай қолдим, шекилли... – деди у.

– Дарвозани очинг! – иккинчи марта буюрди Бадриддин Ҳилол.

Нусратиддин Али олти ойдан бери тамбаланган дарвозани нима сабабдан очиш кераклигини тушунмаса-да, дарвоза томон шошди. Навкарлар билан биргалашиб тамбани туширди. Бадриддин Ҳилолнинг ёлғиз ўзи ёлғизоёқ йўлдан пастга тушиб кетди...

Мўғуллардан раҳм-шафқат кўрсатиш ваъдаси олингач, малика Туркон султон Аловуддин Муҳаммаднинг ҳарамини қалъадан ташқарига олиб чиқди. Ҳолсизланган аёллар, болалар қўрқа-писа дарвозадан чиқишди. Уларни от минган нўён бошчилигидаги мўғуллар дарров иҳота қилиб олишди. Шу пайт чарақлаб турган қуёш бирдан ғойиб бўлиб, қоп-қора булутлар кўкни эгаллади ва аста ёмғир томчилай бошлади. Илк ёмғир томчиси маликанинг юз-кўзларига урилди-ю, сесканди. Юраги кўксига сиғмай, ура кетди. Кўзларига ишонмай кўкка қаради. Ёмғир энди кучайган, чўнг қоятошларга шиддат билан урилганича ёғар, ҳатто кичик-кичик ирмоқчалар ҳосил қилганди. Маликанинг кўнглини даҳшат эгаллади. Бу нимадан дарак?! Илоҳий ишора эмасми? Олти ой давомида бир томчи ёмғир ёғмади. Қалъадан чиқиб, мўғулга таслим бўлганларида эса ёмғир ёға кетди... Ёмғир энди жалага айланди. Ирмоқчалар ариқларга айланди. Ҳатто қалъанинг очиқ дарвозаси-

дан каттагина сув ичкарига урилди. Тоғу тошлардан оқиб тушаётган сув қалъани тўлдиргудек важоҳатда эди. Юзини ювaётган ёмғирми ёки ёш томчиларими, малика билолмади.

Уларни қандайдир текисликка келтиришди. Кейин оқ от минган кекса саркарда уларни қарши олди. У ҳарамга, малика Турконга қизиқиш билан тикилди. Малика эса яланғликка аёллар нега тўпланганини тушунолмас, кўнглига турли шубҳагумонлар оралаганидан ўзини қўярга жой тополмасди. Аввалларидаги мағрур, синовчан тикиладиган кўзлари энди ҳарам ёнидаги отлиқ саркардага, мўғул нўёнларига жавдираб қарарди. Бу нўёнларнинг нияти не? Нега майдонга мўғул чериги тўпланмоқда?! Тегирмон навбати билан демаганмидилар? Улуғ малика қаршисида маҳкумлар шундай аҳволга тушмасмидилар? Унинг бир оғиз юмшоқ сўзига илҳақ эмасмидилар? У ўйлаб, ўйига етолмасди.

Кекса отлиқ ёнидаги нўёнга нималардир деди. Нўён эса шоша-пиша бош ирғаб маликанинг олдига чопди.

– Улуғ қоон сизларга бир юмушни буюрадилар! – деди нўён.

– Ким?! – ҳеч нарсага тушунмай сўради малика.

– Улуғ қоон – Чингизхон! – тушунтирди нўён.

Шунда малика оқ от минган кекса саркарда ким эканлигини тушунди-ю, товонигача музлаб кетди: Чингизхон! Наҳотки бу ўша бўлса?!.. Нўённинг овози ҳушини жойига келтирди.

– Улуғ қоонимиз ниятлари шундай: қўшин ўтиб бўлгунича хоразмшоҳлар салтанатига аза тутиб йиғлайсизлар! – нўённинг қисиқ кўзлари истеҳзоли ёнди. – Улуғ қоонимизнинг айтишларича, айнан сиз салтанатнинг бошига етгансиз, шундай эмасми?

Малика нима дейишини билмасди.

Чингизхоннинг ишораси билан нўёнлари туманларини султон ҳарами ёнидан олиб ўта бошлашди. Шўрлик аёллар эса айтиб йиғлардилар. Уларнинг йиғисидан кўк қора тортди, қуёш юзини яширди.

Мўғуллар ваъдаларига вафо қилмадилар. Аввал болаларни ажратиб олиб кетишди. Сўнг ҳарам аёллари нўёнлар орасида тақсимланди. Малика Туркон фақат Камошишоҳ билан ёлғиз қолди. Малика уни қандай тақдир кутаётганини билмасди...

36-боб. Ташландиқ саройда

Ўтган йилги қамалдан сўнг қалъанинг кунгурадор қалин деворлари бузилган, манжаниқлардан отилган йирик-йирик тошлардан миноралари ўпирилган. Рахига мис қопланган, темир қуббалар қадалган дарвозанинг бир тавақаси йўқ. Омон қолган ярим очиқ тавақасини ёнлаб ўтаркан, Жалолиддиннинг яна кўнгли бузилди. Кўзлари ҳадеб ёмон нарсаларни кўравермаслиги учун отини ниқтади.

Темур Малик бирмунча навкарларни дарвоза остида қолдириб, ўзи Жалолиддиннинг ортидан юрди. Қалъа кимсасиз, ҳувуллаб қолган. Ёлғиз шамолларгина кенг, ганчсувоқ деворларига ўйма нақшлар ишланган, қалин чанг ўтирган турфа жиҳозлари остин-устун бўлган хоналарда кезиб юради. Нағал қоқилган этиклар кўпдан бери ҳукм сурган сукунатни бузди. Шундоқ ўнг қўлда эшиги ланг очиқ хонани кўрган Жалолиддин шу ерга кирмоқчи бўлди. Оёқ остида бетартиб сочилиб ётган қоғозлар, давот, мис сиёҳдонлардан англадики, бу ер девон ал-иншо бўлган. Бир вақтлар котиблар қаламларини қитирлатиб, сиёҳдонга қалам учини аста тек-

кизиб-теккизиб тавқлар иншо этишган. Нафис ипак қоғозларга номалар битиб, доруссалтанага, султонга юборишган. Хонтахталар ёнида даста-даста қоғозлар уйилган, нарирокка қалин-қалин дафтарлар қаланган. Мирзолар бир-бирлари билан пичирлашиб сўзлашишган, оёқ учида юришган.

Жалолиддин оёқларига ўймакор гулли нақшлар солинган курсига оғир чўкди. Ташқарида, унинг ортидан келган Темур Малик кириш ёки кирмаслигини билмай қолди.

– Киринг! – буюрди Жалолиддин.

Темур Малик ичкарига кириб, Жалолиддиннинг қаршисида қўлларини қовуштириб олди. Жалолиддин ёнида ағанаб ётган курсини тўғрилаб қўйди-да, "Ўтиринг, тик турманг!" дегач, Темур Малик унинг рўпарасидан жой олди.

– Бошим қотмиш, – анчага чўзилган сукутдан сўнг гап бошлади Жалолиддин. – Черик пароканда, содиқ кишиларимизнинг қаерда эканликларини билмаймиз. Насада ҳам қола олмаймиз. Мўғул эртами-кеч изимизни олади. Олдимизда бир чора бор – нима қилиб бўлса ҳам Ғазнига етиб олмоғимиз даркор!

– Сўзларингиз ғоят тўғри, онҳазрат!

– Худо раҳмати отам тўғри гапирган эканлар, "Ёғийнинг панжаси салтанатнинг бўйнидаки, у на нафас олишини, на қутулишини биладир".

Темур Малик билинар-билинмас "уҳ" тортиб қўйди.

Ўттизни қоралаган, кенг елкали ва нигоҳи ўткир Темур Малик ҳуда-беҳуда сўзламас, Хўжанд мудофаасидаги оғир савашлар уни янада жиддий, мулоҳазакор қилиб қўйганди. Жалолиддин унинг бу хислатларини ҳурмат қилар, садоқати ва баҳодирлигини қадрларди.

– Ҳазратим, – узоқ чўзилган жимликни Темур Маликнинг овози бузди. – Кўп куюнаверманг. Иншооллоҳ, доруссалтанага яна қайтурмиз.

– Иншооллоҳ! – деди Жалолиддин. – Энди ниятимиз ва муддаомиз ёлғиз Гурганч! Салтанатдан ёғийни қувмоқ!

Темур Малик: "Ҳазратим!" деб қўйди.

– Имкон қадар амирларни топмоқ, пароканда черикнинг бошини бир қилмоқ лозим...

Темур Малик ҳам шундай ўйда эди. Ҳар бир шаҳарга тақсимланган Хоразмшоҳ қўшини енгилган бўлса-да, унинг катта қисми тоғ-тошларда яширинган, мўғуллар қадами етмаган вилоятлар – Форсу Ироқ ёки Хуросондаги шаҳарларда форслар, ҳалажлар, ғурлар, қорлуқлар ва яна кўплаб туркий қабилаларнинг лашкарий қисмлари турибди. Уларни яхлит қўшин, бир муштга айлантиришга эса, Жалолиддиндек киши кераклигини Темур Малик яхши тушунарди.

– Ҳазратим, энди қайси томонга юрамиз? – сўради Темур Малик.

– Аввал Нишопурга, сўнг Ғазнига!

Нишопурга боришдан мақсад Темур Маликка англашилди – шаҳар ва унинг атрофларида султон Аловуддин итоатидаги амирларни тўплаш, қўшинни йиғиш.

...Кун қарир, девон ал-иншога қоронғилик инарди. Темур Малик хонтахта остидан юмалаган шамдон ва яримлаган шамни топди. Микроз билан шам сўхтасини кесиб, шамдонга ўрнатди. Навкарлардан бири келтирган машъала билан шамни аста ёққанида хона ёришди. Кўнглига зулмат оралаган Жалолиддиннинг кўнгли бирдан равшан тортди. Темур Маликнинг чаққон ҳаракатларини кузатаркан, кўнглига ўй оралади: "Худо хоҳласа шавкатли кунлар яна қайтажак. Девон ал-иншоларга яна нур инажак, мирзолар бизнинг музаффар таворихларимизни ёзажак!.."

Анча енгил тортган Жалолиддин шом намозини адо этиш учун ўрнидан турди.

Ташқарида эса саҳро томондан эсаётган шамол кучая бошлаган, қум ва чанг-тўзонни қалъа деворлари, дераза-ларига келтириб зўр куч билан урар, камига, уввос солиб увулларди. Худди қалъа атрофларини оч бўрилар галаси ўраб олгандек эди.

37-боб. Нишопур

Ҳаво бироз изғирин, шамол кенг ипак чодирни титратиб турарди. Жалолиддин чакмонини елкасига ташлаб, манқалга қўлини тутди. Совуқда карахтланаёзган бармоқлари ланғиллаб турган чўғдан анча қизиб, вужудига енгиллик югурди. У кўзларини чўққа тикканича, ўйга берилди. Қўшин пароканда, кўп амирлар аросатда. Мўғуллар унинг изига тушишлари муқаррар. Нишопурда нафас ростлагач, Ғазнига қайтиши лозим. Хуфиялар Чингизхоннинг Толақонда қароргоҳ курганини аниқлаганлар. Ғазнига борса, Чингизхоннинг тумшуғининг остига бориб тушгандай бўлади. Жалолиддин худди Чингизхоннинг ўзини кўргандай қошлари уюлиб, нафас олиши тезлашди. Манқал устидаги қўллари беихтиёр мушт бўлиб тугилди.

Чодир ташқарисида оёқ товушлари эшитилиб, Жалолиддин сергак тортди.

– Онҳазрат, рухсат берсалар ҳузурингизга кирардик.

Жалолиддин таштдори Жамолиддин Фарруҳнинг овозини таниб, ташқарига овоз берди:

– Киринг!

Аввалига бир қўлида обдаста, иккинчи қўлида кумуш ташт билан таштдор, ундан кейин эса бош фаррош Муқарробиддин[1] киришди. Жалолиддин уларга саволомуз қаради.

– Онҳазрат, ходимларингиз таом ҳозирлаган эканлар, – таштдор гўё бемаҳал кўринган ташрифини изоҳлаган бўлди.

Жалолиддин ўрнидан туриб, бақувват билакларини яланғочлади. Таштдор дарров султон қаршисида ҳозир бўлиб, аввал ташт, сўнг обдаста тутди. Султон қўлларини ювгунча, Муқарробиддин таом учун жой тайёрлашга киришиб кетди. Таомлар учун мўъжаз хонтахта, султон учун йўлбарс териси тўшаб қўйди. Султоннинг розилиги билан чошнигир[2] Сайфиддин Тўғрул назорати остида ошпазлар чодирга таом ва ичимликлар киритдилар. Ҳамма нарса тайёр бўлгач, Сайфиддин Тўғрулдан бошқа ходимлар ўзларини чодир эшиги томон олиб, қўлларини қовуштириб турдилар. Жалолиддин хонтахта ёнига ўтирди. Уни кузатиб турган чошнигир томоқ кириб олиб, овоз берди:

– Онҳазрат, – у султонга қаради. Жалолиддин бош ирғаб, розилик бергач, аста чўккалаб, хонтахтага яқин келди. Аввал мунаққаш кумуш кўзачадаги шарбатдан пиёлага қуйиб, ичиб кўрди. Қўлидаги пиёлани хонтахта ёнидаги патнисга қўйди. Сўнг яхшилаб қизартирилиб пиширилган гўштдан бир луқма олиб, оғзига тиқди. Ерга қараб яхшилаб чайнагач, ютиб юборди. Ҳамон кўзларини ерга қадаганича оғзини сочиққа артиб олгач, султонга қаради. У чошнигирни кутиб турарди. Сайфиддин Тўғрул бош ирғаб, ҳаммаси жойида эканлиги ишорасини бергач, Жалолиддин "бисмиллоҳ..." дея таомга қўл узатди. Қолганлар султоннинг рухсати билан бирин-кетин чодирдан чиқишди. Ҳали бир-икки луқма олмасидан соқчининг овози эшитилди:

– Онҳазрат, ҳузури олийингизга Ғазнидан одам келмиш!

Жалолиддиннинг юраги енгил тепиниб олди:

[1] Тўлиқ исми: Муқарробиддин Муҳаммад ибн Паҳлавон Хоразмий.

[2] Султон таомлардан заҳарланмаслиги учун биринчи бўлиб татиб кўрувчи киши.

– Кирсин!

– Хўп бўлади, онҳазрат.

Чодир эшик-пардаси кўтарилиб, курол-яроғи тўкис навкар кириб, бошини эгди.

– Онҳазрат, Амин Малик жанобларидан мактуб келтирдим! – навкар дарҳол қўйнидаги жуздондан ўрам қилиниб, муҳрланган мактубни чиқарди, астойдил юкиниб, қўшқўллаб Жалолиддинга узатди. У оғзини сочиқ билан артиб олиб, мактубни олди; муҳрини бузиб, ўқий кетди. Қайин отаси Амин Малик унга дуойи саломдан сўнг Чингизхон Толақонга беҳисоб қўшин йиғаётгани, Ғазнида кўп амирлар шаҳзодани интиқ кутаётганларини ёзарди.

– Чингизхоннинг қўшини қанча экан? – сўради Жалолиддин.

– Онҳазрат, аниғини билолмадик, аммо кенг водий мўғул черигига тўлмиш.

Ғазни атрофларида қанча амирлари фурсат кутиб турибдилар. Уларнинг бошини бирлаштирса водийга тўлиб-тошган ёғий черигини пароканда қилиш мумкин. Биргина Ҳирот волийси Амин Маликда раҳматли отасининг ўн минглик сара қўшини бор. Отлиқлари ҳам кўп. Бу ёқда Сайфиддин Ағроқ, Балх ҳокими Аъзам Малик, қорлуқ қўшини амири Музаффар Маликлар ҳам пайдар-пай чопар юбориб, султонни кутиб турибдилар. Унинг юраги сезиб турибди: Ғазни энди энг сўнгги нажот манзили! Ғазнида томирларига қон қуйилиб, яраланган вужудига куч қайтади, иншоаллоҳ!

Жалолиддин ўрнидан туриб, ташқарига овоз берди:

– Чопарга таом беринглар, ҳордиқ чиқарсин!

Навкар яна бош эгиб, таъзим қилди.

– Амирларни машваратга чорланг! – буюрди Жалолиддин.

38-боб. Мавқе ва узук

Дарвозабон қўлидаги машъалани кўтариб, йўл бераркан бадбўй ҳиддан кўнгли ағдарилаёзиб, оғиз-бурнини дарров беркитди.

– Бирор ҳужрани тайёрлаб берсангиз, – деди бир неча қадам олдинга ўтиб кетган меҳмон ҳамон дарвоза ёнида турган дарвозабонга юзланиб.

– Ҳозир...

Карвонсарой ҳовлиси тинч, айвонлардаги эшиклар берк, ҳужраларда чироқ кўринмайди.

– Одамлар кўринмайди, – сўради меҳмон ҳачирлардан биридаги юкни тушираркан.

– Меҳмонмисан, дейман? – ошкора истеҳзо билан сўради карвонсарой соҳиби. – Ғазни атрофларида мўғуллар изғимоқда. Айтишларича, ўшал лаънати Чингизхоннинг ўзи ҳам шу ерларда эмиш...

– Чингизхон Толақонда! – меҳмон ишонч билан деди.

Карвонсарой соҳиби анграйиб қолди. Ғалати, бунинг устига шубҳали меҳмонидан кўзларини узмай тураркан хаёлига туйқус ўй оралади: ишқилиб, мўғулларнинг ҳуфияси эмасмикин? Юкларни туширган бўлса-да, унинг ҳалиям ўрнида қаққайиб турганини кўрган меҳмон у томон аста юрди. Кўрсаткич бармоғидаги, кўзига йирик лаъл ўрнатилган узукни суғуриб, унга узатди.

– Икки кундан бери туз тотганимиз йўқ. Малол келмаса таом ҳозирлатиб берсангиз.

Карвонсарой соҳиби шошиб қолди. Бир муддат узукни олишга журъати етмади. Меҳмоннинг қатъий тикилган кўзларидан дадилланиб, узукни олди.

– Албатта! Албатта! Сиздек азиз меҳмонларга анвойи хоналаримиз, таому шаробларимиз ҳар доим ҳозир! Мен ҳозир...

У аввалига карвонсаройнинг шарқига юрди, бирдан олинган туҳфа эсига тушгач, ортига бурилди-да, қарама-қарши тарафга юрди. Узоқ тимирскиланиб, шода калитларини обдон шиқирлатгач, эшикни очди.

– Жаноблари, шу хонаи хосга қўнсалар бўлади! – деди у "хос" сўзига урғу бериб.

– Ташаккур.

Меҳмон нарироқда қуймаланаётган хизматкорига бир мунча юмушлар буюриб, ўзи кўрсатилган хонага кирди.

Бироздан сўнг таом қўтариб кирган карвонсарой соҳиби дабдурустдан меҳмонни таниёлмай қолди. Чўмилиб, ўзига тартиб берган меҳмон анвойи кийимларида хона тўрида чордана қуриб ўтирарди. Қора соқоли текис кузалган, кўзлари синовчан боқувчи бу одам кўпроқ сарой амалдори ёки мол-мулкининг ҳисоби йўқ савдогарга ўхшарди. Карвонсарой соҳиби нима қилишини билолмай, остонада бир муддат туриб қолди. Меҳмонидан, "Ўтаверинг!" буйруғини олгач, қўлидаги патнисни аста хонтахта устига қўйди.

– Ғазни ҳукмдорсиз қолган кўринади? – сўз қотди меҳмон.

– Шундай.

– Султон Жалолиддин Ғазнига Кузбор Маликни ноиб этиб тайинлаганди. У ҳам қочиб қолдими? – сўради меҳмон.

– Ундоқ эмас... билганим шулки, Ҳирот волийси Амин Малик Кузбор Малик билан биргалашиб, Сейистонга черик тортишди. Ғазни қўшинсиз қолганидан фойдаланган Ихтиёриддин Хурпушт шаҳарга бостириб кирди. Ғазни қалъаси волийси Салоҳиддин Жалолиддинга содиқ киши бўлса-да, ўртада ортиқ қон тўкмаслик учун Хурпуштга ён берди...

– Нонкўр! – меҳмоннинг кўзлари ғазабдан йириклашиб кетди. – Жалолиддин ана шу аблаҳ Ихтиёриддинга Пешовар атрофларидан мулклар ҳадя этган! Ит қутурса эгасини қопади, деганлари шу экан-да!.. Демак, Ғазни Ихтиёриддиннинг қўлида, денг?

– Шундоқ эди, жаноб. Аммо, ўша айтганим Салоҳиддин сиз айтган нонкўрнинг ишончига кириб, уни ўлдирди!

– Ўлдирди?! Тавба...

– Ҳа. Черикни бирга кўздан кечираётганларида Салоҳиддин унинг кўксига ханжар урган, дейдилар. Салоҳиддин ҳозир Ихтиёриддиннинг одамларини қириб ётибди. Ҳатто, Ихтиёриддиннинг жиянини чормих қилиб, қатл этди...

Меҳмон бир луқма эт олиб, оғзига солди.

– Девонда муширф[3] ким экан? – дея меҳмон луқмани ютиб бўлгач.

– Салоҳиддин девон ишларини Радиулмулкка топширган. Турли харажатлару хирожлар унинг бўйинда.

Меҳмон кўзларини бир нуктага тикканича, ўй суриб қолди. Унинг жим бўлиб қолганидан карвонсарой соҳиби ўнғайсизланиб қолди.

– Яқин кунларда Жалолиддин Ғазнига келади, иншооллоҳ! – бир муддатли сукутдан сўнг тилга кирди меҳмон.

– Шундоқми? Алҳамдулиллоҳ!

– Иншооллоҳ! Шунда барчамиз ёруғ кунларга чиқажакмиз!

– Айтганингиз келсин... узр, сўраганнинг айби йўқ... ўзлари ким бўладилар?

Меҳмон ғалати кулиб қўйди.

– Жанднинг собиқ вазири Фахриддин Али ибн Абул Қосим Жандий!

[3] Молиявий назоратчи.

– Ёпирай! Шунча вақт вазир жаноблари суҳбатларига ноил бўлибман-да!

Карвонсарой соҳиби таажжубда эди. Собиқ вазир нега бу аҳволга тушиб қолди? Қандай сабаб уни Хоразмдан Ғазнига юзлантирди?

– Вазир жаноблари, мени афву этсинлар, сизни танимабмен...

– Ҳечқиси йўқ. Агар қарши бўлмасалар, бомдодни адо этсам.

– Албатта, албатта! – карвонсарой соҳиби дарров ўрнидан туриб кетди.

– Яна бир нарса сўрамоқчиман, – ўрнидан турган собиқ вазир хонани тарк этаётган карвонсарой соҳибини тўхтатди. – Бирмунча фурсат хизматкорим билан карвонсаройингизда истиқомат қилиб турсам...

– Бош устига, вазир жаноблари, бош устига! Муборак пойқадамингиз билан фақирнинг кўнглини осмон қадар кўтарган бўласиз, – карвонсарой соҳиби шошиб қолди.

– Ташаккур, келажак ишларимиз вафо қилсалар бу хизматингизни сира хотиримдан фаромуш қилмасмен, иншоолло̀ҳ!

Карвонсарой соҳиби астойдил қуллуқ қилди...

Бомдод намозидан сўнг болишга ёнбошлаган собиқ вазирнинг вужудига роҳат инди. Анчадан бери у бундай оромижон роҳат ва кўнгил хотиржамлигини туймаганди. Ташқарида оёқ товушлари эшитилмайди, ҳаммаёқ жимжит. Ёлғиз шам ёнган хийла қоронғи хонада Фахриддин Жандийнинг хаёллари қувалашиб кетди. Жандда, девонда бир муддат муставфи[4] лавозимида тургани, Султон Аловуддин Муҳаммаднинг олий фармони билан Жанднинг вазири этиб тайинлангани ёдидан ўтди. Кейин... Бу ёғини эслашга юраги дош бермайди. У вазирлик рутбасини кийганида "бари ортда қолди", дея янглишган экан. Тўрт йил Жандда вазир бўлди, не қилсинки, хом сут эмган банда – нафсига эрк берди. Ёнидаги ишонганларинию фуқарони тамом додга келтирди. Буларнинг ҳаммаси хуфиялар орқали Султон Аловуддин Муҳаммаднинг қулоғига етиб борди. Султон Бухорога кетиш олдидан Жандга кириб ўтди. Фуқаро фурсатни ғанимат билиб, Султон ҳузурига вазирдан шикоят қилиб борди. Мол-мулки таланган, болалари қувғин қилинган мардумнинг оҳу ноласидан ғазабга келган Султон вазирни оловда ёқишга буюрди. Фахриддин буни эсласа, ҳалигача баданига титроқ киради. У бир амаллаб яширинди. Унинг ўрнига ўринбосарини гулханда ёқдилар...

Собиқ вазирнинг хаёлидан уни оловда куйдириш илинжида Жанднинг ҳар бир кўчасини тит-питини чиқариб ташлаган одамлар ўтди-ю, юрагига даҳшатли қўрқув оралади. У мунаққаш кўзачадан чинни пиёлага шарбат қуйиб ичиб, қўрқувдан потирлай бошлаган юрагининг ҳовурини туширган бўлди. Бир амаллаб Бухорога, кейин Толақонга қочди. Толақонга мўғул черик тўплай бошлаганидан Ғазнига юзланди. Унинг бутун умиди Жалолиддиндан эди. Айтишларича, шаҳзоданинг қўшини Нишопурдан йўлга чиққан. Демак, тез орада Ғазнига келади.

Собиқ вазирнинг кўзларини уйқу элита бошлади. У оёғини узатиб, кўзларини юмди...

39-боб. Ғазни

Ғазнига яна бир-икки фарсах қолганида узоқдан бир тўда отлиқлар кўринди. На туғи, на байроғи бор. Қўшинга ҳам ўхшамайди. Улар тўғри Жалолиддин томонга от қўйиб келишарди. Ахос Малик хос навкарларига ҳам буюриб ўтирмай отлиқлар томон шошди. Анча яқинлашиб, таниш чеҳраларни кўргач, ичига илиқлик югурди: машаққатли сафарнинг чиндан ҳам ортда қолганига энди ишонди. Олдинда

[4] Хазиначилар ноиби.

эгарда ишонч билан ўтирган, ҳали ҳам ўша-ўша забардаст Кузбор Малик. Унинг ёнида кўк тақяга салла ўраган, эгнида шоҳи тўн, кўпроқ обрўли ва давлатманд савдогарга ўхшайдиган Шамсулмулк. От чоптириб ўрганмаганидан эгарда ноқулай ўтиради, юз-кўзларида қандайдир хавотир, ҳаракатларида эҳтиёткорлик сезилади. Ҳамроҳларидан орқада қолмаслик илинжида отини чоптиради. Улардан хийла кейин Амин Малик. Ҳалажлар сардори Сайфиддин Ағроқ, қорлуқлар раҳнамоси Ҳасан қорлуқлар уларга эргашган.

Шамсулмулк Жалолиддинни кўриши билан йиғлаб юборди. Отидан туша солиб, лапанглаганича унинг истиқболига ошиқаркан, бўғиқ овозда бир жумлани такрорларди:

– Султон ҳазратлари! Султон ҳазратлари!..

Султон Аловуддин қаламравидаги салтанатни ўғилларига тақсимлаётганида уларга вазирларни ҳам белгилаган, Жалолиддиннинг вазири этиб Шамсулмулк тайинланганди. Султон Аловуддин бандаликни бажо келтиргач, у юрак ҳовучлаб Гурганчдан хабар кутарди.

Жалолиддин чаққонлик билан отидан сакраб тушиб, Шамсулмулкни бағрига босди.

– Султон ҳазратлари, Худога шукр, соғ-саломат экансиз! – кўзёшларини зўрға босиб турган Шамсулмулкнинг тили қийинчилик билан айланди.

Кузбор Малик ҳам Жалолиддин билан қучоқлашиб кўришаркан:

– Амирзодам!.. Султон ҳазратлари!.. – деди ҳаяжонини босолмай.

Бухоро, Хўжанд, Ғазни, Ҳирот ва Гурганчга сочилиб кетган содиқ кишиларини тўплаган Жалолиддин энди ўзини анча қудратли сезди. Унга ишонч ва журъат қайтди. Бу бежиз эмас, энди у садоқатли кишилари даврасида эди.

– Султон ҳазратлари, машаққатли йўлдан сўнг сизни уринтирмайлик, – деди Кузбор Малик ва дарҳол Жалолиддиннинг оти тизгинидан ушлади. Кекса бўлса-да, Шамсулмулк отга минишга ёрдам бермоқчи бўлиб Жалолиддиннинг қўлтиғидан олди.

Отга минишдан аввал Жалолиддин амирларни назаридан ўтказиб олди. Уларнинг ёқимли ва хайрихоҳ нигоҳларидан кўнгли тўлиб, отига минди.

Жалолиддиннинг ортидан бошқалар ҳам отларга минишди.

– Атроф музофотларда мўғул навкарлари кўринмадими? – сўради Жалолиддин Кузбор Маликдан.

– Мўғулнинг Толақонга йиғилаётганини хуфиялар пайқашган, султон ҳазратлари, – ҳозиржавоблик билан деди Кузбор Малик. – Толақондан хуфияларни узмай турибмиз.

Жалолиддин бош ирғаб қўйди. Кузбор Малик ҳаммасини айтгиси келмади. Хуфиялар ҳар куни хабар етказадилар: Мўғул Толақонга черик тўпламоқда. Кенг дашт ошиғич тикланган ўтовларга, юк ортилган араваларга тўлиб кетган. Уюр-уюр отлар боқилмоқда. Кўринишидан Чингизхоннинг асосий ўрдуси[5] шу ерда қарор топмоқчи. Кузбор Малик бу ҳақда саройда батафсил маълумот беришни дилига тугиб қўйди...

Кузбор Малик зимдан Жалолиддинга тез-тез қараб қўярди. Кечагинда у отдан йиқилиб, ҳамманинг ўтакасини ёриб юрадиган кичкина бола эди. Бугун эса ҳарб анжомлари ярашган баҳодир йигит!

...Узоқдан Ғазни кўринди.

Жалолиддиннинг юраги енгил тепинди. Шавкатли султон Маҳмуд Ғазнавий

[5] Қўшин, армия.

салтанатининг юраги, дуру жавҳари. Фатҳ этилган ўлкалардан келтирилган минглаб усталар шаҳарни салтанатнинг ноёб ганжинасига айлантиришган: тенги йўқ улуғвор саройлар, жомеъ масжидлари ва мадрасаларга одамнинг ҳаваси келади. Худди шу ерда Фирдавсий "Шоҳнома"ни битиб, султон Маҳмуд Ғазнавийга тортиқ қилган. Абу Саид Гардезийнинг "Зайн ал-ахбор"и, ундаги "Дар маорифи румиён", турфа мамлакатлар халқларидан баҳс юритувчи "Ансаб" рисолалари, айниқса, мадраса талабалари орасида машҳур. Фирдавсийнинг замондоши, нозиктаъб шоир ва нозик туйғулар рассоми Фарруҳийнинг[6] довруғи Гурганчгача етиб борган. Дорруссалтанадаги кутубхонада "Шоҳнома" билан бир қаторда унинг қалин, чиройли муқоваланган девони бор эди. Султон Маҳмуд Ғазнавий саройида "шоирлар шоҳи" дея ном қозонган Унсурийсиз[7] шоирлар рўйхати тўлиқ бўлмайди. Унинг гўзал ғазаллари, рубоий ва қитъалари анвойи шеър мажлисларини безайди. Ошиқлар бир-бирларига унинг ғазаллари билан дил сирларини ошкор этадилар. Бу шаҳарда олимлар раиси ва шайхулулум Абу Райҳон Беруний яшаб, риёзиёт-у фалакиёт, мусиқаю тарихга бағишлаб беқиёс асарлар битган...

Бундан олти йил муқаддам отаси унга салтанат ерларидан мерос ажратганида Ғазни унинг қаламравидаги мулкларнинг бош кенти бўлмоғи лозим эди. Аловуддин Муҳаммаднинг султон Маҳмуд Ғазнавийга меҳри бўлакча эди.

Жалолиддиннинг келаётгани ҳақидаги хабар Ғазни фуқаросига тарқалиб бўлганидан ҳукмдор саройи қаршисидаги майдонда одам кўп. Уламою савдогар, мударрису илми толиб, темирчию новвой, қўйингчи, ҳамма шу томонга оққан. Худди сайил бўлаётгандек... Аслида Ўтрор, Бухоро ва айниқса доруссалтанадан келаётган бир-биридан совуқ, ваҳимали миш-мишлар авомни ташвишга солиб қўйган. Мадрасалар, ҳатто бозор-гузарларда ҳам одамлар ҳукумат ишларидан баҳслашадилар. Султон Аловуддиндан сўнг қайси шаҳзода мўғулга қарши чиқа олади? Салтанат бошидаги қора булутларни арита оладими-йўқми?.. Бу саволларга ҳар ким ўзича жавоб топади, эшитганларини худди кўргандек гапиради, авомнинг тилидан Жалолиддин номи тушмайди. Ундан аввал Ғазнига етиб келган турфа овозалар унинг номини янада улуғлаб юборган, султоннинг Ғазнига қайтаётгани эса фуқарони ҳаяжонга солган, тўлқинлантирган.

Майдонга олиб чиқувчи йўлда отлиқлар кўринганида одамлар ҳаракатга тушиб кетди. Ҳамма номи тилларда достон Жалолиддинни яқиндан кўриш иштиёқида ёнарди. Одамларнинг сафи тиғизлашиб кетганидан юргани жой қолмади. Хос навкарлар одамлар устига отларини бостиргудек бўлишиб, йўл очишга муваффақ бўлишди. Шундай бўлса-да бир-бирини итараётган, оёқ учида туришга интилаётган одамларнинг кўзи Жалолиддинда эди.

– Жалолиддин! Жалолиддин! – оғизларда унинг исми юриб кетди.

– Ана у, олдиндаги отлиқ, Кузбор Маликнинг ёнидаги!

– Қаранг, шердек важоҳати бор!

– Султон Аловуддиннинг шундай ўғли бор-а!

– Султон Аловуддиннинг ўзи салтанат тожини ўғлининг бошига қўндирмиш!..

Фуқаронинг унга интилаётгани, қизиқиш билан қараётганидан Жалолиддин хижолат тортар, ўнғайсизланарди. Ниҳоят, навкарлар иҳотасида тошиб қайнаётган оломон орасидан ўтиб, қалъага элтадиган, тош йўлга чиқиб олишди. Агар навкарлар йўлни тўсмаганларида халойиқ қалъагада кириб кетгудек эди. Қий-чув кўтариб, бақириб султонни олқишлаётган одамлар орасида биргина Фахриддин Жандийгина жим турар, Жалолиддиндан кўзларини узмасди. Собиқ вазир унинг боқишларидан

[6] Тўлиқ исми Абул Ҳасан ибн Жулуҳ Фарруҳий Систоний.

[7] Тўлиқ исми Абул Қосим Ҳасан ибн Аҳмад.

анча улғайганини сезди. Кузбор Малик, Шамсулмулк ва Темур Маликларни таниб, унинг кўзлари ҳасаддан ёнди. Жалолиддин ёнидан ўтаётганида шартта оломон орасидан суғурилиб, ўзини танитгиси келиб кетди. Бироқ қандайдир бир куч қўлоёғини боғлаб, шаштини сўндирди.

Дарвозалар ёпилса-да, одамлар тарқалишга шошилишмасди. Фахриддин Жандий эса ноилож карвонсаройга қайтди...

Қалъага кирган Жалолиддиннинг вужудига титроқ оралади. Бир вақтлар бу қалъада султон Маҳмуд Ғазнавий яшаган, улкан салтанатни идора қилган. Шу қалъадан чиқиб, Хуросон ва Ҳиндистон вилоятларини фатҳ этгани йўл олиб, "Абулфатҳ"[8] лақаби билан Ғазнига қайтган. Қалъанинг ҳар бир қарич ери, кунгурадор пишиқ деворларида султон Маҳмуднинг изи қолгандек. Унинг руҳи ҳар қаерда Жалолиддинни таъқиб этаётгандек, "Хуш келибсан, эй, султон Жалолиддин!" деяётгандек. Сўнгги ўй кўнглидан ўтганида Жалолиддиннинг қаяжони икки қатла ортди. Султон Маҳмуд руҳи ҳурматидан дарров отининг тизгинини тортди-да, сакраб ерга тушди. Улуғ султон ҳаққи-ҳурмати риоясида қалъага пиёда киришни маъқул топди.

Олдиндан тайин этилган фаррош ва ходимлар югуриб қолишди. Кимдир султон учун ҳозирланган хобгоҳни яна кўздан кечирган, кимдир либосларни қўлга олган... Кузбор Малик ва Шамсулмулк Жалолиддиннинг хобгоҳга чекинганидан фойдаланиб, девондаги айрим ҳужжат-дафтарларни қайтадан назардан ўтказишди...

...Шифтдаги қандил кенг, ганчдан сувалган деворларига бетакрор ва гўзал нақшлар ўйиб ишланган девонни ёритган. Жалолиддин ўз ўрнида ўтираради. Бошида олмос жиға қадалган ихчам салла, эгнида шоҳона тўн; соқол-мўйлаби калта тарашланган. Чиройли чеҳраси, келишган қадди-қомати кўпроқ мадрасаларда риёзат чекувчи толиби илмларни ёдга солар, дадил ва синовчан боққан кўзларида ўзига ишонч сезилади. Бошида йирик салла, эгнида шоҳи тўн, тасбеҳ ушлаган қўлларини қовуштирган Шамсулмулк унинг ўнг томонидан жой олган. Девоннинг икки томонида Кузбор Малик, Қутлуғхон, Ахос Малик, Темур Малик, Амин Малик, Сайфиддин Ағроқ ва Ҳасан қорлуқ нафас ютқудек бўлиб, султоннинг биргина ишорасига маҳтал туришади. Улардан қуйироқда эса саройнинг бошқа аъёнлари.

Жалолиддин ўрнидан турди.

– Бисмиллаҳир роҳманир раҳийм, алҳамду лиллаҳи роббил аъламийн! – баланд, жарангдор овозда гап бошлади у.

Бу сўзларни эшитган Шамсулмулкнинг ичида нимадир узилиб кетгандек бўлди. Кўз олдида Самарқанддаги ўша дабдабали анжуман гавдаланди. Салтанат арконларию яна салобатли аҳли ҳарб, қора курсиларда савлат тўкиб ўтирган "Низомулмулк" – вазирлар. Бундай анжуманларнинг дуру жавоҳири, қиличига Тангри нусрат берганидан улкан салтанатни илкига киритган султон Аловуддин Муҳаммад. У ҳам мажлисни Яратганга ҳамдлар билан бошлаган эди. Вазирнинг бўғзига нимадир тиқилгандек бўлиб, кўзларига ёш келди. Ожизлигини сездириб қўймаслик учун нигоҳини ерга қадади. *"Султонлар ўлмайди"*, миясига туйқус ўй урилди. Машварат сўнгтидаги тўкин-сочин дастурхонли зиёфатни ҳатто Бағдод халифалари ҳам кўришмаган бўлса, ажабмас... Буларнинг бари рўёдек ўтди-кетди. Бир вақтлар ғанимларнинг юракларига ғулу соладиган салтанатдан фақат ном, ширин хотиралар қолди, холос.

– Оллоҳу табораккa ҳамду санолар бўлсин! – деди яна Жалолиддин.

Амирлар, аъёнлар чуқур сукутда эдилар, улар нафас олишга ҳам журъат этолмаётгандек туришарди.

[8] Фатҳ этувчи маъносида. Одатда ғайридинлар ва кофирлар яшайдиган юртларни босиб, аҳолисини ислом динига киритган ёки ўша юртларда ислом шариатини йўлга қўйган ҳукмдорларга шундай олий лақаб берилган.

– Оллоҳу таборакка ҳамду санолар бўлсин! – учинчи марта Яратганга ҳамд айтди Жалолиддин.

Девонга оғир сукунат чўкди. Жалолиддин аста ўрнидан турди. Амирлар бирдан сергак тортишиб, унга термилишди. Мажлис аҳлига қараб турган Жалолиддиннинг ёдига отасининг сўнгги сўзлари тушди. Унинг ҳар бир сўзи қулоқлари остида жаранглаб, беихтиёр тилига кўчди:

– Ёғийнинг тиши салтанат бўйнида, у на нафас олишни билади ва на қутулишни. Ёғийнинг тиши салтанат баданига ботмиш, у гоҳ инграб, гоҳ дунёни бошига кўтариб фарёд чекмиш!.. Толесизлик – ёғий шиддати қаршисида тўзғидик, фуқарони хўрлатиб юзимиз қора бўлди. Пешонамизга иттифоқсизлик ҳам битилган экан, уни ҳам кечирдик. Оллоҳнинг марҳамати ила яқинларимизнинг фитнасидан омон қолдик. Аммо биз умидсизликка тушмадик, саваш майдонини тарк этмадик. Ҳали салтанат устунлари мустаҳкам. Энди бизнинг ўй-хаёлимиз ёлғиз ёғий дафъига қаратилмоғи лозим. Бунинг учун аввалги гина-кудуратларни унутиб, бошимизни бир қилишимиз шарт! Сўнгги мўғул оёғи салтанатдан узилмас экан, бизда ҳаловат бўлмайди...

Унинг сўзлари машварат аҳлини ўйга толдириб қўйди. Бу самимий сўзларни тож-тахт таъмасидаги шаҳзода эмас, балки салтанат тақдири тинчини бузган йигит айтмоқда эди.

Жалолиддин мўғулнинг ҳарбий ютуқлари, савашлардаги ҳайратангиз интизоми ва ёвқурлиги, жанг усулларидан сўзлади. Азалдан ҳарб ишларида илғор, беназир ва довруқ қозонган туркийларнинг мўғулдан бирин-кетин мағлубиятга учраётганидан жуда ўкинди. Амирларнинг кўнглида ишонч ва умид учқунлари кўринди, султон Ғазнига қайтганида пайдо бўлган журъат, иштиёқ куч олди. Оддий аъёнлар орасида қўлларини қовуштирганича султоннинг сўзларини тинглаётган мунший Шиҳобиддиннинг кўзларидан дув-дув ёш оқар, кекса вужуди ҳаяжондан титрар, бутун борлиғи билан султоннинг ғалабаларига ишонарди. Шунинг баробарида, султон Аловуддин тириклигида бошланган, аммо тўхтаб қолган асарига хаёлан янги боб қўшмоқда эди: "...Султон Жалолиддин Ғазнига дохил бўлиб, тахтида барқарор бўлгач, атроф-жавонибдаги амирлар итоатга келдилар. Қувват сўнган томирларда баҳодирлик қони кўпирди, юраклар қасос ишқида тепди, қалбларга сўнмас ишонч инди. Хоразмшоҳ султонларнинг музаффар байроғи султон Жалолиддин илкига ўтди, алҳамду лиллаҳи раббил аъламийн..."

Жалолиддин ҳар бир амирга юзланиб, қанча навкари борлиги, қурол-яроғи, отанжоми ҳақида суриштирди. Сўнг, маълум кунда Ғазнида тўпланишни буюриб, машваратни тарқатди.

40-боб. Канизак ва мамлук

Бу саҳрода унча-мунча одамнинг ёлғиз юришга юраги дов бермайди. Форс ва Ироқ шаҳарлари – Табриз, Ҳамадон Исфаҳон ёки Ирбилга[9] кетаётган карвонлар ҳам бу саҳрони четлаб ўтиш пайида. Тажрибали дарбонлар бунинг сабабини тушунтириб беролмайдилар. Кўпдан қолган одат, урф. Аммо бу тонг саҳронинг жануби-ғарбида икки одам қораси кўринди. Юриш-туришлари ва кўринишларидан хожа ва хизматкор. Яқинроқдан бориб қаралса, унақага ўхшамайди. Иккови ҳам бошдан-оёқ жулдур матога ўраниб олган, фақат кўзлари очиқ. Уларни диққат билан кузатилса – олдинда кетаётган кишининг бақувват ва гавдали, қадам ташлаши шахдам экани сезилади. Иккинчиси эса ортда қолмаслик илинжида тез-тез қадам ташлаётгани, жуссаси ҳам нозик экани кўринади.

Булар – Салоҳиддин ва Нури биби, бегона назарлардан холи бўлиш учун ола-

[9] Эрон ва Ироқдаги шаҳарлар.

қуроқ матога ўраниб олишган. Салоҳиддин ортига тез-тез қараб қўяди, қизнинг кетаётганини кўриб, йўлида давом этади.

Бухородан Гурганчга юзланаётганида Салоҳиддин бу қиз билан бу қадар узоқ сафарларга чиқишини хаёлига ҳам келтирмаганди. Нури биби билан Илолгача йўллари бир бўлганини мамлук тасодифга йўйган эди. Лекин энди Насага бирга жўнаётганлари йигитга кўп нарсалардан сўзлаётгандек. Аммо у хожаси риоясида ўша ёқимли ўйларни хаёлидан қуварди.

– Наса узоқдами? – Нури бибининг ҳуркак овозидан Салоҳиддин чўчиб тушди. Хижолат тортиб, ундан бир-икки қадамлар ортда кетаётган қизга қараб қўйди-да, яна нигоҳини олдинга қадади.

– Узоқ... жуда узоқ... – деди.

Манзил олислиги, сафар оғирлигидан сўз очгиси келмади. Қизнинг хавотирларига олов бериб нима қилади? Ундан кўра бошқа нарсалардан сўзлагани яхши.

– Наса ҳақида эшитганмисиз? – қизга қарамай сўради у.

– Ўқиганмен...

Салоҳиддин жилмайди. Нури биби унга етиб олиб, қолиб кетмаслик учун тез-тез юра бошлади.

– Абулқосим Нодирнинг таворихларида Наса ҳақида қизиқ ҳикоятлар ёзилмиш эди, – деди у.

– Абулқосим Нодир?! – ажабланди Салоҳиддин. – Бу исмни эшитгандекмен...

– Ул зот ажойиб тарихлар битмиш! – қувноқ овозда давом этди Нури биби. – Унинг сўнгги тарихи авом орасида жуда машҳур бўлмиш.

– Ўқимаган эканмен, – қизга қараб қўйиб, деди Салоҳиддин.

Нури биби давом этайми ёки йўқми, деган истиҳолада индаёлмай қолди. У жим бўлиб қолгач, Салоҳиддиннинг ўзи сўради:

– Ўша тарихлар эсингиздами?

– Наса ҳақидагими?

– Ҳа.

– Эсимда...

Нури биби жим бўлиб қолди ва анчагача индамай кетди. Қизиқ-қизиқ ҳикоятлар тинглаш иштиёқи улғайиб бораётган Салоҳиддин унга ажабланиб қаради.

– Султоннинг содиқ бир мулозими бор экан, – кутилмаганда гап бошлаб қолди Нури биби. – Абулқосим Нодир "Таворих ас-Салатин" асарида уни шундай таъриф этади: "Шундоқ бир мулозимки, садоқатда тенгсиз, ҳатто итлар ҳам унчалик бўла олмас..." Султоннинг ҳар бир сўзи унга қонун, мулозимининг садоқатини султон ҳам қадрларкан. Доимо уни эъзозлаб, ҳурмат кўрсаткан. Бундан эса султон аъёнларининг ғаши келаркан, айримлари ҳасаддан куяркан. Кунлардан бир кун бир-икки ғаламис ўша содиқ мулозимга туҳмат қилишиб, султонга чақишибди. "Ўзини содиқ кўрсатиб юрган қулингиз фитна бошини тутмиш, хиёнат йўлига кирмиш!.." Султон эса бу гап-сўзлари тафтиш этмай, мулозимидан ғазабланибди. Уни йўқ қилиш йўлларини излабди. Яна ўша ғаламислар унга маслаҳат қилишибди: "Уни аввал Насага ҳукмдор қилинг, ўша ерда уни жазоласинлар!" Султон бунга кўниб, мулозимини Насага юборибди. Унинг ортидан эса ўзининг машҳур жаллодини йўллабди. Жаллод эса Насада мулозимнинг бошини танасидан жудо қилибди...

Салоҳиддин ҳикоя ким ҳақида эканлигини дарҳол фаҳмлади. Абулқосим Нодирнинг "Таворихи"ни ўқимаган бўлса-да мақтул ким, жаллод кимлигини тушунди. Ҳикоятдаги султон Аловуддин Муҳаммад бўлса, жаллод таштдор Аёз эди. Султон Аловуддиннинг жазоловчи қули Аёз ўн минглик қўшини билан ҳукмдор қаҳрига йўлиққан шўрликларнинг бошини оларди.

– Отам раҳматли “Таворих”ни султоннинг таржимаи ҳоли, дердилар, – паст овозда деди Нури биби.

Салоҳиддин унга қараб қўйди. Қиз нега бу қадар ошкоралик билан сўзлаяпти? Ҳар тугул, Салоҳиддин султоннинг онаси хизматидаги мамлук, ундан хавфсирамаяптими? Ҳатто султоннинг ишонган амирларидан бўлган Қутлуғхон ҳам Салоҳиддинга такрор-такрор уқдирарди: “Бошим омон бўлсин десанг ҳар ерда сиёсат тўғриларида сўзлашни тарк қилғил!..” Ўзи шундоқ ҳам касби кори фақат ҳарб бўлган мамлукнинг бундай мавзуларда сўзлашишга рағбати бўлмасди.

Нури биби бу билан ҳам қаноатланиб қолмади. “Таворих”дан бутун бошли бобларни сўзлашга тушди. У “Таворих”дан “Халифага қарши кўтарилган қўл”, “Астробод довонидаги тавқи лаънат” каби ҳикоятларни сўзлади. Ёлғиз Оллоҳ ва унинг ердаги икки яралмиши – чексиз саҳро ва мамлук канизакка айлантирилган аслзода қизнинг ҳикояларига сомеъ бўлди... Бир вақт саҳронинг кўз зўрға илғайдиган уфқида икки отлиқ пайдо бўлди. Отлиқларни биринчи бўлиб Салоҳиддин сезди. У оддий киши назари билан эмас, мамлук нигоҳи билан уларнинг ҳарбийлар эканини сезди. Қизнинг сўзларига эътибор бермай, отлиқларнинг яқинроқ келишларини кутди. Сезгиси алдамаган экан – чавандозлар қуролланган аскарлар эди. Уларнинг юриш-туришидан яна англадики – мўғуллар. Икки отлиқ бу саҳрода нима қилаётган бўлиши мумкин? Хуфиялармикин? Сўнгги ўй унга мантиқли кўринди:

– Сиз шу ерда туринг! – деди у.

Нури биби таққа тўхтаб қолди. У ҳам яқинлашиб келаётган отлиқларни кўрди:

– Улар... ким? – овозида ҳадик сезилди Нури бибининг.

– Мўғуллар!

Нури бибининг юраги уришдан тўхтаб қолаёзди. У эндигина мўғулни ўз кўзлари билан кўриб турмоқда эди.

Отлиқлар ҳам уларни аллақачон пайқашган, отларини шу томонга йўрғалатиб келишарди. Салоҳиддин улар билан ортиқча мулозаматларсиз қарши олишини ўйлаб, қиличи дастасини ушлаб қўйди.

– Ортимдан юрманг! – буюрди у Нури бибига. – Ҳар нарса бўлса ҳам жойингизда туринг!

– Хўп!.. Хўп!..

Отлиқлар энди от елдиришга тушишганди. Улар калта қиличларини қинидан суғуриб, ҳавода ўйната-ўйната Салоҳиддин томон бостириб келишарди. Салоҳиддин ҳам ўйланиб ўтирмасдан исфаҳоний қиличини қинидан суғуриб, отлиқлар томон югурди. Югураркан, устидаги матони сидириб ташлади. Мўғулларнинг қаршисида жамъи ҳарб кийими ва анжомидаги мамлук кўринди-қўйди. Унинг сиёқи даҳшатли эди. У отлиқлар томон югураркан, хаёлида икки рақибини қандай мавҳ этиш режаси туғилиб бўлганди. Аввал отлиқлар ўртасига қараб югуради. Етай деганда отлиқлардан бирининг ён томонига сакрайди-да қилич уради. Рақибини ўртада кутган мўғул доғда қолиши турган гап.

Отлиқларга юз қадамлар қолганида Салоҳиддин янада тез югура кетди. Уларга етай деганда эса бирдан тўхтаб, отлиқларнинг ёнига сакради. Энди отлиқлардан бири Салоҳиддин ва яна бир отлиқнинг ўртасида қолганди. Ўша отлиқ отининг бошини Салоҳиддин томон бургунича чап биқинидан зарба еди. Иккинчи марта қилич урилганида у эгардан қийшайиб, бир оёғи узангидан узилди. Салоҳиддин унга эътибор бермай иккинчи отлиққа ташланди. Уни ҳам бир зумда саранжом қилди-ю, отлар эгасиз қолди.

Салоҳиддин Наса атрофларида икки мўғулнинг не сабабдан изғиб юрганини жуда яхши англади. Улар бирор мўғул саркардасининг дастасидан бўлган хуфиялар.

“Наса ҳам мўғулнинг илкига ўтмиш!” яшиндек миясига урилган ўй унинг вужудини куйдириб ўтгандек бўлди. “Мўғулга фатҳ бўлганига кўп бўлмабди”, пичирлади у. Қисқагина саваш ва икки жасаддан ҳали ҳам ўзига келолмай турган Нури биби унинг овозини эшитиб, чўчиб тушди. Оғир ютиниб, журъати етиб-етмай сўради:

– Нима... дединг?

Салоҳиддин унга қараб, аввалига индамай турди. Миясида турфа режалар тузилар, кўзлари энди одамга синовчан, хийла ғазабнок тикилганди.

– Насага бориш хавфли! – деди у.

– Нега!?

– Мўғул Насага етмиш!

Нури биби ундан кўзларини узолмай қолди. Аввал ҳуркиб қараган кўзларда энди ёлвориш, иложсизлик зуҳур этди. Бу ўша Гурганчда ҳарам аёллари ташлаб кетган ожиз канизакнинг кўзлари эди. Бу кўзларда ёш ҳалқаланди-ю қизнинг чорасизлиги янада ошкор бўлиб, мамлукнинг кўнглини бузди. “Айтмасам бўларкан”, ўй ўтди унинг хаёлидан.

– Энди... энди нима қиламиз? – сўради қиз.

– Доруссалтанага боришимиз шарт! – ўзига қатъий ишонч билан деди Салоҳиддин. – Зиммамда бировнинг омонати. Омонатга хиёнат, ваъдага вафосизлик қонимда йўқ!

Нури биби унинг сўзларига шубҳа қилмасди. Салоҳиддин унга ҳамроҳлик қилаётгани туйқус хаёлидан ўтиб, кўнглини эзишни бошлаган ҳис-туйғулар ўзўзидан чекинди. Анча енгил тортиб, кўнгли равшанлашди.

– Насага тунда кирамиз, – деди Салоҳиддин. – У ерга аввал ҳам борганман. Қаерга бориш, ким билан учрашишни яхши биламен.

Йигит ортига ўгирилиб, эгасиз қолган отлар томон юрди. Ҳар иккисининг тизгинидан бирин-кетин олиб, қизга қаради. Салоҳиддиннинг нима демоқчи бўлганини фаҳмлаган Нури биби дарров отларнинг ёнига келди. Ёрдамсиз эгарга чаққон ўтириб, тизгинни қўлига олди, Салоҳиддин ҳам сакраб эгарга ўтирди.

– Бир кунлик йўл қолган, – отнинг бошини шимоли-шарққа бураркан, деди Салоҳиддин. – Иншооллоҳ, кечга Насага кириб борамиз.

У қизнинг гапини кутмай отни ниқтади. Чавандознинг биргина ишорасини кутиб тургандек, от ҳам тизгинни узгудек олдинга ташланди. Зум ўтмай икки отлиқ саҳро бағрини кесгандек, от елдириб боришарди.

Бундан икки йиллар аввал Салоҳиддин хожаси билан Насага келган, ҳавоси бузуқ, кишини лоҳас қиладиган шаҳарчада бир ҳафтача яшаган, бир-икки марта шикорга чиққанларини айтмаса, кўнгли қолиб Бухорога қайтганди. Наса раиси Ихтиёриддин улуғ султоннинг ишонган амири – Салоҳиддиннинг хожасининг кўнглини олишга роса тиришган, ноз-неъматлар тўла дастурхонлар ёзган эди. Мамлукнинг фикру ёди нима қилиб бўлса-да, ўша раис билан учрашиш эди.

Улар Насага кечга яқин, қуёш мағриб уфқига ёрқин қизил ёлқин тортган паллада кириб келишди. Зўр эҳтиётқорлик билан шаҳарга кираверишдаги ташландиқ, деворлари дарз кетиб, айрим жойлари тушиб кетган карвонсаройга яширинишди. Қуёш ётоғига бош қўйиб, тун киргач, Наса атрофларида ўнлаб гулханлар кўринди. Уларни кузатаркан, Салоҳиддин Насага келган мўғулларнинг қанчалик кўп эканини тушунди. “Шу ергача келган бўлса, мўғулнинг оёғи етмаган жой қолдими?!” деган аламли ўй ўтди унинг хаёлидан. “Жалолиддин доруссалтанага юрмаган! Нима қилиб бўлса ҳам у билан учрашмоғим лозим...”

– Сиз шу ерда туринг, – деди у Нури бибига. – Мен раисни топиб келамен.

Салоҳиддин бошқа сўз айтмай чиқиб кетди-да, ярим соат ўтмай қайтиб келди. Унинг ортидан бўйи паст, бошига катта салла ўраган киши эргашиб кирди. Бу Насанинг собиқ раиси – Ихтиёриддин эди.

– Худога шукр, султоннинг содиқ ходимларини кўриб турибмен, – ичкарига кирар-кирмас деди у. – Ҳар ибодатимда Султон ҳазратларининг қўшини Насани озод қилишини сўраймен.

Салоҳиддин беихтиёр улардан анча нарироқда турган Нури бибига қараб қўйди. Ихтиёриддин уни султон қўшинлари хуфияси деб ўйлаётганини тушунди. У ҳаммасини рўйирост айтишни лозим топди.

– Мен Гурганчга кетмоқдамен, – деди у. – Шаҳзода Жалолиддинга... улуғ маликамизнинг мактубини етказмоғим лозим.

– Гурганчга?!.. – у Салоҳиддиннинг кўзларига тааҗжубланиб тикилди. – Султон Жалолиддин доруссалтанада эмас.

Салоҳиддиннинг устидан муздек сув қуйиб юборилгандек бўлди. "Султон доруссалтанада эмас!" заиф ун чиқди унинг лабларидан.

– Эй, Худо!.. – карвонсаройнинг қоронғи бурчагидан Нури бибининг овози чиқди.

Ихтиёриддин чўчиб овоз келган томонга юзланди; қоронғида кўзи ҳеч нарсани илғамагач, яна Салоҳиддинга қаради.

– Султон Жалолиддин Гурганчни тарк этиб, Насага келмиш эди. Унга ҳамроҳлик қилган Темур Маликнинг айтишича, доруссалтанада малика Туркон уруғидан бўлган қипчоқ амирлар Жалолиддинга қарши фитна уюштирганлар.

– Ё, Оллоҳ! – карвонсаройни бошига кўтаргудек хитоб қилиб юборди Салоҳиддин.

Ўзларидан бошқа киши бўлмаса-да Ихтиёриддин қўрқа-писа ён-атрофига қараб қўйгач, давом этди:

– Султон Жалолиддин Ғазнида!

Салоҳиддин нима қилишини билмай Нури биби томон қараб қўйди. У нима қилиб бўлса-да Жалолиддинни топиши, омонат мактубларни топшириши керак. Қизиқ, Жалолиддинни излаб қаерга борса, атайин қилгандек, катта шаҳзода уни доғда қолдириб кетгандек бўлади.

Уни ўйга солиб қўйган яна бир нарса – Нури бибини аро йўлда қолдириб кетолмасди. Бу аҳволда Ғазнига боришни ўйлаш ақлсизлик, ҳам номардлик. Нури бибини ёлғиз ўзини доруссалтанага юбориш – телбалик! Ўз соясидан ҳам қўрқадиган ожиза йўлда учраган илк қароқчининг қурбони бўлиши турган гап. Нури биби ҳам ундан кўзларини узмас, нигоҳида "энди нима қиламиз?" саволи муҳрланганди.

– Нима қилмоқчисиз? – узоққа чўзилган жимликни раиснинг журъатсиз ва қўрқув сезилиб турган овози бузди.

– Буни ўйлаб кўрмоқ лозим, – деди қуруқ қилиб Салоҳиддин.

Унинг нега иккиланаётганини канизак дарҳол сезди. У Салоҳиддиннинг яна нимадир дейишини кутди, лекин бошқа сўз бўлмагач, лабини тишлади.

– Мен... мен қандай ёрдам бера оламан? – сўради раис.

– Бир қарорга келмоғим лозим, – кўз қири билан Нури биби томон қараб қўяркан, деди Салоҳиддин.

– Яхши... яхши, унда мен бомдоддин олдин келурмен, – деди шоша-пиша Ихтиёриддин.

Салоҳиддин бошқа сўз айтмай бош ирғаб қўйди. Раис бир муддат каловланиб тургач, ҳожати бўлмаса-да кетишга изн сўради. Салоҳиддин эътироз билдирмади.

Раис кетгач, Салоҳиддин Нури биби ёлғиз қолди.

Тун ярмидан оққан, карвонсаройнинг томи тушиб кетган кенг саҳнида олов чирсиллаб ёнар, унинг ёруғида хаёлга ботган қизнинг юзи янада чиройли кўринарди. Унга беихтиёр кўзи тушган Салоҳиддиннинг хаёлидан: "ашъорлардаги гўзаллар шундай бўлсалар керак", деган ўй ўтди. Орада бир муддатли сўзсизликдан сўнг Нури биби уялибгина Салоҳиддинга қаради.

– Нега ўйга ботганимни биласизми? – дабдурустдан сўради у.

– Йўқ...

– Устод хаёлимни олмиш, унинг бир ҳикоятини эсладим, – деди Нури биби оловга тикилиб. – Бу ҳикоятни у отам раҳматлига айтиб берганди. Қизиқ, Абулқосим Нодирнинг бул ҳикояти "Таворих"дан жой олмаган, – у Салоҳиддинга ажабланиб қаради.

– Қандай... ҳикоят экан? – Салоҳиддиннинг қизиқиши ортди.

– Искандар Мақдуний даврида Машриқда Бобил номи билан машҳур шаҳар бўлган экан. Унинг фуқаросидан ҳатто осмондаги сирлар ҳам махфий қолмаган экан. Шаҳар одамлари мўъжизавий бинолар, боғу роғлар, ариқлар яратишган эканки, уларгача яшаган қавмлар бундай нарсаларни кўрмаган эканлар. Шаҳар ҳукмдори бениҳоя бой, қудратли бўлганидан атроф-жавонибдаги подшоҳлар унга қарши черик тортишни хаёлларига ҳам келтиришмасмиш. Аммо, шаҳар Худога осий бўлиб, қарғишга учрабди. Олис мағрибдан Искандар Мақдуний Худонинг бало-қазоси бўлиб, шаҳарга келибди...

У Салоҳиддиннинг кўзларига қаради. Унинг нигоҳидан нима демоқчи бўлганини ўқиган йигит анчагача гапиролмай қолди. У ҳам Абулқосим Нодирнинг ҳикоятидаги маънони англаган эди. Устод Бобил ҳақида эмас, доруссалтана Гурганч ҳақида гапириб кетгандек эди. Гурганч Бобил бўлса, Чингизхон – Искандар Мақдуний! Абулқосим Нодир: "Чингизхон – Худонинг жазоси!" демоқчи бўлган. Хоразмшоҳ қаламравидаги салтанатда тақиқланган "Таворих"га муаррихнинг ўзи бу ҳикоятни киритмаган эди.

Нури биби бирдан жим бўлиб қолди.

– Гурганч... қайси томонда? – у жимликни бузиб кутилмаганда сўраб қолди.

Салоҳиддин бирдан сергак тортди. Қизнинг жиддий нигоҳини учратгач, Гурганч йўлини тушунтирди. Насадан қайси томонга юриш керак, йўлда қайси қўналғаларда тўхташ керак. Буларни тушунтираркан, таажжуби ортиши бир зум бўлсин тўхтамасди.

Салоҳиддиннинг кўзларини эса уйқу ола бошлади. Илолдан чиққанларидан бери тузукроқ мижжа қоқмагани барибир ҳукмини ўтказди. Нури биби эса Салоҳиддиннинг юмилиб кетаётган кўзларига тикилиб тураркан, хаёлидан фавқулодда ўйлар ўтарди – "у нима қилиб бўлса ҳам Ғазнига бормоғи шарт!" Салоҳиддиннинг кўзлари юмилганида аста ўрнидан турди. Унга бир муддат тараддуд ичида қараб тургач, эски кийимларга ўранди; нияти қатъийлашиб, анча дадиллашгач, пичирлаб "хайр..." деди-да, карвонсаройдан чиқиб кетди.

...Салоҳиддин кўзларини очганида қуёш хали кўринмас, олов ўчиб, ўрнида бир сиқим чўғ аралаш кул қолган, Нури биби эса кўринмасди. Йигитнинг кўнгли ноҳуш нарсани сезди-ю, шартта ўрнидан туриб кетди. Карвонсаройда Нури биби йўқ эди. Салоҳиддин ҳаммасини тушунди – унга ортиқча юк бўлишни истамаган, Нури биби бежиз Гурганчга қандай боришни сўрамаган. Тонг ёришиб борарди. Мўғул илкига ўтган Насада кўп қололмаслиги хаёлидан ўтиб, нарсаларини тезда йиғиштирди-да, отга минди. Энди унинг Ғазнига боришдан ўзга чораси қолмаганди...

41-боб. Нури бибининг Гурганчга юзланиши

Кўзларини уйқу олаётган Салоҳиддинга термилиб ўтирган Нури бибининг ҳаёлида яккаш "Ғазни, Гурганч" сўзлари айланади. Агар Салоҳиддин Ғазнида Жалолиддинни топа олмаса, малика Туркон ёрдамдан умид қилмаса ҳам бўлади. Салоҳиддин айтганидек, Ғазни ва доруссалтана ораси бир неча ҳафталик йўл. Унинг кўнглидан фавқулодда ва ўта таваккал бир ўй ўтди: "Гурганчга ҳам бормоқ лозим, шунда фурсат бой берилмагай!" Бироқ малика Туркон отасини Жайҳунга ғарқ қилди, энди уни қутқариш учун ҳаётини хатарга қўядими!? Ҳеч қанақасига! Худонинг жазоси шу!.. Лекин дам ўтмай у бўшашди, сўнгги ўйлари ўзига бўш, пуч туюлди. Отаси такрор-такрор айтарди: "Ҳукумат, султонлар Оллоҳдин, аларға қарши оёқланмоқлик Унинг иродасиға терс юрмоқлик билан тенгдур!"

Отасининг сўзлари ёдидан ўтиб аҳди қатъийлашди. "Гурганчга борамен!.." Энди олов тамом ўчган, чўғлар устини кул қоплай бошлаган. Ўрнидан туриб Салоҳиддинга узоқ термилиб қолди. Оғир хўрсинди-да, ташқарига чиқди. Қоронғида, сукунат қўйнида туртина-суртина юриб кетди. Тонг ёриша бошлаганида, Салоҳиддин айтганидек, устига омонат капа тикилган қадимий қудуқ қаршисидан чиқди. Одамлар кўринмас, кимсасиз саҳрода бирор кишининг ўтиши ҳам даргумон. Лекин кўнглида одамлар ўтишини сезарди. Кун ёришиб, қуёш анча кўтарилганида узоқдан сурув кўринди. Уч-тўрт чоғли одам сурувни тўғри қудуқ томон ҳайдарди. У жуда қувониб кетди.

Отлиқлар қудуқ бошидаги бошдан-оёқ увадага ўранган, кўринишидан эркакми ёки аёл, соғми девонами, фарқига бориб бўлмайдиган кишини – Нури бибини учратиб, анча таажжубга ботишди.

– Қаёққа кетаяпсизлар? – сўради Нури биби.

– Ёзирга, ўзинг-чи?

– Гурганчга... Ёзиргача сизлар билан бирга кетсам майлими?

Отлиқлар унга шубҳаланиб қараб қолишди. Юзи ҳам кўринмайди. Балки бедаво дардга чалиниб одамларга қўшилолмай қолгандир? Қишлоғидан қувилган мохов бўлмасин тағин...

– Ортиқча жой йўқ! – дағал жавоб берди отлиқлардан бири. – Отлар ҳам чарчаган...

– Йўқ, йўқ! – уларнинг ташлаб кетишидан қўрқиб деди Нури биби. – Мен пиёда ҳам кетаверамен.

Отлиқлар ўзаро кўз уриштириб олишди.

– Майли, бизга эргашиб кетавер. Аммо сурувга яқинлаша кўрма!

– Хўп, хўп... – Нури биби жуда хурсанд бўлиб кетди.

Тушгача суғорилган сурув яна қўзғатилди. Туёқлар остидан чанг-тўзон кўтарилиб, осмонга парда тутди. Қўй-қўзилар, молларнинг "баа! мўў!"си атрофни тутиб кетди. Юзини-ю оғзи-бурнини тўсган Нури биби сурувнинг ортидан бурқсиб кўкка ўрлаётган чанг ичида юра кетди. Отлиқлар унга тез-тез хавотирли нигоҳларини ташлаб қўярдилар.

Кун чошгоҳдан ўтганида отлиқлар сурувни қандайдир ташландиқ сарой – қўналғада тўхтатишди. Саройнинг томи – номига ташлаб қўйилган шох-шаббалар саҳро қуёшининг аёвсиз нурлари, қайноқ гармселлардан тўзғиган, ҳилвираган ичкари, сийрак тўқима четан тўсиқдан ўтилгандан кейин, чанг ва қум остида қолган, кўпдан бери одам қадами тегмагани яққол кўринади. Отлиқлар – сурув эгалари – отлардан тушишиб, сарой ёнида гулхан ёқишди, мешдан сув қуйишиб, қумғон

қайнатишди. Нури биби, келишилганидек, нафақат сарой, балки сурувдан анча нарида, шундоқ қум устида ўтирганича, гулхандан кўзларини узмай ўтирди. Ташналик ёки очлик эмас, балки ҳамроҳларидан қолиб кетиш эҳтимоли уни хавотирга, қўрқувга соларди. Барибир кун бўйи давом этган оғир йўл машаққатлари ўз сўзини айтди – кўзлари юмила-юмила қумга чўзилганича ухлаб қолди.

...Кимнингдир овози уни уйқудан уйғотди. Нури биби шоша-пиша кўзларини очди. Ундан ўн-ўн беш қадамлар нарида ҳамроҳларидан бири унга яқинлашишга журъати етмай гапирмоқда эди:

– Эй... эй, девона, тур, йўлга чиқурмиз!

У дик этиб ўрнидан тураркан юз-кўзини тўсган рўмолини тўғрилади ва:

– Хўп... хўп, мен тайёрмен... – деди.

Отлиқлар бақир-чақир қилишганича, сурувни қўзғатишди. Сурув отлиқлар иҳотасида йўлга чиқди. Уларнинг ортидан эса Нури биби эргашди.

Кун пешиндан оққанда отлиқлар ҳайдовидаги сурув Ёзирга етиб келди. Отлиқларга бош бўлиб келган, ёши эллик-эллик бешлардаги киши Нури бибининг ёнига келиб деди:

– Ёзирга келдик. Шимолга кетаверсанг Гурганч йўлига чиқасен. Омадинг келса, бирор карвонга илашасен. Хайр!

– Миннатдормен! – деди Нури биби.

Отлиқ унга сўнгги бор бошдан-оёқ тикилиб турди-да, отининг бошини ортга бурди. Отни ниқтаб хийла узоқлашган сурувни қувиб етди.

Ёзир!

Нури бибининг ёдига мунофиқларча ўлдирилган Умархон тушди.

– Шундоқ хиёнаткор одамни қутқариш учун жонимни жабборга бериш тўғримикин? – кўнглидан ўй ўтди-ю, иккиланиши кучайди. Назарида Умархоннинг руҳи чириллаб қолаётгандек туюлди. Ҳатто кўз олдида "наҳотки!?" дея қошлари чимирилган, ҳайрат ва таажжуб тўла кўзлари билан тикилган Умархон кўриниб кетгандек бўлди.

– Йўқ! Ҳаргиз Гурганчга бормасмен! – кутилмаганда қичқираёзди у. – Умархондек аслзода ҳокимларни Жайҳун сувига ғарқ қилганнинг жазоси шу эрур!..

Нури биби ортига бурилди. Ёзирдан бирор бошпана ёки вақтинча тунашга карвонсарой топиш илинжида бир неча қадам ташлади. Ўн-ўн беш қадам босмай, бирдан тўхтади. "Ахир бу омонат ҳам эди-ку! Ана шу омонатни етказиш учун Салоҳиддиндек мард, садоқатли бир мамлук Ғазнига йўл олмиш!" кўнглидан ўй ўтди унинг. У анча вақт қоққан қозиқдек туриб қолди. Сўнг... бўшашиб ортига бурилди.

– Гурганчга боришим шарт! – пичирлади у. – Омонатни етказай, тақдирига битилган бўлса қутулади, Худонинг жазоси бўлса, жазоланади!

Истар-истамас шимол томонга юриб кетди. Кўнглида бир-бирига зид туйғулар курашар, ўзи эса... йиғларди. Нима қилиб бўлса-да Гурганчга етиб олиш кераклиги бутун борлиғини эгаллаб олганди.

Унинг яна омади келди – Ёзирдан анча узоқлашганида Гурганчга кетаётган карвонга йўлиқди. Ялиниб-ёлвориб ола кетишларини сўради. Карвонбошининг раҳми келиб, рози бўлди. Бир ҳафтадан сўнг карвон Гурганчга кириб келди.

Нури биби оёқда базўр турар, пиёда юрганидан силласи қуриб, ортиқ қадам ташлашга ҳоли қолмаганди. Хаёлини аввал уста Жамолнинг маҳалласига етиб олиш эгаллаганди. Бир амаллаб устанинг маҳалласига етди-ю бошқа юролмай ерга қуларди. Унинг хаёлида яккаш: "малика Туркон, Илол" сўзлари айланарди, холос. Ҳали тун, тонг ёришмаган палла эди...

42-боб. Салоҳиддин Ғазнида

Чингизхон бошлиқ мўғул чериги ҳақида гап-сўзлар Ғазнига етиб келган бўлсада, Шом, Форс ва Ҳиндистондан карвонлар шаҳарга келиб турганидан карвонсаройлар гавжум. Бу тонг ҳам Бағдоддан Исфаҳонга, сўнг Ғазнига йўл олган катта карвон шаҳар четидаги, кўпроқ Чин ва Мочин савдогарлари қўнадиган карвонсаройга келиб тушди. Машаққатли йўлдан оғирлашиб қолган туялар шундоқ ҳовлида чўктирилиб, қанорлардаги юклар, йирик тойларни тушира бошлашди. Кўриниши ва кийим-бошидан кўпроқ дарвешларга ўхшайдиган бир йигит хизматчиларига сипоришлар бераётган карвонбошининг олдига келди.

– Келишганимиздек, хизмат ҳақингиз! – дея карвонбошига тилла билакузук узатди.

Қарвонбоши иккиланиб турди-ю, билакузукнинг қиймати ёдига тушиб, беихтиёр қўлини узатди. Йигит миннатдорчилик билдириб, карвонсарой эгасини қидириб кетди. Омади келиб уни тезда топди.

– Жаноблардан бир нарса сўрамоқчи эдим, – деди йигит.

– Нима керак эди?

– Султон Жалолиддин Ғазнида эмиш, шу ростми?

Карвонсарой соҳиби атрофига олазарак қараб қўйди. Замон нотинч бўлса, шаҳарда мўғулларнинг айғоқчилари изғиб юрибди, деган миш-мишлар роса болалаган. Кўриниши ғалати бу дарвеш ана шундайлардан эмас, деб ким кафолат беради? Қолаверса, шаҳар ҳокими Кузбор Маликнинг ҳам хуфиялари ҳар бир гузар, бозор, ҳаммому карвонсаройларда юради. Улар ҳам шубҳали одамларни қидирадилар. Худо кўрсатмасин, уни ҳам ўзи танимаган одамларга ҳамфикр санаб, Ғазни қалъасидаги зиндонга банди этсалар... Бу ўй кўнглидан ўтиши эти сесканиб кетган карвонсарой соҳиби йигитга совуқ қараб:

– Ундай ишлардан хабарим йўқ, оддий фуқаро бўлсам, – деди.

Йигит жилмайди:

– Шундай денг!

Уларнинг ортидаги бир киши суҳбатни эшитиб турарди. Карвонсарой эгаси ишлари кўплигини баҳона қилиб нари кетгач, ўша киши йигитга яқинлашди. Йигитнинг узун кийими остидан билиниб турган қуроли, ўткир ва жиддий нигоҳи кўп нарсалардан шоҳидлик берарди. Кўзлари жонсарак, ўтган-кетганга нарса таъмасида қарайдиган девоналарга ўхшамайди, билъакс унинг нигоҳида иш кўрган, тадбиркор ва уддабурон киши... аниқроғи жангчи. Мўғул қўшини тўзғиган черикдан омон қолган сара навкарлар ўзларига янги хожа топиш илинжида шаҳарма-шаҳар кезиб, бирор амир ёки хон хизматига кириш пайида бўладилар. Бу йигит ҳам ана шундай навкарлардан бўлса керак.

– Жаноблариниг суҳбатларига тасодифан гувоҳ бўлиб қолдим, – деди у йигитга. – Бошларига иш тушган кўринур. Маъқул топсалар, ҳужрамга таклиф қилсам, тўкис бўлмаса ҳам дастурхон ёзсам.

Йигитнинг кўзларидаги синовчан нигоҳ чекиниб, ўрнини хижолатга ўхшаган қараш эгаллади.

– Жаноблариниг овора қилмай...

– Йўқ, йўқ, ундай истиҳолага борманг. Ўзим ҳам бу шаҳарда мусофирмен, танишим ҳам, улфатим ҳам йўқ. Исмим Фахриддин. Асли Жанддан бўламен. Ўзлари қаерданлар?

Жанд сўзини эшитиб йигит алланечук бўлиб кетди.

– Ўзим Бухороданмен... Амир Қутлуғхон мамлуги.

– Амир Қутлуғхоннинг мамлугимен, дедингизми? Водариғ! Амир Қутлуғхон менга салкам юртдош! Ул зот билан Гурганчда кўп кўришиб, суҳбатлашиб эрдим!.. Ажаб, дунёнинг ишларини қаранг, тоғ тоғ билан эмас, одам одам билан учрашур, дейдилар машойихлар. Ўзларининг исмлари нима?

– Салоҳиддин, – деди йигит.

Олис юртда ватандошининг мамлугини учратиб қолган Фахриддин жуда хурсанд бўлиб кетди. Салоҳиддинни дарров ҳужрасига бошлаб кирди-да, кичикроқ бир дастурхон ёзиб, нон, ҳолва, яна озроқ туршак қўйди. Қаердандир бир коса шарбат топиб келтирди. Унинг жонсарак хатти-ҳаракатларини кўрганларга "бу одам бир вақтлар Жанднинг вазири бўлган" дейишса, асло ишонишмасди. Ҳозирги аҳволида қўли доим кўксида, ҳар қандай хизматдан бўйин товламайдиган хизматкорга ўхшарди.

– Қаерлардан келяпсиз, жаноби Қутлуғхоннинг ўзлари қаерда? – лаби учган сопол пиёлага чой қуйиб узатаркан, сўради Фахриддин.

Салоҳиддин ҳали синашта бўлмаган одамга Илолдан келаётганини айтгиси келмади. Хожаси билан Бухорода айрилгани, шу билан уни кўрмагани, ўзи эса муҳим иш билан Хуросоннинг бир жойидан Ғазнига келаётганини сўзлади. Қора соқолини силаб ўтирган Фахриддин бош ирғаб-ирғаб ўтирарди.

– Мўғул дегани бало бўлди, – деди у ўйчан. – Ҳаммамизни пароканда қилди!

– Тўғри, – деб қўйди Салоҳиддин.

– Агар сир бўлмаса Ғазнига қандай юмуш билан келдингиз? – сўраб қолди Фахриддин.

Салоҳиддин ўйланиб қолди. Айтсинми ёки йўқ? Унинг нега тараддудланиб қолганини сезиб Фахриддин деди:

– Менга ишонаверинг, эр йигит! Султон Жалолиддин билан учрашмоқчисиз, шундайми?

Салоҳиддин тўғрисини айтишга мажбур бўлди.

– Худди шундай.

– Мендан хавотирланманг, – деди Фахриддин ўртадаги шубҳа ва гумонларни аритиш мақсадида. – Султон Жалолиддин Ғазнида. Келганига икки ҳафталар бўлган. Султон ҳазратларининг хизматларидаги вазири аъзам Шамсулмулк жаноблари билан икки кун аввал учрашишга муяссар бўлдим... Ул зот мени девонга олишга рози бўлдилар...

Карвонсаройнинг бир бурчига тиқилиб, хонанишин бўлиб олган Фахриддин Жандий ўзини ғариб, ожиз сезар, назарида ёруғ кунлар энди сира қайтмайдигандек эди. Олис юртларда, бегона шаҳарда таниш-билишларсиз хор бўламан, кафангадо бўламан, деб юрганида Жалолиддин Ғазнига келди. Султон келди-ю, қалбининг тубида сўнаёзган умид учқунлади, ишонч уйғонди. Ҳар куни эрталаб шаҳар қалъасига бориб, султоннинг чиқишини кутди. Ана шундай кунларнинг бирида вазир Шамсулмулкни учратди. Кўзлари киртайган, уст-боши бир аҳвол, рангпар чеҳрали Фахриддин Жандийни кўриб, вазирнинг кўнгли бузилди. У бир вақтлар сиёсатидан фуқаро додга келган вазирга ҳам ўхшамасди.

– Жаноблари кўриб бошим кўкка етмиш! – йиғламсираб деди Фахриддин Жандий.

Шамсулмулк шошилиб отдан тушди.

– Вазир жаноблари! – деди ҳайратланиб. – Қандай шамоллар учирди Ғазнига?!

– Тақдир... тақдир... – ўпкаси тўлиб, бўғзига нимадир тиқилгандек бўлганидан гапира олмади Фахриддин Жандий.

– Шукр, соғ-саломат экансиз, вазир жаноблари! Мен билан юринг, саройга кирайлик!..

– Йўқ, йўқ... – чўчиб кетди Фахриддин Жандий. – Султон ҳазратлари қаршисида айбдормен! Аммо... аммо кўп пушаймонмен! Шайтон сўзига кирдим, султон ҳазратларининг марҳаматларини унутиб, осийлик қилдим.

Шамсулмулк унинг сўзларидан чин дилдан пушаймон эканини англаб, деди:

– Беайб парвардигор, вазир жаноблари. Мен султон ҳазратлари билан сўзлашиб кўрамен. Ишончим комил, султон ҳазратларига содиқ аъёнлар жуда керак.

Фахриддин Жандийнинг кўзларида ёш ҳалқаланди. Бошини эгиб, астойдил юкинди.

– Бу яхшилигингизни фақир қулингиз ҳеч унутмас, Худо шоҳид... Султон ҳазратларига хизмат қиламен...

– Маъқул, сўзларингизни султон ҳазратларига етказурмен, иншоллоҳ.

– Фақирнинг елкасига бир умрлик миннат қўйган бўлардингиз, – яна бошини эгди Фахриддин Жандий.

Шамсулмулк унинг қаерда яшаётганини суриштириб билгач, одам юборишини айтиб, хайрлашди. Ўша учрашувдан сўнг Фахриддин Жандий ўзгача интиқлик билан кун санарди. Мусофирчилик азоб-уқубатини тортиб, онгу шуурига "кишига ҳар қадамда яхшилик қилмоқ лозим" деган тушунча ўрнашгач, Салоҳиддинга ёрдам бермоқликни дилига тугиб қўйганди.

– Жаноблари пича ҳордиқ чиқариб турсалар, пастда қозон осганмиз, бирмунча эт билан сизга ажиб бир шўрбо тайёрлаб берамен, – деди у бирдан хаёлларидан узилиб.

Салоҳиддин ўнғайсизланди.

– Жаноблари овора қилиб қўйибмен... – деди у.

– Сиз ҳаргиз ундай ўйга борманг, меҳмон атойи Худо. Мен ҳозир келамен.

Фахриддин меҳмоннинг сўзини кутмай ўрнидан турди-да, чиқиб кетди.

43-боб. Карвонсаройдаги хуфиялар

Фахриддин Жандий тайёрлаган шўрвадан вужудига енгиллик ва куч-қувват югуриб, анча роҳатланган Салоҳиддин тақир пўстакка чўзилди-ю, беихтиёр ўйга берилди. Ғазнига келгунича Нури биби хаёлидан, кўз ўнгидан кетмади. "Гурганчга эсон-омон етиб олдими? Чеки чегараси кўринмайдиган саҳроларда, воҳа-водийларда қароқчиларга йўлиқиб қолмадими?" Салоҳиддиннинг кўнгли нохушланди. Узоқ сафарда чарчаган ва аллақачон тун кирган бўлса-да, бир-биридан ёқимсиз, кўнгилни ғаш қилувчи ўйлар сабабми, ухлаб кета олмади. Аста ўрнидан қўзғалиб аввал ташқарига қулоқ тутди. Қўшни ҳужралардаги кишиларнинг сўзлашаётганлари, кулишаётганлари эшитилди. Фахриддин Жандий ҳам қаёққадир кетганича, қайтиб келмаган. Салоҳиддин ҳужрадан ҳовлига чиқди. Аллақачон тун кирган. Карвонсаройни қуршаган азим чинорлар ой нурида аллақандай ғалати, таҳдидли шовуллайди; зулмат тун бағрида бир зумга сингиб кетгандек туюлади-да, кўп ўтмай яна шовқин солиб югуриб чиққандек кўринади. Туннинг, карвонсарой ҳовлисининг бу хосиятсиз, тунд сиёқи Салоҳиддиннинг кўнгил ғашлигини яна кучайтирди. Сония сайин юрагида улғайиб бораётган ғашлик, бетоқатликка яна таърифлаш мушкул соғинч қўшилди. Шу сонияларда у Нури бибига анча боғланиб қолганини янада чуқурроқ ҳис қилди. Ҳали бир-бирига зид, ўхшамаган ҳиссиётлар оғушида қоларкан анча нариоқда, ваҳм солиб чайқалаётган дарахтлар панасидами, икки

кишининг гоҳ ғўнғиллаб, гоҳ асабий сўзлашаётгани ўйларини бузди. Улардан бири овозига махфийлик тусини бериш пайида бўлса, иккинчиси овозини баландлатиб қўяди, шошаётгани, қўрқаётгани сезилади. Таажжуби ортган Салоҳиддин ўзини панага олганича, улар томон яқинлашди. Энди овоз бирмунча аниқ эшитила бошлади.

– Шу кеча кетишимиз керак! – дерди биринчиси. – Ишни бажардик, хожамизга кўрган-билганимизнинг ўзи ҳам етур!..

– Намунча ҳовлиқасен! – иккинчиси асабий гапирди. – Биз ҳали султоннинг ўзини кўрмадик! Қайси амирлар хизматида, билмаймиз! Султон ҳали ўрдусини кўрикка ёймади, черикнинг аҳволини қандай биламиз!? Шошма, сабр қил!..

Салоҳиддиннинг юрак уриши тезлашиб, томоғи қақради. Ўзини худди саваш олдидаги навкардек ҳис қилди. Бу иккисининг хуфия эканини англади. Ҳужрасидан қуролсиз чиққани кўнглидан ўтиб, қандай иш кўриш кераклигини дарров белгилаб олди. Ортиқча гап-сўзсиз ва шовқин-суронсиз иккисини қўлга олиш лозим. У тезда яширинган жойидан чиқди-да, аввал биринчи, сўнг иккинчи хуфияни уриб йиқитди...

Ҳаммомдан қайтиб келган Фахриддин Жандий Салоҳиддиннинг ишини кўриб капалаги учиб кетди. Дарҳол карвонсарой хўжайинини топтириб келишди. Қисқа маслаҳатдан сўнг қалъага, ҳокимга одам юборишни маъқул топишди.

Кўп ўтмай қўлларида машъала кўтарган ўнлаб отлиқлар етиб келиб, карвонсаройни қуршаб олишди. Уларга бош бўлиб келган Кузбор Малик дарҳол карвонсарой хўжайинини сўроққа тутди, хуфиялар қандай фош этилгани ва қўлга олинганини суриштирди.

– Жаноби олийлари, – бутун вужуди билан юкиниб, қалтираган овоз билан гап бошлади карвонсарой хўжайини. – Уларни бу кун... карвонсаройга қ-қўнмиш бир... меҳмон... бир дарвеш қўлга олмиш...

– Дарвеш?! – ажабланди Кузбор Малик. – Қандай дарвеш?

Карвонсарой хўжайини ортига чекиниб, бир неча қадам нарида турган Салоҳиддин томон бош ирғади. Кузбор Малик унга қараб, буюрди:

– Бери кел, дарвеш!

Салоҳиддин унинг ёнига келди. Кузбор Малик унда одатий тасаввурдаги дарвеш ёки қаландар нуқсини топа олмади.

– Кимсен? Қаердансен? – сўради Кузбор Малик.

– Амир Қутлуғхоннинг мамлугимен, жаноби олийлари, исмим Салоҳиддин...

Қутилмаганда отлиқлар орасидан ўктам, жарангдор овоз эшитилди:

– Салоҳиддин!

Салоҳиддин ҳаяжон билан овоз келган томонга қаради. Бу амир Қутлуғхон эди. Қутлуғхон отидан сакраб тушди-да, мамлуги томон югурди. Уни бағрига босиб, анчагача қучоғидан бўшатмай турди.

– Қаерлардан келаяпсен? Нега бунча дом-дараксиз кетдинг? – Салоҳиддинни бағридан айириб, елкаларидан ушларкан сўради Қутлуғхон. – Султон хоним хизматларида, деб эшитгандим.

– Малика Туркон ҳузуридин... Илолдан келамен, хожам! – деди Салоҳиддин.

– Илолдин?! – Кузбор Малик ҳайратини яшира олмай сўради.

– Худди шундай, жаноби олийлари, – унга юзланиб деди Салоҳиддин. – Султон Жалолиддинга мактуб келтирдим.

Қутлуғхонда ўзгача шошқалоқлик ва сабрсизлик сезилди. Бу ўша мактуб эмасми? Йўқ, Салоҳиддин пишиқ-пухта иш кўрадиган йигит, мактуб ҳақида бировга сўз очмаслик тайинланган. Унинг хавотирларини аритган бўлиб, Салоҳиддин деди:

– Малика Турконнинг мактубини шахсан султоннинг илкига топшармоғим лозим!

– Йигитга от келтиринг! – дарҳол буюрди Кузбор Малик. – Биз билан қалъага боради.

Карвонсарой хўжайини навкарлардан аввал ўзининг отини келтирди. Икки хуфиянинг кўллари боғланди. Отлиқлар қалъага қайтишди. Қалъага етиб келганларида Қутлуғхон Салоҳиддинни бир четга чорлади.

– Бухородан кетаётганингда илкингга мактуб тутқизиб эдим, – овозини пасайтириб гап бошлади Қутлуғхон. – Ёнингдами?

– Шундай, хожам... Гурганчда Жалолиддин билан кўришмоқлик насиб қилмади.

Қутлуғхон ўй суриб қолди. Нима қилсин, мактубни Жалолиддинга бераверсинми? Агар Жалолиддин мактубнинг мазмунидан воқиф бўлса юрагида ғазаб ва адоват олови янада шиддат олиши аниқ. У қизиққонлик қилиб иш кўрса, яна бегуноҳ қонлари тўкилмайдими? Икки ўртада Қутлуғхон фитначи бўлиб қолмайдими?.. Лекин барибир бу бало-ю қазоларнинг бошида ким турганини билиб олмоғи лозим. Сўнгги ўйи далдасида Қутлуғхон дадилланди.

– Маслаҳатим – Жалолиддин билан учрашганингда мактубни албатта илкига тутқиз! – деди Қутлуғхон бироз чўзилган жимликдан сўнг. – Жалолиддин ҳақиқатдин огоҳ бўлгани маъқул!

– Бош устига, хожам!

Салоҳиддин билан маслаҳатни бир ерга қўйган Қутлуғхон "ортимдан юр" дедида, тез-тез юрганича саройга кириб кетди.

44-боб. Баҳриддин Ҳилолнинг мактуби

Девонда аъёнлар ва амирлар қаторида қўл қовуштириб султонни кутаётган Фахриддин Жандийнинг юраги тез-тез уради. Ҳаяжонданми ёки асабийлашаётганиданми, томоғи қуруқшайди; вужудига енгил титроқ кирган. Кўнглининг туб-тубларида шу оқшом тақдири ўзгаришига ишонади. Дарбадар ҳаётига чек қўйилишини сезади. Бу мамлук унга Худонинг марҳамати бўлди. Хуфияларни қўлга олиб ўзини эмас, балки уни, собиқ ва унутилган, қувғин вазирни ҳам юксак мукофотга, марҳаматга ноил этди. Юраги сезади, мамлук баҳона у ҳам султон назарига тушади. Ана шу ички сезги, ишонч уни тўлқинлантира, ҳаяжонлантира бошлаган. Кўз қири билан Қутлуғхоннинг ёнидаги Салоҳиддинга қараб қўйди. У нигоҳини амирлар бошида турган Шамсулмулкка, тахт ёнидаги қора бахмал тортилган курсига қаради. Вазирлар ўтирадиган, султон тахтидан кейин саналадиган қора курси. У беихтиёр ютиниб қўйди. Ўзи ҳам атроф-музофотдаги ҳокимларнинг вазири эмас, балки султонларнинг виқор билан гердайган, баъзида эса кибрли вазирларидан бўлишини орзу қилмаганмиди?..

Девор ортидаги йўлакда салмоқли қадам товушлари эшитилиб, юраги кўксига сиғмай ура кетди. Султон девонга кирди. Қовоғи солиқ, нигоҳи ҳар доимгидек ўткир, синовчан. Уни кўриб Кузбор Малик тараддудга тушиб қолди. Савол тўла кўзлари билан султонни таъқиб этишга тушди.

Султон тахтга ўтириб, қаршисида қўл қовуштирган аъёнларни назаридан ўтказаркан, нигоҳи Фахриддин Жандийда тўхтади. У эса султоннинг кўзларини учратиб шошиб қолди; беўхшов қуллуқ қилиб, бошини эгди. Ўзи сезмаган ҳолда бўйнини елкалари орасига олди. Бир неча сониялар унинг учун минг азобда ўтди. На султоннинг кўзларига қарашга журъати етади, на бир сўз айтишга.

– Хуфиялардан қандай маълумот олдингиз? – султон Кузбор Маликка қайтадан юзланиб сўради.

– Онҳазрат, хуфияларни қўлга олиниши Тангри таолонинг бизга катта марҳамати бўлди. Уларни тергов қилиб Чингизхон қўшини аҳволи, нуёнлар ҳақида, қолаверса айрим келажак режалари ҳақида маълумот олдик. Фикри ожизимча, Чингизхон Толақондан туриб, сизга зарба бермоқчи...

Султонннинг қошлари чимирилди.

– Уларни қандай фош этдингиз? – яна сўради у.

– Онҳазрат, Тангри таоло содиқ амирингиз Қутлуғхоннинг мамлугига ўтган оқшом Ғазнидаги карвонсаройлардан бирига, Худо раҳматига олмиш падари бузрукворингизнинг яна бир садоқатли ходими Фахриддин Жандий ҳужрасига меҳмон бўлишни ирода этибди. Хуфияларни айнан шу мамлук йигит фош этмиш, онҳазрат!

Султон савол назари билан Қутлуғхонга қаради. Унинг вазмин, саволлар тўла қарашида Қутлуғхон кўп нарсаларни ўқиди: хожаси қалъада туриб нега мамлук карвонсарой ҳужрасида қўним топди? Нега бу мамлукни султон билмайди?.. Қутлуғхон айрим нарсаларга ойдинлик киритишни лозим топиб, сўзлашга рухсат сўради. Ижозат етгач, ёнидаги Салоҳиддин томон енгил бош ирғаб, унинг Бухородан тортиб Илолгача бўлган мухтасар саргузаштидан сўзлади. Унинг сўзлари султонни таажжуб ва ҳайратга солиб қўйди. У Салоҳиддиннинг кўзларига тикилди. Унинг жиддий нигоҳида қийинчиликлардан қўрқмайдиган, иродали ва ёв билан дадил юзлаша оладиган, хожаси учун ҳар нарсага-да тайёр мамлукни кўрди.

– Илолдан келдингизми? – сўради у Салоҳиддиндан.

Салоҳиддин кўзларини ерга тикканича деди:

– Худди шундай, ҳазрати олийлари. Султон хонимнинг ҳузурларидан келдим. Бадриддин Ҳилол жаноблари мактуб юбормишлар!

Салоҳиддин ўрам қилинган, қўйнида сақланганидан ғижимланган мактубни Жалолиддинга узатди. Жалолиддин дарҳол мактубни ўқишга тутинди. Бадриддин Ҳилол қамал машаққатларидан, бугун-эрта мўғуллар қалъага бостириб киришидан баҳс очарди. “Уларга ёрдам лозим! – Жалолиддиннинг кўнглидан ўй ўтди. – Токи уларнинг бир дона сочи ҳам мўғул илкига тушмасин. Илолга навкар юборгум...”

Қутлуғхоннинг ишораси билан Салоҳиддин давом этди:

– Султон ҳазратлари рухсат берсалар илкимдаги омонатни топширсам.

Хаёллари бўлинган султон унга ажабланиб қаради.

– Омонат?! Қандай омонат?

Салоҳиддин қўйнидан тери жуздонни олиб, қўшқўллаб султонга узатди. Султон жуздондан ўрам қилинган, муҳри бузилган мактубни чиқарди. Ундаги халифанинг муҳри, ҳафий ёзувда битилган унвони, исми шарифига кўзи тушиб янада жиддий тортди. Аммо кишиларнинг назарида ўқишни лозим топмай Салоҳиддинга миннатдорчилик маъносида бош ирғаб қўйди. Салоҳиддин жойига, хожасининг ёнига қайтди.

Хуфиялар муҳокамаси, яна аллақандай мактуб ҳақидаги суҳбат Фахриддин Жандийга жуда чўзилиб кетгандек туюлиб, бетоқатланди. Тезроқ ўзи ҳақида гапиришларини кутди. Шунинг учунми, Шамсулмулк томон тез-тез қараб қўярди. Унинг сабрсиз нигоҳини учратган Шамсулмулкнинг ўзи сўз очди:

– Султон ҳазратлари, ижозат берсалар кўнглимдаги бир истиҳолани баён этсам.

– Сўзланг!

– Камина қулингизнинг ёлғиз ўй-хаёли ҳукумат ташвишларида хизматингизда бўлмоқлик, унинг барқарор ва бардавом турмоқлигидадир. Шул боис, девон ишларида, сарфу харж, атроф мулкларнинг хирожию солиғида илмли, тажрибали бир

кишига... чуқур бир эҳтиёж сезамиз. Сиз ҳазрати олийларидан ишорат ва ризолик етса, ана шундай ходимни муборак назарингиздан ўтказсам.

Фахриддин Жандийнинг юраги така-пука бўлди.

– Сизга ўзимизга ишонгандек ишонамиз, вазир жаноблари, – деди султон. – Кимни лозим ва маъқул топсангиз девонга жалб қилинг, сиз айтган ишларда бизга ёрдам берсин.

Шамсулмулк бутун қиёфасида мутелик ва тавозени қуюқ қилган Фахриддин Жандий томон енгил бош ирғаб, уни аввал султон Аловуддин Муҳаммад хизматида бўлгани, алоҳида хусусиятлари – девон ишларидаги билими ва тажрибасидан сўзлади ва уни ўзига ёрдамчи этиб тайинланишини ўтинди. Шамсулмулкдек оқил ва содиқ вазирнинг бу сўзлари ҳеч қандай тафтишга ўрин қолдирмади – султон тасдиқ ишорасида бош ирғади: "Рухсат!"

– Қуллуқ, ҳазрати олийлари! – Шамсулмулк унга таъзим қилди.

Ҳам ҳаяжондан, ҳам кутилмаган омаддан шошганидан Фахриддин Жандий ҳам беўхшов эгилди: "Қуллуқ, минг бора қуллуқ..."

Султон нигоҳини яна Салоҳиддинга кўчирди. Уни қайтадан кўздан кечириб олгач, Қутлуғхонга деди:

– Бу йигитнинг садоқати таҳсинга ва мукофотга сазовор. Истагимиз Салоҳиддин хизматимизда бўлсин, харасга қўшилсин!

Қутлуғхон ва Салоҳиддин бирдек қўлларини кўксиларига қўйиб, қуллуқ қилишди.

Султон Кузбор Маликка Толақонга, Чингизхон қўшини аҳволини билиш учун хуфиялар юбориш, имкон қадар тезроқ мўғул айғоқчиларининг сўзларини тафтишу тасдиқ этишни буюрди. Салоҳиддин берган жуздонни олиб, ҳаммага рухсат берди.

...Бувисига ёрдам бериш Жалолиддинга насиб этмади. Хуфиялар Толақон атрофларида урчиган миш-мишлар, овозалардан малика Турконнинг Чингизхон қўлига тушгани аниқланди. Қўлга олинган мўғул асирлари ҳам буни тасдиқлади. Жалолиддин доғда қолди...

45-боб. Фахриддин Жандийнинг режалари

Шамсулмулк ва Фахриддин Жандий девондан чиқишаётганда султон ҳузурига чақиртирилган мунший Шиҳобиддин билан юзма-юз бўлиб қолишди. Мунший Фахриддин Жандийни кўрди-ю кўзларига ишонмади. Яқин ўтмишдаги фитначи Фахриддин Жандий қандай қилиб Ғазнига етиб келганига ақли бовар қилмасди. У девонда муставфи бўлиб ишлаётганида Қиссадор номи билан танилган Нажибиддин Жандда вазир эди. Кўп ўтмай унинг ўғли Баҳоулмулк Ҳожи вазир этиб тайинланиб, Нажибиддиннинг ўзи султон Аловуддиннинг мушовурига айлангач, Фахриддин Жандийнинг пайтавасига қурт тушди. Еган-ичгани бўғзидан ўтмас, султоннинг вазири бўлиш ўй-хаёлини олган, тинчини бузганди. Ўйлай-ўйлай султонга шикоят мактуби ёзишга қарор қилди. Нажибиддин унга муставфи лавозимини бериш учун икки минг динор олганини битди-да, султонга киргизиб юборди. Амал қайғуси ва васвасаси кўзларини кўр, қулоқларини кар қилганди... Кунлар ўтиб султон девонга аъёнларини йиғди. Улар орасида мунший Шиҳобиддин ҳам бор эди. Фахриддин Жандий Нажибиддиннинг тушкун ва ўйчан қиёфасини кўриб, султон ўша шикоят мактуби бўйича мажлис чақирганини тушунди. Султон эса чўзиб ўтирмади:

– Нажибиддин жаноблари! Устингиздан тушган шикоят сабаб шундай хомуш ва ҳафа кўринасиз! Сиз бу ҳақда ташвиш чекманг, Оллоҳ дилимизга солмиш, мактубдаги ўша нарсани ўғлингиз Баҳоулмулк Ҳожига совға қилишга қарор қилдик!

Нажибиддин тиз чўкиб, ерни ўпиб, султоннинг ҳаққига дуо қилди. Фахриддин Жандийнинг аъзойи баданини енгиб бўлмас қўрқув эгаллаб олганди. Мунший бу воқеанинг ипидан-игнасигача биларди...

Фахриддин Жандий муншийга шоша-пиша таъзим қилган бўлди-да, Шамсулмулкнинг ортидан шошди. Унинг ортидан қараб қолган мунший таассуф билан бош чайқади. "Ҳаммаси бахайр бўлсин!" деб пичирлади-да, девонга кириб кетди.

Фахриддин Жандий мубҳам ўй-хаёллар ичида Шамсулмулкнинг хонаи хосига кирди. Хона кенг бўлиб, шифти баланд, деворлари ганчдан сувалган. Кенг ўймакор хонтахта устида турфа қоғоз ўрамлари, қалин дафтарлар алоҳида ҳафсала билан тартибланган, лавҳда эса очиқ Қуръони Карим. Вазирнинг оқшомлари ва тунлари ҳужрасига чекиниб, вақт алламаҳалгача ҳужжатлар кўриши, ҳисоб-китоблар билан машғул бўлишини биладиган фаррошлар токчалар ҳамда хонтахтадаги шамларни ёқишган. Хонтахта атрофида қалин кўрпачалар тўшалиб, кичикроқ болишлар ташлаб қўйилган.

Шамсулмулк ўтирмасдан ташлаб қўйилган дафтарларни олди.

– Шу кунлардаги асосий вазифамиз Худо раҳматига олмиш султон Аловуддиннинг Ғазни ва атроф вилоятдаги кўшин сарфи, мулклардан тушган даромад ҳисоби билан бандмиз. Ўзлари ҳам жуда яхши биладилар, бундай ишлар билан аввалларидан махсус муҳтасиблар шуғулланувчи эди, аммо ҳозир кўп кишилардин айрилганмиз. Шунинг учун ҳукуматнинг сиёсат, ҳарб ва иқтисод вазифаларини ўзимиз бажармоқдамиз. Мана бу дафтарларда Ғазни, Қандаҳор ва Ҳирот мулкларидан хазинага кирим қилиниши лозим даромадлар қайд этилмиш. Девондаги ишингизни шуларни тадқиқ ва тафтиш этишдин бошлайсиз.

Девонда илк вазифа белгиланганидан Фахриддин Жандий жуда суюнди, ичида Оллоҳга ҳамдлар айтди, сўнг:

– Вазир жаноблари, хотиржам бўлинг, Худо қодир қилсин – юзингизни ерга қаратмаймен, – деди.

Унинг девон ишларида анча пишиқ-пухта иш кўриши, ҳисоб-китобларда ўзгача зако ва иқтидори борлигидан Шамсулмулк:

– Сизга ишонамен, шул боис ёнимизга олдик, – деди.

– Қуллуқ! – Фахриддин Жандий иккала қўлини кўксига қўйиб, таъзим қилди. – Яхшилигингизни, саховатингизни асло унутмаймен, вазир жаноблари. Сиз хожамсиз, пиримсиз...

Шамсулмулк жилмайиб қўйди-да деди:

– Иншооллоҳ, тез кунларда девон ал-жайшга ҳам тартиб бериб, хос кишиларни лавозимларга тайин этурмиз. Бул ишларга ҳам сизни жалб этурмиз.

– Қуллуқ! – Фахриддин Жандий яна қўлларини кўксига қўйиб, бош эгди.

Шамсулмулк анчага чўзилган тараддуддан сўнг деди:

– Кўнглимизда андак истиҳола бор, очиғини айтамен, кўнглингизга яқин олмайсиз. Жанддаги ишларни унутинг, сизга шу маслаҳат. Янги лавозимда барқарор бўлиб, обрў топиб, ҳукумат вазифаларида назарга тушмоқликни истасангиз ёлғиз султон риояси, манфаати йўлида жидди-жаҳд қилинг, салоҳиятингизни аяманг! Аввалги ишлардин ҳазар қилинг!

Жанддаги таҳликали кунлари ёдидан ўтиб, Фахриддин Жандий ўлимнинг совуқ нафасини туйгандек бўлди. Юзидан қон қочиб, пастки лаби титради.

– Худо асрасин! – деди у шоша-пиша. – Худо асрасин!

– Шу фурсатдан бошлаб девондаги ишингизни бошлайверинг!

– Хўп... хўп бўлади, қуллуқ...

Фахриддин Жандийни ҳануз ҳаяжон тарк этмас, энди унга қўшилиб ёқимли ўйлар ҳам чулғаб олганди. Назарида у ширин туш кўраётган эди. Кечагина дашту биёбонларда оч-наҳор тентираб юрганди, бугун султон девонида янги лавозимда. Уни энди ёркин келажак кутиб турибди. Унинг номини султон номи ва лақаби билан бирга тилга оладилар, уни ҳам улуғлайдилар... Югурик ва тизгинсиз ўйлардан ҳаяжони, энтикиши икки қатла ортди, ўзини жуда бахтиёр, енгил ҳис қилиб, самоларда хушҳол парвоз этаётгандек сезди.

– Ҳозир нима қилмоқчисиз? – Фахриддинни хаёлларидан чалғитиб сўради Шамсулмулк.

Кўнглидан ўтган ўйлари ошкор бўлиб қолгандек Фахриддин чўчиб тушди. Вазирнинг сўзларини англагачгина енгил тин олиб, ишончсиз ва хижолатомуз деди:

– Карвонсаройга қайтсамми?..

– Бундай қилишингиз ярамайди! – кескин эътироз билдирди Шамсулмулк. – Энди сиз девон ходими, султон ҳазратларининг муборак хизматларидаги бир киши. Бас, шундай экан, карвонсарой ҳужраларида истиқомат қилмоқлик султон ҳазратлари шаънларига, қолаверса девон хизматчисига ярашмас.

– Хотиримдин фаромуш қилибмен, жаноблари ақлим қосирлигини яна бир кечирсинлар...

– Ҳозирча меникида яшаб турурсиз, султон ҳазратлари ўзлари белгиласалар, ўшанда муқим жойлик бўлиб қолурсиз, иншооллоҳ.

Вазирнинг марҳамати ва саховатидан, одамгарчилигидан мутаассир бўлган Фахриддиннинг кўзларига ёш тепчиди. Ҳатто султон Аловуддин уни Жанд вазирлигига ноил кўрганида ҳам ҳозиргичалик хурсанд бўлмаган, кўнгли тўлмаганди. Вазир ўрнидан тураркан саҳифаларни, дафтарларни тартибга солди, жой-жойига қўйди.

Девондан чиққан Шамсулмулк ходимлар кўмагида отга минди. Олтин суви югуртирилган найза кўтарган тўрт отлиқ навкар уни иҳота қилиб олишди. Фахриддин эса уларнинг ортидан йўлга тушди.

Вазирнинг уйидан саройга чорак соатли йўл бўлиб, у эгри-бугри кўчаларидан ўтиб, шаҳарнинг катта бозори ёқалаб ўтарди. Кўчалар бўш, одамлар кўринмасди. Илгари Ғазни кўчаларида, айниқса эрталаблари юриб бўлмасди. Бозорга шошган, ўз юмушлари билан банд одамлар сафини ёриб ўтиш ҳазилакам иш эмасди. Навкарларнинг ростакам дағдағалари ортидан фуқаро йўлидан чекиниб, аркони салтанатдан бири ва асосийси вазири аъзам Шамсулмулкни ўтказиб юборарди. Энди эса, ўша одамлар уйларида биқиниб ўтирадилар.

Ғазни асабий ҳам анча таҳликали. Чингизхон бошлиқ мўғулларнинг катта қўшини исталган замон шаҳарга келиши мумкин. Лекин султон Жалолиддиннинг шаҳар қалъасида экани фуқаронинг хавотиру ҳадикдан тинчсизланган юрагининг тафтини, ҳовурини туширган. Авом оғзида уч бебош амирнинг султон қўшинидан ажраб, Хуросоннинг қай бир ерида изғиб юргани ҳам тушмайди. Бундай таҳликали кунларда миш-мишларнинг кети узилмайди, ҳар ким эшитганидан гувоҳлик беради. Шаҳар бозорлари, карвонсаройлари ҳувуллайди, дўкондорлар дўконларини тарк этганларига анча бўлган. Машриқ ва Мағриб ўртасида қатнайдиган кўп карвонлар Ғазнини четлаб ўтадилар.

Шамсулмулкнинг кўнгли эзилди. Қандай шаҳар эди-я Ғазни! Султон Маҳмуд Ғазнавий ўзига доруссалтана қилиб белгилаган шаҳарнинг аввалги шукуҳли кунлари қайтмайдигандек.

Унинг ортидан жимгина эргашиб кетаётган Фахриддин Жандий эса ҳувуллаган шаҳарни сезмасди. Унинг хаёлини... Шамсулмулк ва найзабардорлар олган.

Хоразмшоҳлар вазирларини ана шундай эъзозлайдилар, кўкларга кўтарадилар. Унга ҳам насиб қилармикин вазири аъзам Шамсулмулкдек навкарлар иҳотасида салобат ва виқор билан юриш? Вазирларга насиб қиладиган қора курсиларда[10] ўтириш?

Фахриддин яна ширин орзу-хаёлларга берилди...

46-боб. Халифанинг махфий мактуби

Салоҳиддин келтирган жуздондан қўлдан-қўлга ўтаверганидан хийла уринган, четлари букланган, лекин нафис хушбўй ифорларлар анқиб, димоққа ёқимли урилаётган майин ипак қоғоз – мактуб чиқди. Халифанинг муҳри, унинг атрофида амиралмўминийннинг исм-шарифи хафий арабийда битилган. Раҳматли отаси ҳаётлигида халифа билан турфа мукотабалар олиб борар, Бағдоддан, Олий Девондан келган мактублар махсус хонада сақланарди. Жалолиддин бундай мактубларни кўп ўқиган, халифанинг ўзига хос муҳридан ўзгача завқланарди. Оллоҳнинг Ердаги сояси, мусулмонларнинг Олий раҳбари битикларини ёш шаҳзода ҳар гал зўр ҳаяжон, чуқур ҳурмат билан ўқирди. Халифа Султон Аловуддинни турфа таърифу тавсифлар билан тилга олар, улуғлар, сўнгра бирор вилоят ёки мамлакатга ҳукмдорлигини тан олиб, тасдиқ этарди. Халифанинг эътиборини Жалолиддин шараф деб биларди.

У титроқ қўллари билан ўрамни текислади ва дастлабки сатрларни пичирлаб ўқиди:

"...Ўн саккиз минг оламлар Раббиси, Раҳмдил ва Меҳрибон Зотга чексиз ҳамду санолар, унинг ҳабиби ва расули, Муҳаммад мустафо саллоллоҳи аълайҳи вассаллам саловоту дурудлардан сўнг биз ким, Олий Девон ходими, Ер юзидаги мусулмонлар раиси, йўлбошчиси халифа ан-Носир..."

Унинг нигоҳи кейинги сатрлар узра югура кетди. Ҳар жумладан сўнг: "Астағфируллоҳ! Астағфируллоҳ!" деб қўя бошлади. Ўқиётганлари чиндан ҳам халифанинг сўзлари эканига ишонгиси келмас, аммо унинг муҳри, имзоси шубҳагумонлари оловига сув қуярди. Мактубдаги унинг ақли бовар қилмаган жойларни овоз чиқариб ўқиди: "...Салтанатингизнинг ғарбий сарҳадларигача туташ ерларни, вилоятларни аслида биз Сизнинг мулкингиз, дея ҳисоблаймиз. Ислом аҳкомлари – ҳазрат пайғамбар саллаллоҳи алайҳи вассаллам шариатини унутган, Олий Девонга қарши оёқланган ўзбошимча султонларнинг бу ерларда ҳукмдорлик қилишга ҳеч қандай ҳаққи ва ҳуқуқи йўқтур..."

Султон беихтиёр мактубни ғижимлади, кўзлари қонга тўлди. Инсон боласи бу қадар юзсизлик, тубанликка ҳам борадими?! Бундай фитна қўзғовчи жумлаларни битган халифани қандай атамоқ лозим? Халифадек одам бир ҳукмдорни иккинчисига қарши гиж-гижлашини, оёқлантиришини қандай тушунмоқ керак? Унинг вазифаси мусулмонларни муросага чақириш, шариат софлигини сақлаш эмасми!

Султоннинг кўзларида ёш ҳалқаланди, юрагида, бутун вужудида бош кўтарган алам, нафрат ва ғазаб бўғзидан ўтолмай қолганидан ёқимсиз оғриқ сезилди. Кўз олдида умрининг шомига етиб келган отасининг кўзёшлар ювган рангпар чеҳраси, қилични базўр кўтарган титроқ қўллари гавдаланди.

– Олий Девон соҳиблари ҳали шиддатимизни кўп кўришади, – пичирлади султон ва қўлларини дуога очди:

[10] Хоразмшоҳлар давлатида вазирлар йиғилиш ва машваратларда Султон ёнидаги қора курсиларда ўтиришган. Одатда, қора курсилар Султон тахти каби улуғ ҳисобланган.

– Яратган Эгам, шу онларни кўрмоқликни насиб айлагин, Бағдод остоналарига етмокликка қодир қилгин, омийн, Оллоҳу акбар! – у қўлларини кўзёшлардан намланган юзларига силади.

47-боб. Ҳарб аслида санъатдур

Жалолиддин хуфтон намозидан сўнг амирлар ва хожибларига рухсат бериб, ҳарамига йўл олди. Аввал онасини зиёрат қилмокчи бўлди. Жалолиддин келгач, кенг ва шинам уйни тўлдириб хизмат қилаётган жориялар дарров ўзларини панага олишди. Ўғлини кўриб Ойчечаннинг юзлари ёришди. Тўшакда ухлаб қолган Жамолиддиннинг бошини силаб ўтирган Гулбегим эса ўрнидан туриб кетди-да, қўлларини қовуштириб, кўзларини ерга қадади. Пишиллаб ухлаётган ўғлини кўриб, Жалолиддин беихтиёр жилмайди. Оталик меҳри жўшиб кетса-да, онасининг ҳурмати риоясида ундан олдинга ўтиб кетишдан ўзини тийди. Ойчечан ҳам набирасига қараб олиб:

– Чўпчак айттираверіб тинкамни қуритди! – деди. – Оёқда турманг, ўғлим, чарчагансиз, ўтиринг!

Гулбегим дарҳол ўғлини кўтарди-да, хобгоҳига чекинди.

Жалолиддин онаси ўтирганидан сўнг унинг қаршисидан жой олди. Онасининг кўзларига қаради-ю, ёдига бувиси ва раҳматли отасининг бошқа аёллари тушди. Бувиси Чингизхон ҳузурида тутқунликда. У Чингизхон дастурхони сарқитларига қорнини тўйдираркан... Хоразмшоҳлар учун бундан ортиқ иснод борми? Яратганга беадад шукр, онаси ва аёли ёнида. Ғурури бут... Жалолиддин яна ўғли томон қараб қўйди.

– Хуфиялар қандай хабарлар келтирди? – сўради Ойчечан ўғлининг ҳорғин боқаётган кўзларига боқиб.

Жалолиддиннинг юзи жиддий тортди. Ҳорғин боқаётган кўзларда шижоат зуҳур этди.

– Чингизхон бизга қарши улуғ муҳорабага ҳозирлик кўрмоқда. Унинг чериги бут.

Ойчечаннинг юрагига хавотир оралади. Муҳораба!.. Ҳарам аёлларидан имкон қадар ҳарб ва сиёсат ишларини яширадилар. Шундоқ эса-да, узун-қулоқ гаплар ҳарамгача етиб келади. Мўғуллар яъжуж-мажуж эмиш! Уларнинг танасини тиғ кесмасмиш! Одам тилида сўзлашишни билмас эмиш!.. Миш-мишларнинг охири йўқ. Аммо Ойчечан ўғлининг Насога яқин чўлда мўғул отлиқларини енганини эшитган. Бундан чиқди, мўғулларни ҳам енгса бўлади.

– Яратганнинг қиличимга нусрат беришига шубҳам йўқ! – деди Жалолиддин ишонч билан. – Чингизхон ҳали Хоразмшоҳ қаҳрини кўрмабди!

– Оллоҳ мададкорингиз бўлсин! – Ойчечан ўғлини дуо қилди.

– Иншооллоҳ!

Яна ул-бул нарсалар хусусида суҳбатлашишгач, Жалолиддин онасидан изн сўради. Ойчечан уни яна дуо қилгач, Жалолиддин онасининг хонаи хосини тарк этди.

Султон хобгоҳининг ичи бетакрор, анвойи шойи матолар унинг деворларига кўрк берган. Тўшакка сепилган хушбўй сувларнинг бошни айлантиргувчи ифори эшик ёнигача етарди. Султон хобгоҳини ҳозирлашга канизаклар катта саъй-ҳаракат кўрсатганлари шундоқ билиниб турарди.

Жалолиддин қаршисидаги ҳарир пардани аста кўтариб, ичкарига кирди. Унинг қаршисида қўлларини қовуштирган, чиройли кўзлари уятдан ерга қадалган, ойдек

юзини ҳаё ва ибо куйдирган Гулбегим турарди. Аёлининг бу туришида Султон биргина маънони ўқиди: "Хизматингиздаман!..". Жалолиддин жилмайди. Туйқус ёдига айтиб йиғлаётган аёллар тушди. У улар қаторида... Гулбегимнинг бўлишини тасаввурига ҳам сиғдира олмади. "Алҳамду лиллоҳи раббил аъламийн", пичирлади Султон Жалолиддин...

...Тун ярмидан оққан. Хобгоҳ дарчасидан юлдузли самo, тўлин ой кўринади. Итларнинг ора-сира ҳуриб қолишларини айтмаса, Ғазни узра фақат тунлари бўладиган сукунат чўккан. Жалолиддинни уйқу тарк этган, хаёлидан бўлажак муҳораба кетмайди. Ёнида сочлари паришон, нафас олаётгани ҳам сезилмаётган Гулбегим ухламоқда.

Жалолиддин ўрнидан туриб, мовут чакмонни елкасига ташлади. Айвонга қараган дераза ёнига бориб, яна ўй суриб қолди. Мўғулларни Парвонда қарши олади. Мўғуллар катта қўшин билан келиши, шубҳасиз. Ёдига мўғулларнинг катта майдонда қандай жанг қилишлари тушди. Аввал отлиқлар савашга киради. Улар тез ҳужумга ўтади. Уларни камон ўқлари билан қарши олинса, шиддати сўнади. Кейин уларнинг устига ўзининг суворийларини ташласа бўлади. Унинг хаёлида "камончи", "суворий" сўзлари айлана кетди. Ҳар иккисини бирлаштирса-чи? Камончи ҳам отлиқ... Ҳарб илмидан бахс юритадиган рисолаларда бунақасини ўқимаган. Миясида бўлажак муҳораба тарҳи чизила кетди. Ёдига Шиҳобиддин Хивақийнинг сўзлари тушди: "Ҳарб аслида бир санъатдур, ёғийни чора қўллаб енгмоқ илмидур..."

"Нусрат Оллоҳдандир!" пичирлади у.

48-боб. Парвон олдидан машварат

Бомдод намози адо этилиши билан Жалолиддин саркардаларни девонга йиғди. Толақондан кечаси етиб келган чопар ҳам чақиртирилди. Дастлаб у Толақондаги ўзгаришлардан сўзлади:

– Ҳазратим, Толақонда ёғий чериги қўзғалмиш! Кўпи отлиқ! Чингизхоннинг баҳодирлари – кешик черик муқаддамида! Тахминимча икки кунда етиб келади!

Жалолиддин аввал унга, сўнг саркардаларига қаради. Чингизхоннинг нияти маълум – Жалолиддин! Уни ўртадан кўтармай туриб, хоразмшоҳлар давлатини ололмайди.

– Чингизхон Ғазнини бир зарб билан олмоқчи, – деди Жалолиддин. – У яна бизни қалъаларга яшириниб савашади, деб ўйлаяпти. Биз уни Ғазнида эмас, бошқа жойда, очиқ майдонда қарши оламиз!

Очиқ майдонда жанг қилишда беназир мўғулларга қарши бундай усулни қўллашни саркардалар кутмаганди. Айримлари бир-бирлари билан кўз уриштириб олишди.

– Ҳазратим, биз ҳали мўғул черигининг қанчалигини ҳам билмаймиз, – фикрини билдирмоқчи бўлди Алп Буғахон. – Бундай усулда савашга кириш тавакkал эмасми?

– Илкимизда катта черик бор! – деди Жалолиддин. – Шунча черикни қалъага қамасак қувватини сўндирган, кучини кесган бўламиз. Черикнинг шиддатини кўрсатиш учун унга майдон, пухта ўйланган тарбиятулжайш лозим. Чингизхон шу кунгача қалъалардаги қўшин билан юзлашди. У бизни очиқ майдонга чиқишдан қўрқади, деган ўйда! – ишонч билан деди Жалолиддин.

– Ҳазратим, мўғулни қаерда қарши оламиз? – сўради Амин Малик.

– Буни ўйлаб, Парвон даштини белгиладик!

Саркардалар яна бир-бирларига қараб олишди.

– Шу бугун йўлга чиқурмиз! – давом этди Жалолиддин. – Чодирларни ўша ерга тикиб, ёғийни кутурмиз!

Парвон даштининг паст-баланд жойларинини у жуда яхши биларди. Шикорлар уюштирилган вақтларда сурон солиб оҳуларни овлашганди. Энди эса мўғулларни...

– Кешик – Чингизхоннинг ишонган баҳодирлари! – сўзида давом этди Жалолиддин. – Кешик савашда кўп нарсани ҳал қилиши мумкин. Уни менинг харасим ва Алп Буғахоннинг отлиқлари карши олади!

Алп Буғахон ўрнидан қўзғалиб, "Ҳазратим!" деб қўйди.

– Черик баронғорига Амин Малик жанобларини белгиладик!

– Ҳазратим!

– Жуванғарга – Сайфиддин Ағроқ жаноблари!

– Ҳазратим!

– Қутлуғхон жаноблари, камончилар сизнинг ихтиёрингизда бўлмиш! Уларга ҳам отлар берилур!

Аввалига Қутлуғхон бунинг маъносига тушунмади. Камончига от берилса... Жалолиддин кеча тунда ўйлаган режасини тушунтирди, бундай қўшин қандай жанг қилиши ҳақида маълумот берди. Ҳам талмовсираб, ҳам бироз ишонқирамай турган Қутлуғхон қўлини кўксига қўйиб, "ҳазратим" деб қўйди.

– Ҳар қандай ҳолатда ҳам майдондан чекинмаймиз! Агар Худо қодир қилиб савашдан узилмасам ҳамма саваш марказида бўлур!

– Бошимиз устига, ҳазратим! – саркардалар бирданига қуллуқ қилишди.

– Энди енгилишга, чекинишга ҳаққимиз йўқ! – Жалолиддиннинг кўзлари ёнди, қўли муштга тугилди. – Бу савашда энди ор-номус, ҳам йигитлик шаъни тикилмиш! Майдондан бошимиз эгилиб қочсак, бизни ҳеч ким кечирмайди!

Унинг сўзлари ҳаммани ўйлантириб қўйди. Ҳатто Қутлуғхоннинг кўзларини ёшга тўлдирди.

– Ҳаммамизга Худо ёр бўлсин! – сўзини якунлади Жалолиддин.

– Худо ёр бўлсин! – бир овоздан такрорлашди саркардалар.

Орадан икки соат вақт ўтгач Ғазни қалъасидан аввал Жалолиддин ва унинг саркардалари, сўнг хос қўриқчи навкарлар – харас чиқиб кела бошлади. Улар бошданоёқ ҳарбий кийинган, пухта қуролланган; ҳатто отларнинг боши темир ниқоблар, ўмрови пўлат ҳалқалардан тўқилган ёпчиқлар билан ҳимояланган. Уларнинг кўринишидан фуқаро яқин ўртада саваш муқаррар эканини англарди...

49-боб. Парвон муҳорабаси

Ғорбанд ва Панжшер дарёлари қуйилишигача давом этадиган, азалдан мудраб келган Парвон даштининг эрталабдан тинчи бузилган. Умрида ҳадиксиз ов қилиб, "дунё фақат шу дашт", дея кўниккан лочин бу тонг ҳадик билан қанот қоқиб, Парвоннинг икки томонида тўпланаётган қора-кура издиҳом узра учади. Издиҳом лочин кўрган ҳайвоноту набототдан тамом ўзгача. Шу кунгача кўкда ўзини эмин-эркин, танҳо ҳисоблаган лочин энди бу кенгликка-да сиғмаётгандек. У кўкда кенг бурилиш ясаб, Парвоннинг Ғазнига юзланган томонини эгаллаганлар узра уча бошлади. Ғалати манзара! Даштни бошига кўтариб бақираётган одамлар, оғир араваларни тортишга қийналаётган отларнинг ёввойи, жон аччиғидаги кишнашлари... Лочин бу кунги ризқи Парвонда эмаслигини англагандек, сўнгги кенг доирани ясаб, ноилож даштни тарк этди...

– Муҳораба майдони бизга қолди! – даштнинг шимолий-ғарби томон учиб кетаётган лочиндан кўз узмай деди Жалолиддин. Унинг ортидаги амирлар Султоннинг нега бундай деганига тушунолмай қолдилар.

– Хуфиялар келишдими? – сўради Жалолиддин.

– Келишди, онҳазрат, – жавоб берди Амин Малик. – Уларни чақирайми?

Жалолиддин тасдиқ ишорасида бош ирғади. Амин Малик дарров хуфияларни чақиртирди. Икки навкар кела солиб, султонга таъзим қилишди.

– Мўғул қўшини сафи қандай? – сўради Жалолиддин.

– Онҳазрат, мўғулнинг сафи қалин, отлиқлари негадир зич турибди! – навкарлардан бири жавоб берди.

Жалолиддин ажабланмади, балки ёғий ўзини кўрсатмаётгандир.

– Отлиқларнинг ўрни қандай экан? – яна сўради Жалолиддин.

– Онҳазрат, отлиқлар ғўлда ҳам бор! Аммо улар кўп эмас. Ёғийнинг бор суворийси бурунғор ва жуванғарда!

– Қўшин бошида ким? – сўради Султон Жалолиддин.

– Онҳазрат, Чингизхон қўшин бошида эмас. У Толақонда қолибди! Черик бошида унинг амири Шики Қутқу нуён.

Султон Жалолиддин Амин Маликка жиддий қараб қўйди. У эса Султоннинг кўзларидан учган саволни дарров ўқиди: буни қандоқ англамоқ лозим? Хоқон Султон Аловуддин Муҳаммаднинг ўғли Султон Жалолиддинни ўзига тенг кўрмабдими?

Жалолиддин ўнг томонида турган вазири аъзамга юзланди. Шамсулмулк унинг мақсадини англагач, қўлини дуога очди. "Оллоҳу акбар!"дан сўнг, машваратда белгиланганидек, Жалолиддин қўшин баронғорига Амин Маликни, жуванғарга Сайфиддин Ағроқни юборди. Ўзи эса қўшин марказида қолди. Узоқдан мўғул черигини кўринганида Жалолиддин олтин ҳошияли пўлат дубулғасини кийиб, отини ниқтади. Хожасидан бир қадам ҳам ортда қолмаслик учун Кузбор Малик, унинг ортидан эса Ахос Малик харасни Жалолиддиннинг ортидан бир текис олиб кетди. Хос навкарларнинг асосий вазифаси султон хавфсизлигини таъминлаш. Улар Жалолиддиннинг шундоқ ортида, яримой шаклида саф тизиб, от қўйиб кетишарди.

Султон жангга киргач, аввал Амин Малик, сўнг Сайфиддин Ағроқ черикни қўзғатди. Султон Жалолиддин ортидаги отлиқлар кишини таажжубга соларди. Суворийларнинг елкасида садоқ, қўлларида камон. Улар бир текис Султон ортидан юра кетишди. Даштнинг бир қисми босиб ўтилгач, кутилмаганда суворийлар отларидан тушиб, мўғул черигини камондан ўққа тутиб юборишди. Амин Маликнинг ҳам, Сайфиддин Ағроқнинг суворийлари ҳам ёғийга камон ўқи ёғдира кетишди. Мўғул томонда қиёмат-қойим қўпгандек бўлди. Душман отлиқларининг сафлари бузилиб кетди.

Султон Жалолиддиннинг буйруғи билан карнайлар "ға-ға-ғу-ғу"лаб юборди. Суворийлар қайтадан отларига минишиб, сафларига тартиб беришгач, мўғул устига ташланишди. Катта қўшиннинг бирдан қўзғалгани мўғулларни саросимага солди. Айниқса, қора туғлар остидаги султоннинг ўзи қўшинни муҳорабага олиб киришини кутмагандилар.

Икки қўшин бир-бири билан аралашиб кетди. Тиғ урилаётган одамларнинг жон аччиғидаги овози, отларнинг кишнаши, қиличларнинг жаранг-журунги, саркардаларнинг ғазабнок бақиришлари бу уруш маъракасини янада қўрқинчли кўрсатарди. Ёввойи ва қонли издиҳомдан омон қолишга биров ишонмасди. Саваш бошланганидан кўп ўтмай марказда тўқнашган икки қўшин бир жойда тўпланиб, олдинга силжий олмай қолди. Айниқса, кетма-кет қамчи урилаётган отлар йўл тополмай, асабий кишнарди. Минглаб оёқлар остидан қуюқ чанг-тўзон ўрлаб, кўриш

қийинлашди, ваҳший талотўпнинг ҳарорати ошиб, нафас олиш мушкуллашди. Ҳатто ўртада қисилиб қолган кўп навкарлар бўғилиб, оғзини каппа-каппа очганича, бўғиқ ҳавони ютоқиб юта бошлашди.

Султон қўшинининг шижоати ва шиддати юракларга ғулу солгудек эди. Ҳаракатланишга имкони борлар фақат олдинга интилишарди. Марказдаги султоннинг ўзи мўғулларнинг зич сафларини ёриб, ёғий черигини иккига бўлиб ташлади. Мўғул саркардалари қўшинни икки қанотга тақсимлашга тушдилар. Аммо Амин Малик, Сайфиддин Ағроқ ва Ҳасан Қорлуқ нафас ростлаш, сафларни тартибга солишга фурсат беришмади. Уларнинг қўшини мўғулларни ҳар қадамда таъқиб этарди.

Саваш тизгинини қўлдан чиқарган мўғуллар бошқа ҳийла қўллашди. Сараланган баҳодир жангчиларини марказга – султонга қарши ташлашди. Амин Малик ва Сайфиддин Ағроқ қўшини икки қанотга сурилган, уларнинг ортида Ҳасан Қорлуқ ва Кабкуҳ баҳодир савашарди. Султон эса асосий черикдан анча илгарилаб кетганди. Мўғулларнинг ниятини Ахос Малик дарров илғади – султонни ўраб, орадан кўтармоқчилар! У даштни бошига кўтаргудек бақира кетди:

– Султон ҳазратларига яқин туринг! Султон ҳазратларини ўранг! Бирорта очиқ жой қолмасин!..

Мўғулларни аёвсиз чопиб келган харас шиддатини сусайтириб, дарров султонни бир неча қават ҳалқа қилиб ўради. Бу орада марказга ташланган мўғул қўшини анча яқинлашиб қолганди. Султон пухта иҳота қилинганини сезган мўғул саркардалари қўшинни иккига бўлишди. Улар султонни ўраб олишмоқчи эди.

Яна Ахос Маликнинг баланд овози эшитилди:

– Камонлар олинсин! Камонлар олинсин! Бирорта ёғий навкари султон ҳазратларига яқин келмасин!..

Дарҳол камонлар ишга тушди. Харас бир зум бўлсин тин олмай мўғулларни пайдар-пай ўққа тутиб ташлади. Мўғулларнинг саноғи йўқдек эди. Олдинга сафда тутдек тўкилаётганларига қарамай улар олға юришда давом этарди. Анча яқинлашиб қолганларида Ахос Маликнинг буйруғи билан харас камонларни ташлаб, яна қиличларни қинидан суғурди.

Хоразмшоҳ қўшинининг энг сара ва ёвқур навкарлари – султон Жалолиддин харасига тенг келадигани йўқ эди. Булар ҳарбу зарбнинг асл усталари – мамлуклар. Навқирон ва тоймас баҳодирлар фақат қилич ўйнатишни-ю от чоптиришни биладилар. “Аввал Худо, сўнг хожам!” дейдиган мамлуклар валинеъмати учун ўлимгада тайёр. Одатда савашларга билагида кучи, белида қуввати бор мамлуклар кирса, ёши ўтганлари лашкарбоши бўлар, ҳукмдорининг ишончига кирганларга бутун бошли вилоятлар иқтоъ қилинар, ноибликка тайинланарди.

Мамлукнинг болалиги йўқ. Кўплари ота-онасини ҳам эслолмайди. Фатҳ этилган, таланган юртлардан ота-онасидан айириб ҳайдаб келинган ёш болалар орасидан соғлом, бақувватларини танлаб олган қулфурушлар уларни йирик шаҳарларнинг қул бозорларида сотишарди. Тажрибали устозлар хожалари учун айнан шундай болаларни сотиб олиб, махсус мактабларда ҳарбу зарбдан сабоқ берарди. Одатда болалар туркий қавмлардан бўларди. Ҳали исмини танимайдиган гўдаклар қайси шамшир Дамашқ пўлатидан, қайсиниси Самарқандники ёки Исфаҳонники, бемалол фарқлайди. Тенгдошлари кўтаришга ожизлик қиладиган камонлардан нишонни бехато уради. Мактабларда ота-онаси номаълум болаларга устозлари исм берадилар: Шамсуддин, Нажмиддин, Салоҳиддин... “Худо бир, Муҳаммад (с.а.в.) унинг расулидир!” дея тарбияланаётган норасидаларга: “Шу фалончи сени тарбия қилди, едирди, ичирди! Энди унга ихлосу садоқат ила хизмат қилмоғинг лозим-

дур!" дея онгу шуурига қуядилар. Улғайиб, камол топган қул-жангчи – мамлук эса фақат Худони-ю хожасини танийди. Англашилганидек, унинг бутун инон-ихтиёри хожасидадир. Мочиндан токи Шом ўлкаси-ю Арабистонгача туркий мамлукларга эҳтиёж ва талаб кучли.

Мамлуклар мўғуллар устига шердек ташланиб, аёвсиз чопа кетишди. Ахос Малик тинмай қичқирар, йигитларнинг руҳини кўтарар, султондан бир қадам ҳам айрилмасди. Султоннинг ўзи эса мамлуклари билан елкама-елка савашарди. Азалдан бир одат бор – ҳукмдор ҳеч қачон савашга кирмайди. У доим қўшин ортида ёки марказда туриб, савашни бошқаради. Ҳукмдорга душман тиғи тугул, пайкони ҳам етиб келмаслиги керак. Қўшин саркардасиз қолса, черик пароканда бўлади, енгилади. Ахос Малик шундан хавотирда эди.

Харас тинмасди. Қурбонлар бериб бўлса-да мўғулнинг сара баҳодирларидан иборат қўшини – кешикни аввал иккига, сўнг учга бўлиб ташлади. Кейин тўзғиган ёғий яксон этилди. Саваш марказида бирор тирик мўғул қолмади.

Султон бошчилигидаги хараснинг ғалабаси икки қанотдагиларни жуда руҳлантириб юборди. Қўшин ортидаги жарчилар султоннинг музаффариятидан тинмай жар соларди. Қўшиннинг шиддати яна ортди. Мўғул чериги майдондан тортилди...

Қуёш ботиб, Парвоннинг жануби-ғарбига ажиб қизғиш ёлқин тортди. Бугунги ҳукмикуш ва қирғинбарот савашни кўрган одам: "Уфқ ердан ранг олдими", деган қўрқинч хаёлга бориши тайин эди.

Куннинг қариши мўғулнинг жонига оро кирди. Тўзғиган, пароканда черик қўшинга зўрға қайтди. Султон ҳам черикни ўрдусига қайтарди. Султоннинг эртанги тўқунушмадан кўнгли тўқ эди.

...Ахос Малик хос навкарлар орасида яроғини тартибга солаётган Салоҳиддинни кўриб, отининг жиловини тортди. Унинг юзи, уст-боши қон, тупроққа беланганди. Исфаҳоний қиличининг дамини кўздан кечираётган Салоҳиддин Ахос Маликни кўриб, дарров ўрнидан турди.

– Яхши савашдинг, йигит!

Салоҳиддин жилмайиб қўйди.

– Эртага олдимда юр, Султонга яқин тур!

Салоҳиддин қуллуқ қилди.

– Буйруғингиз бош устига, хожам!

– Ҳордиқ ол, куч йиғ!

– Хўп, хожам!

Ахос Малик унга яна бир муддат ҳавас билан тикилиб тургач, отини юргизиб кетди. Унинг ортидан кузатиб турган Салоҳиддин ҳаяжонга тушди: султон харасида бўлиш... Унга энг ёвқур ва моҳир навкарлар олинади. Илк бор Ирғизда мўғул билан савашганида шаҳзода Жалолиддин баронғорда эди. Уни яқиндан кўролмаганди. Бугун эса Жалолиддиннинг шундоқ ёнида жанг қилиб, бир нарсага тан берди – султон ўнгу сўлига қарамай қилич сермади, пайдар-пай устига ташланаётган отлиқлардан ҳам тап тортмади. Қўшинни ўзи билан савашга олиб кирадиган султонни энди кўриб турмоқда эди. У нарсаларини дарров йиғиштирди, қиличини қинига солиб Қутлуғхон қўш урган томон юриб кетди.

Давоми бор



НАСРУЛЛО

МОМО ҲАВОДАН ҚОЛГАН МЕРОС

"Сизларни зериктириб қўймадимми?"

Мен бу шеърни бир неча йил аввал илк марта Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг эски биносида бўлиб ўтган адабий учрашувда эшитган эдим. Ўшанда адабиётшунос олим Қозоқбой Йўлдош Ўзбекистон халқ шоири Ҳалима Худойбердиеванинг янги "Йўлдадирман" тўпламини йиғилганларга таништириб, ундаги сарлавҳаси китоб номига чиқарилган шеърни ҳазин, аммо ёқимли овозда ўқиб берган эди.

Кейин у киши одатларига кўра шеърни ҳафсала билан узоқ таҳлил қилиб, орада бир неча марта "Сизларни зериктириб қўймадимми?" деб сўраганлари эсимда. Бошқаларни билмадим-у, мен асло зерикмаган, балки ўша оқшомда ўқилган мана шу шеър завқидан сармаст эдим.

Йиллар ўтди. Устознинг гўзал шарҳлари хотирамдан кўтарилди. Шеърни ҳам элас-элас тасаввур этаман. Аммо ундаги айрим мисралар ёдимга мангу муҳрланиб қолган.

СМС "ёмғир"и

Ўша учрашувдан кейин, билмадим, қайси йили айни ёз палласида қишлоқда эдим. Бир куни оқшом чоғи қўлтелефоним смс келганидан дарак бериб қолди. Очиб қарадим. Ўша шеър. Менинг жону жаҳонимга сингиб кетган сатрлар... Уни яқинда Термиздаги бир танловда танишган бойсунлик қиз жўнатган эди. Қизиғи шундаки, у кейинги хатларида бу шеърнинг муаллифини билмаслиги, унга ҳам бир дугонаси томонидан юборилганини айтиб қолди. Буни ўқиб бир хафа бўлсам, бир кувондим. Хафа бўлганимнинг боиси: ўқувчиларимиздаги одатий "касаллик" – узумини еб, боғини сўрамаслик, яъни асарни ўқиб, муаллифига эътибор бермаслигидан бўлса, шодлигимнинг боиси мен севган шеърнинг халқ юрагидан жой олиб улгургани эди...

НАСРУЛЛО – 1988 йилда туғилган. Ўзбекистон Миллий университети ўзбек филологияси факультетини (ҳозирги ЎзТваАУ) тамомлаган. Ижодий ишлари бир қанча тўпламлар, чет эл ва марказий матбуот саҳифаларида эълон қилинган. Ҳозирда "Шарқ юлдузи" журналида фаолият юритмоқда.

Шеър – шоирнинг умри

Сизларни ҳам зериктириб юбордим, шекилли? Тезроқ мақсадга ўт, деяётган бўлсангиз, ажабмас. Бироқ мен шеър умри ҳақида гапирмоқчиман. Шоира шеърни 2004 йил 13 июлда ёзиб, уни кимгадир – биринчи тингловчисига ўқиб берган ондан шеърнинг умри бошланган. Ахир, ҳар бир асл бадиият намунасининг инсон умри каби умри бўлиши бор гап. Унга яшовчанлик хослиги ҳам айни ҳақиқат. У ҳам инсон каби вужуд ва руҳдан ташкил топади. Вужуд – шеърнинг шакли, руҳ эса – оҳанги ва маъноси бўлади. Ана шу руҳ адабиётнинг абадиятини таъминлайди.

Шундай қилиб, шеърнинг руҳи руҳимга кўчиб қолган эди. Ва мана шу нарса менга ҳозиргача, яхши маънода, тинчлик бермай келди.

Миллат қиёфаси

Шоира шеърга *"Йўлдадирман"* деб сарлавҳа қўйганини юқорида айтдик. Бу сўз бир қараганда жўнроқ туюлса-да, кўнгилга яқин кишисини кўришга талпиниб йўлга чиққан қаҳрамоннинг ҳали ҳам йўлдалигини англатиб турибди.

Шеърга буюк шоир Андрей Вознесенскийнинг *"Йигирма йил ўтди интизорликда..."* сатри қош қилиб олинган. Аммо шоира ифодалаган дард йигирма йилдан кўпроқ, балки бу дунёда етишиб бўлмас орзудир у.

Сиз кутасиз.
Менам бораман.
Учиб бородурман худди ўқ.
Фақат олдин хат юбораман,
Ўша хатни ёзганимча йўқ.

Қаҳрамон севгилиси ёнига ўқдай учиб боришга тайёр, бунга у ҳар томонлама ҳақли. Муҳаббат ноёб туйғу – у ҳар бир инсонга ҳам насиб бўлавермайди, бироқ бу ерда муҳаббатдан ҳам баландроқ шаън масаласи турибди. Бу ўзбек қизларига Момо Ҳаводан мерос. Зеро, илк эътибор Одам Ато томонидан бўлган эди дейилади. Ҳазрат Одам Атони қўйиб, энди ўзимизга яқинроқ келайлик. "Алпомиш" достонида Ойбарчин Қалмоқда Ҳакимбекни кутиб қон ютган бўлса-да, Қоражондан Алпомиш келгани ҳақидаги хабарни эшитиб, унинг истиқболига югуриб чиқмайди. Чунки у ўзбекнинг қизи. Унинг учун шаън, ғурур масаласи узоқ кутилган дийдордан ҳам устун туради. Товка ойим эса қалмоқнинг қизи. У Алпомишга "зиндондан қутқарсам, ёрим бўласанми?" дея шарт қўйишдан ҳам тап тортмайди. Ёки "Юсуф ва Зулайхо" қиссасини олайлик, Зулайхо Юсуф висолига эришиш учун Унга туҳмат қилишгача боради. "Лайли ва Мажнун"да Лайли билан Мажнун чимилдиқларини тарк этиб саҳрода учрашишади. Алпомиш ва Ойбарчин муҳаббати улардан камми-ди? Тўғри, улар ҳам учрашишади, фақат тушларида. Улар уйқуга кетганда, чилтанлар руҳларини олиб бориб учраштиради. Отабек ва Кумуш муҳаббати-чи, Кумуш чимилдиқда Отабекни кўрмагунича ёри ўзи ариқ бўйида учратиб, ошиқ бўлиб қолган ва унга чиройли табассумини ҳадя этган йигит, яъни Отабек эканлигини билмайди. Ўшангача у кўнглидаги дардини фақат кўзёшларигагина ишонади.

Юқорида исмлари келтирилган қаҳрамонлар миллат қиёфаси инсоний туйғуларда ҳам акс этишини исботлаб турибди.

"Мен сени севаман ўзимдан кўпроқ"

Қаҳрамон ўзидан ҳам кўпроқ яқин инсони ҳақида қайғуради. Уни аяйди. Бу *"Бир йил, ўн йил ўтди, бу кўпми?"*, *"Кўзингизга малол инмасми?"* савол сатрлари билан ифодаланади. Яъни у ўтган йиллар давомида ўзи чеккан азобидан ҳасрат қилмасдан, бу фурсат мурожаат этаётган инсонига оғирлик қилмадимикан, деган хавотирга тушади, уни куттираётганидан хижолат бўлади.

Гарчи шунча вақт ўтган бўлса ҳам севикли инсонга маломат қилинаётгани йўқ, балки муҳаббатдаги самимият сақланган. Бироз эркалик билан:

Айрилиқнинг алафзорини
Биргалашиб ўрамиз, хўпми?

дейиляпти. Нега энди алаф, бошқа ўсимлик эмас? Чунки алаф – ёввойи ўт. У инсон парваришига муҳтож эмас, одам яшамайдиган жойда ҳам гуркираб ўсаверади. Демак, қаҳрамоннинг айриликда ёлғиз қолиши – алафзор, яъни шубҳа-гумонларнинг гуркираб ўсишига шароит яратган.

"Йигирма йил, ўттиз йил ўтди", банддан-бандга ўтган йилларнинг узайиб борганлигини айтиш билан шеърдаги пафос ҳам юқори даражага кўтарилиб боради.

Ўттиз йиллаб ғовлаган ўтни
Ўрар чоғи чалғи синмасми?!

Бу жойда *"ўттиз"*, *"ўт"* ва *"ўрар"* сўзларидаги *"ў"*, шунингдек, *"чоғи"* ва *"чалғи"*даги *"ч"* ҳарфлари воситасида юксак мусиқийликка эришилган.

Қирқ йил ўтди, мен тез бораман,
Ранжимангиз, гувоҳ еру кўк!
Фақат олдин хат юбораман,
Хатни...
ҳали ёзолганим йўқ.

Лирик қаҳрамон муҳаббатини инсонлардан сир тутиб келади. Ҳақиқатан муҳаббат маҳрам туйғу уни ошкор қилмасдан кўнгилда асраб яшаган яхши. Бироқ бу у қадар осон иш эмас, халқимиз бежизга "Айтсам ўлдурурлар-э, айтмасам ўлам", деб айтмаган. Шунга қарамасдан, муҳаббатнинг буюклиги шундаки, у қирқ йилдан буён нафақат бошқалардан, балки суюкли инсоннинг ўзидан ҳам сир тутиб келинган. Аммо *"Ранжимангиз, гувоҳ еру кўк!"* сатри орқали унинг еру кўкка, яъниким, Худога маълум эканлиги ойдинлашади. Бу билан муҳаббатнинг илоҳийлигига ўзига хос ишора қилинади.

Шеърда қўлланилган бирор-бир сўз, ҳаттоки тиниш белгиси бекорга ишлатилмайди, ҳаммасининг ўз ўрни, вазифаси бўлади. Шу нуқтаи назардан олиб қарасак, кейинги байтда икки жойда қўлланилган уч нуқта қаҳрамондаги иккиланишни кучайтириб кўрсатишга хизмат қилган. Шунингдек, тўртинчи сатр зинапоя шаклида берилиши бу ҳолат янада таъсирли ифодаланишини таъминлаган. Мазкур ҳолат, айниқса, шеърни пичирлаб ўқиганда намоён бўлади. Ўзи асл шеърлар бақириб, баландпарвоз оҳангда ёки қанақадир бир хил, кишининг ғашини келтирадиган интонациялар билан эмас, шоирнинг дардини топиб, оддийгина қилиб ўқилгандагина айтувчи ҳам, тингловчилар ҳам маза қилади.

Шеърнинг бошидаги биринчи бешликда қўлланган *"Ўша хатни ёзганимча*

йўқ" сатри ўн тўққизинчи мисрага келиб *"Хатни... ҳали ёзолганим йўқ"* тарзида берилади. *"Ёзганимча йўқ"* бирикмаси хатни ҳали ёзиб улгурмаганлик маъносини ифодаласа, "ёзолганим йўқ" хатни ёза олмаётганлик, бунга нимадир тўсқинлик қилаётганини англатади. Ана шу тўсқинлик қилаётган нарса, гарчи қирқ йил ўтган бўлса ҳам ўзбек аёлининг ҳаёси ва ибоси билан боғлиқ тушунча.

Маълумки, Пушкиннинг шоҳ асари "Евгений Онегин"да Татьяна биринчи бўлиб Онегинга севги изҳори ёзилган мактубини жўнатади. Нимага? Чунки Татьяна ўрис қизи. Ғарбда бу ҳолат уят ҳисобланмайди. Шарқда эса бунга уят, андиша билан қаралади. Бунинг яна бир исботини мумтоз адабиётимизда кузатишимиз мумкин. Унда нафақат маъшуқалар, баъзан ошиқлар ҳам элчи ёки хат ташувчи кабутар ёрдамидан фойдаланмай, яъники хатга кўчиролмаган кўнгил изҳорларини сабога арз қилиб, уни ошиқ ёки маъшуқага етказишини сўрашади. Бизнинг қаҳрамонимизни ҳам ана ўшалар сирасига киритишимиз мумкин, чунки у ҳақиқий ўзбек аёлининг образи. Ўзбек аёли эса фақат ўзбекча севги изҳори қилиши мумкин, бу шундайки, севгисини севганига айтиш у ёқда турсин, ҳатто, хат орқали билдиришга ҳам андиша қилади.

Орзу қайроғида чархланган ҳислар


Учиб бородурман худди ўқ
Бу ҳолатни қандай шарҳлайман.
Борган сари ўрмонзор қуюқ –
Мен куйиниб чалги чархлайман.

Шеър шунчалик табиий ва қуйма чиққанки, гарчи ўзига хос образ эканлигини билиб турсангиз ҳам аёл руҳиятининг ҳали кашф қилинмаган қоронғи ва қуюқ ўрмонзорида орзу қайроғи билан чархланаётган чалғи овози сизнинг кўнглингизда акс садо беради. Ушбу охирги тўртликда қаҳрамоннинг ёлғиз эканлиги ойдинлашади. Юқорида айтилган *"алафзор"* ва *"говлаган ўт"* энди *"қуюқ ўрмонзор"*га айланган. Қаҳрамон эса ёлғиз ўзи куйиниб чалғи чархлайди. Демак, хат ёзолмаслигининг яна бир сабаби: у бир ўзи шубҳа-гумон, алам ва армонларнинг "қуюқ ўрмонзор"и билан курашиб яшайди. Ўқдай учиб боришга тайёр бўлса ҳам аёллик ғурури хат ёзиш истагидан устун келади.

Шеър ўқувчини аслида гулдай нозик аёл вужуди нақадар улкан ва мураккаб руҳий эврилишлар гирдобида шиддатли тўлқинлар зарбасига бардош бериб, уларни енгиб яшай олишига ишонтиради.

Қаҳрамон барибир муҳаббатнинг ғолиб келишига, улар қачондир учрашишларига ишонади. Шунинг учун шеър ёруғ умид билан якунланади:

Сиз кутасиз, менам бораман...



Ҳусан МАҚСУД

Ватан бўлсин кўзларинг сенинг

* * *

Кўзларингнинг кенгликларида
Қалбим учар мисоли бир қуш.
Кўзларингнинг кенгликларида
Тунаб қолиб, кўрадирман туш.

Кўзларингнинг кенгликларида
Дарбадардир руҳим карвони.
Сенинг кўнглинг нурга тўлиқдир,
Мен томонда ҳижрон даврони.

* * *

Кўзида ёш билан келди бир бола,
Онаси олдида бош эгиб турди.
Йиғидан тўхтолмай, инграган ҳолда,
Айтди: "Она, мени бир бола урди".

Кажрафтор дунёнинг ишлари қизиқ,
Ечилмас жумбоқлар ўйлаб топади.
Жазоланган одам ёшин оқизиб,
Кимнингдир олдига дарров чопади.

Одамнинг зарбини одам кўтарар,
Ҳар оғир дамда ҳам топилгай имкон.
Э, воҳ, ғазабланиб Худо урса гар,
Кимнинг паноҳига қочгайдир инсон?

Ҳусан МАҚСУД – 1991 йилда туғилган. Тошкент давлат педагогика университетининг ўзбек тили ва адабиёти факультетини битирган. "Ошиқ шарҳи ҳолида бадиий санъатларнинг ўрни (Алишер Навоийнинг ишқий газаллари мисолида)" рисоласи чоп қилинган.

* * *

Кел, кўзингга яширгин мени,
Киприкларинг остида яшай.
Ватан бўлсин кўзларинг сенинг,
Ашкинг бўлиб чашмингда тошай.

Сочларингга ўраб ол, эркам,
(Сунбулларни, айтгин, нетайин?)
Қаҳратон пайт кокилларингни
Макон айлаб, қишлаб кетайин.

Нафас олсанг, руҳингга сингиб,
Сўзларингдай бўғзингда турсам.
Вужудингда, томирларингда
Қонинг бўлиб, кўпириб турсам.

Қудрат ато этса табиат,
Кимса етмас, бахтларга етсам.
Ҳамдлар айтиб, суюнчи сўраб,
Яратганга мактублар битсам.

Дил эшигинг очиб қўй, кирай,
Унда яшай, кўнгил, илтимос.
Ўлсам, фақат қалбингда ўлай –
Юрагингга кўмгил, илтимос.


Парадокс

Қушлар каби не бор: гўл, содда,
Улар учун қилгайман афсус –
Ўзи озод бўлмаган зотдан
Ҳурлик сўраб боқади маъюс.

Шеър битмоқнинг ёниқ, ҳақли биринчи белгиси самимият, куйиниш. Усиз сўз ўйин, даъво, нишони йўқ ўқ, шифодан маҳрум малҳам. Албатта, санъатсиз, ҳикматсиз, маърифатсиз шеър қора сўздан ҳақир, жўн, эзгин, қадрсиз бўлади.

Мен ўз руҳияти теграсида ҳали кўп тер тўкиши керак Ҳусан Мақсуднинг шеърларидаги самимиятдан кўнглим ёришди, куюнчаклигидан унга ишондим, сийрак бўлса-да, ташбеҳлари, муқоясаларидан санъаткорликка, ҳикматгўйликка интилаётганини ҳис қилдим. Бу шоир учун руҳоний неъматлардан ажиб муждадир. Унга бу йўлда фақат фидойилик, илм, қатъият, Ҳақ йўлдан ҳеч қачон тоймасликни тилайман. Қолганини йиллар беради.

Вафо ФАЙЗУЛЛОҲ



Асад ДИЛМУРОД

ИНСОН ҚАЛБИ ЭНГ ГЎЗАЛ ТИМСОЛ

Ёзувчи Асад ДИЛМУРОД билан мунаққид Дилноза ТЎРАЕВА суҳбати

Дилноза Тўраева: – *Илк ҳикоянгиз "Осмон бир парча" 1970 йилда "Ёшлик" адабий альманахида босилган. Оғир карвон саналган наср жабҳасида ҳануз тинмай заҳмат чекасиз ва охир-оқибат ижодий такомил учун биринчи навбатда нималар муҳим эканини англагандирсиз?*

Асад Дилмурод: – Ишониш қийин: ижод оламига илк қадам қўйганимдан буён қарийб ярим аср вақт ўтибди ва бу муддатни бемалол иккиланишу шубҳаланишлар, қатъияту ҳайиқишлар, изланишу адашувлар, мағлубияту ютуқлар даври дейиш мумкин.

Янглишмасам ижодий такомил, аввало, тафаккур ва тасаввур, истеъдод ва эътиқод аталмиш илоҳий тўртлик тотувлиги, қолаверса, моддий ва руҳоний борлиққа муҳаббат, букилмас сабру бардош, муносиб тажриба ва билим шарофати туфайли қарор топади. Шунга биноан изланиш умр бўйи чексиз уқубат оғушида тобланиш, яъни сўз сеҳрини пухта ўрганиш, сўз қалбини эринмай тинглаш, турфа бўёқларини илғаш ва улар назокатидан илҳомланишни тақозо этади.

Холис ниятда узоқни мўлжаллаган носир ёки нозим муттасил жисму жонини аёвсиз қийнаши, ақлу идроки ва кўнгли билан басма-бас олишмоғи, аввалию адоғи йўқ бу мислсиз савашда ихтиёрсиз тарзда енгилмоғи, енгилиш баробарида ниҳоят ғалаба қозонмоғи ва навбатдаги муросасиз жангу жадалга ҳозирланмоғи лозим.

– *Ижодий муддао сизнингча қандай ушалади?*

– Ижодий муддао ҳақиқий илҳомга суянган ва дил тўлғоқларини туйган ҳолда кечани кундузга улаб тер тўкилган, тан ва руҳ ўзаро пайванд қилинган тақдирда рўёбга чиқади. Шаксиз, бу ҳолат шунчаки қоғоз қоралаш ёки қалам тебратиш эмас, балки турфа адабий омиллардан иш кўзини билиб унумли фойдаланиш жараёнидир ва улар билан ишончли битим тузмаган ижодкор қатра ёғду тушмас ва ҳаво етишмас тор дарада чорасиз адашган йўловчи аҳволига тушади.

Асад ДИЛМУРОД – Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими. 1947 йилда туғилган. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУ) журналистика факультетини тамомлаган. "Тош бургут", "Шердор", "Мулк", "Гириҳ", "Мезон буржи" каби қиссалари, "Афросиёб сукунати", "Кўчки", "Хилват" каби китоблари нашр этилган. "Маҳмуд Торобий", "Фано даштидаги қуш", "Паҳлавон Муҳаммад", "Ранг ва меҳвар", "Заррадаги олам" сингари романлар муаллифи.

Ростдан ҳам сўз санъати мудом истеъдод ва кўнгил, қалам ва малака кучларини ягона манзилда жипслаштирадиган адабий омиллар ҳомийлигига муҳтождир. Назаримда у ҳар жиҳатдан афсунгар, оҳанраболи ва серҳиммат мажозий тилдан кўпроқ мадад кутади. Айрича эстетик сеҳрига кўра яққол ажралиб турадиган мажозий тил анъанавий ва ноанъанавий йўналишларни бирдек қўллайди ва кўп нарса унинг замирида жам кўп тармоқли унсурларни қайси даражада ўзлаштириш масаласи билан ўлчанади.



Дилноза ТЎРАЕВА

Нафаси ўткир таниқли мутахассислар бу борада ғоят салмоқли назарий фикрларни илгари суришганидан хабардормиз, жумладан, таниқли немис файласуфи Эрих Фромм фалсафа, социология ва адабиёт назариясига доир "Инсон қалби" китобида юксак бадиий миқёс ва чуқур фалсафий таҳлилга эришишда мажоз тили ишончли кўмакдош экани устида муфассал тўхталади. Олим эътирофича, мажоз тили ички мураккаб ҳолатимизни, ҳаёт жабҳаларида нимага асосандир қилган ва қиладиган юмушларимиз билан ҳар ёқлама қиёслаган ҳолда, сезги аъзолари орқали теран туйиш учун ғоят салмоқли самара беради.

Янада муҳими, мажозий тил ҳиссий тафаккур матнда эстетик синтезни изчил кучайтириш бобида амалиётга киришмоғи учун йўл очади, қаламга афсунли қувват бағишлаб, эстетик мантиқни ботинан нурлантиради, ҳар бир жумла ва иборани теран фалсафий маъно ёрдамида сайқаллаб, ҳаракатчан тимсоллар гуруҳини етаклаб келади ва натижада сирлиликка мойил чигал ҳамда унумли илҳом онлари қўрланади.

– Айтмоқчисизки, мажозий тил билан тимсоллар учун хос фалсафий кўркамлик ўзаро туташганда бадиий матн сайқал топади ҳамда эстетик структура вояга етади.

– Шундай деса ҳам бўлади ва бу ўринда мажозий тилга эргашиб келадиган тимсоллар жозибаси ўша туташув қудратини белгиловчи сирли восита эканини алоҳида таъкидлаш керак. Назаримда мажозий тилни қону қардош фаҳмлаб, илҳомга қаноту қаламга рағбат берадиган тимсоллар ичра энг гўзали, манзури ва беткарори инсон қалбидир. Агар бадиий ижоднинг етакчи қуроли жонли сўз ва эзгу фикр бўлса, бирламчи тадқиқот объекти қалб саналади.

Ижодкор мажозий тил билан қалб иштирокида изланишга уринса ва қаламини эмин-эркин кўйса ҳаётий ва бадиий ҳақиқат мезонларини қўлловчи руҳий иқлим талотумлари билан бемалол юзлашади, равон бадиий фикр юритади, чўзиқ тафсилот баёнига жадал чап бериб, реал ва нореал воқеликни ҳиссий тафаккур таҳлилидан ўтказишга киришади. Натижада чексиз хаёлот дунёсига юкуниб роҳатланиш, яъни ўз қалби билан бадиий образлари қалби иқлимида туғилган нозик ҳолатларни чоғиштириш ва ўзаро уйғунлаштириш кўникмасини ҳосил қилади.

– Демак, бир қанча тарихий асарлардан кейин туғилган "Хаёл чўғланиши", "Қўнғироқ", "Нарвон", "Оқбадан париваш", "Масофа" каби қатор ҳикоялар, "Оқ аждар сайёраси" қиссаси, "Фано даштидаги қуш", "Ранг ва меҳвар" ҳамда

Дилноза ТЎРАЕВА – 1983 йилда туғилган. Гулистон давлат университетининг ўзбек филологияси факультетини битирган. Унинг республика ва халқаро миқёсдаги нуфузли журналларда 20 га яқин илмий мақолалари эълон қилинган.

"Заррадаги олам" романлари ўша омиллар бўйича кечган изланишлар маҳсулидир. Мазкур асарларда хаёлий воқелик реал воқелик тарзида тасвирланади, кўринмас нарсалар билан моддий нарсалар муайян доирада яхлит романтик манзара бўлиб бирлашади. Илгари миллий адабиётимизда кам кузатилган бундай тасвирий усулда мужассам назарий ва амалий сифатларни шарҳласангиз.

– Реал ва нореал ҳаёт тасвирини ягона ўзанда туташтириш, зеро хаёлий воқеликни реал воқелик йўсинида тасвирлашга интилиш кўплаб ноанъанавий мактабларни бирлаштирган модернистик йўналиш табиатига дахлдор эстетик заруратдир. Мазкур йўналиш, менимча, Ғарбда мистика деб аталадиган тасаввуфни ишончли иттифоқчи ҳисоблайди. Чиндан ҳам тасаввуф оҳорли фалсафий ҳикматлар, рамзлар ва истиоралар манбаидир. Айни шу жиҳатдан моддий ва руҳоний гўзаллик, гуманистик концепция ва идеал жозибасига ташналик ифодаси тарзида қадрланади.

Тасаввуф сарчашмасидан озиқланиб изланадиган модернчи ижодкор зуҳурот жилваларидан чекиниб, онг-шуурнинг оний ҳолатларида яраладиган ва фақат ҳис этиладиган тутқич бермас саркаш таассуротларни ҳақиқат ўрнида тушунади ва объектив воқелик ўрнига унинг тасаввуридаги бадиий моделини яратишга интилади. Айни пайтда аслиятга ўхшатиш лозим деган мажбуриятни хушламай, топталиб улгурмаган фалсафий фикр кенгликлари бўйлаб одимлайди; ҳеч қачон рўй бермаган, рўй бериши мумкин эмаслиги билиниб турган воқеалар сийратини чизади, ўзлигидан хорижда муқаррар турмуш тарзидан чуқур таъсирланса-да, изланиш жараёнида ундан нусха кўчирмайди, борлиқ манзараларини бошқа санъаткорлар каби кузатишга қизиқмай, барисини дил нигоҳи билан кўриш ва айнан кўрган нарсаларини тасвирлашни истайди.

– Айрим олимлар модерн йўналишидаги тасаввуфий фалсафа, мажозий тил, рамзий образ ва воқеага асосланган насрий асарлар "тоши" гоят оғир келишидан нолишади, ҳўш, бунга нима дейсиз?

– Ҳиссий тафаккур, мажозий тил, асотир ва тимсоллар воситасида кечадиган изланиш жараёнида моҳиятан қулфу калит қилинган ва эшигию туйнуги йўқ гумбазни эслатадиган муайян даражада пардали асар туғилиши тайиндир. Бироқ ўша асар моҳиятини, у ҳар қанча сертугуну серқатлам бўлмасин, туйиш орқали тушуниш ва тушуниш орқали туйиш малакасига биноан бемалол ўзлаштириш мумкин. Аниқроғи, чуқур адабий тайёргарлик мактабини ўтаган кўнгил кўзи тийран олим ёки оддий ўқувчи мураккаблик қошида эсанкираб бош қашламайди, аксинча, риёзат ила тинмай мутолаа ва мушоҳада қилиш орқали матнда пинҳон бадиият товланишлари шукуҳидан завқланишга эришади.

– Таниқли адабиётшунос олим, профессор Санжар Содиқ "Ижоднинг ўттиз лаҳзаси" китобидан ўрин эгаллаган "Тақлидчилик оқибати" мақоласида "Фано даштидаги қуш" романини мураккаб асарлар тоифасига киритар экан, уни ёзишга ёзиб қўйиб, ўзингиз ҳам тушунишингиз амримаҳол эканини орага қистиради. Сиз келгусида яна шундай таъналар отилишидан чўчимай, янгича усулда изланишни тўхтатмадингиз ва бундай жўраъат учун кучни қайдан топдингиз?

– Ижодкор изланаётган пайтда, олдига довруқ, мақтов ва ҳой-ҳавасни бирламчи мақсад қилиб қўймагани каби, бошида синиш эҳтимоли бўлган танқид калтагини ҳаёлига йўлатмайди. Камина ҳам шу қоидага риоя қилганим шубҳасиз.

Янглишмасам, иккиламчи, модернистик оқимнинг фалсафий синтез сари элтувчи кўп қиррали жозибаси ва шу жозиба баҳона дилимни қамраган ҳайрат охир-оқибат эстетик заруратга айланган, буткул оромимни ўғирлаган ҳамда қизиқишимга қизиқиш қўшган ва журъат этагидан тутишга ундаган бўлса ажаб эмас.

– Профессор Санжар Содиқ "Фано даштидаги қуш"да мавжуд айрича мураккабликни, аввало, асарда қаҳрамонлар яшаётган даврнинг руҳи деярли сезилмаслиги ҳамда гоявий мақсад ноаниқлиги билан чегаралайди. Етакчи қаҳрамон Саидбек Умар ва бошқа персонажлар атрофларида кечган қайта қуриш, пахта иши, афғон уруши, шўро парчаланиши сингари ижтимоий ҳодисалардан бехабар қолишганидан афсусланади.

– Агар Санжар Содиқ "Фано даштидаги қуш" ноанъанавий йўлдаги мистик-хаёлий асар экани, матнда тамсилий образлар, мажоз тили устунлик қилишига аҳамият берса, роман олдига аллақачон қадру қийматини йўқотган соцреализм талабини қўймас эди. Асарда ҳалиги тарихий ҳодисаларни ёритиш умуман назарда тутилмаган, қолаверса, уларни мистик-хаёлий унсурлар тизимига асосланган эстетик талқинлар замирига сингдириш мушкул ёхуд сингдириш учун шаклан ва мазмунан бутунлай бошқа нарса ёзиш лозим.

– Мунаққид бадиий асар ва айниқса роман ҳаётнинг айнан ўзи ёхуд нусхаси эмаслиги, санъаткор онгида қайта яратилган, ўзига хос модели ёки образи сифатида майдонга келишини айтади. Айни пайтда романга алоҳида бадиий-эстетик жозиба бағишлаган топинч (тотем) – бўри образи, ҳаддан ташқари йиртқич, шафқатсиз ва қонхўр ҳайвон, шоирона тасвир йўсинида идеаллаштирилгани хато эканини таъкидлайди.

– Табиатда, ёвуз ва шафқатсиз махлуқ тарзида кўринадиган бўри маданий ҳаётимиз тармоқлари бўлган бадиий адабиёт, тасвирий санъат, кино санъати ва фольклорда бошқача эстетик моҳият ташийди, аниқроғи, асосан эркину қўрқмас, марду довюрак, серҳиммату мустақил персонаж сифатида кўринади.

Мана шу жиҳатдан олганда Италия пойтахти Рим шаҳрига она бўри ҳалокатдан қутқариб ўстирган Ромул ва Рем исмли ака-ука баҳодирлар асос солгани ҳақидаги ривоят айниқса ибратлидир ва реаллик касб этиши боис ҳайрат уйғотади. Ромул биринчи подшоҳ сифатида халоскорини Рим онаси деб атайди ва пойтахтда унинг шарафига бронза ҳайкал ўрнатади. Норасида болаларни эмизаётган ва ҳукмдор Сикст IV фармойиши бўйича 1473 йилдан буён Римнинг Капитолия майдонидаги Плаццо-дей консерваторияси залида сақланаётган мазкур ҳайкалда чинакам сурурий нафосат ва оптимистик руҳ ҳукмрондир.

Менинг назаримда мазкур мўъжизавий санъат асари бўри тимсолини поэтиклаштириш ва идеаллаштириш йўлида амалга оширилган ижодий ишларнинг юксак намуналаридан биридир ва шу боис у жуда бой қадим тарих соҳиби бўлган Италия халқи учун муқаддас рамзий хилқат ҳисобланади.

Ғарбдаги сингари Шарқда ҳам бўри ўзида юқорида таъкидлаб ўтилган хислатларни мужассам қилган олижаноб, ҳимматли ҳамроҳ, содиқ кўмакдош ҳамда ҳомий қабилида эъзозланади ва эпосда бениҳоя улуғланади. Кўҳна ёдгорлик саналган "Ўғузнома"даги бир афсона гувоҳлик беришича, урғочи Кўкбўри тақдир ҳукмига биноан оғир аҳволга тушган ногирон бола ҳаётини асраб қолади. Вақти соати етиб бола улғайгач, у билан турмуш қуриб, ўн нафар дуркун фарзанд кўради: кейинча улар ҳар бири алоҳида туркий уруғга асос солади.

Шубҳасиз, ана шулар сирасига ўғузлар ҳам киради ва бу далил умр бўйи адолат тарафида турган улуғ саркарда Ўғузхон Кўкбўридан туғилгани ва уни эмиб ўсганини ифодалайди. Рисолада Ўғузхон туркий қавмларни бирлаштириш, ёвларга қақшатқич зарба бериш ва жангда ғолиб чиқишида Кўкбўри мудом ёрдамлашгани, қолаверса, ҳамиша қудратли қўшин олдида йўл бошлагани тасвирланади.

Мана шу қизиқарли ривоят "Фано даштидаги қуш" бадиий матни ва эстетик

концепциясига асос қилиб олинган. Изланиш жараёнида хаёлот парвози туфайли эртакдан романга кўчган Эна Кўкбўри қайсидир жиҳатдан Ромул билан Ремни эмизиш орқали разолатни тиз чўктирган нажоткорга ўхшайди. Таъбир жоиз бўлса, у бутун фаолиятида шўровий хатар ва таҳлика жамланган ёвуз Сариоёғлар хуружидан озодликка ташна Кўкбўрилар қавми қисматини ҳимоялашга қатъий аҳдланган ва икки ўртада беҳад оғир асоратлар қолдириб аёвсиз кечадиган кураш моҳиятини ёритадиган эстетик воситадир.

– *"Фано даштидаги қуш" сингари, "Ранг ва мевҳар" ҳамда "Заррадаги олам" романларида ҳам, турли фалсафий талқин, рамзий манзара, дарҳол илғанмас пардаланган мантиқ, нозик имо-ишора, қочиримў кесатиқ ва истиоралар билан бирга, хилма-хил ривоятларни учратамиз ва улар матн эстетик салмоғини ошириш учун қўлланган десак кифоями?*

– Бадиий матнда ўзига хос эстетик сирлилик пайдо қилиш истагида ана шу муддаони ҳам эътиборда тутганман. Агар сўз санъати тамойиллари бўйича масала моҳиятига кенгроқ ёндашсак, бошқа муҳим эстетик манзара кўзга ташланади: ҳар учала роман учун хос архитектоника, эстетик концепциялар ва идеаллар, турли дунёқараш, маслак ва қиёфа соҳиби бўлган рамзий образлар, хилма-хил маънавий-маърифий ва ахлоқий муаммолар талқини ўша омиллар иштироки туфайли теранроқ англанади ва жиддий мушоҳада уйғотувчи бу ҳолат драматизм таранглиги билан узвий боғлиқдир.

Ривоят илҳом, ҳиссий тафаккур, истиора ва услубнинг фаол ҳамкори эканини "Фано даштидаги қуш" устида тер тўкишга киришган дамлардаёқ пайқаган эдим. Мазкур роман бадиий муҳитида Ўғузхон, Эна Кўкбўри ва Чақалоқ тақдирига доир ягона миф амал қилади ва асар аввалидан охирига қадар қатнашади. Кейинги икки романда эса бошқача: матн бўйлаб адолатни ёқловчи ва хиёнатни фош этувчи, аниқроғи, умрини хайру савоб ва ихлосга бағишлаган қария, нафс ўрасига қулаган, ўзлари ҳуда-беҳуда намоён қилган зўравонлик қурбонига айланган, хиёнат ва разолатга берилган ҳавойи табиатли махлуқлар, адолатни назарга илмайдиган ва ўзгалар ғамидан қувонадиган худписанд каслар ҳақидаги бир неча чўпчагу масал ҳаракатда бўлади ва улар бадиий матн руҳига мос равишда эстетик мантиққа йўғрилиб бўй кўрсатади.

– *"Ранг ва меҳвар" билан "Заррадаги олам"да, фақат ривояту масаллар эмас, айни пайтда, бир қатор романтик тушлар моҳиятан ўзаро фалсафий алоқага киришгани, эстетик идеал ва концепцияларни ботинан нурлантиргани ҳамда чуқур ҳаётий хулосалар ташувчи рамзийлик салмоғини оширгани кузатилади.*

– Аслида ҳалига қадар тўла англанмаган эстетик ҳодиса бўлган тушлар уйқудаги миямиз фаолияти бедорликдаги онгимизга нисбатан онг ости оқимига айланиши оқибати бўлиб (Эрих Фромм), худди ана шу хусусиятига кўра, бадиий ижоднинг турли мактаблари, хусусан, модернистик йўналишни озиқлантирувчи манбадир. Тушлар уйқуда беҳосдан беихтиёр кўзғаладиган субъектив психологик ҳодиса, таъбирлаш қийин жараён, турфа образ ва нарсалар мажмуига ўхшайди ва ҳайратга молик бу мажмуани бадиий тасвир моҳиятига кўчириш осонликча кечмайди.

Фоний ва боқий дунё, моддий ва руҳоний ҳаёт бирдамлиги, жон-руҳ мангу тириклиги, эзгулик ва ёвузлик, бахтиёрлик ва бадбахтлик ёнма-ён яшашидан кароматлар берадиган тушлар кўпинча ажабтовур йўсинда ҳушга уланиб кетади. Айни шу ғалати ҳодиса жуда кўп марта тинчлигимни бузгани ва ҳар учала романимда ҳам ўша сирлиликни жорий қилишга уринганимни яширмайман.

Наздимда тушлар "Ранг ва меҳвар" сюжетида фаолроқ, аниқроғи, реал ва но-

реал воқеалар билан қоришиб қатнашади. Роман етакчи қахрамони Комрон Вали, қалбини ҳасраткаш дўстим дегувчи рассом йигит тушлари, руҳий тебранишларга ишора бериш орқали, асар қурилиши ва драматизми ўртасида муайян мантиқий бирлик яратади. Турлича вазиятда кечган тушлардаги қабрлардан униб чиққан, ўзаро ёндош реал ва нореал ҳаётга кўчган напормон лола, сариқ атиргул, алвон бинафша нафосати, ниҳоят, олма ва нок дарахтлари солган мевалар латифлиги, таъмию таровати аслида ҳаётий нотинчлигу зиддиятлар баҳона урчиган хунрезлик ва хиёнат, баднафслик ва ҳасадгўйлик, аниқроғи, беҳуда тўкилган дарё-дарё қонлар ва кўзёшлардан тўйинганини уқтирувчи рамзлар бўлиб, улар ташиётган фалсафий маънолар кўҳна дунё аччиғу чучугини ҳиссий тафаккур воситасида туйишга интилиш ҳосиласидир.

– Суҳбатимиз давомида шарҳланган ва муҳим эстетик аҳамияти яққол сезилиб турган турфа адабий омиллар қаторига яна қайси омилларни қўшасиз?

– Адабий омиллар миқёси поён билмаслиги ва мунтазам кенгайиб бориши билан характерлидир. Менимча, сўз санъати тарихи ва назариясига қатъий ихлос боғлаш, турли адабий мактаб вакилларини ғойибона мулоқотга тортиш, замондош адиблар ютуқларини кузатиш, макон ва замон кун тартибига олиб чиқаётган талабларга қизиқиш, ниҳоят, босиб ўтилган йўлга танқидий кўз орқали қараш одатлари ҳам ижодий сезгирликни оширишда асқотиши шубҳасиз.

Айни пайтда кўпинча назардан четда қоладиган туйғу хислати ҳақида сўзлашни истардим. Қайсидир жиҳатдан руҳга уйғун, камина юқорида энг гўзал тимсол деб атаган, қалбда булоқдай тошадиган, ҳужайра ва сезимларга ҳарорат улашадиган туйғу ижодкор мақсадига етишмоқ йўлида истаганича сафарбар этиши мумкин бўлган туғёнлар заҳирасидир. Туйғу онг-шуур ва дилда безовталик қўзғаб, ижодкорни тўлғоқли илҳом онларига ҳозирлайди ҳамда узоқ соғинтирган орзу-умид манзилига элтувчи изланиш довонларидан олиб ўтади.

Бемалол изоҳлаш мумкин: ҳар қандай жанрдаги туйғудан маҳрум асар ширасиз мева ёки ифорсиз гулга ўхшайди. Қачонки у ҳаракатга келса, бошқа омиллар моҳиятан янада фаоллашиб қовушади-да, муайян санъат янгилиги туғилади. Ижод психологиясига тегишли ана шу тамойилни назарда тутган буюк ҳинд адиби Робиндранат Тагор ишончли йўсинда бадиий адабиёт учун ягона тенденция туйғу деган эди ва бу фикр нақадар ҳақ экани аллақачон амалиётда исботланган...



ЯНГИ АДАБИЁТИМИЗГА ХАЙРЛИ ЁДГОРЛИК

Ҳалим САИДОВ

Бугунги дориламон кунларда “Адабиёт яшаса – миллат яшар” деган фикр кўпчиликнинг тилига тушиб, дилига жо бўлиб, ихлосманд китобхонлар сафини кенгайтирмоқда. XX аср бошларида эса ёш адибларни муносиб тарбиялаб, уларнинг қўлидаги қаламни чархлаш, адабий асарлар яратиб, улар орқали ўзликни англашга алалоқибат халқни маърифат, маърифат воситасида эса ҳурриятга чорлаш жадидларнинг эзгу орзуси эди.

Адабиётшунослар томонидан жадид боболар карвонбошиси, миллат озодлиги йўлида жонини қурбон қилган арбоб, ҳуррият кўйида ноширу муҳаррир, оддий муаллимликдан-да қайтмаган, беназир адиб Маҳмудхўжа Беҳбудий ўзининг “Падаркуш” асари билан жадид драматургияси асосчиси сифатида қабул қилинди. Мазкур драма ва унинг саҳнага қўйилиши, одамлар онгига таъсири, унинг тарихий аҳамияти борасида қатор тадқиқотлар амалга оширилди, мазмун-моҳияти очиб берилди.

“Ҳикоят ва ёнки насиҳат китобларинда баъзи бир ҳодиса баён қилингандурки, ўқуб, асарланиб (таъсирланиб – Ҳ. С.), лаззат олинадур. Аммо теётрга махсус бир ҳодиса ва ё воқеа ва ҳикоятни феъл қилиб кўрсатиладурки, мунинг таъсири эшиткандан зиёдадур” (Маҳмудхўжа Беҳбудий. Теётр надур // “Ойна” журнали, 1914 йил 29-сон). Мутахассислар Беҳбудийнинг бу фикридан одатда драматургиянинг аҳамиятини тушунтиришда фойдаланадилар. Бироқ иқтибосдаги “таъсири эшиткандан зиёда”лиги сабаб биринчи гап доим иккинчи планда қолиб кетади. Биринчи гапни эътибор билан ўқиймиз: “Ҳикоят ва ёнки насиҳат китобларинда баъзи бир ҳодиса баён қилингандурки, ўқуб, асарланиб, лаззат олинадур”. Яъни, ҳикоянинг ўзига хослиги шундаки, уни ўқиганда инсон таъсирланади, лаззат олади.

Фикримизча, ўзбек ҳикоячилиги йўналишини белгилашда ҳам Маҳмудхўжа Беҳбудий илк машқи билан ёш адибларга намуна бўлгани, уларга мурожаат қилгани юқорида келтирилган иқтибосдаги ҳикоят изоҳи каби иккинчи планда қолиб кетганига тарих гувоҳлик бермоқда. Беҳбудийнинг мазкур ҳикояси “Оқ елпоғичли чинли хотун” деб номланади. Адиб унга “Тасодиф” деган кириш сўзи ва сўнгсўз ўрнида “Интиҳо” деб номланган изоҳ ёзган. Беҳбудийнинг публицистик ва муҳаррирлик фаолияти билан шуғулланиб, унинг мақолаларидан озодликка эришиш ғояларини, аниқроғи, жиддий, сиёсий даъвату ҳаракатларни аниқлаб, таъқиб ва таҳқирларга

Ҳалим САИДОВ – 1966 йилда туғилган. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУ) журналистика факультетини; Ҳиндистон оммавий коммуникация институтини битирган. “Маърифат либосидаги озодлик”, “Матбуот – миллий манфаатлар ҳимоячиси”, “Талаба-журналистга мактублар” сингари йигирмага яқин китоблари чоп этилган.

қарамасдан курашгани, ҳаётининг аянчли якунидан қайғуга тушиб юрган кезларимизда эски газета тахламларидан ("Туркистон вилоятининг газети", 1909 йил, 12-сон) шу ажиб асарга, бизнинг наздимизда, Беҳбудийга хос бўлмаган фаолиятга дуч келиб, ҳайратда қолгандик. Ўшанда адабиёт таратадиган нурафшон руҳ, ато этадиган бетакрор лаззатни туйганмиз. Асарни сиз билан бирга яна бир бор ўқигимиз келди.

Ҳикоя воқеа гувоҳи – ёзувчини таништиришдан бошланади.

"Сунғий мамлакати аҳолисидан Чунғичин ном зот бир адиб бор эди. Бу олами фанога инонмас ва ҳар замон андин пировоз ва риҳлат этмоққа толиблик қўлидин келмас эди. Они учун, жонини овунтирмоқ учун хаёлилар фикр ва бефикрга хотир эткувчи ишларга ружуъ этмоқла ўзига тасалли берарди. Вафотидан сўнгра дунёни некбахт ва маҳсудларидан ҳисобланди".

Шу бир хатбошида муаллиф файласуф-қаҳрамоннинг дунёқараши, таъбир жоиз бўлса, тирикликка муносабати, яшашдан мақсадини тасвирламоқда. Яъни "олами фанога инонмас" ва шу билан бирга уни ташлаб ҳам кета олмас, лекин бу дунё синоатларини тафаккур қилиб "ўзига тасалли берарди". Билмаганларини ўрганиб, шундай мавкега эришдики, вафотидан кейин бахтиёр ва ҳавас қилса арзийдиган инсонлар қаторида тарихда қолди.

Асарнинг иккинчи хатбошисида Чунғичин Хитой бўйлаб саёҳатларидан бирида дуч келган манзара тасвирига эътибор беринг.

"Ҳаво тоғининг этакларида кезар экан, бирдан ўзини мозористонда кўрди. Оҳ, мозористон – минг-минг номунтазам тепачалар садо ва нидодин холи махсус замини маъволар. У тепалар остинда чор ва ночор инсонлар ётарлар эди. Уфқи жадид сари тамоман муштағил (банд-ҳикоя матнида учрайдиган қавс ичидаги изоҳлар мақола муаллифиники) қабрларни кўрар-кўрмас сайёҳ шу фикрга ботди. Афсус, бутун тириклик ҳаёт йўлини(нг) охири келиб етган жойи будур. Бу иқоматга мавт (ўлим) ва манзилга хомушона (жим) бир кирилдими яна қайтмоқ мумкин йўқ. Боқ хотимаи ҳаёт на ўлди? Чин аҳли фақат бир тириклик билар. У ҳаёт, ки шуълаи шамс ила мунаввар, ҳавои соф ила иҳотадур. Чин файласуфи бу фикрларга сирона қабрга-да юрар экан, либоси мотам кийиши ёш бир хотунга рост келди. Бу хотун янгидан тепаланган бир қабр каноринда ўлтуруб, қўлинда елпоғичи лукурни елпийур ва ҳам доимий елпийур".

Қабристон тасвирлари, тириклик ва охират фалсафаси билан бошланган воқеалар кетма-кетлиги файласуфни ва табиийки ўқувчини кутилмаган ҳолат, ажабланарли манзарага дуч қилади. Янги қабрни елпиётган жувон! Тириклигида ўша яқинига яхшилик қила олмаган ёки жуда яхши кўрган кишиси – марҳумга ором бахш этмоқдами? Эҳтиром кўрсатмоқдами? Йўғ-э, бунчаликмасдир? Бу каби саволлар ўқувчини ўйлашга, фикрлашга ундаса-да, ҳикоя давомини ўқишга ошиқтиради...

"Бу қадар ажиб бир ҳаракат сабабини англамоқ шавқина тушуб, сайёҳ ёш бонуга одоб-ла салом берди.

– Хоним, о, бу мозорга ётган кимдур, на учун шу туфроқни муттасил елпимак заҳматига гирифторсиз, сўрамоғим мумкинму? Мани файласуфим ҳар иш сабабини билмоқчи, аммо сизнинг бу амалингиз асло иҳота тафаккуримга кирмайдур, – деди.

Бечора хотун елпоғични елинмоқда муттасил ло-йан қатъи давом этарди. Хотун қизарди, бўзарди, бошини олдинга энкди. Файласуф беҳуда ерга саволини такрор айтди. Мотамкаш хотундан жавоб эшитмади ва асло қулоқ бермай жонининг бор қуввати-ла елпоғични ҳаракатга келтуруб турар эди".

Ҳар бир воқеа моҳиятини англашга иштиёқманд файласуф саволлари ва жавоб ўрнида мотамдаги жувон ҳаракатлари тасвири жумбоқнинг ечимини излашга талпинтиради ўқувчини...

"Чунғичин у маҳалдин мутаассуфона айрилди. Хотуннинг иллат ва сабаб ҳаракатини билмай орзусидин ҳамда шиддатлик орзусидин ўзини сахлаб билмоқ

эди. Шабпаррак қаноти каби мутавалли ҳаракатланиб турмиш елпоғичга ҳар замон дўнуб энг чуқур ва мутаҳаййирона бир фикр ила боқиб бечора файласуф асло бир шай англамайур эди. Аснойи таҳаййурда муқобилинда бир аъжуза чиқиб файласуфни бир қабр канорига имлаб, шу сўзларни сўйлади: "Эшитдимки, хонумдин савол сўрдингиз, аммо жавоб ололмадингиз. Ман орзунгизни дафъ этарман. Аммо муқобили умид айларманки, сиз ҳам манга бир неча пул берсангизки, бориб умрумни узун бўлиши учун дуохонлардин бир тумори сеҳрангиз олайин". Чунғичин киссасидин оқча чиқарди ва аъжуза хотун ҳам бу можарони сўйлади".

Тиланчи сўзлашидан аввал диққатингизни бошқа жиҳатга қаратмоқчимиз. Биринчиси, ҳикоянинг аввалида шундай фикр бор эди: *"Чин аҳли фақат бир тириклик билар. У ҳаёт, ки шуълаи шамс ила мунаввар, ҳавои соф ила шҳотадур".* Бир қарашда агар матндан шу икки гапни чиқариб ташласангиз ҳикоя мазмуни мутлақо ўзгармайди. Қайта ўқиб кўринг, бу гапларсиз матн силлиқлашгандек кўринади. Унда бу жумлалар нега матнга киритилган?.. Фикримизча бунинг тарихи бор. Мазкур ҳикоя 1909 йил аввалида ёзилган. Бундан бир неча ой илгари, аниқроғи 1908 йилнинг 30 ноябрида "Туркистон вилоятининг газети"да Беҳбудийнинг "Таърих ва жуғрофия" сарлавҳали мақоласи чоп этилади. Маълумки, "ТВГ" Туркистон генерал губернаторига қарашли бўлиб, унинг асосий мақсади у окпошшо сиёсатини юритиш борасида маҳаллий ҳокиму қозиларга мўлжалланган. Беҳбудий атай ўзбек зиёлиларигина тушуниши мумкин бўлган мураккаб тилда ёзган ушбу мақоласини. Тилимиз ва динимизни яхши билган маккор миссионер, газета муҳаррири Николай Остроумов ҳам мақола моҳиятини англамай қолади. Катта шов-шувга сабаб бўлган бу публицистик асарни Чор Охранкаси рус тилига таржима қилдиради (Ўзбекистон Марказий давлат архиви, ф. 46, 1-тавсиф, 942-иш). Таҳлиллар шуни кўрсатдики, ҳукмрон мустамлакачи вакиллари муаллифдан тавба тариқасида изоҳ ёзишни талаб қилган. Қисқаси, Беҳбудий миллат таназзули ҳақида сўз айтиб тазйиққа учрайди. Охранканинг "панисломист"лар рўйхатига киритилади. Икки ҳафта ўтгач, яна шу газетада унинг изоҳга ҳожати бўлмаган мақоласига ўзи "Тавзеҳ" (изоҳ) ёзади. Тўғрироғи "тавба" ёзишга маҳкум қилинади. Шунда у адабиётга эътибор бериш кераклиги, бадиий асар қатига озодлик ғояларини сингдириш зарурлигини англаб етади. Ҳуррият истаган, лекин бу ниятини очиқ айтиб, балога қолган муаллифнинг ночорлик исканжасидаги тушкун кайфиятини ҳисобга олсангиз бу ҳикоянинг юқорида ажратиб кўрсатилган "бегона гапи"дан ўзгача хулосалар чиқаришингиз табиий. Бироқ сиз учун ҳозир тиланчи хотин сўзламоқчи бўлган "можаро" қизиқроқ эканлигини сезиб турибмиз...

"Қабр канорида кўрганингиз шу хотун Лу исмлик хонимдур. Узун бир беморликдин ўлмиш Тоъу номинда бир адибни(нг) беваси ва у қабр ўлган эрининг қабридур. Эр ва хотун яки дигарини шиддатлик бир ишқ ва муҳаббат ила севарларди. Ҳатто, охирги нафасинда Тоъу хотунидин айрилмоқ кулфатидин шикоят этар, гўзал бу хотинини ҳануз баҳор ҳаёт ва хуснини ситоратлик замонда ташлаб кетмоқ дарди фикрига сўзан урарди. Лекин на чора, муқтазий қадарга тобеъ бўлди, бошқа илож йўқ.

Беморлик ҳолида Лу хоним хаста Тоъунинг бошидан ҳеч айрилмас, эридин сўнгра дунёга тирик қолмасликни ва болин ҳаётга иштирокидек қарорга, мамотга ҳам шерик бўлушини аҳд ила баён айлади. Лекин Тоъу мунга жавобан: "Зинҳор хоним буйла аҳд ва ямин айтмангиз", дер эди. Хотун: "Агарда сиздин сўнгра чирклик балосига гирифтор бўлуб, кўзларингиз юмулгандан сўнгра шу зиёи офтобни кўрмоқга мажбур бўлсам, яхши билинг, ки бошқа бировнинг хотуни бўлмоқга асло рўйи ризо кўрсатмайман", деб жавобини берди.

Тоъу: "Хоним бону, зинҳор бу фикрдан воз кечинг", дерди.

Тоъу хоним: "Эй Тоъу, қўйингиз асру (ортиқ) айтмангиз, бори беш санағача уйланмасликка аҳд этойин".

Лекин бу сафар дея Тоъу: "Бону, бундай аҳд этманг, фақат мозорим устидаки туфроқ қуригунча қадар мани унутмасликка аҳд этсангиз кифоя..."

Сиртдан қараганда ҳикояни шу жойида тугатиш ҳам мумкин эди. “Ўлсанг, мен ҳам бу ҳаётни тарк этаман”, дея онт ичган ёш жувоннинг бесабрлигидан мутаассир бўлиб тугатардик ҳикояхонликни. Унда Беҳбудий таърифидаги ҳикояни ўқигандаги таъсирланиш билан бирга келадиган лаззатланиш қаёнда қолади? Бу ҳисни ҳикоя давомидаги тасвирдан оласиз.

Лу хоним муни учун маҳкам аҳд этди. Тоъу иккинчи очмаслик учун кўзини юмди. Бону кадаридин девона каби бўлди. Хумор ва хитойи кўзларидин думуъ (кўзёшлари) оташин шашқатор жорий, хумои (иситма, касаллик) шадид маҳдумлари каби ўзини шаш жиҳата этарди бедард-бедаво.

Дунё одати узра ҳар шай кечар. Бу сил ғамум ва барои ҳужумда кечди-кетди. Оҳ-нолалар кечмас, фақат келмасун – Тоъунинг вафотидин уч кун сўнгра Лу хонимнинг кўзи бир маъқул сифатға кирди. Шуйлаки эрини шогирдларидин бир жавон (ёш йигит) таъзиятға келди. Қадрдон шогирдни оҳ ва оҳ ила қабул этди. Бу жавон ниҳоят музайян (безанган) бир чеҳра соҳиби эди. Аснои муколамада бир оз Тоъудин ва кўброқ бонудин баҳс этди. Беканинг латофати андомидин, гўзаллигидин ва зиёдаси-ла хушлаганидин баён этди. Хоним ҳам андин мамнун ва рози қолди. Жавон шогирд яна келишини ваъда ила видоъ этди.

Бир видоъи умидворий...”

Тириклик, ўлим, жувоннинг девонасифат аҳволи ва уч кун ўтгач (мотам муддати) шогирднинг, балки ҳаётнинг ширинлиги тасвиридан сиз ҳам лаззат олдингиз. Тоъунинг “мозорим устидаки туфроқ қуригунча” мени унутма деганию “бир видоъи умидворий...” қабрни елпиётган жувон ниятини англатса-да, ҳикояни Беҳбудий бошқа бир кулминация билан якунлайди. Ҳикоянинг давомини ўқингда, охирги гапга эътибор беринг:

“Содиқ ул-ваъда Лу хоним у ваъдаларға интизоран, кўрганингиз, қабр устиға келди. Кунларни елпоғич шамоли-ла эри қабрининг туфроғини қурутуб аҳд этмоқға вақф этар...”

Кампир ҳикояни битирар-битирмас файласуфингиз шу фикрға ботди. Умр қисқа, ёшлик ширин, ёш хотун ва эрларни завқ ҳаволарға учирар. Ҳар ҳолда Лу хоним солиҳа бир хотун эмишки, аҳдини паймол этмак истамаз”.

Гўзал ҳикоя! Шарқона якун. Унга ўзингиз ҳам баҳо бера бошладингиз...

Беҳбудийни идеалист дегувчилар ушбу асар орқали одамзотнинг реал ҳаётдаги эҳтиёжлари ёритилганлигини англагандирлар. Маҳмудхўжа Беҳбудий ҳаётда прагматик бўлган. Бунинг исботини ушбу ҳикоя остидаги “Интиҳо” деб аталган сўнгсўзда (балки мурожаатдир) кўриш мумкин. “Интиҳо”да Беҳбудий ҳикояни шеърга айлантириш учун шоир Сайрийга мурожаат қилган бўлса-да, унда жадид адабиёти йўналиши қандай бўлиши кераклиги ҳақида ўз фикрини билдиради.

“Эй қори, ҳикоянинг ҳосили мундин иборатдур. Адабиёти жадидаи мустақбала (келажак замон)мизға рақамидин ёдкори хайр илтифотиға етса, хўжанди шоир муҳтарам Сайрий афандиға бир туҳфадур. Мутолаасиға танзил буюрсалар, шоядки, риштаи назма чекилса, бизу сиздин бир хотираи мустақбала қолурди”.

Беҳбудий ҳикояга ёзган “Тасодиф” деб номланган кириш сўзида ўғли Масъудхўжа билан турли дарсликлар ва бошқа бадиий адабиётлар мутолаа қилаётганда ушбу воқеага дуч келганини айтади. Атоқли адабиётшунос олим Бегали Қосимов ана шу фикрларга асосан “Беҳбудий асли хитой адабиётидан олинган ушбу ҳикояни ўз қалби ва қалами билан ўзбек ўқувчисига тақдим этмоқчи бўлади”, деб ёзади. Шундан бўлса керак, асар жадид ҳикоячилигида асосий ўринда тилга олинмайди. Ҳолбуки, хорижий эллар, элатларни тасвирлаш усулидан жадидлар кўп бора фойдаланишган. Масалан, Фитратнинг “Сайёҳи ҳинди” асари фикримизга далил бўла олади.

Мутолаамизга хулоса тариқасида айтишимиз мумкинки, фикримизча, Беҳбудийнинг “Оқ елпоғичли чинли хотун” ҳикояси жадид ҳикоячилигининг бошланишидир.



"ИШҚ ЭМАСМИ АСЛИ ҲАЁТ МАЪНОСИ?.."

Мустафо БОЙЭШОНОВ

Қомусий олим Умар Хайём ижоди ҳозиргача баҳс ва мунозараларга сабаб бўлиб келмоқда. Ўтган асрлар унинг ҳаёти ва ижодига тааллуқли аниқ маълумотларни турли мунозараларни келтириб чиқарадиган афсона, ривоят ва уйдирмалар билан қориштириб, чигаллаштириб юборган. Бу ҳолат Хайём қаламига мансуб кўплаб асарларнинг йўқ бўлиб кетиши ёки муаллиф номини аниқлаш қийинлашувига сабаб бўлган. Бугунги кунга келиб ҳам фанда Хайём рубоийларининг атиги олтмиш олтитаси унинг қаламига мансублиги исботланган. Ҳолбуки, айрим мутахассислар шоир рубоийлари тўрт юздан ошиқ деб айтишади.

Маълумки, Умар Хайём Балх, Самарқанд, Бухорода ўқиган, илмий изланишлар олиб борган. Исфаҳонда обсерватория курилишига бошчилик қилган, шу ерда астрономик кузатишлар олиб борган.

Олим "Арифметика мушкулотлари", "Коинот ва унинг вазифалари ҳақида рисола", "Борлиқнинг умумийлиги ҳақида рисола" сингари қатор илмий асарлар ёзган, улар дунёнинг бир қанча тилларига таржима қилинган. Хайём кузатувлари ва изланишлари асосида ишлаб чиқилган Қуёш календари ҳозирги биз фойдаланаётган Григорий календаридан аниқроқ ҳисобланади. Бундан ташқари, Хайём кўплаб фалсафий рисолалари, сиёсатшунослик, мусиқашунослик, тиббиёт соҳасида ёзган илмий ишлари билан ҳам машҳурдир.

Олимнинг "Наврўзнома" асари Ўрта Осиё халқларининг урф-одатлари, яшаш тарзи, халқ оғзаки ижоди, этнографияси ҳақида қизиқарли маълумотлар беради. Бу асар муаллифнинг тиббиёт, кимё, биокимё, биология, минералогия фанларини чуқур эгаллаганини кўрсатади. Хайёмнинг эътирофича, бу рисола бир дўстининг "Наврўз" қачон ва ким томонидан байрам қилина бошланди, деб берган саволига жавоб тарзида ёзилган. Китобда Наврўз тарихи, уни ўтказиш қоидалари ҳақидаги қизиқарли маълумотлар берилган. Бу китобда доривор ўсимликлар ҳақида ҳам сўз боради. Хусусан, арпа ҳақида: "Донолар ва дарвешлар арпа билан кун кўрадилар. Айтишларича, уни еганда қон ҳеч қачон бузилмайди ва томирдан қон олишга ҳожат қолмайди. Яъни, у қон ва сафро касаллигининг олдини олади... У куюк, зотилжам, безгак, терлама, йўтал, иситма, силла

Мустафо БОЙЭШОНОВ – филология фанлари номзоди, доцент. 1952 йилда туғилган. Россия федерациясининг Иваново университетини тамомлаган. Кўплаб илмий мақолалари республикамиз ва хориж матбуотида чоп этилган.

қуриши, сил, қабзият ва сувчечак сингари йигирма тўрт хил касалликка даводир"[1].

Умар Хайём илмий асарлари билан европаликлар XVII асрдан бошлаб танишдилар. Унинг илмий асарлари жаҳон олимлари орасида катта қизиқиш уйғотди.

У XIX асрнинг иккинчи ярмида шоир сифатида адабиёт оламига танилди. Инглиз тадқиқотчиси, шоир ва таржимон Эдвард Фицжералд, Теҳрон кутубхоналарининг бирида Хайёмнинг араб тилидаги рисолалари билан таниша туриб, рисола ҳошиясига форс тилида ёзилган рубоийга эътибор қаратди. Фицжералд етмишта тўртликни инглиз тилига эркин таржима қилган. Бу тўртликлар 1859 йилда форс ва инглиз тилларида "Умар Хайём рубоийлари" номи билан нашр қилинган. Тўплам XIX аср охиригача йигирма беш марта қайта нашр қилинганига қарамай, ноёб китоблар қаторидан жой олган.

Хайём рубоийлари Европадаги деярли барча тилларга, дастлаб инглиз, кейинчалик форс тилидан таржима қилинган. Рубоийларга қизиқиш ўта кучли бўлганидан улар дунёнинг деярли барча тилларига ўгирилди. Ушбу рубоийлар жаҳон адабиётида ўзига хос янги саҳифа очди, дейиш мумкин.

Хайём ижоди турли мамлакатларга турли йўсинда кириб борган. Масалан, Россияда Умар Хайёмни икки алоҳида шахс сифатида билишган. Биринчиси, Умар Хайём астроном, физик, математик олим бўлса, иккинчиси, шоир саналган. Бундай ёндашув XIX асрнинг етмишинчи йилларигача давом этган. Бунга сабаб илмий асарларининг араб, рубоийларнинг эса форс тилида ёзилгани бўлган.

Хайём лирикаси бизгача унинг илмий рисолалари ҳошиялари орқали ва оғзаки тарзда етиб келган. Умар Хайём томонидан китоб ёки қўлёзма ҳолидаги тартибга солинган рубоийлар топилган эмас. Оғзаки шаклда етиб келган рубоийлар ўзаро айрим фарқларга эга. Шунинг учун бўлса керак, баъзи рубоийлар маъно жиҳатидан бир-бирига жуда яқин туради.

Эронлик тадқиқотчи Муҳаммад Али Фуруғи: "Хайём, аввало, Худони таниган, эътиқодли, имонли мусулмон, шунинг учун ҳам унинг рубоийларида бу жиҳатга эътибор қаратилган" дейди. Рус олимлари эса Хайём Худо ва исломни инкор этган шахс деб қарашган. Бундай қарама-қарши фикрлар XX аср ўқув қўлланмаларида, илмий, тадқиқотларда, бадиий асарларда, интернет материалларида кўплаб учрайди.

Хайём рубоийларининг ўзбек тилига ўгирилишида Шоислом Шомуҳаммедовнинг хизматлари беқиёс. У амалга оширган таржималар ҳозиргача кўп марта қайта нашр қилинди.

Кейинги йилларда Хайём рубоийларининг Жамол Камол ва Эргаш Очилов қаламига мансуб таржималари ҳам чоп этилди. Умар Хайёмнинг "Наврўзнома" асари эса ўзбек тилига Урфон Отажонов томонидан таржима қилинган. Унга сўзбоши ёзган филология фанлари номзоди Асрор Самад Умар Хайёмнинг форс тилида қитъалар ва ғазаллар ёзганлиги ҳақида маълумотлар беради.

Хайём аниқ фанларни қанчалик чуқур эгаллаган бўлса, муқаддас Қуръони Каримни ҳам шунчалар теран билган. У кўпгина рубоийларининг мавзусини Қуръондан олган. Муқаддас китобнинг "Ал-исро" сураси 12-оятида: "Дунёда содир бўладиган бирор иш ёки воқеа-ҳодиса тасодифий бўлмай, балки ҳар бирининг воқе бўлиш жойи, вақти ва сабаблари батафсил баён қилиб қўйилгандир", – дейилган.

Хайёмнинг қуйидаги рубоийси Қуръоннинг ўша оятига ҳамоҳанг жаранглайди:

Ризқингни ошигу кам қилиб бўлмас,
Оз-кўп деб кўнгилга гам қилиб бўлмас,

[1] Умар Хайём. Наврўзнома. – Т.: Меҳнат, 1990. 46–53-бетлар.

Бу ишлар сен-менинг қўлимиздаги
Мум эмас-да эзиб хам қилиб бўлмас[2].

Халқда ҳам "Ризқ азалий, тақдир азалий" дейилади.

Хайём ижодида тортишувларга сабаб бўладиган масалалардан яна бири Оллоҳ ва инсон муносабатлари масаласидир. Шоирнинг бу борадаги ёндашуви ҳам олимлар томонидан турлича талқин қилинади. "Наврўзнома" асари Оллоҳга ҳамду санолар билан бошланади: "Жаҳонни яратган, замину замон эгаси, барча тирик мавжудотларга озуқа берувчи, ошкору ниҳонни билувчи, беназиру беҳамто ва бедастуру бениёз, қиёсу саноғи йўқ ягона, қодиру номуҳтож Оллоҳга ҳамду шукроналар, унинг пайғамбарларига таъзимлар, пок Одами сафийдан бошлаб то араблардан чиққан пайғамбар Муҳаммад мустафо саллоллоҳу алайҳа ҳамда унинг ёру қариндошларига Оллоҳнинг марҳамати бўлсин"[3]. Хайём Оллоҳга шукронаси ва чексиз муҳаббатини рубоийларида ҳам ифодалайди:

Умрим қийноқдадир, дардим бешлож,
Роҳат қисқа, заҳмат топмоқда ривож,
Худога минг бора шукрки, бало
Ва кулфатга мени этмади муҳтож[4].

Қуръоннинг "Оли имрон" сураси 20-оятида "Ўзимизни Оллоҳга топширдик – унга бўйсундик", – дейилади. Хайём бир рубоийсида одамнинг қисмат олдидаги ожизлиги шундай тасвирланади:

Ё раб, лойимни-ку қорган ўзингсан
Ўриш, арқоғимни ўрган ўзингсан
Ёмонманми, яхши, мен қандоқ билай,
Тақдир манглайимни берган ўзингсан[5].

Юқоридагилардан кўринадики, инсон ва унинг тақдири масаласида Хайём рубоийлари илоҳий китобга тўла ҳамоҳангдир. Рубоийда бир нидо бор, нажот кутиш бор, Оллоҳга таваккул бор.

"Бақара" сурасининг 37-оятида: "Албатта у (Оллоҳ) тавбаларни қабул қилувчи меҳрибон зотдир", – дейилган. Хайёмнинг бир рубоийсида ана шу оятга суянган ҳолда чин дилдан қилинган тавбани Оллоҳ қабул қилишига ишонч акс этади:

Авфинг бор, гуноҳдан қўрқув билмайман,
Ризқ бердинг, йўл ранжин кўзга илмайман.
Раҳмингдан оқ юз-ла турсам маҳшарда,
Номим қора дея ташвиш қилмайман[6].

Хайём рубоийларида акс этган бу каби ҳолатлар таъсири Пауло Коелонинг "Алкимёгар" асардаги қуйидагича намоён бўлади: "Худонинг қаҳри қаттиқ, аммо унинг марҳамати ҳам чек-чегарасиз"[7]. Қуръоннинг "Наҳл" сураси 119-ояти ҳам бу фикрни тасдиқлайди: "Парвардигорингиз мағфират қилгувчи меҳрибон зотдир".

Хайём рубоийларининг айримлари ҳаёт ўткинчилиги, ўлим ва қайта тирилиш

[2] Умар Хайём рубоийлари. –Т.: "Радуга", 1985. 153-бет.
[3] Умар Хайём. Наврўзнома. –Т.: Меҳнат, 1990. 10-бет.
[4] Умар Хайём рубоийлари. –Т.: "Радуга", 1985. 29-бет.
[5] Умар Хайём рубоийлари. –Т.: "Радуга", 1985. 318-бет.
[6] Ўша асар, 308-бет.
[7] Пауло Коело. Алкимёгар. –Т.: 2013. 8-бет.

ҳақидадир. "Бақара" сурасининг 28-оятида: "Ўлик танангизга жон берган, кейин ўлим берган, сўнгра яна тирилтиргандан кейин ўзига қайтажаксиз", – дейилган. Яратганнинг бу марҳамати Хайём рубоийсида қуйидаги йўсинда акс эттирилади:

Сенинг мафтунингман, берайин хабар,
Уни икки сўз-ла этай мухтасар:
Ишқинг тупроқ қилгай, аммо меҳрингдан
Бошимни кўтариб, бўлгум жилвагар[8].

Худонинг ишқида тупроқ бўлиш ва қайта тирилишга маҳкумликдан шодмонлик акс этган ушбу рубоийда. Оллоҳнинг иродаси сабаб қайта тирилишга ишонч шоирни ўлим қўрқувидан халос этади. Ўз ожизлигини билган инсоннинг илтижоси Худо ризолигини, муҳаббатини уйғотади.

Хайём рубойиларида инсон ўзининг ҳалол меҳнати билан топиб еган ризқу насибаси дунё бойликларидан устунлиги куйланган. Унинг шу йўналишдаги рубоийлари инсонни қаноат, олижаноблик ва мардликка чорлайди:

Танангда бор экан, томир, суяк, пай,
Яшайвер тақдирнинг уйидан чиқмай.
Ёв Рустам бўлса ҳам бўйингни эгма,
Миннат чекма, дўстинг бўлса Хотами Тай[9].

Тўртликда тақдирга тан берган инсон Рустамдай қудратли ёв қаршисида ҳам бўйин эгмаслиги, Хотами Тайдек дўстга ҳам эҳтиёжманд бўлмаслиги акс этган.

Хайём асарларида инсоннинг қобилият ва илми унинг буюклигига боис бўлсада, одамийлиги асосий ўлчов экани таъсирли тасвир этилади:

Фақат илм билан баландмас одам,
Аҳду вафо билан баланд паст одам.
Сўзи билан иши бир келса агар
Ҳар нарсадан баланд, муқаддас одам[10].

Аҳдга вафо қилиш, сўз билан иш бирлигига эришиш чин одамнинг фазилати экани мазкур рубоийда эсда қоларли йўсинда акс эттирилган.

Хайём учун энг азиз, Худо томонидан мукаммал қилиб яратилган мўъжиза инсон қалбидир, инсонни эъзозлаш унинг қалбига йўл топа билиш муҳимлигига ижодкор ўз рубоийларида алоҳида тўхталади:

Бир гариб кўнглини қила олсанг шод,
Яхшидир ер юзин қилгандан обод.
Лутфинг-ла бир дилни қул қила олсанг,
Афзалдир юз қулни қилгандан озод[11].

Маълумки, Хайём ижодида энг кўп тортишувларга сабаб бўлган масала май поэтик образидир. Хайём рубоийларида куйланган май образи ҳали-ҳануз нафақат оддий китобхонлар, балки хайёмшунос олимлар орасидаги тортишувларга ҳам сабаб бўлиб келмоқда. Мутафаккир ўзининг "Наврўзнома" асарида майнинг фойдали ва зарар-

[8] Умар Хайём рубоийлари. –Т.: "Радуга", 1985. 145-бет.
[9] Ўша асар, 404-бет.
[10] Ўша асар, 157-бет.
[11] Умар Хайём рубоийлари. –Т.: "Радуга", 1985. 441-бет.

ли хусусиятлари ҳақида маълумотлар беради. Ўз хулосаларида у Абу Али ибн Сино, Муҳаммад Закариё сингари олимларнинг қарашларига таянади. Майнинг қандай даволовчи хусусиятлари борлиги, касаллик турлари ва даражасига қараб ундан қандай фойдаланиш кераклиги, майни тайёрлаш йўллари ҳақида тушунча беради[12]. Биламизки, май масаласига Қуръонда ҳам алоҳида тўхталинган. "Наҳл" сурасининг 67-оятида "Хурмо ва узум меваларидан ичилувчи нарса ва чиройли ризқ оласизлар. Албатта бунда ақл эгалари учун далил ва ҳужжатлар бор", – дейилган. Қуръон тафсирида ушбу оят мазмуни: "Хурмо ва узум меваларидан мурод қуритилган хурмо, майизлар, сиркалар ва шароблар оласизлар. Оллоҳнинг қудрати чексиз"[13], – тарзида изоҳланади.

"Бақара" сурасининг 219-оятида "Эй Муҳаммад сиздан умматларингиз хамр ҳақида сўрайдилар, бас айтинг, уларга хамрда катта гуноҳ бор ва инсонлар учун фойдали жиҳатлари ҳам бор". Оятнинг биринчи ярмида маст қилувчи ичкиликнинг умумий хусусиятига, иккинчи ярмида хамрдан келадиган баъзи фойдалар тилга олинган. Ислом эндигина ёйилган даврда халқ орасида хамр ичиш одат ҳисобланиб, ақл чироғини қоронғилаштирувчи бу иллат кенг ёйилган эди. Нақл қилишларича, саҳобалардан бири Абдураҳмон бинни Авф хамр ичиб, намозга ўтган ва "Куллиё" оятини ўқишда "-вал" қўшимчасини қолдириб кетгани сабаб оятнинг маъноси ўзгариб, "биз бутларга сиғинмаймиз" ўрнига "сиғинамиз" бўлиб қолган. Саҳобалар бу ҳодисани пайғамбарга айтганларида, "Нисо" сурасининг 43-ояти нозил бўлган: "Эй имон келтирган бандалар маст ҳолатларингизда намозга яқинлашманглар. Ҳатто гапираётган вақтингизда тўғри гапиришга ишонч ҳосил қилгунларингизча".

Бу масалага "Моида" сурасининг 90- ва 91-оятларида яна қайтилади. Араблар орасида хамр ичишнинг оммалашиб кетгани бунга сабаб бўлганди. Суранинг 90-оятида "Эй имон келтирган бандалар батаҳқиқ хамр, қимор ва бутлар учун сўйиладиган қурбонликлар, чўплар билан фолбинлик – буларнинг барчаси шайтоннинг ишидир (амалидир). Ўзларингизни бундай ишлардан тийинглар, шояд нажот топсаларингиз". Бу фикр 91-оятда давом эттирилади: "Батаҳқиқ шайтон хамр ва қимор орқали сизларнинг ўрталарингизга адоват ва ҳасад қилмоқни солиб қўяди ва сизларни Оллоҳ зикри ва намозларидан тўсиб қўяди. Шу билан қаноатланасизларми?!" Маст қилувчи ичкилик ҳақида Оллоҳнинг китобида тўртта оят мавжуд бўлиб, биринчи оятда ичкилик ҳақида, иккинчисида унинг фойда ва зарари, кейинги иккитасида фақат зарари ҳақида сўз боради. Кўринадики, "Қуръон"да хамрнинг зарари тўрт босқичда тушунтирилади. "Хамр" сўзининг луғавий маъноси инсон ақлини заифлаштирувчи, уни йўлдан оздирувчи, эзгуликдан тўсувчи ҳар қандай нарса хамрдир. Хамр гуноҳни кўпайтириб, намоз, сажда, Ҳудони унуттирувчи яратиқдир. Шунинг учун ҳам ундан воз кечишга чақирилади.

Тасаввуф адабиётида бода, май, шароб, ишқ, муҳаббат образлари Оллоҳ ишқи билан изоҳланади. Май куйиладиган идишлар: жом, қадаҳ, паймона тасаввуфий маънони англатиб, сўфий қалбининг маърифатга тўлишини англатади. Хайём рубоийларининг кўп ўринларида май ишқ-муҳаббат, ошиқлик, Парвардигорга интилиш, Унинг висолига етиш учун қайнаб жўшиш маъноларида келади.

Олам сардафтари ишқнинг имлоси,
Ёшлик қасидасин жилва зиёси,
Эй ишқ оламидан хабарсиз, билгил,
Ишқ эмасми асли ҳаёт маъноси[14].

[12] Умар Хайём. Наврўзнома. –Т.: Меҳнат, 1990. 46–53-бетлар.
[13] Тавсари Қуръон жалолайн ҳижрий 1393. 35-бет.
[14] Умар Хайём рубоийлари. –Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1985. 33-бет.

Хайёмнинг бошқа бир рубойисида:

Май нодонга ҳаром, донога ҳалол,
Ким-ла, қачон, қайда ичмоқ мумкин, билиб ол.
Шул уч масалани ҳал эта олсанг,
Демак билимдонсан, сипқор бемалол[15].

Зикр қилинган рубойида май ичган ошиқ илтижоларидан кўнгил тозариб, ақл чархланиши, кўзнинг равшанлашуви назарда тутилмоқда.

Май балқиган ёқут, кўза-чи кондир,
Қадаҳи бадану шароби жомдир.
Биллурин бу қадаҳ майдан хандондир,
Кўзёшу дил қони майда пинҳондир[16].

Май – гўзалликка ишора. У хурсандчилик, хандонлик, билимдонлик, донолик ва бошқа тимсолларга муқобил берилади. Рубоийда хурсандчилик, нолаю афғонлар, кўзёшлари, интилишлар, нола ва саждалар умумлаштириб ифода этилган.

Хайём лирикасида май ишқ, ошиқлик, тозалик, гўзаллик маъноларини касб этади. Унинг рубоийларида май, яъни Ҳақ жамолига интилиш барча мушкулларни осон қиладиган, ҳар қандай тугунни ечадиган, кеккайган ҳар қандай бошни эгилишга мажбур этадиган восита сифатида тасвирланади. Агар Азозил ҳам ўз вақтида шу майдан бир қултум ичганида Яратганга қарши бормай одамга сажда қилган бўлиши ўзига хос йўсинда тасвирланади:

Ичкилик кеккайган бошни қилур хам,
Майдан ечилмаган бирор тугун кам.
Бир қултум май ичган бўлсайди шайтон,
Минг сажда қиларди одамга ул ҳам[17].

Хайём рубоийларининг асосий қисмини Оллоҳ ишқидан, унга муҳаббатдан қувват олиш натижасида инсоннинг ғайриоддий шароитга тушиши, Худонинг бирлигига, унинг қудратига, инсоннинг "обугил"дан яратилишига, ўлими ва қайта тирилишига чексиз ишончи акс этган тўртликлар ташкил қилади:

Мен ўлсам, май бирла ювишни кўзланг,
Йўқловда жом бирла шаробдан сўзланг.
Қиёмат кунида топмоқ бўлсангиз,
Майхона тупроғин тубидан изланг.

Май – Ҳақ жамолининг рамзи. Майхона – Оллоҳга ошиқлар, шайдолар унга яқинлашиш йўлини қидирадиганлар жойи. Бу инсон амали натижасида Худодан бериладиган жаннат рамзидир. Шоир рубоийларида тасвирланган май таъсирида дунёга келган кўнгил жунбушлари ўқувчини завқлантиради, уни ҳаётни севиш, шукроналикка ундайди, айни вақтда чуқур ўйга толдиради.

Юқорида айтилганлардан қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

Биринчидан, Хайём рубоийларининг мавзу йўналиши, поэтик образлар тизими карор топишида Қуръон оятлари асос бўлган.

[15] Ўша асар, 159-бет.
[16] Ўша асар, 82-бет.
[17] Ўша асар, 310-бет.

Иккинчидан, май тавсифи Умар Хайём рубоийларида катта ўрин тутишига бу тимсолнинг тасаввуфий маънога эгалиги сабабдир. Рубоийлар замирига теранроқ назар ташлаш уларда сўфиёна ёндашув етакчилигини кўрсатади.

Учинчидан, май Умар Хаёмда нафақат Оллоҳ жамолига интилиш, унинг зикрини қилиш, балки ҳаёт фалсафасини турфа поэтик йўсинда ифодалаш воситаси ҳамдир.

Тўртинчидан, Яратувчига бўлган чексиз муҳаббат, унга интилиш, ўзининг қисмат олдидаги ожизлигини теран ҳис этиш туйғуларининг самимий ифодаси Умар Хайём рубоийларига жанрий мукаммалик, композицион ихчамлик, фалсафий мазмун, таъсирли поэтик образлар бахш этди.

Қомусий олим, серқирра ижодкор Умар Хайёмнинг бадиий мероси бошдан-оёқ ҳикматга йўғирилгандир. Хайёмона бадиият бизни олам ва одам муаммолари юзасидан фикрлашга, мушоҳада юритишга чорлайдики, унинг жозибадорлик қудрати ҳам худди ана шундадир.

Агар қилса киши ёлғонга одат,
Разолатда яшаб чекгай надомат.
Халойиқ ичра бўлмас эътибори,
Гегар бошига чўқ санги маломат.
Кимнинг бўлса агар ёлғончи исми,
Бу исми ўзга бўлмас то қиёмат.
Чиқмас эл ёлғончининг сўзига,
Агар бўлса сўзи кашфу каромат.

Абдулла АВЛОНИЙ

Ширин хаёлларим битмади ҳали



Фотима МИРЗАБОЕВА

Бир чимдим бахт бергин

Тақдир юргизса ҳам довон йўллардан
Умидвор этади бир тотли хаёл.
Бепарво, бехабар бизнинг ҳоллардан
Мен севган шаҳзода танлаган аёл.

Кўнгил чўққисига етмоғим мушкул,
Тебраниб қоламан жон ҳолатимда.
Муҳаббат шаробин симириб ичгил,
Бахтлисан ҳамиша севги тахтинда.

Телбаларча севиб қизғандим сендан,
Ҳаққим бўлмаса ҳам ёзмиш ишику.
Сен ҳам қизғанг уни ҳамиша мендан,
Севги – ошиқларнинг ширин тушику.

Унинг сўқмоқлари борар сен томон,
Эгасисан сирли қалбининг буткул.
У севган нозанин, танлаган жонон,
Мени ҳам бир дамга бахтиёр этгил.

Бир чимдим бахт бергин, бахтталаш аёл,
Момо Ҳаво зоти – ожизамиз, биз.
Беклар кўп-ку, дема, ўзга – хомхаёл,
У менинг юлдузим, қуёшим ёлғиз.

Фотима МИРЗАБОЕВА – 1962 йилда тугилган. Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университетининг қорақалпоқ филологияси факультетини битирган. "Ишқ торлари", "Давр нафаси" шеърий тўпламлари чоп этилган. Шеърлари ўзбек тилига таржима қилинган.

Сен бойсан, негадир буни билмайсан,
Бахтиёрсан, ундан айрилмайсан ҳеч.
Муҳаббат нуридан унган гулдайсан,
Раҳм айла, тақдирнинг тугунларин еч.

Мен сенга ёлворсам, дема: "Бўлди, бас!"
Буйруққа кўнмайди интиқ юрагим.
Кўплар ҳавас қилган дур, гавҳар эмас,
Унинг бир боқиши, меҳри – керагим.

Бир чимдим бахт бергин, бахтталаш аёл...

Шанба, якшанба

Яна етиб келди шанба, якшанба,
Айрилиқ куйини чалар торлари.
Бу кунлар оташин ҳижронга манба,
Шамолларга сирдош юрак зорлари.

"Кетдингми?" Тил эмас, дилим ёнади,
Сенинг билан тотли армоним кетди.
Икки кун кўнгилнинг синган қаноти
Кўкка учган севги парвози битди.

Сир сандиғим очиб, тинтийман унсиз,
Унда йўл қарайди бахтдан маст аёл.
Гул ҳам сўла бошлар, ахир, булбулсиз,
Асло, юпанмайди бетоқат хаёл.

Юрагим боғидан узилган гулни
Қадамингга тўшай деб ҳалак бўлдим.
Тақдирнинг ўйини устимдан кулди,
Минг бора очилиб, минг бора сўлдим.

Икки кун шод бўлиб кулар ул санам,
Палахмон тошидек учди мунгларим.
Гуллар ундиради сен босган қадам,
Сен билан ҳар қачон нурли тонгларим.

Икки кун мен сенсиз бахтсиз ва карахт,
Ҳижрон кўзлаб отган ўққа нишонман.
Чархпалак мисоли айланади вақт,
Етиб келаверар шанба, якшанба.

Ишон

Чўққилар бошида эримас қорлар,
Чалинмасдан турар энг нозик торлар,
Ширин сўзлар айтса гўзал дилдорлар,
Ишонмагин, фақат ўзимга ишон.

Вақт – елдирим шамол, ўтади зувлаб,
Гоҳ мунгли бўламиз, гоҳида қувнаб,
Қошингда лол бўлдим юрагим ўйнаб,
Сен деб азоб чеккан кезимга ишон.

Чиройли сўзлар бор, айтасан билиб,
Ҳарорат бахш этмас, юрагим илиб,
Парвонадай куйдим ўтга интилиб –
Девона ҳолатим – сўзимга ишон.

Тун қўйни тилсимга тўла ўзингдай,
Юлдузлар ялтирар тотли сезимдай,
Баҳорга айланган ҳаёт кузиндай –
Муҳаббат порлаган кўзимга ишон.

Ҳали

"Ёшлик елдиримдай ўтади", дерлар,
"Барига қўл силтаб кетади", дерлар,
"Юракда муҳаббат битади", дерлар,
Ўтмади, кетмади, битмади ҳали.

Биров севгилисин тенглар юлдузга,
Ёки сув тубида сузган қундузга,
Таърифин бол каби мақтаб оғизга,
Юрса ҳам чин сўзга етмади ҳали.

Сени ҳеч нарсага ўхшатолмайман,
Ўхшашингни, асло, топа олмайман.
Шу дунёда борсан, бошқаси ёлғон,
Кўнглимдан ёлғон сўз ўтмади ҳали.

Парвонадек ўтга урдим ўзимни,
Кимлар тушунади сирли сўзимни,
Сени севиб қолган сирли кезимни
Ойларга, йилларга бермадим ҳали.

Сен юрган боғларнинг файзи бир бошқа,
Изларинг босгансан қайси бир тошга,
Интиқман меҳрингга – нурли куёшга,
Бундан ортиқ бахтни кўрмадим ҳали.

Ёшлигимга гувоҳ сершовқин шаҳар,
Дийдор насибдайин бугун тонг саҳар,
Севгилим, инъом эт, кўнглимга баҳор,
Ўзга фаслни ҳис этмадим ҳали.

Қўл чўздим, интилдим, пинҳона куйдим,
Тақдирим ипини чуватдим, туйдим,
Номингга шеър ёздим, куйладим, суйдим,
Ширин хаёлларим битмади ҳали.

Қорақалпоқ тилидан
Рустам МУСУРМОН таржимаси

Сенинг вазифанг севгини излаш эмас, балки муҳаббатга зид бўлган ичингдаги тўсиқларни топишдир.

Жалолиддин РУМИЙ



Рустам МУСУРМОН

Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими. 1963 йилда туғилган. Тошкент давлат университетини (ҳозирги ЎзМУ) тамомлаган. Шоирнинг "Руҳимнинг товуши", "Хиргойи" каби шеърий китоблари, "Муқанна" қиссаси нашр этилган.

ЯНГИ АДАБИЁТ НАЗАРИЯСИ ЗАРУР



Марҳабо ҚЎЧҚОРОВА

Ўзбек адабий танқидчилиги худди бадиий адабиёт тарихи сингари узоқ йиллик тараққиёт босқичини босиб ўтди. Баъзан баландлаб, баъзан пастлаб, ривожланиб, бойиб, ўзининг аниқ бир қиёфасига эга бўлди. 2017 йилда танқидчиликнинг фольклоршунослик, мумтоз адабиётшунослик, XX аср ўзбек адабиёти ва ҳозирги адабий жараён, адабиёт назарияси, таржима ва адабий алоқалар каби асосий йўналишлари таҳлил этилганда қуйидаги манзара ҳосил бўлади.

Фольклоршунослик йўналиши бўйича катта, ўрта ҳамда ёш авлод танқидчиларидан С. Рўзимбоев (“Ўзбек тили ва адабиёти”, 2017. №1. З. Эшонова (“Ўзбек тили ва адабиёти”, 2017. №1), Н. Очилов (“Ўзбек тили ва адабиёти”, 2017. №2), Ш. Назарова (“Шарқ юлдузи”, 2017. №1), М. Темирова (“Шарқ юлдузи”, 2017. №1), У. Усмонова (“Шарқ юлдузи”, 2017. №6), Ш. Имомназарова (“Ўзбек тили ва адабиёти”, 2017. №3. “Ёшлик”, 2017. №4), М. Зоҳидова (“Шарқ юлдузи”, 2017. №9), М. Жўраева (“Ёшлик”, 2017. №3) Ф. Жабборов (“Шарқ юлдузи”, 2017. №11) каби фольклоршуносларимизнинг илмий мақола ва тақризлари даврий матбуот саҳифаларида нашр этилган. Албатта, ҳар бир мақола, мақола муаллифлари, яратилган барча мақолаларнинг илмий янгилиги, ютуқлари ва камчиликлари хусусида батафсил тўхталиш имконимиздан ташқари иш бўлгани боис, уларнинг умумий савияси, тенденцияларига тўхталиб ўтамиз. Маълумки, ўзбек фольклоршунослиги 100 йилдан ортиқ вақт давомида катта адабий мактаб сифатида шаклланди. Бугунги кунда бу соҳада Т. Мирзаев етакчилигидаги М. Жўраев, Ш. Турдимов, Ж. Эшонқулов ҳамда вилоятлардаги фольклоршунос олимлар С. Рўзимбоев, Д. Ўраева сингари адабий жамоатчиликка, қолаверса, халқаро миқёсда ҳам танилган фольклоршунос олимларимиз фаолият олиб боришмоқда. Устоз-шогирдлик анъанаси фольклоршунослик соҳасида кўнгилдагидек кечаётганини фахр билан тилга олиш мумкин. Устозлар етовида тадқиқотлар олиб бораётган ўрта ва ёш авлод 2017 йил давомида халқ оғзаки ижоди жанрлари (достон, эртак, қўшиқ, мақол, алла) ва уларнинг муҳим бадиий-ғоявий хусусиятлари ўрганилган. Хусусан, ёш фольклоршунос тадқиқотчилар орасида Шаҳноза Назарованинг “Қаҳрамон,

---

Марҳабо ҚЎЧҚОРОВА – филология фанлари номзоди. 1976 йилда туғилган. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУ) ўзбек филологияси факультетини тамомлаган. “Бадиий сўз ва руҳият манзаралари” номли илмий монография муаллифи. “Ҳозирги ўзбек насрида бадиий шартлилик” мавзусида докторлик диссертацияси устида иш олиб бормоқда.

ҳомий ва кўмакчи” ҳамда Фаррух Жабборовнинг “Маликаи айёр”да ҳаёт дарахти” мақолаларини алоҳида ажратиб кўрсатиш жоиз. Ҳар икки тадқиқотчининг илмий мақолаларида масалага чукур кириш, киёсий-типологик, илмий-академик услубда фикрлаш тенденцияси кўзга ташланиб турибди. Устоз фольклоршунос С. Рўзимбоев “Хоним халфа ҳаётининг янги саҳифалари” мақоласида шўро даври адабиётшунослигида айтилиши, талқин этилиши мумкин бўлмаган жиҳатларни таҳлил этиб берган ва шу тариқа илмий жамоатчиликка янги маълумотларни тақдим этган.

Ўзбек мумтоз адабиёти йўналиши бўйича И. Ҳаққулов (“Ўзбек тили ва адабиёти”, 2017. №1, №2), Ш. Сирожиддинов (“Ўзбек тили ва адабиёти”, 2017. №1), С. Олим (“Ўзбек тили ва адабиёти”, 2017. №1), Д. Салоҳий (“Ўзбек тили ва адабиёти”, 2017. №2. “Шарқ юлдузи”, 2017. №6), Н. Жумахўжаев (“Шарқ юлдузи”, 2017. №3), Қ. Эргашев (“Ўзбек тили ва адабиёти”, 2017. №1, №5), А. Абдуқодиров (“Ўзбек тили ва адабиёти”, 2017. №1), Э. Очилов (“Ўзбек тили ва адабиёти”, 2017. №1, №5), Б. Ражабова (“Ўзбек тили ва адабиёти”, 2017. №1, №3, №4), Т. Хўжаев (“Ўзбек тили ва адабиёти”, 2017. №4), Ф. Каримова (“Ўзбек тили ва адабиёти”, 2017. №1), З. Қобилова (“Ўзбек тили ва адабиёти”, 2017. №5), А. Қурбонов (“Ўзбек тили ва адабиёти”, 2017. №5. “Шарқ юлдузи”, 2017. №.11), М. Асадов (“Ўзбек тили ва адабиёти”, 2017. №1, №3, №5, №4), С. Маткаримова (“Ўзбек тили ва адабиёти”, 2017. №1), Т. Султонов (“Ўзбек тили ва адабиёти”, 2017. №1), М. Бердимуродова (“Ўзбек тили ва адабиёти”, 2017. №2), К. Раҳимов (“Ўзбек тили ва адабиёти”, 2017. №4), М. Шарипова (“Ўзбек тили ва адабиёти”, 2017. №4), И. Исмоилов (“Ўзбек тили ва адабиёти”, 2017. №5), А. Эркаев (“Шарқ юлдузи”, 2017. №.4), А. Асил (“Шарқ юлдузи”, 2017. №4), З. Мамадалиева (“Шарқ юлдузи”, 2017. №.10), А. Абдужалилов (“Ёшлик”, 2017. №2) каби турли авлод вакилларининг мақола ва тақризлари даврий матбуотда чоп этилган.

Шуни алоҳида қайд этишни истардикки, “Ўзбек тили ва адабиёти” журналининг ҳар йилги 1-сони Алишер Навоий юбилейига бағишланади. Ушбу илмий-ижодий анъана 2017 йилда ҳам давом эттирилган, бу сонда шоирнинг 576 йиллик юбилейи муносабати билан адабиётшунос ва тилшунос олимларнинг жами 15 та мақоласи чоп этилган. Кузатишларимиз натижасида, ўзбек навоийшунослигини *“анъанавий навоийшунослик”* ва *“янги ўзбек навоийшунослиги”*га ажратиш мумкинлигини ҳис этдик. Навоий ҳаёти ва ижодига ёндашувда ўзбек адабиётшунослигининг янги авлоди шаклланди. Хусусан, янги навоийшунослар сифатида Сувон Мелиев, Узоқ Жўрақулов каби олимларнинг мақола ва монографияларини кўрсатиш мумкин.

2017 йил “Ўзбек тили ва адабиёти” журналида нашр этилган Ш. Сирожиддиновнинг “Навоийни англаш – ўзликка қайтиш демак”, И. Ҳаққулнинг “Навоий шеъриятида тарк тушунчаси ва талқинлари”, С. Олимнинг “Сўзнинг шаклдошлиги ва кўпмаънолигига асосланган бадиий санъатлар”, Қ. Эргашевнинг “Айрим мавзу ва образлар бадиий талқинида Ренессанс ғояларининг инъикоси”, Э. Очиловнинг “Нажмиддин Комилов – навоийшунос”, Б. Ражабованинг “Алишер Навоий ва Имом Бухорий” каби ўндан зиёд мақолалар Навоий ижодининг турли қирраларини ўрганишга бағишланган. Шунингдек, шоҳ ва шоир Амирийнинг 230 йиллиги муносабати билан ёзилган И. Ҳаққуловнинг “Амирий шахсияти ва форсий шеърияти” (“Ўзбек тили ва адабиёти”, 2017. №5), З. Қобилованинг “Амирий ва унинг адабий мероси” (“Ўзбек тили ва адабиёти”, 2017. №5), Э. Очиловнинг “Амирий ижодида Бедил анъаналари” (“Ўзбек тили ва адабиёти”, 2017. №5) мақолалари эътиборни тортади.

Умуман олганда, Истиқлолдан кейинги даврда адабий танқидчиликнинг барча соҳаларида ЯНГИЧА илмий қарашлар билан шўро даври (таъбир жоиз бўлса, эски) танқидчилиги тўқнаш келиб қолди. Шунинг учун ҳам янги ўзбек фольклоршунослиги, янги навоийшунослик, янги ўзбек насри, янги ўзбек шеърияти, янги ўзбек адабиёти деган истилоҳлар пайдо бўлди. Айни пайтда бу икки адабий авлод вакиллари бадиий асарга, ижодкор биографиясига, ижодкор лабораториясига ёндашувда икки хил йўлда қоим туришибди. Хусусан, Навоий ва бошқа мумтоз адабиёт намояндалари ижодини ислом дини ва "Қуръони Карим" анъаналари, шунингдек, тасаввуф илми билан муштаракликда ўрганиш ва талқин этиш тамойиллари кўзга ташланмоқда. Бизнингча, олимларимиз мумтоз адабиёт вакиллари ижодини таҳлил этишда оддий халққа тушунарли қилиб етказишга интилишлари даркор. Ҳадеб, Навоий ва унинг салафлари ҳаёти ва ижодини Ислом дини ва тасаввуф билан ҳаддан зиёд боғлаб ташлаш тамойиллари унчалик тўғри эмас. Танқидчи бадиий адабиёт тарихининг қайси бир даврини тадқиқ этмасин, холислик, ҳаққонийлик, адолатлилик мезонларидан асло чекинмаслиги керак.

Бадиий тафаккурнинг янгиланиши муносабати билан танқидчиларимиз фаолияти ва таҳлилларида янги илмий тафаккур элементлари, янгича таҳлил методлари вужудга келди. Албатта, бу ижобий ўзгаришларни мамнуният билан таъкидлаш даркор. Эндиликда ўзбек адабиётшунослигида турли фанларнинг аралашуви натижасида кесишма таҳлиллар вужудга келди. Жумладан, бир қатор танқидчиларимизнинг илмий изланишларида адабиёт ва дин, адабиёт ва фалсафа, адабиёт ва фольклор, адабиёт ва миф, адабиёт ва тарих, адабиёт ва психология сингари икки фанга хос текшириш методлари чатишиб кетганини кузатиш мумкин. Бундай фанлараро кесишув табиийки, танқидчилик соҳасида катта ва янги илмий-ижодий тафаккур уфқларининг кенгайишига асос бўлади.

ХХ аср ўзбек адабиёти ва ҳозирги адабий жараён йўналиши бўйича даврий матбуотда турли авлод вакилларининг, жумладан, Н. Каримов ("Ўзбек тили ва адабиёти", №3), Б. Назаров ("Ўзбек тили ва адабиёти", №2), Н. Раҳимжонов ("Шарқ юлдузи", №3), И. Ҳаққулов ("Ўзбек тили ва адабиёти", 2017. №3), Д. Тўраев ("Шарқ юлдузи", №6), Ҳ. Умуров ("Ёшлик", 2017. №8), М. Холбеков ("Ёшлик", 2017. №12), Б. Карим ("Шарқ юлдузи", №9. "Тафаккур", №2. "Ёшлик", 2017. №4, №7), Ш. Аҳмедова ("Ўзбек тили ва адабиёти", №2), С. Мелиев ("Шарқ юлдузи", №11), А. Алимбеков ("Шарқ юлдузи", №4), Р. Баракаев ("Ўзбек тили ва адабиёти", №4), С. Тўлаганова ("Ўзбек тили ва адабиёти", №5, "Шарқ юлдузи", №3), А. Пиримқулов ("Шарқ юлдузи", №6), И. Ҳасанов ("Шарқ юлдузи", №10), И. Санаев ("Шарқ юлдузи", №6), Л. Шарипова ("Ёшлик", 2017. №6), М. Шералиева ("Шарқ юлдузи", №1, "Тафаккур", 2017. №1), Ф. Ражабова ("Ўзбек тили ва адабиёти", №1), С. Қуронов ("Ўзбек тили ва адабиёти", №2), И. Ибрагимов ("Ўзбек тили ва адабиёти", №2), Д. Тожибоева ("Ўзбек тили ва адабиёти", №4), У. Амонов ("Ўзбек тили ва адабиёти", №5), Б. Ёқубов ("Шарқ юлдузи", №3), З. Сувонов ("Шарқ юлдузи", №9), О. Тошбоев ("Ёшлик", 2017. №5) кабиларнинг мақолалари чоп этилди.

Замонавий адабиёт йўналишида ёзилган мақолалар орасида Н. Каримовнинг "Абдулла Қодирийнинг адабий-эстетик қарашлари", Б. Назаровнинг "Эркин Воҳидов ижодида трагикомедия", И. Ҳаққуловнинг "Ҳассос адабиётшунос ва толмас мураббий", Б. Каримовнинг "Бобур ва Қодирий", С. Мелиевнинг "Таҳлил мусиқаси", У. Ҳамдамнинг "Бир мисра остидаги минг хазина", С. Тўлаганованинг "Ижодкор шахсини ўрганишнинг назарий муаммолари", С. Куроновнинг "Шеъри-

ятда бадиий синтез муаммоси" тадқиқотлари оригинал таҳлили, оҳори тўкилмаган янгича қарашлари, илмий кузатувлари билан алоҳида ажралиб туради. Хусусан, С. Мелиев "Таҳлил мусиқаси" мақоласида Азиз Абдураззоқнинг "Оқликка шафқат" ҳамда "Эҳтиёт шарт" номли икки шеърини батафсил, оригинал таҳил этиб беради. Асосий йўналиши мумтоз адабиёт бўлса-да, замонавий адабиёт соҳасида ҳам жиддий тадқиқотлар яратиб келаётган И. Ҳаққуловнинг "Ҳассос адабиётшунос ва толмас мураббий" мақоласи профессор Тожи Қораевнинг илмий-ижодий ва педагогик фаолиятини эслаш, қолаверса, домла яратган қатор тадқиқотлар мазмуни ва ўзига хос қизиқишларини ҳам илмий, ҳам публицистик, ҳам эссеистик тарзда талқин этиши билан диққатимизни ўзига жалб этди. Умуман, 2017 йил давомида замонавий адабиёт йўналишида ниҳоятда теран, жиддий тадқиқотлар яратилгани кишини қувонтиради. Лекин 100 йилдан зиёд вақтни кўз олдимизга келтирганимизда, бу тадқиқотлар денгиздан бир томчи экани ҳис этилади. Ёзиладиган, ўрганиладиган адиблар, адабий авлодлар, муаммолар, бадиият қирраларининг янги-янги жиҳатларини очиб бериш бугунги адабий жараён билан шуғулланаётган мутахассислар елкасига катта масъулият юкламоқда. Айниқса, шўро даври ижодкорлари яратган дурдоналарга, уларнинг давр билан ҳамнафас яратилган ижодига янгича талқинлар зарур бўлиб турибди. Албатта, бундай янгича талқинлар қатор адабиётшуносларимизнинг мақолаларида кўзга ташланмоқда. Шўро даври ўзбек адабиётига нисбатан ёппасига салбий муносабатда бўлиш кайфиятида бўлмаслигимиз керак. Аксинча, ижодкор ва давр, ижодкор ва унинг илгарилаган бадиий тафаккур қирраларини очиб беришга ҳаракат қилиш даркор.

Адабий танқидчиликнинг турли йўналишларида фаолият олиб бораётган олимлар ва ёш тадқиқотчиларнинг иқтидори, бадиий асарни ҳис қилиш диди, фанга бўлган муносабати бир хил эмас. Баъзи бир ёш тадқиқотчилар, ҳатто фан доктори, фан номзоди унвонига эга бўлган олимларнинг ишларида ҳам примитив, баёнчилик, қуруқ ҳикоя қилиш кузатилади. Танқидчи қачонки, бадиий асардан, ёзувчидан кўтарила олса, у бадиий асарни тўлақонли жуда бўлмаса, кўнгилдагидек таҳлил қила олади. Афсуски, 2017 йилда чоп этилган баъзи мақолаларда илмий муаммонинг ўзи йўқ. Ёки шеърий парчани келтириб, орқасидан насрда баён этиш, насрий асарни ҳам қайтадан ҳикоялаш, баён этиш кузатилмоқда. Тўғри, танқидий-таҳлилий мақолаларда танқидчининг ўз мақсадини амалга ошириш учун асардан парчалар келтириш, ҳатто баён қилиш ҳам керак. Аммо бу ҳолатлар меъёрида бўлгани тузук.

Ҳар бир фан соҳасининг келажагини айта олувчи "Синоптик олимлари" бўлади. Улар илм-фаннинг келажакдаги тараққиётини бошқаларга қараганда, камида 5–10 йил олдин кўра олади. Шу маънода, уларни "Илмнинг хос эгалари" деб таърифлаш мумкин. Бугунги замонавий адабиётни ўрганиш соҳасида анча оқсоқликлар кузатилади. И. Султон, М. Қўшжонов, Б. Саримсоқов каби олимларимизнинг ўрни сезилади. Улардаги адабиёт тараққиётини олдиндан сеза олиш, кўра билиш қобилияти ноёб туғма талантдир. Бугунги кунда ҳам саноқли бўлса-да, "синоптик олимларимиз" бор. Жумладан, турли йўналишда ижод қилаётган Н. Каримов, У. Норматов, Б. Назаров, Н. Раҳимжонов, И. Ҳаққулов, Ҳ. Абдуллаев, Й. Солижонов, Ҳ. Болтабоев, Д. Қуронов, С. Мелиев, Б. Карим, У. Жўрақулов каби олимларимиз ана шундай туғма қобилият соҳибларидир. Ўзбек адабий танқидчилигининг ижодий-илмий фаолиятини жадаллаштириш ва сифат жиҳатдан уни янгилаш мақсадида тадқиқотчилар доимо уларнинг илмий маслаҳатларига муҳтождирлар.

Адабиёт назарияси, таржима ва адабий алоқалар йўналиши бўйича матбуот саҳифаларида М. Холбеков, С. Мелиев, Х. Раҳимов каби кўплаб олимларимизнинг танқидий, таҳлилий мақолалари чоп этилган. Назаримизда, кейинги пайтда устоз-шогирдлик анъаналарида бир қадар сусткашлик сезилади. Баъзи устозлар шогирдга қандай мавзуни ишлаш кераклиги ҳақида фикр бера олмайди. Аммо шунга қарамасдан, шогирд олишга ишқибозлар. Қарабсизки, устоз-шогирднинг югургани сомонхонагача қабилида илмий ишлар ёзилаётир. Қачонки, устознинг билими, диди, илмий тафаккури теран бўлса, у сифатли шогирд тайёрлашга қобил бўлади.

Баъзи бир танқидчиларимизда нигилистик қараш бор. Уларнинг наздида фақатгина адабиётда лидер бўлган ижодкорларнигина ўрганиш, улар ҳақида тадқиқотлар яратиш керак деган фикр бор. Бу қараш ҳам мутлақо нотўғри. Ҳамма даврларда бўлгани каби катта истеъдодлар атрофида ўртамиёна ижодкорлар ҳам тинмасдан қоғоз қоралашади. Адабий танқидчилик эса уларнинг ҳам асарларини ўқиб, одилона баҳо бериши адолатдандир.

2017 йилда яратилган адабий-танқидий тадқиқотлар рўйхати ва уларнинг мазмунидан қуйидагилар англашилмоқда:

Адабий танқидчилик бир жойда муқим туриб қолгани йўқ, у имкон қадар ҳаракатда; аммо яратилган барча тадқиқотларнинг илмий савиясини юқори даражада деб бўлмайди. Уларнинг баъзиларида қуруқ баён, фактографиклик, компляция, мақоладан мақола ясаш ҳоллари учрайди. Чинакам соф илмий-назарий мақола эса ҳар кун, ҳар соатда яратилавермайди, буни ҳам назардан четда қолдирмаслик керак.

Энг жиддий гап эса, ўзбек адабиётшунослигида ҳали ҳамон миллий ўзбек адабиёт назариясининг яратилмаганлигидир. Бадиий асар қонуниятларини чиқаришда олимларимиз рус-европа адабиётшунослари яратган назарий қонун-қоидалар асосида илмий хулосалар чиқаришаяпти. Биз бунга қарши эмасмиз. Илмнинг тошу тарозиси ҳамма жойда бир хил мезонга эга. Аммо ўзбек олимлари токайгача хорижлик олимлар яратган назарияларга сажда қилади?

Бир йиллик адабий-танқидий мақолалар жанр нуқтаи назаридан қаралганда, муаммоли мақола, таҳлилий мақола, тақризлар, юбилей мақола, умумлаштирувчи илмий-академик мақола, эссе-мақола шаклларини кузатиш мумкин. Замонавий адабиёт бўйича ёзилган мақолалар XX асрнинг энг катта ижодкорлари А. Қодирийдан тортиб, энг ёш адабий авлод ижодини таҳлил ва талқин этиб беришга бел боғлаган. Аммо даврлар, адабий сиймолар, асарлар кўп. Бадиий адабиётнинг кўлами катта. Уни ўрганадиган чинакам мутахассис эса кам. Халқ иборaси билан айтганда, "дард бору, дармон йўқ". Аммо шунга қарамасдан, адабий танқидчилик ўз миссиясини баҳоли қудрат бажаришда давом этиб келмоқда.

2017 йил сарҳисобида илмий мақолалар ва тақризларнинг сони 100 дан ошиб кетди. Ўзбек адабий танқидчилигининг савиясини кўтариш мақсадида, бугунги замонавий адабиётдаги янгиланишларга мос Янги миллий адабиёт назариясини яратиш зарурияти туғилмоқдаки, бу айни пайтда назариётчи олимларимиз олдига катта бир масъулиятли ишни кўндаланг қўймоқда. Абдула Қаҳҳор бир пайтлари ўзбек адабиётининг келажагини буюк деб таърифлаган эди. Биз ҳам Абдулла Қаҳҳорнинг некбин орзу-ниятларига эш равишда адабий танқидчилигимизнинг ҳам келажаги буюк бўлишига умид қиламиз.



Элбек ШОЙИМ

Митти ҳикоялар

Бировнинг ҳақи

Биз томонларда катталар ҳалигача янги уй қуриб, алоҳида кўчиб чиққан ёш оилага рўзғорнинг баракаси бўлади, деб қурби етса сигир, жуда бўлмаса, боқиб катта қиласизлар, дея бузоқ беради. Янги ҳовлига кўчаётганимизда Зарҳол момом сизларга атагандим, деб Узуншох (шохлари кийикникидек узун бўлгани учун бу сигирни биз шундай атардик)ни бизга берган эди.

Қурилишдан ортиб қолган ёғочлардан томорқамизнинг адоғида оғилхона қурдик. Сигирни ўзгача меҳр билан парваришлай бошладик. Айни қиш чилласида Узуншох болалади. Хурсандлигимнинг чеки йўқ эди, энди қиш бўйи уйимизда қаймоқ-қатиқ бўлади. Онам сигиримизни соғаётганда боласига кўпроқ қолдиринг деб, ўзим унга кўз-қулоқ бўлиб турардим. Бузоқ кун сайин тўлишиб, кучга кираётганини кўриб, буғдой ўримидан сўнг далага мол боққани чиқсак, энг зўр новвос меники бўлади, деб ич-ичимдан севиниб қўярдим...

Ҳар кун мактабдан қайтганимда биринчи бўлиб оғилхонага кўз югуртирардим. Бу сафар ҳам шундай қилдим. Аммо не кўз билан қарайки, молхонамиз айвонида ола сигирнинг ўзи турарди. Нимадир бўлганини сезиб, томоғимга тиқилган йиғини ичимга ютиб, уйга кириб бордим. Айвонда отам бир даста пулни санаб, онамга тутқазаётган экан. Вазиятни тушунгач, кўзимга кўринган нарсани улоқтириб, "Нега уни сотдингиз?!" дея тўполон қилишга тушдим...

Новвоснинг пулига қиш учун буғдой сотиб олдик. Шундагина отамнинг аҳволини тушуниб етдим. Келаси йил бундай аҳволга тушмаслик учун ўзим астойдил ишлашга, лой кечиб далада юргани боис, тез-тез бели оғриб турадиган отамни авайлашга қарор қилдим. Маҳалламиздаги қаровсиз ётган адирликдаги ерга лалми буғдой сепдик. Шу йили об-ҳаво ҳам серёғин келиб, кафтдеккина жойдан мўл ҳосил олдик, ҳатто, тўрт-беш қопини сотдик ҳам. Бу йил буғдойимиз борлиги учун эмас, уч ой олдин туғилган бузоқчани сотмаслигимиздан менинг қувончим чексиз эди. Аммо...

Шундай кунларнинг бирида катта юк машинаси ҳайдайдиган Баҳодир аканинг

Элбек ШОЙИМ – 1988 йилда туғилган. Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтини битирган. Асарлари республика матбуотида эълон қилинган.

маслаҳати билан отам унга қўшилиб, "бизнес" қилмоқчи бўлди. Қўшни қишлоқдаги Рўзибой акадан қарз кўтариб, Тошкентга бир машина пиёз олиб кетди. Лекин уч кун ўтмасдан сотилган пиёзнинг пулини ўғирлатиб, қайтиб келди.

Буни эшитган Рўзибой кунда уйимизга келади, қарзини сўраб, дағдаға қилади. Бирорта қариндошимиз ёрдам бермагач, отам унга анча қиммат турса-да, сигиримизни бериб юбормоқчи бўлди. Бузоқчани бериб юборсак, ўғлим яна ўксиб қолади, деб ўйлаган бўлса керак. "Тез орада қарзимизни қайтариб, уни олиб келамиз", деди отам айбдордай елкамни силаб. Рўзибой ака ҳам шу гапни кутиб турган экан, сигирни арқонидан ечасола, уйига олиб кетди.

Берилган муҳлатда пулни қайтариб беролмаганимиздан сўнг Рўзибой ўғлидан пул бердириб юборибди. Ўғлининг айтишича, отаси сигиримизни сотиб, ўзига тегишли бўлган пулни олиб қолибди. Лекин Узуншохдайнинг икки баробар арзонга сотганини эшитиб, отам сўкинди. Онам роса йиғлади...

Бировнинг ризқи бировга буюрмас экан. Орадан бироз вақт ўтиб, Узуншохнинг ўлигини Рўзибой ака қўшнисининг тракторига ортиб, адирга, кўмгани олиб кетаётганини кўришибди. Айтишларича, уйига олиб келгандан бери емиш емай қўйган сигир бора-бора озиб-тўзиб кетган. Ўша куни эрталаб Рўзибой ака Узуншохни ўз арқонига ўралиб, ўлиб ётган ҳолда кўрибди. У сигирни сотмаган экан...

Қотиллик

Суюн қассоб саккиз йил деганда фарзанд кўрди. Тилаб-тилаб олган ўғлининг исмини Тиловмурод қўйди. Кунларнинг бирида хотини, "Ўғлимизга қараб туринг, қўшни қишлоқдаги опамни кўриб келай, анчадан бери бетоб ётибди", деб йўлга отланди.

Орадан бир соат ўтиб, ваҳима билан югуриб келган қўшни аёл сигири емлаб қолганини, сўйиб бермаса, ҳаром қотиб қолишини айтиб, илтимос қилди. Қассоб шошганча ўғлининг бешикда жимгина ухлаётганидан фойдаланиб, пичоқини олдию, кўчага отланди.

Қўшнининг корни шишиб ётган сигирини ҳалоллаб, бешикда ёлғиз қолган ўғли эсига тушдию, уйига шошди.

Дарвозадан кириши билан қаршисидан оғзи қонга беланган "Олапар" чиқди. Лабини ялаб ғингшиб, думини ликиллатаётган итини кўриб, Суюн қассобнинг эси чиқиб кетди. Наҳотки, бешикдаги ўғлини... "Олапар" ундан олдин остонага югуриб кирди. Йўлакдаги қон изларини кўриб, қассоб хаёлига келган фикрдан ўзини йўқотиб қўйди. Жон ҳолатда сўкинганча ёнида суйкалаётган итнинг қорнига пичоқ тортиб юборганини сезмай қолди. Жониворнинг қай аҳволда жон бераётганига ҳам қарамасдан ичкарига отилди. Аммо не кўз билан кўрсинки, Тиловмурод ухлаб ётган уйда катталиги товушқондай келадиган каламуш қонга беланиб ётарди.

Шиппак

Ёз бўлди дегунча қишлоғимиз ўртасидан оқиб ўтадиган анҳордан чиқмас эдик. Турли қитмирликлар ўйлаб топиб, чўмилишга борган болаларнинг кийимларини беркитардик, орқасидан пойлаб бориб, устига тупроқ сепиб қочардик.

Саратоннинг чилласида айни тушлик маҳал онам бозордан олиб келган янги шиппакни кийиб синфдош дўстим Шерали билан анҳорга бордик. Кийимларимизни тол шохига илиб, Эргаш аканинг уйи томондан сузиб келишга кетдик. Сал юриб, шиппак эсимга тушиб қолди, қайтиб келдим-да, футболкамни толдан олиб, шиппакни ўраб қўйдим. Чўмилиб чиқиб қарасам, кийимлар сочилган, шиппагимнинг бир пойи йўқ. Эссиз, Олапарни бекор олиб келмабман, у кўз-қулоқ бўлиб турарди.

Маҳалламиздаги бирорта бола йўлдан ўтаётган бўлса, кийимларимни таниб, шиппагимни сувга отиб юборган, деган хаёлга бордим. Шералининг, "Топилиб қолар, кимдир ҳазиллашгандир", деганига қулоқ солмай, энди бир пой шиппакни нима қиламан, деб иккинчисини сувга улоқтирдим. Эсизгина, бир кун ҳам киёлмадим, деб футболкамни бошимга соя қилиб, уйга қайтдим. Ярим йўлда Олапаримни анҳор томонга югуриб кетаётганини кўрдим. Кайфиятим йўқлиги учун бунга унча эътибор бермадим. Буни қарангки, уйга киришим билан остона олдида шиппагимни йўқолган бир пойи турар эди. Анҳор томонга югуриб кетган Олапар кўзлари жавдираб, қайтиб келди. Шундан бери шошиб хулоса чиқармайдиган бўлдим.

Қарғиш

Қишлоғимиздан беш-олти чақирим узоқда Қоратепа деган жой бор. Одамлар бу ерга ахлат тўкади. Кечагидек ёдимда, ёзнинг жазирама иссиқ кунларида ўйинчоқ машина ясаш учун қўшнимиз Ойбек билан Қоратепага бориб темир-терсак, гилдираклар олиб келгандик. Ойбекнинг айтишича, қишда бу ерда қарға роса кўп бўларкан. Бу гапни отасидан эшитибди. Қарғалар тунда жарлик ичида ухлар эмиш.

Қиш кунларининг бирида Ойбек иккаламиз Қоратепага йўл олдик. Ғира-шира қоронғи тушиши билан қарғалар галасининг кўпи дарахт шохларига, айримлари жарлик ичига келиб қўнди. Биз қўлимиздаги узун таёқлар билан қарғаларга яқинлашганимиз сари улар бир-бирининг пинжига беркинишга ҳаракат қилар эди, аммо учиб кетмасди. Ойбек қўлидаги қопни ушлаб турди, мен қарғаларни таёқ билан уриб ўлдирдим. Кейин уларни олиб келиб, кучукларимизга бердик. Бу ишимни кўрган онам мени роса уришди. Жарлик ичига қўнадиган қарғалар жуда қариб кетган экан, шекилли, Қоравой ҳам уларни емади. Шундай бўлсаям, барибир, кунда-кунора қарға овига бориш одатимизни ташламадик...

Эрта баҳорда сигиримиз болалади. Ҳаммамиздан кўра бобомга яхши бўлди. У киши анчадан бери бетоб бўлиб, иштаҳаси йўқолган. Шифокорлар бобомга кўпроқ сут ичиб туришни тавсия қилганди. Уйда оилавий шароит оғирроқ бўлгани боис, доим сут сотиб олишга пул топилмас эди. Бобомнинг оғзи оққа етиб, анча тетиклашиб ҳам қолди. Ҳар куни сигирни боқиб, сутини кўпайтириш эса менинг бўйнимда эди. Шунинг учун қаерда ўт яхши бўлса, ўша ёққа ҳайдаб кетаверардим...

Бир куни далада қаттиқ жала ёғиб қолди. Ёмғир шиддатидан йўл аранг кўринарди. Сигиримиз уйда қолган бузоқчасига интилиб, югургилаб кетди. Мен анча орқада қолдим. Шунда сигирнинг ўзи уйга борар, дея жала тўхтагунча, анҳор кўприги тагида ўтирдим. Кечга яқин ёмғир тингач уйга келсам, сигир йўқ. Сувда ивиб шалаббо бўлган аҳволимни кўриб, онам нима дейишини ҳам билмай қолди. Сигирни излаб Қоратепа томонга йўл олдим. Йўлда кета туриб онамнинг, "Сигир яна жарга тушиб кетган бўлмасин?" деган сўзлари қулоғимга чалиниб, ўша томонга юрдим. Не кўз билан кўрайки, елинларидан сут оқиб ётган сигиримиз жарлик тубида ўлиб ётарди. Танаси совиб улгурган жониворни у ердан олиб чиқишнинг фойдаси йўқ эди. Унинг устида бир тўда қарға ёпирилиб турарди...

Содда, тушунарли тилда ёзиш ижодкорнинг ўқувчи олдидаги биринчи бурчидир. Элбек Шойим ана шу масъулиятни бўйнига олиб, дадил қадам тебратаётган ёшларимиздан. Унинг ҳикояларини журналимизда илк бор эълон қилар эканмиз, Элбекка ижоднинг машаққатли йўлида сабр-бардош тилаймиз.

Таҳририят

Бу воқеага анча йиллар ўтса-да бобомни ўша онда ўксиниб айтган гапи қулоғим остида жаранглаб туради: "Шу пайтгача болаларимга харом луқма едирмадим, бировнинг ҳақига хиёнат қилмадим, энди оғзим "оққа" етганда бу нима кўргилик? Демак, кимнидир дилини ноўрин ранжитганман ёки ноҳақлик қилганманки, бу менга берилган жазо!" Бобомни кўзида ёш билан кўриб турсам-да, "Бобожон, сиз эмас, аслида мен сабабчиман бу ишларга, қарғаларнинг қарғиши урди!" дейишга журъатим етмади. Мана орадан неча йиллар ўтсаки, ўша дамдаги ҳодисани эласам, виждоним қийналиб, бўғзимга алланима қадалгандек бўлади.

"Гушши"

"Гушши" (Гулзода) бизнинг ён қўшнимиз. У мендан икки ёш катта. Биз жуда яқин дўстмиз. "Гушши"нинг укалари ҳали ёш бўлгани учун уйида эркаклар қиладиган баъзи ишлар ҳам унинг зиммасида. Шунинг учун мол боқишга, уйидаги бузоқларга ўт ўриб келишга бирга борамиз. Уларнинг сигири кўп бўлгани учун мен унга ёрдамлашиб юраман. Ҳар сафар у уйидан оқ нон, турли ширинликлар олиб келади.

"Гушши"нинг отаси Нусрат ака "Тез ёрдам" машинасини ҳайдайди, уйида жуда кам бўлади. Маҳалламиздаги энг чиройли уй ҳам уларники. Кўчамизда рангли теливизор фақат "Гушши"ларникида бор. Аммо нимагадир унинг бирор марта ўз ҳаётидан мамнун бўлиб гапирганини эслолмайман. У фақат бизлардан ўттиз чақиримча олисда жойлашган Қизириқдаги қишлоқни мақташдан чарчамас эди. Доим: "Тезроқ ёз келса эди, Қизириққа кетардим. У ёқда маза қилиб чўмилиб, таътилни мароқли ўтказаман. Биласанми, у ернинг одамлариям бошқача. Мен шуни аниқ биламан, Қизириқдай чиройли жой бошқа ҳеч қаерда йўқ..." деб юзи қизарарди. Унинг бу гапларидан кейин серсув, боғлари серҳосил қишлоғимиздан ҳам яхшироқ жой деб мақталган бу гўшани ўз кўзим билан кўришга қизиқиб қолдим.

Бир куни отамга Қизириққа бормоқчилигимни айтдим. Аммо у томонларни ери зах бўлгани боис чакалакзор бўлиб кетганини, бунинг устига у ёқда томоша қиладиган жойнинг ўзи йўқлигини эшитиб ҳайрон қолдим. Отам мени у томонларга бормасин деб, атайлаб ёлғон гапирди, деб ўйладим.

Бирпасда ёз ҳам келиб, жазирама кунлар бошланди. Шундай кунларнинг бирида уйимизга Шойим бобом келиб, яқинда кенжа амаким Акбарнинг тўйини бошламоқчи эканини, Қизириқдаги чўпонлардан қўй олиб келишга кетаётганини айтиб қолди. Бобом уйда ўтирган вақтда ҳеч кимга сездирмасдан кўчада турган "ЗИЛ"нинг юкхонасига чиқиб олдим. Мақсадим "Гушши" мақтаган Қизириқни ўз кўзим билан кўриб келиш эди.

Машина манзилга етиб тўхтагач, юкхонадан сакраб тушдим. Шойим бобом мени кўриб: "Ҳа отангни жилигига..." деб "эркалаб" қўйди, лекин уришмади. Мен бобомдан туз босиб, ҳамма томони шўрлаб кетган кенгликларга ишора қилиб: "Қизириқ деган жой шуми?" деб сўрадим. Бобом бошини ирғади ва узоқдан кўринган пастқам уйларга ишора қилиб, "Гушши"нинг момосини уйи ўша томонда эканини айтди.

"Гушши" ғирт ёлғончи қиз экан. Шу кундан бошлаб мен у билан умуман бирга мол боқмасликка, ўт ўришга бормасликка қарор қилдим. Аҳмоқ қилишга мендан бошқа одам йўқмиди? Алдаганини ўзига айтганимда гап тополмасдан йиғлаб юборди...

Орадан йиллар ўтиб мен "Гушши"дан ноўрин ранжиганимни тушундим. Ўгай онаси кўчада ҳамманинг кўзига яхши кўринса-да, лекин "Гушши"га кун бермаган. Қизириқда эса "Гушши"нинг меҳрибонлари – бобоси ва момоси яшар экан.



Содиқжон ИНОЯТОВ

УСТОЗИМ, ОТА ҚАДРДОНИМ

Эссе

Танишув

Университетни тамомлаб икки йилча вилоят радиосида ишлагач, оилавий шароитим сабабли туман газетасига ўтдим. Ўзим яхши кўрган соҳада меҳнат қилаётганимдан қувонсам-да, кўнглимнинг бир чеккасида хижиллик бор эди. Сабаби – болаларга атаб ёзган шеърларим у ер-бу ерда кўриниб турган бўлса-да, менга йўл-йўриқ кўрсатадиган, устозлик қиладиган одам йўқлигидан қийналардим. Шундай кунларнинг бирида Ёзувчилар уюшмасининг вилоят бўлимида ишлайдиган Шуҳрат Маткарим келиб қолди. Билсам, уни Матназар Абдулҳаким юборган экан.

– Устоз "Гулхан" журналида чиққан шеърларингизни ўқибди, – деди у, – машқларингизни тўплаб ёнига боринг.

Ижодкор тоифаси борки, ҳамиша рағбатга муҳтож, яхши сўзнинг гадоси бўлади. Биринчи учрашганимиздаёқ Матназар ака ёзганларимни мақтади. Бундан кўнглим тоғдай кўтарилганлигини яширмайман.

– Танқидни эндиги келганингда эшитасан, – деди у кетар чоғим малолсизгина қилиб. – Бўш келма. Ғайрат қилавер.

Чиндан ҳам кейинги борганимда у баъзи шеърларимни танқид қилди. Самимият билан, эътирозга ўрин қолдирмайдиган қилиб камчиликларимни кўрсатиб берди.

– Аслида бугунги куннинг болалар шеърияти бир қолипга тушиб қолгандай, – деди у, – бу соҳада "Али-Вали" қабилида қофияланадиган, бири-бирига ўхшаш, мағзи бўш шеърлар кўпайиб кетди. Боланинг ҳам кўнгли бор, у ҳам борлиқни жажжи инсон сифатида ўз шуури билан идрок этади. Нимадандир қувонади, нимадандир изтироб чекади. Болалар шеъриятига кўнгил деган нарсани олиб кириш зарур. Кичкинтойларга жиддий шеърлар керак. Болалар учун ёзадиганлар Турсунбой Адашбоев мактабидан сабоқ олгани яхши. Сени шу одам билан таништираман.

Матназар акам сўзининг устидан чиқди. 1987 йил февраль ойининг охирида Раҳим Бекниёз, Ошиқ Эркин ва мен Тошкентга отландик. Дўрмондаги ижод боғида Турсунбой Адашбоев билан учрашдик. Устоз юзларидан нур ёғилиб турган, истараси иссиқ одам экан.

Содиқжон ИНОЯТОВ – 1960 йилда туғилган. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУ) журналистика факультетини тамомлаган. Унинг "Омон бўлса дўстларим", "Ёруғ кунлар", "Онамни соғиниб" каби шеърлар тўпламлари, "Хато" номли қиссаси нашр этилган.

– Матназар сиз ҳақингизда сўзлаб берган, – деди у мени минг йиллик қадрдонидай бағрига босиб, – яхши бўлди келганингиз. Қани бир гурунглашайлик.

Турсунбой ака билан узоқ суҳбатлашдик. Мавзу асосан шеър ҳақида бўлди. Қўлига бориб етган (Матназар акам юборган) ҳамда газета-журналларда чиққан машқларимни эринмасдан таҳлил қилиб берди. Сўз масъулияти, сатрдаги ҳар бир жумланинг ўз вазифаси бўлиши, шеърда фикр ва бадиий талқиннинг муштарак вазифани адо этишини мисоллар билан тушунтирди. Қудрат Ҳикмат, Анвар Обиджон ижодидан, рус шоирлари Самуил Маршак, Корней Чуковскийлардан бадиий маҳорат сирларини пухта ўрганиш лозимлигини айтди. Рустам Назар билан учрашиб фикрлашиб туришимни эшитиб қувонди. Абдураҳмон Акбаров, Зафар Исомиддинов, Эрпўлат Бахт сингари ёшлар етишиб келаётганлигини, бинобарин, болалар шеъриятида янги давр бошланаётганлигини қувониб таъкидлади. Энди мулоҳаза қилиб кўрсам Турсунбой ака ўшанда башорат қилгандай бўлган экан. Орадан йиллар ўтиб бу ёшлар болалар адабиётида жиддий сифат ўзгаришларини содир этдилар.

Тошкентдан бир олам таассуротлар билан, фикрим теранлашиб, шеър ҳақидаги тушунча ва тасаввурларим анча бойиб қайтдим. Мулоҳазаларимни Матназар акага айтиб берсам:

– Ана энди ҳақиқий устозингни топдинг, – деди шавқ билан, Турсунбой Адашбоев ўзбек ва қирғизнинг улкан шоири. Шу одамнинг қўлини маҳкам тут.

Беназир инсон Турсунбой Адашбоевнинг қўлини тутиб унга ўттиз йил шогирд бўлганимдан, оз бўлса-да болалар шеърияти сабоқларини ўрганганимдан қувониб яшайман.

Ўхшаш тақдирлар

Отам Файзираҳмон Иноятжон охун ўғли Гурланда туғилган. Отамнинг оталари – Иноятжон охун Салимов Муҳаммад Раҳимхон Феруз даврида хон саройида қозикалон вазифасида ишлаган Салим охуннинг кенжа ўғлидир. Бухородаги Кўкалдош мадрасасида йигирма йил таҳсил олган Салим охун фарзандларининг илм-маърифатли бўлиб етишмоғига эътибор берган. Шу боис ўғиллари Бобо охун, Имомиддин, Низомиддин ва Иноятжонлар мадраса таълимини олишган. Кенжатой Иноятжон Хоразмда шўролар ҳокимияти ўрнатилгач, янги Урганчдаги ўқитувчилар тайёрлаш курсини ҳам тамомлаган. У 1922 йилда Гурлан қалъасида очилган "Намуна" мактабига ишга келиб аввал ўқитувчи, сўнгра 1928 йилга қадар директор бўлиб ишлаган. Оиламиз архивида бобомнинг шу даврга оид айрим ҳужжатлари сақланиб келаяпти.

Ўттиз еттинчи йилда бошланган Сталин қатағони афсуски, кўпчилик зиёлилар қатори Салим охуннинг фарзандларини ҳам четлаб ўтмаган. Уларга "сизлар охун авлодидансизлар, отангиз Феруз ва Исфандиёр даврида хонлик тузумига хизмат қилган" деган баҳонада турли хил тазйиқлар бошланган. Хусусан, Иноятжон Салимовга 1938 йилда "уйида диний мазмундаги китобларни сақлаб келган" деган айб қўйилиб қамоққа олинган. У бироз муддат Тошкент шаҳридаги турмада сақлангач, Россиянинг Мурманск вилоятидаги жазони ўташ муассасасига жўнатилган. Бобом қамалгандан сўнг ҳам шўролар ҳукуматининг турткилашлари тўхтамаган. Гурландаги қариндошларимиз ноилож энам Адилпошшани ўғиллари Сирожиддин ва Файзираҳмон билан "сал бўлса-да ҳукуматнинг кўзидан четроқда юрсин", деб Амударё туманининг Юмуртовга яқин "Эшон ёп бўйи" мавзеидаги қавмларимизнинг

ёнига кўчириб келтиришган. Бобом қамоқдан сил касаллигини орттириб 1940 йил май ойида қайтиб келиб уруш бошланишидан икки кун олдин вафот этган. 1942 йилнинг майида амаким Сирожиддин Салимовни фронтга чақиришган.

– Акам урушга кетар чоғи мени маҳкам қучоқлаб пешонамдан ўпди, – дея эслар эди отам. – Ука, энди онамнинг суянчиғи сенсан, биламан, оғир бўлади. Лекин чидайсан, деган гаплари ҳали-ҳануз қулоғимда.

Афсуски, орадан бир ярим йил ўтгач фронтдан "Сирожиддин Салимов бедарак йўқолди" деган мазмунда хат келган. Онаси билан ёлғиз қолган отам муштдай боши билан колхозда ишлаган. Уруш йилларининг машаққатларини бошидан ўтказган. Уларга эллигинчи йиллардагина Гурланга қайтиб келиш насиб этган.

Мен булар ҳақида Турсунбой акага ҳикоя қилиб берсам кўзларига беихтиёр ёш қалқиди.

– Тақдирларимиз ўхшаш экан, – деди хўрсиниб, – мен шу одам билан бир учрашсам эди...

Отам менинг адабиётга меҳр қўйганлигимни қадрлашидан бошим осмонда эди. У матбуотда чиқиб турган шеърларимни қолдирмасдан кузатиб борар, ҳар доим ютуқларимни кўриб ич-ичидан қувониб юргувчи эди. Бу орада у Турсунбой аканинг бир қанча китобларини ўқиб чиқди. Ўзим ҳам устозим ҳақида кўп гапириб берганман. Тасодиф деймизми, ё Худо ўзи кўнглига солдими, билмадим, шунда отам ҳам устознинг гапларини айнан такрорлаб:

– Мен шу одам билан бир учрашсам эди, – деганлари эсимда.

Улар узоқ вақтлар телефонда гаплашиб юриб, ниҳоят 1999 йилда юз кўришдилар. Ёзувчилар уюшмасининг топшириғи билан Хоразмга келган Турсунбой акани шоирлар Қўзи Исмоил ва Рустам Назар билан Урганч шаҳридан Файзулла тоғамнинг машинасида олиб келдик. Устозим ва отамнинг долонда қучоқлашиб йиғлаб кўришганлари ҳамон кўз олдимда турибди. Уларнинг гурунглари сира адо бўлмайдигандек эди. Эртасига меҳмонларни кузатаётганимизда қадрдонлар йиғлаб хўшлашдилар.

– Худога шукр, – деган эди отам ўшанда, – ўғлимнинг устозини кўрмай ўтиб кетаманми, деб қисиниб юрган эдим.

Шундан сўнг Турсунбой ака Хоразмга йўли тушгудек бўлса, албатта, отамни йўқлайдиган бўлдилар. Турсунбой акага қўнғироқ қилсам ҳар сафар салом-аликдан сўнг:

– Оқсоқол бардамми? – деб сўрар эдилар.

Бир нарса менга тасалли беради: яхшиямки, отам билан Турсунбой ака иккаласини видеотасвирга олиб қолган эканман. Ҳозир шу қимматли тасвирларни кўрарканман болалиги уруш йилларига тўғри келган, етимлик азобларини тортиб, дили ўксиб улғайган, тақдирлари ниҳоятда ўхшаш бу икки инсоннинг умр йўллари кўз ўнгимдан ўтгандай бўлаверади. Кўнгиллари, руҳлари яқин бу одамларнинг деярли бир кунда вафот этганликларининг ҳам фақат Оллоҳгагина маълум сир-синоатлари бордай. Илоҳим жойлари жаннатда бўлсин!

Дўрмон сабоқлари

Бир минг тўққиз юз тўқсон биринчи йилнинг декабрь ойида "Чўлпон" нашриёти Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳамда Москвада нашр этиладиган "Детская литература" журнали билан ҳамкорликда Дўрмонда ўзбек болалар шеърияти ёш вакилларининг россиялик таржимонлар билан учрашув семинарини ташкил этди.

Аввалроқ шеърларимиз "подстрочник" тарзида таржима қилиниб, Москвага юборилган эди. Дўрмонга белгиланган кунда етиб борсак, меҳмонлар келиб шаҳар айланган чиқиб кетишган экан. Бизни Турсунбой Адашбоев, Анвар Обиджон, Абдураҳмон Акбаров ва Ҳамза Имонбердиевлар кутиб олишиб семинарнинг мақсад-моҳиятини тушунтиришди. Собиқ иттифоқ тарқалиб, аввалги қардош республикалар ўртасида кўпгина соҳаларда алоқалар узилган алғов-далғов бир давр эди.

– Таржимонлар ўзларингиз қатори йигит-қизлар, – деб изоҳ берди Анвар Обиджон, – ҳар қалай аввалги "буюк оғалар" эмас. Шунинг учун тортинмасдан ўз фикрингизни айтинг. Лозим бўлса баҳс-мунозарага киришаверинглар.

– Ҳар бирингиз ўзингизга яраша салоҳият ва оз бўлса-да адабий тажрибага эгасиз, – деб Анвар аканинг фикрларини давом эттирди Турсунбой Адашбоев. – Асосий мақсад ўзбек болалар шоирларининг шеърларини рус тилига таржима қилишни изчил йўлга қўйиш. Шунингдек, бизнинг шеъриятимизда таржима этишга лойиқ асарлар борлигини кўрсатиш. Сўнг кулиб қўшимча қилди: дадил бўлинглар, боплаб ёзаверинглар.

Ўша йиллар ҳали китобларимиз чиқмаган бўлса-да, "Ёшлик", "Шарқ юлдузи" сингари нуфузли журналларда шеърларимиз эълон қилинган, ҳар қалай ўзимизга, ёза олишимизга ишонч бор эди. Устозларнинг далдалари ана шу ишончни мустаҳкамлади. Семинар қизғин мунозаралар, баҳслар билан кечди. Камтарлик доирасидан озгина чиқиб бўлса-да, айтаман, москваликлар кўпчилигимизнинг рус тилида ўз фикрларимизни баён этишимизга қойил қолишди. Таржима қилинган шеърларни таҳлил қилиш жараёнида рус ва ўзбек болалар шеъриятидаги фарқли жиҳатлар, мавзу танлаш, тасвир ва поэтик фикрлашдаги бир-бирига мос келмайдиган томонлар ҳам борлиги аниқ-равшан сезилиб турди. Масалан, менинг шеърларимни таҳлил қилиб ўрганиб чиққан эр-хотин таржимонлар (ҳозир исмшарифларини эслолмайман) болаларга ҳаётнинг қайғули воқеалари, айниқса, ўлим ҳақида сўз айтиб бўлмайди, кичкинтойлар бу ҳолатни қабул қила олмайди, деган мулоҳазаларни ўртага ташлашди. Улар:

Бир кундаёқ бўлди оқ
Отажоним сочлари...

деб бошланувчи "Қайғули кун" сарлавҳали шеъримни кескин танқид қилиб, деярли йўққа чиқариб қўйишди. Лев Яковлев деган шоир эса аксинча менинг машқларим ҳақида илиқ сўзлар айтди. Мен ўз фикримни ҳимоя қилдим. Табиатан жиззакироқман, муҳокама вақтида сал аччиқланган бўлсам керак-да, йиғин тугагач, Турсунбой ака тушунтирди.

– Таржима камдан-кам ҳоллардагина шеърнинг асл руҳи ва мазмунини бера олади, – деди у. – Аввало муаллиф билан таржимоннинг савияси, дунёкараши бир-бирига мос келиши зарур. Машқларингизнинг моҳиятини, шеърдаги илгари сурилган фикрни таржимоннинг қабул қила олмагани сизнинг шеърингизни ёмон дегани эмас. Ҳар ҳолда таржимоннинг фикрларини ҳукм деб ўйламанг.

Ҳамза Имомбердиев ҳам бу гапни маъқуллади. Россиялик таржимонлар Рустам Назар, Абдураҳмон Акбаров, Зафар Исомиддиновлар шеърларининг муҳокамасидан сўнг ҳозирги ўзбек болалар шеърияти янги ривожланиш босқичига кирган деб баҳо бердилар. Ҳаммамиз учун ҳам муҳими шу эди.

Семинар тамом бўлгач, иш якунларини ўзимиз алоҳида муҳокама қилдик. Турсунбой Адашбоевнинг "боплаб ёзаверинглар" деган севимли ибораси бор эди. Бу гал ҳам:

– Боплаб ёзаверинглар, – деди ҳар биримизга меҳр билан боқиб, – энг муҳими ҳаммаларингиз тўғри йўлда турибсизлар. Таржимонлар билан бўлган муҳокама, мунозаралар, танқидий фикрлардан тўғри хулоса чиқаринглар.

Хуллас, Турсунбой ака айтганидек ўрислардан чўчимадик. Оз бўлса-да, шеърларни таржима қилиш соҳасида тасаввурга эга бўлдик. Фикримиз тиниқлашди. Бошқа халқлар, хусусан рус болалар шеърияти вакиллари Самуил Маршак, Корней Чуковскийлар ижодидан кўп нарсани ўрганиш зарурлигини англадик. Семинар сабоқлари вақти-фурсати келиб ўз самарасини берди. Таржима соҳасида Абдураҳмон Акбаров барчамиздан илгарилаб кетди. Галина Новицкая, Олег Бундур, Эмма Мошковская сингари шоирларнинг шеърларини ўзбек тилига ўгирди. Орадан бир неча йиллар ўтгач кўпчилигимизнинг, шунингдек, менинг ҳам шеърларим рус тилида эълон қилинди. Ўшанда ҳаммамизни устоз биринчи бўлиб табриклаган, ютуғимиздан чин дилдан қувонган эди.

Дарвоқе, устознинг "боплаб ёзаверинглар" деган сўзларини биз – шогирдлар кейинчалик ҳам кўп эшитдик. Янги шеър ёзиб ўқиб берсак ёки кўрсатсак самимий кулиб ўша сўзларини айтар, руҳимизни кўтарарди. Энди Қўзи Исмоил, Эрпўлат Бахт ёхуд Зафар Исомиддинов билан суҳбатлашиб қолсак "ўзи боплаб ёзаяпмизми?" деган савол, албатта, кўнглимиздан ўтади. Бу саволга жавобни эса вақт кўрсатади.

Нега бунча яхшилик қилаверасиз?..

Кўнглига яқин одамларнинг даврасида Турсунбой ака устози Қудрат Ҳикмат ҳақида сўзлашни хуш кўрарди. Ўзбекнинг бу забардаст шоири Турсунбой Адашбоевга беқиёс яхшиликлар қилиб, уни қўллаб-қувватлаган, шоир бўлиб етишишида ёрдам берган. Шунданмикин, у устозининг изидан бориб яқинларига, шогирдларига меҳр улашиб, ғамхўрликлар кўрсатиб яшади. Одамларга яхшилик қилиш унинг одатий ҳаёт тарзи эди.

Республика ёш ёзувчиларининг Дўрмондаги бешинчи семинари тамом бўладиган куни устоз "Ленин учқуни" (ҳозирги "Тонг юлдузи") газетасининг янги сонидан бир нечтасини олиб келди. Унда семинар иштирокчиларининг шеърлари суратлари билан эълон қилинган экан. Табиийки, севиниб кетдик.

– Яна бир кунга Тошкентда қола оласизларми? – деди у. – Мен телевидение ва радиодагилар билан гаплашиб келдим. – Сўнг жилмайганча сирли кулиб қўшиб қўйди: – Йўлкираларингиз ёнингизда қолади-да.

Бошловчи ижодкорлар учун республика телевидениесида чиқиш ҳазилакам гапми? Семинар болалар адабиёти шўъбасининг иш якунларига бағишланган кўрсатувда Зафар Исомиддинов, Неъмат Душаев, Абдураҳмон Акбаров ва мен шеърларимиздан ўқидик. Шу куни республика радиосида ҳам шеърларимизни магнит тасмаларига ёзиб олишди. Қувончдан осмону фалакка учгудай бўлиб уйларимизга қайтдик.

2013 йилда Абдураҳмон Акбаров қаттиқ касалланиб қолди. Янгийўлдан қатнаб ишлайдиган бу дўстим касалхонада узоқ вақт муолажа олди. Бироқ даволанишнинг ҳам ўзи бўлмайди-да. Бир ёқда оила, рўзғор. Ўшанда Турсунбой ака елиб-югурган, врачлар билан гаплашган, Ёзувчилар уюшмаси ва Абдураҳмон ишлайдиган нашриётдан ёрдам пуллари олдириб берган экан. Бу гапларни кейинчалик Абдураҳмон қувониб, миннатдор бўлиб ҳикоя қилган эди.

2015 йилнинг августида мени тўсатдан Тошкентга, Ёзувчилар уюшмасига чақириб қолишди. Хабар туш пайтида келди.

– Эрталаб соат ўнга чақиришган, – таъкидлашди уюшманинг вилоят бўлимидагилар. – Телефон рақамингизни чалкаштириб, кечроқ хабар қилаяпмиз. Қандай қилиб бўлса ҳам вақтида боринг, бўлмаса биз уятга қоламиз.

Уюшмада қабул масаласи кўрилажагини кўнглим сезиб турарди. Бироқ поездга улгуролмайман, таксига чиқай десам унинг қачон етиб бориши номаълум. Бормай қўяверсамми, десам аввалроқ шу уюшмага қабул масаласида озгина дилхираликка дуч келганман. Бошим қотиб Турсунбой акага қўнғироқ қилдим.

– Нима бўлганда ҳам кечикманг, – деди у. – Самолётга чиқинг. Пулдан ғам еманг, қарз кўтариб келаверинг, ўзим бераман.

Ўн беш дақиқалардан сўнг ўзи телефонда боғланди.

– Тошкентда меҳмонхоналар қиммат. Самолёт қачон учишидан қатъи назар тортинмасдан тўғри уйга келаверинг, кутиб ўтираман.

Балки ишонмассиз, ўшанда кўзларимдан ёш чиқиб кетган. Бир одамга эътибор шундан ортиқ бўлмас, ахир. Хайрият омадим чопди. Кассада ўтирган йигитга аҳволимни тушунтирган эдим, тўрт соатча уннаб қайсидир ташкилотнинг кейинги кунга брон қилиб қўйган билетини аэропорт раҳбарлари билан гаплашиб тўғрилаб берди. Охирги рейсда ярим тунда Тошкентга учиб келдим. Таксида устознинг Тахтапул маҳалласидаги уйига етиб борсам, у мени кўчада кутиб турган экан. Ёши улуғ одамни овора қилганимдан уялиб кетдим.

– Бемаҳалда сизни адашиб юрмасин, дедим-да, – шарақлаб кулди у, – хижолат бўлманг.

Устоз ниҳоятда меҳмондўст одам эди. Ҳар доимгидек дастурхон тузаб, овқат қилиб қўйган экан. Кўрсатган меҳрибончилиги, ишларимнинг юришаётганидан ҳаяжонланаётганлигим сабабми, қани томоғимдан таом ўтса. Шу топда 2009 йилда армияда хизмат қилиб юрган ўғлим Сирожиддиннинг дала машқлари чоғида оёғини синдириб, тўрт ойча госпиталда даволаниб ётганида Турсунбой акамнинг хабар олиб борганлари эсимга тушди.

– Нега бунча кўп яхшиликлар қилаверасиз? – дедим овозим гулдираб. – Ахир биз сизга ҳеч нарса қилиб бераётганимиз йўқ-ку?

Саволни бердим-у ўзимнинг андишасизлигимдан қўрқиб кетдим.

Турсунбой ака бир муддат жим ўтирди.

– Ҳали қилиб берасизлар, – деди сирли жилмайиб, – қилиб берасизлар. Сизлардан кутганим – яхши, чиройли шеърлар ёзасизлар!

Бу битганларим кимларгадир эриш туюлар ёки ёзувчининг бадиий тўқимаси-да, деган хаёлга бориши мумкин. Йўқ, аслида бори шу. Устоз умр бўйи таъма, манфаат деган нарсалардан узоқ юрди. Яхшиларга беғараз ёрдам бериб, атрофидагиларга одамийлик сабоқларини ўргатиб кетди. Унга ўттиз йил шогирд бўлиб мен билган ҳақиқат шу.



Евгений
ЕВТУШЕНКО

Шуурим неларни хотирламоқда

* * *

Мажнунтол тагида ўйларга толдим,
Кездим қирғоқларни бесадо, бесас.
Қандайин бахтиёр этай севгилим,
Бунга минбаъд балки иложим етмас.

Оздир унга болалар, тўкин ҳаёт,
Меҳмондорчилигу кинолар аҳён.
Қолдиқсиз ва тугал керакман, ҳайҳот,
Мен эса бор-йўғи қолдиқман, аён.

Замон дарахтига елкамни тутдим,
Шохлари елкамни кетди-ку ўйиб.
Севгилимга эса қолмади елкам
Йиғламоғи учун бошини қўйиб.

Гул тутиш ўрнига ажин тасвирин
Чиздим севгилимнинг юзига кўп бор.
Эрлар разиллик-ла хиёнат қилар,
Шўрлик аёллар-чи, аламдан ночор.

Севгилимни қандай этолсам бахтли,
Не қилиб бўлсада, беролсам шодлик.
Унга илк қадамнинг ўзида тақдир
Қуртлаган ҳаётни айлади тортиқ.

Қувончни қўяйлик, уларни мудом
Бир сўздан ранжитиб қўямиз дарров.
Аёлни йиғлатиш ҳаммага осон,
Бахтиёр этишни билмас ҳеч биров.

Евгений *ЕВТУШЕНКО – Атоқли рус шоири. 1933 йилда туғилган. Ижодкорнинг ўттиздан зиёд шеърий, насрий, публицистик китоблари нашр этилган. Евгений Евтушенко 2017 йилда вафот этган.*

* * *

Яшил бедазорлар шовуллаюқда,
Қарағай шамолда қарсиллаётир.
Шуурим неларни хотирламоқда,
Мен ҳам қачонлардир ўламан охир.

Аммо томлардаги тарнов ёнида
Пайдо бўлар ногоҳ каптарбоз бола.
Биламан, ўлмоқлик ваҳима жуда
Ўзим ва муҳими, бошқаларга ҳам.

Ўлим туйғусисиз йўқ ҳаёт ҳисси,
Қумга сув сингари сингмасмиз бизлар.
Марҳумлар ўрнига келар тириклар,
Аммоки... уларда ўзгача ҳислар.

Ненидир англадим, айни, ҳозирда,
Еган калтакларим кетмабди бекор.
Унутдим ҳаммасин, бўлса хотирда,
Эсладим барини, унутдим не бор.

Гўдаклик – майин у қорларни ёдлар,
Фасли балоғатда сайҳонлар – яшил.
Англадим, ҳаётда не бир ҳаётлар,
Неча сулувларга боғладим кўнгил.

Бахтнинг кўзларида нодонлик зоҳир,
Енгилтак аёлга ўхшаб кетар бахт.
Ғусса нигоҳида саволлар оғир,
Кўзингга аламнок тикилади шахт.

Бахт гўё осмондан заминга боқиш,
Бахтсизлик оламни кўрар рўйи рост.
Бахт – хоин сингари алдамчи хоҳиш,
Ғусса одамларни ҳеч қачон сотмас.

Аввалари эдим ёвқур ва шодон,
Бахтим кулолмади, шукр Худога.
Имконсиз нарсани истаган эдим,
Барча истакларим дўнди рўёга.

Мен сизни севаман, яхши одамлар,
Бахтга интиласиз туғилган ҳамон.
Мен энди бахтлиман абадул-абад,
Чунки изламасман бахтни ҳеч қачон.

Менга шу ям-яшил бедазор бўлса,
Тилларимдан музни олиб ташласам.
Муҳими, чивиндай митти жон билан
Ўлимдан нарироқ яшай бошласам.

* * *

Қайиқдамиз, шарросдир ёмғир,
Қўлим музлаб рулга ёпишган.
Сен севмассан, қўрқаман, ахир,
Қўрқаман, мен сени севишдан.

Тошаётир бир соқов ҳасрат,
Ёқут Серафимнинг кўзидан.
Ўхшаб Колимадаги олов
Гулханидан чиққан тутунга.

Қопқора чой, мисоли қатрон,
Тузукмиди, балки қанд ташлаш:
– Айт, Серафим, бахт ўзи нима?
– Бахт менимча, узоқроқ яшаш!

Ётар чоғинг бўлса-да, жўра,
Оламан, лек, сени қисту бас.
"Жуда узоқ яшашдан кўра,
Яхшимасми, севги бир нафас?"

Серафим ҳам қайтарар жавоб,
Кўзларини юмганча мудроқ:
– Яхши – фақат бу ҳам хавфлида,
Кимки севса, яшолмас узоқ.

Ёқут, чўқчи билади буни,
Патрондайин кунларни асрар.
Қиммат тушар ҳиссиёт бизга,
Ҳаётимиз пичоқдай қирқар.

Олтин топди дарёдан Борис
Ва олтини бошига етди.
Мана, нега ишқдан қўрқамиз,
Ўша олтин вабодай ҳудди.

Қўрқитмасин ёнғин рўёдай,
Ўчир ўтни, босиб тепкила.
Бу оловнинг тутуни аччиқ,
Ҳатто, энг бахтиёр севгида.

Сухбатимиз шундай узилар,
Колиманинг зулмат тунида.
Ёмғир тортган кумуш чизиқлар
Яркиллайди аёл танидай.

Тортилгандай мисли таранг тор
Шаррос ёмғир кучаяр бу чоқ.
Узоқ умр менга не даркор,
Чин ошиқлар яшамас узоқ.

Рус тилидан Абдумажид АЗИМ
таржимаси

* * *

Бахт нималигини фақатгина бахтсиз билади. Бахтли инсон худди маникен каби ҳаёт қувончлари қуршовида бўлади: у фақатгина бу қувончларни намойиш этади, холос. Лекин бу қувончлар унга берилмаган. Чироқлар ёруғликда нур тарагмайди, у фақат тунда зиё сочади.

Эрих Мария РЕМАРК



Абдумажид АЗИМ

1957 йилда туғилган. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУ) журналистика факультетини тамомлаган. Муаллифнинг "Ўтаётган йиллар", "Қалбимнинг Ватани", "Қуёш боласи", "Ёруғлик одами", "Руҳи равоним" номли шеърий китоблари чоп этилган.



Ўрозбой
АБДУРАҲМОНОВ

ЮТҚАЗАВЕРАЙЛИК

Ҳажвия

Стадион трибуналари шовқин-сурондан ларзага келмоқда...

"Қани, "Амударё!" Олға энди! Ие-ие, қийшиқоёк, ходатаёк!" деб бақирдим мен ҳам элдан қолишмай. Командамиз ҳужумчиси Бекпўлатов оёғи остидаги тўпни олдириб қўйган эди. "Э, маймоқ! Ўйнасанг, дурустроқ ўйна, бўлмаса йиғиштир!" қувватлади олдимдаги қатордан биров.

Чинданам стадионга келиб, мум тишлаб ўтирсанг, ўзингни элдан орқада қолгандек сезар экансан. Шу боисдан бўлса керак, оғзига талқон солиб келган одамгина ўйинга мухлислик қилмаслиги мумкин. Аввало, стадион ўзимизники, команда ўзимизники... Рақиб... Аттанг, рақиб ўзимизники эмас-да, аллақандай хўжаликнинг ёлланма командаси у. Агар командамиз фақат ўзи билан ўзи ўйнагандайди, биз ўлақолсак бунақа мухлислик қилиб ўтирмас эдик.

"Амударё" мамлакат биринчилиги иккинчи лигасида уч-тўрт йилдан бери ўйнайди, ўйнаганда ҳам чемпионликка навбатда турганларнинг энг охири... э-э, охиридан биринчи демокчи эдим. У ўзимизнинг майдонда ё ютади, ё тенг ўйнайди. Рақиб майдонида эса ё ютқазиб, ё дуранг бўлиб қайтади. Жуда қўнгилчан йигитлардан танлаб тузилганда бизнинг команда! Жон куйдириш нима, билишмайди. Масалан: ўзимизнинг стадиондаги ўйинда "Амударё" гол урса, ўйинчиларимиз бориб, рақиблардан кечирим сўрайди, у рақиб майдонида йигитларимиз ўз дарвозасига ўзлари тўп ўтказиб юборса ҳам, рақиблардан кечирим сўраб, тиррақилик қилаётган бўлса-да, "Амударё" зўр бериб ўйнамаса-да, биз, чиллашир мухлислар зўр бериб гувлаймиз!

Агар бизлар қўллаб-қувватлаб, мухлислик қилмаганда, командамиз ютқазиш бўйича жаҳон чемпиони бўлиши турган гап эди. Агар биз, мухлислар бўлмаганда, "Амударё" рақиблари билан ўйнамаёқ дурангга рози бўлар эди. Шу сабаб, ўзимизнинг стадионда "Амударё"нинг ўйинларини қолдирмай кўраман. Ҳар келганда овозим хириллаб қолмасин, деб термосга кўк чойни дамлаб опкелиб, ҳўплаб-ҳўплаб, қичқира бераман:

– Қани, "Амударё!" Қани, йигитлар, олға! Теп энди тўпни!

Аттанг, "Го-ол!" деган сеҳрли сўзни гоҳи-гоҳида айтамиз-да. Командамиз гол уролмаса, нимаям деб бақирасан.

Ана, рақиб команда ҳужумчилари бизникилар томон келишяпти. Улар

Ўрозбой АБДУРАҲМОНОВ – 1949 йилда туғилган. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУ) журналистика факультетини битирган. У "Бир муҳаббат тарихи", "Қорақалпоқ дунёси", "Қўшнилар", "Оролим – дардим менинг", "Чангалзор пайғамбари ҳалокати", "Ўжарлар", "Танланган асарлар", "Орол қандай қуриди?" каби китоблар муаллифи.

ҳимоячиларимизни алдаб ўтиб, тобора яқинлашиб бормоқда... Эҳ, бечора дарвозабон! Бундай аянч манзарани кўрмайин, дея кўзларимни чирт юмиб олдим.

– Го-ол! – деб бақирди биров ортимдан.

"Ие, ким экан у? Жин-пин чалганми, ё рақиб томоннинг мухлисими? Ким бўлсаям отасининг гўрига..."

– Го-ол, – деб бақирди яна ўша овоз бироз вақт ўтиб.

– Оғзингга қум тўлгур! Ўчир унингни, эй! – деб бақирдим мен ҳам. Гаплари юракка қамчидай ботиб, жон томирларим уюшди.

– Э, оғзинг ёмон еридан тешилсин!

– Ув, овулингга бориб қичқирасан, бемаъни!

– Тит-питингни чиқарайми турган еринг да!

– Сотқинни итга ташлаш керак!

Аста бурилиб қарасам, "сотқин" деганлари овулдошимиз Тўребек! У хода ютгандай қаққайиб, оёқларини типирлатиб, "Амударё"нинг дарвозасига тўп ўтганига ўзида йўқ шод эди. Қолган томошабинлар бу "довдир"га еб юборгудай бўлиб қараб, сўкинишяпти. Икки йигит билагини шимариб, Тўребекни ҳиппа бўғиш учун тишлаб боряпти. Бир-икки киши ҳай-ҳайлаб уларни тўхтатди. Шундай бўлса-да, Тўребекнинг ён-атрофидагилар уни "еб қўйиши" ҳеч гап эмас эди.

– Ҳей, Тўребек, нима бўлди сенга, жин урдими, соғмисан ўзи? – дедим олтмиш етти қатор беридан.

– Ўзингни урсин ўша жин, ютқазишимизни истайман, тамом, – деди у пинагини бузмай.

– Ҳе уруғ-аймоғинг билан... – деб мушт ўқталди бояги икки йигит.

– Ўқраймаларинг бунақа, ҳозир милиция чақираман, – деб бақирди Тўребек уларга. – Стадионда қайси командага ён босаман, ўзимнинг ишим...

Атрофдагиларга майдондаги ўйиндан ҳам қизиқроқ текин томоша топилди. Ҳаммамиз Тўребек билан чалғиб турганда, рақибларимиз бизнинг дарвозага яна битта гол уришди. Тўребекнинг бир кўзи ўйинда экан, у яна "Го-ол", деб қичқирди ва қувонганидан қарсак чалиб, ирғишлади. "Ичволганми бу ўзи, эси жойида одам "Амударё"ни ютқазсин, дейдими?" деб ўйладим-да, ўрнимдан туриб, одамлар орасида ур калтак-сур калтак бўлиб кетган бечора овулдошимни айириб олиш учун кўзғалдим.

– Қўйинглар, йигитлар, бу бечоранинг ҳам бола-чақаси бордир? Мен ўзим бир гаплашиб қўяман, – деб ҳар тарафдан ёпирилаётганлар орасидан Тўребекни олиб чиқиб кетдим. Бизлар майдон ёқалаб стадиондан чиқишимиз билан ўйин ҳам тугаб, Тўребек ният қилгандай "Амударё" навбатдаги мағлубиятга учради. Томошабинларнинг ғазабига учрамаслиги учун Тўребекни тезладим.

– О, жуда яхши бўлди ютқазгани! А, жўра, уйга бориб бир ювайлик, шу баҳона биззи кулбаниям кўриб кетасан, – деди Тўребек тирсагимдан тортиб.

– Ҳовли қаерда?

– Ҳув анави ерда! Ҳув пахса деворни ёқалаб бориб, муюлишдан бурилсак, бизнинг кулба-да!

Йўл-йўлакай Тўребекнинг стадиондаги қилғилиғини ўйлаб ўйимга етолмасдим. Унинг эса парвойи фалак, мағлубиятимиз унинг байрамидек эди гўё.

– Ўзинг биласан, дўстим, овулбезори бўлиб, кўп қизиқ нарсалардан йирок эдик. Шу футбол деганларини илгари туш кўрувмидик? Мана, келдик, кўрдик.

– Тўхта, жўра! Ўзи нимага ирғишлаяпсан? Ё у командада қайни-майнинг ўйнайдими?

– Йўқ! Бунинг бошқа сабаби бор. "Амударё" ким билан ўйнайди, мени қизиқтирмайди. Ютқазса бўлди. Сабабини уйга бориб, чой устида бафуржа айтиб бераман.

Бизлар стадионнинг орқа томонига тақаб қурилган уйга кирдик. Уй бўлгандаям

қандай уй денг, гунгирлаган тўрт хонали, деворлари бўялган, мисоли боғи эрам, узумларини емаёқ тўясан...

– Мана, биззи бошпанамиз! Хотин, ҳей хотин! Тезроқ тўшакнинг қалинидан ташла. Биз ютдик, бир маза қилиб чой ичайлик!

Жойлашиб ўтирволиб, дуои фотиҳа қилиб, чойхўрликка киришдик. Овулдошим бўлсаям, унинг бу хурмача қилиқларидан кўнглим хира тортган эди.

– Эй, Тўребек, сабабини айтмоқчи эдинг шекилли, томоғинг йиртилгудай қичқираётганингни?

– Манавиндан оз-оз отайлик, кейин ҳаммасини тушунтириб бераман.

Эллик граммдан тўкиштириб олдик.

– Шунақа қилиб, жўра, рақибларга бўлишганимга ҳамма қатори сенам ўпкаладинг, а?

– Ўпка-гинани айтасан, очиқроқ жой бўлганда, менам бўлмаганимда, сени бироз таниёлмай қоларди.

– Мен, дўстим, ўзимизнинг "Амударё"ни сизлардан кам яхши кўрмайман. Фақат шу ўзимизнинг команда ютқазса дейман!

– Сен, жўра, дўхтир-пўхтирга кўринишинг керак экан...

– Дўхтирингни нима қиламан? Тани-жоним соғ, иштаҳам соз. Хўп, менинг сўзимни бўлмай тур. Шундай қилиб, дўстим, бошидан бошлайин. Мен шаҳарга келгандан кейин, бир ерни режа қилиб, янги иморатнинг пойдеворини солдим. Ўша йили эсон-омон биткариб, ижарадаги катакдай ҳужрамдан лаш-лушларни олиб, энди кўчиб ўтганимда, темирйўл бошкармасининг одамлари келиб, "Биродар, лойиҳа бўйича шу уй устидан темирйўл тушиши лойиҳалаштирилган. Икки ой ичида бу ердан кетишингизга тўғри келади", деди.

Қанча меҳнат қилиб, қанча заҳмат чекиб, биткарган уйингга энди кўчиб киганингда бунақа деб турса! Мен у ёқ, бу ёққа закунлашиб кўрувдим, бўлмади. "Янги жой берамиз, агар хоҳламасангиз, пулини берамиз", дейишди. Ахийри, уларнинг берган пулини олиб, бошқа жой изладим (Уларнинг кўрсатган жойи кўнглимга ўтирмади). Хуллас, шу стадионнинг орқаси менга маъқул келди...

– Буларнинг футболга нима алоқаси бор?

– Мунча шошасан, бир бошидан айтиб беряпман-ку... Хуллас, дўстим, бурунги кўҳна жойни аста-секин бузиб, ўрнига шу янги иморатни тикладим-да, қариндошуруғни чақириб, уйтўй бераётувдим, пўрим кийинган тўрт киши кириб келди. Мен аввалига уларни "қайним"нинг юртидан келган нозик томирларимиз бўлса керак, "Қутлуғ бўлсин"га келганга ўхшайди, деб ўйлаб, пешвоз чиқдим. Кейин билсам, улар стадионнинг одамлари экан.

– Иним, уйлар қутлуғ бўлсин, – деди уларнинг ёши каттаси.

– Барака топинглар, келганингиз яхши бўпти.

– Қиёмат куни қўшнидан, деган гаплар бор. Яқиндан танишайлик, яқин бўлиб кетармиз, – деди оқсоқол.

Томошанинг зўри кейин бошланди. Улар тўйнинг эртаси куни яна келишди. Келгани қурсин, кечаги ёши каттаси қўлидаги стадионни кенгайтириш бўйича катта лойиҳани дастурхон устига ёйиб ташлади.

– Мана, иним, яқин йиллар ичида, "Амударё" командамиз барча командаларни ютаверса, хуллас калом, биринчи лигага чиқиб олса, томошабинларнинг сони орта борса, ҳозирги ўн минг ўринга сиғмай қолиши мумкин. Демак, командамизнинг куни туғаверса, биз стадионни қирқ минг одам сиғадиган қилиб кенгайтиришимиз лозим. Ана шунинг учун, стадион атрофидаги уйларни кўчиришни эслатиб юрибмиз. Еган оғиз уялар, кеча тўйингда ўтириб, буларни айтишни ўзимизга эп кўрмадик. Бу ёғи энди маълум, бу омонат иморат ёнидан яна бирон нима солиб юрма, барибир бу атрофлар бузилиб, стадион бўлади.

– Э, бу нима деган гап? Энди жойлашдим деганда... Пешонамга нуқул бузиладиган ерлар ёзилганми?! Бурунги солган уйимниям роҳатини кўрмовдим. У ердан темирйўл ўтказилди, энди буни сизлар бузмоқчисиз, – дедим кўнглим бузилиб.

Зое кетган пешона теримга ачиниб, ўзимдан-ўзим хўрлигим келди.

– Қўй, иним, биз эртага бузилади, деяётганимиз йўқ! Агар, "Амударё" биринчи лигага чиқса стадион кенгайиши мумкин. Демак, бу жойларнинг тақдири командамиз қўлида. Агар усти-устига ютқазаверса, иккинчи лигадан ҳам чиқиб кетиши мумкин. Қўй, қайғуришга ҳали эрта, – деб тасалли берди ёши улуғи.

Тўребек дардини дастурхон қилиб, оғир сўлиш олволди.

– Мана, қадрдон, менинг футболга "ишқибозлигим" тарихи. Шундан бери, "Амударё"нинг ютқазишини Худодан сўрайман. Командамиз ростданам ютиб, олий лигага чиқиб кетса, уйимиз бузилади, деб ўйлаб, рақиб команда тарафини ола бошлаганимни ўзимам билмай қоламан.

– Ҳа, "Ютқазсин", деб тавалло қилганинг иш бермаяпти-ку. Аста-секин биринчи лигага ўтиб кетиши мумкин.

– Э-э, қайдам, – деб бошини чайқади Тўребек. – Бу йилги мавсумни олайлик. Яхши ўйнай бошласа, мен таътил олиб, ўйинчиларнинг, тренерларнинг қадамини пойлайман. Хуллас, бир қўй сўйиб, барини уйга чақираман-да (ўзинг биласан, командамизнинг бари ўйинчилари деярли бошқа шаҳарлардан келиб ўйнашади) яхшилаб меҳмон қилиб, "Хў-ўш, йигитлар, аҳвол шундай, шундай... уй бузиладиган", дейман. Қарабсизки, бизнинг "Амударё" мавсумнинг қолган ўйинларининг барчасида ютқазиб, менинг жонимга ора киришади. Баъзи бир узоқдан келган чапдаст ўйинчиларнинг бир-иккитасига "Йигитлар, шу-у... бола-чақадан узоқда, мусофирчиликда тўп тепиб юргунча, ўз ўчоқбошингизда оила нашидасини суриб ўтирсангиз бўлмайдими", девдим, айтганимдай қилиб, мавсум оёқламаёқ уй-уйларига кетиб, командамиз яна ютқазишни бошлайди. Айтмоқчи, дўстим, бу айтганларимни зинҳор-базинҳор бировга айта кўрма, уввало, ҳаммамиз шарманда бўламиз. Айтмоқчи, "Амударё" бугун қайси команда билан ўйнади?

– "Бўстон" билан.

– А-ҳа, шу "Бўстон"га ўхшаганлар ютаверса, вақтимизам чоғ бўларди.

– Стадионни кенгайтамиз, дейишса, барибир кенгайтиришади-ку, – дедим мен унинг сўзини бўлиб.

– Кенгайтмайди, дўстим, кенгайтмайди. Эшитишимча, катталардан биттаси стадионга тақаб иморат солармиш! Қурилиш бошлангунча, биздан бир пуф: бақириб тураверайлик-чи!

Тўребек жим бўлиб қолди. Ўтириб-ўтириб, командамизга ачиниб кетдим.

24–27 апрель кунлари Қирғизистон пойтахти Бешкек ҳамда Ўш шаҳарларида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси, Ўзбекистоннинг Қирғизистондаги элчихонаси ҳамда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳамкорлигида "Ўзбек-қирғиз адабиёти – дўстлик адабиёти" мавзусидаги учрашувлар бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзолари Аҳмаджон Мелибоев ва Сирожиддин Рауф фаол иштирок этди.

Тадбир Бешкек шаҳридаги Қирғизистон давлат филармониясининг залида ижодкор зиёлилар, миллий-маданий марказлар фаоллари, таниқли давлат ва жамоат арбоблари, Қирғизистон Республикаси Жоғорқи Кенеши депутатлари, дипломатик корпус вакиллари, оммавий ахборот воситалари раҳбарлари иштирокидаги нуфузли йиғин билан бошланди.

Делегация аъзоси Аҳмаджон Мелибоев икки мамлакат ўртасидаги маданий-маърифий алоқаларни, адабиёт ва санъат соҳасидаги ижодий ҳамкорликни кучайтириш борасида Ўзбекистонда амалга оширилаётган ишлар, жумладан, Ўзбекистон Президентининг қарорига биноан буюк ёзувчи Чингиз Айтматов таваллудининг 90 йиллигини мамлакат миқёсида кенг нишонлаш борасида кўламли ишлар амалга оширилаётгани, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида "Чингиз Айтматов ва Ўзбекистон" доимий экспозицияси фаолият юритаётгани тўғрисида сўзлаб берди. Бу маълумотлар Қирғизистон жамоатчилиги, олимлар, ижодкорлар ва маҳаллий матбуотда жиддий қизиқиш уйғотди.

Қирғизистон Республикаси ҳукумати қошидаги Қирғизистон халқи ассамблеясида ўтказилган учрашувда иштирокчилар икки мамлакат ўртасида яхши қўшничилик борасидаги Ўзбекистон ташаббусини маъқулладилар. Тадбирда "Шарқ юлдузи" ва "Ала-Тоо" журналларининг махсус сонларини ўзбек ва қирғиз адабиёти намуналари асосида чоп этишга келишиб олинди. Шунингдек, Ўш вилоят губернаторлиги ва Ўш шаҳар мериясидаги қабул маросимлари ва Ўш давлат педагогика университети, шаҳар марказидаги ўрта мактабда ўтказилган тадбирларда иштирок этган ижодкор зиёлилар, олим ва санъаткорлар икки қўшни мамлакат ўртасида йўлга қўйилган ижодий дўстликни алоҳида эътироф этдилар.

Сафарнинг сўнгги куни Ўшда фаолият олиб бораётган "Интимоқ" ("Тотувлик") телестудиясида бугунги ўзбек адабиёти, мамлакатимизда ижодкор ёшларга берилаётган эътибор ҳақида суҳбат ўтказилди.

* * *

Буюк турк шоири Юнус Эмронинг "Нечун йиғларсен, эй булбул?" номли шеърий китоби (Тошкент, "Ўзбекистон", 2018) чоп этилди. Қарийб етти аср илгари битилган турк шеърияти гўзал намуналарининг ўзбекча жарангини ўзида акс эттирган ушбу тўплам юртимиз маданий ҳаётида муҳим воқеа бўлди.

Юнус Эмро XIII аср ўрталари – XIV аср бошларида яшаб ижод этган. Гарчи улуғ шоирнинг ҳаёти ҳақида аниқ маълумотлар жуда кам бўлса-да, тили содда, услуби равон шеърлари туркий халқлар орасида, бутун Шарқда етти асрдан буён севиб мутолаа қилинади.

* * *

9 май – Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан Ўзбекистон Қаҳрамони, халқимизнинг ардоқли шоири Абдулла Орипов шарафига Қарши шаҳри, Эл кўчаси, 3-уй олдига хотира лавҳаси ўрнатилди. Кўп йиллар мана шу манзилда устоз адабиёт мухлислари, шогирдлари, вилоятдаги ижод аҳли билан учрашувлар, ижодий суҳбатлар ўтказиб келган эди.

Тадбирни Қашқадарё вилояти ҳокими Зафар Рўзиев очиб, атоқли шоирнинг ибратли ҳаёт йўли ва адабий мероси ҳақида сўзлади. Шунингдек, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари Минҳожиддин Ҳожиматов ва устознинг қариндошлари, дўстлари, ижодкорлар сўзга чиқишди. Ижод мактаби ўқувчилари шоир шеърларидан намуналар ўқидилар.

Тадбирда шоирнинг рафиқаси Ҳанифа Орипова, фан докторлари, профессорлар – Абдураззоқ Орипов, Абдураҳим Эркаев шоир ҳақидаги хотиралари билан ўртоқлашдилар.

* * *

12 май куни Қозоғистон ёзувчилар уюшмаси раиси Улуғбек Эсдаулет бошчилигидаги бир гуруҳ ижодкорлар Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасига ташриф буюришди.

Шу муносабат билан Ўзбекистон ва Қозоғистон ёзувчилар уюшмалари вакиллари, шоир ва ёзувчилар, тарихчи ва педагог олимлар, Ўзбекистон қозоқ миллий-маданий маркази вакиллари иштирокида дўстона ҳамкорлик учрашуви бўлиб ўтди.

Тадбирда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва Қозоғистон Ёзувчилар уюшмасининг халқларимиз адабиёти бугуни ва келажаги йўлида амалга оширилиши лозим бўлган ишлар белгилаб олинди.

* * *

14 май куни ўзбек адабиётининг машҳур намояндаларидан бири Ғафур Ғулом таваллудининг 115 йиллиги муносабати билан адибнинг уй-музейида шоирнинг қадрдонлари, шогирдлари ва адабиёт ихлосмандлари иштирокида йиғилиш бўлиб ўтди.

Тадбирда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Сирожиддин Саййид, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али, Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби Иброҳим Ғафуров ва бошқалар иштирок этиб, Ғафур Ғуломнинг ўзбек адабиётида тутган ўрни ва самарали ижоди ҳақида фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Тадбирда Ғафур Ғулом шеърлари ва шоир ижодидан айтилган қўшиқлар ҳофизлар томонидан куйланди.

Йиғилиш сўнгида Ғафур Ғуломнинг қизи, таниқли адиба Олмос Аҳмедова сўзга чиқиб, отаси ҳақидаги хотираларини ёдга олди.

* * *

2018 йил 14 майдаги Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан, Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов номини абадийлаштириш, шоир издошларини кашф этиш ва уларнинг ўз истеъдодларини кенг намоён қилишлари учун шарт-шароитлар яратиш мақсадида Марғилон шаҳрида Эркин Воҳидов номидаги она тили ва адабиёти фанини чуқур ўқитишга ҳамда хорижий тилларга ихтисослаштирилган мактаб-интернат ташкил этилди.

* * *

25–26 май кунлари Наманган вилояти ҳокимлиги ҳамда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳамкорлигида Бобораҳим Машраб таваллуд кунига бағишлаб "Машрабхонлик тадбири" ва тадбир доирасида "Адиблар хиёбони"нинг очилиши бўлиб ўтди. Тадбирда вилоят ҳокими Хайрулла Бозоров, уюшма аъзолари Ҳумоюн Акбаров ва Сирожиддин Рауф иштирок этиб, қатнашчиларга мумтоз ва бугунги ўзбек адабиёти, мамлакатимизда ижодкор ёшларга берилаётган эътибор ҳақида маълумот бердилар.

Тадбир Наманган давлат университетида ўтган илмий-амалий анжуман билан давом эттирилиб, Тошкентдан ташриф буюрган меҳмонларнинг тегишли мавзудаги маърузалари тингланди.

МУНДАРИЖА

ДУРДОНА

Қул УБАЙДИЙ. ...Ул париваш васлини қилғил хаёл. 4

НАЗМ

Саъдулла ҲАКИМ. Ҳаёт мактубини битар шивирлаб. 42
Жаҳонгир ИСМОИЛОВ. Жилға тимсолида улуғ ҳикмат бор. ...48
Минҳожиддин МИРЗО. Қуёш юрагимга сочди тафтини. 67
Гўзалой СОЛИҲ қизи. Баҳорни севаман. 72
Даврон РАЖАБ. Кўнгил яна куй истайди. 77
Сафар ОЛЛОЁР. Истарангда ойнинг рухсори. 82

НАСР

Ҳуршид ДЎСТМУҲАММАД. Ёлғиз. Қисса. 8
Абдураҳим ЭРКАЕВ. Абдулла Орипов феномени. Эссе. Охири. ...52
Саидвафо БОБОЕВ. Халоскор хабар. Ҳикоя. 74
Бахтиёр АБДУҒАФУР. Султон Жалолиддин Мангуберди. Роман. Давоми. Бошланиши ўтган сонларда. 86
Элбек ШОЙИМ. Митти ҳикоялар. 156

КЎНГИЛ МУЛКИ

НАСРУЛЛО. Момо ҳаводан қолган мерос. 124

БУЛОҚ КЎЗ ОЧДИ

Ҳусан МАҚСУД. Ватан бўлсин кўзларинг сенинг. 128

МУЛОҚОТ

Асад ДИЛМУРОД, Дилноза ТЎРАЕВА. Инсоннинг қалби энг гўзал тимсол. 130

ТАДҚИҚОТ

Ҳалим САИДОВ. Янги адабиётимизга хайрли ёдгорлик. 136

АДАБИЁТШУНОСЛИК

Мустафо БОЙЭШОНОВ. "Ишқ эмасми асли ҳаёт маъноси?.."..140

БИР ДАРАХТ НОВДАЛАРИ

Фотима МИРЗАБОЕВА. Ширин хаёлларим битмади ҳали. ...147

ИЖОДИЙ КЕНГАШЛАРДА

Марҳабо ҚЎЧҚОРОВА. Янги адабиёт назарияси зарур. 151

ЁДНОМА

Содиқжон ИНОЯТОВ. Устозим, ота қадрдоним. 160

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

Евгений ЕВТУШЕНКО. Шуурим неларни хотирламоқда. 166

ГУЛҚАЙЧИ

Ўрозбой АБДУРАҲМОНОВ. Ютказаверайлик. Ҳажвия. 170

Адабий хаёт. 174

Шарқ юлдузи

2018

5-сон

Муассис:
ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

* Муаллифлар фикри таҳририят ижодий жамоаси нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин. Таҳририятга юборилган материаллар муаллифларга қайтарилмайди.

Журнал ОАК эътироф этган нашрларнинг 10.00.02 "Ўзбек адабиёти" ихтисослиги бўйича рўйхатига киритилган.

* Журналга обуна даврий нашрларни етказиб бериш билан шуғулланувчи барча ташкилотлар орқали амалга оширилади.

Обуна индекси – 911

Манзилимиз:
100066, Тошкент шаҳри, Бунёдкор шоҳкўча, Адиблар хиёбони, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси биноси.
Телефонлар:
231-23-65, 231-23-66, 231-23-68
www.sharqyulduzi.uz
e-mail: sharqyulduzi1931@mail.ru

Босишга рухсат этилди 26.06.2018 йил.
Қоғоз бичими 70x108 1/16.
Офсет босма усулида офсет қоғозида босилди. Босма табоғи 11,0.
Шартли босма табоғи 15,4.
Нашриёт ҳисоб табоғи 17,2.
Адади 4000 нусха.
Буюртма № 3

Журнал Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 05.02.2016 й. 0562-рақам билан рўйхатга олинган.

"PRINT REBEL" МЧЖ матбаа корхонасида чоп этилди.
Корхона манзили:
Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Ўрозбоев кўчаси, 35-уй.

Журнал ойда бир марта чоп этилади.

Мусаҳҳиҳ:
Дилфуза Маҳмудова

Саҳифаловчи-дизайнер:
Мадина Абдуллаева

Copyright © "Шарқ юлдузи"

Унутилмас лаҳзалар





Пиримқул Қодиров ҳаётидан лавҳалар

Иқтисодиёт 28224с



Гулнора РАҲМОН. Сув бўйида